

# Оловли Юраклар



Originally published in English as  
*Hearts of Fire* by W Publishing Group, a division of Thomas Nelson, Inc.,

© 2003 by Voice of the Martyrs, USA.

All rights reserved. No portion of this book may be reproduced, stored in a retrieval system, or transmitted in any form or by any means—electronic, mechanical, photocopy, recording, or any other—except for brief quotation in printed reviews, without the prior permission of the publisher.

Uzbek edition © 2012

Translated by permission. All rights reserved.



Багишлов  
САБИНА ВУРМБРАНДга,  
Азоб чекканлар овози.  
АЗОБ ЧЕККАНЛАР ОВОЗИ





## Кириш

Мендан бу китобга кириш қисмини ёзишни сўрашганларида, мен бунга лойиқ эмасман деб ўйладим. Мен ўзимни ўз имонида маҳкам бўлган аёллар билан солиштира олмайман.

Мен уларга Худо томонидан берилган мардлик ҳақидаги ажойиб ҳикоясини ўқидим ва уларнинг хис-туйғуларини тушундим. Ўша менинг эрим Мартин ва мен Филиппин ўрмонларидағи Абу – Сайяф террористик гурӯҳ қўлида асирикда бўлган йилимиз (2001 май ойидан 2002 йил июнгача), мен ҳам жуда умидсизликка тушган эдим, ҳатто ўлишни хоҳлагандим. Менда ўйим йўқ эди, оч қолгандим... аммо мени озод қилишлари биланоқ, яна нисбатан енгил ҳаётга қайтишимни билардим. Энди эса мен Америкада, чиройли ўйимда яшаяпман, менда овқат етарли ва қўллаб-қувватлаб турадиган гурӯҳ бор – айни пайтда эса бу аёллар худди Масихнинг содиқ жангчилари каби қийинчиликларни бошдан ўтказицда давом этмоқдалар.

Шунинг учун, иссиқ ванна қабул қилганимда ибодат қиласман. Мен сўзга чиқиш учун тайёргарлик кўриб, юзимни бўяганимда ва сочимни тараганимда, ибодат қиласман. Болалар учун нимадир қилганимда ибодат қиласман. Жамоатга келиб, умид берадиган бир плакатни ўқиганимда, мендагидек «инфраструктурага» эга бўлмаган одамлар учун ибодат қиласман. Азоб чекаётганлар учун ибодат қиласман, чунки Исо Масихга ишонишадилар, ўзини ёлғиз деб ўйлайдиган ва барибир ўз имонида содиқ қолаётганлар учун ибодат қиласман.

Мен ўзим учун ўрмонда қандай ибодат қилган бўлсан, улар учун ҳам худди шундай ибодат қиласман: «Раббим, улар

билин бирга эканингни ҳис қилишлари учун ёрдам бер. Ҳатто вазият янада ёмонлашиб бораётган бўлсада, Сенга содик қола олишлари учун кўмак бер. Улар ёлғиз эмасликларини билишлари учун, уларга Ўз яхшилигингни кўрсатгин. Охирида: мен билан Сен у ерда бўласан».

Оҳ, кани бу китобни ўқийдиган хар биримиз, ҳатто қулайлик ва эркинликдан воз кечиш керак бўлса ҳам, Худо бизни қанчалик мухим хисобласа, шунчалик ишлатиши учун ўзимизни багишиласак эди. Эҳтимол бизни Исога ишонганимиз учун калтаклашадиган ва ҳатто ўлдиришадиган кун ҳам келиши мумкин. Келинглар, бу оддий аёлларнинг мардлигидан ўрганайлик.

Худо биз чидашимиз мумкин бўлганидан ортиқ синов бермайди. У бизларга синов бериши билан бирга, ундан ҳамма нарсани олиб чиқиш учун йўл ҳам кўрсатади (бизга керакли ҳамма нарса билан бизни таъминлайди). Худо ҳамма нарсани яхши қилишига ишонаман. Инсон эса – бундай эмас. Биз бу чиройли дунёни вайрон қилдик. Агар бу дунёда қандайдир яхши нарса бўлса, демак у Худодан.

Унинг Ўз режаси бор. Ва У – Шоҳ. У вақтни белгилайди ва ҳамма нарсани янгилайди. Ўша пайтгача хар биримизга худди бу аёллар сингари Худо учун яшашда куч ато этсин. У бунга лойик.

*Грации Бурнэм:  
«Менинг душманларим ҳузурида»  
китоби муаллифи.*



## Миннатдорчилик

«Азоб чекканлар овози» ташкилоти номидан биринчи марта бу лойихага кўл урганимизда, бизга бутун бир гуруҳ кераклигини билардик.

Энг аввал бизга ўз гувоҳликлари билан бўлишишни хоҳлай-диган аёллар керак эди. Уларсиз китоб бўлмас эди ва биз уларга чин юракдан миннатдорчилик изхор қиласиз.

Хар бир боб устида (Сабина Вурмбрандинг бобидан ташқари) жуда кўп одамлар ишлади, айрим бобларни таржима қилиш керак эди. Ҳикояларнинг катта қисмини эшитиш учун, учрашишга яширин жой топиш ва хавфсизлик хақида қайгуриш керак эди. Шубҳасиз, «Азоб чекканлар овози» журнали ишчилар гурухи ва ходимларининг қўллаб-қувватловисиз, биз ўз мақсадимизга эриша олмаган бўлардик. Уларни хавф остига қўймаслик учун, биз уларнинг қўпчилигини исмини айтмаймиз. Аммо биз бўлган мамлакатда ёрдам берган ҳар бир одамга ўз миннатдорчилигимизни изхор қилмоқчимиз.

Ижодий жараёнда бизга ёрдам берган ва Аида ва Мей хақидаги бўлимлар учун материал йиғишида ёрдам берган, «Азоб чекканлар овози» ташкилоти раҳбари Том Уайтга алоҳида миннатдорчилик билдиromoқчимиз. Томнинг етакчилиги ва бугунги қувгин қилинаётган жамоатларнинг овози бўлишда узоқни кўра олиш қобилияти бебаҳодир.

Тодд Неттлетон («Азоб чекканлар овози» ходими) ва Сью Энн Жонслар бизга ёзишда ва таҳрир қилишда ёрдам бердилар. Сиз бизларга бебаҳо ёрдам кўрсатдингизлар. Раҳмат сизларга.



Қувғинлар ва имонимиздаги бошқа қўпол қўринишлар мавжуд бўлган лойихани қўллаб-қувватлаш ҳар доим хам осон эмас. Аммо Грэг Даниэл ва W Publishing Group даги бир гурӯҳ инсонлар бу ажойиб мардлик ва қатъиятлилик ҳақидаги ҳикояни босиб чиқаришга ёрдам бердилар. «Оловли юраклар» китоби пайдо бўлгани учун сизларга катта раҳмат.

Кўп кечалар, дам олиш кунлари ва чет эл саёҳатлари пайтида ўз онаси ва отасидан бажонидил «воз кечгани» учун болаларимиз Жордану ва Эленга алоҳида миннатдорчилик билдиримоқчимиз. Биз бу ҳикоялар сизнинг имон асосингизнинг бир қисмига айланиши учун ибодат қиласиз.

*Стив и Жинни Клиэри.*

# Кириш:

## Мард ва содиқ юрак

Ўғирладилар, калтакладилар, қамоқхонага ташладилар. Бугунги кунда дунёning кўпчилик қисмида бу сўзлар масиҳий тушунча билан бир хил маъно англатади. Бу жойларда масиҳий аёллар учун яна бир қийинчилик мавжуд:

уларга ижтимоий ёрлиқ осилган, улар худди етакчилик қилишга қодир бўлмаган ва уларга паст табақали одамга қарагандай қарашадилар – уларни эркаклар назорат қилишлари ва йўналтириб туришлари керак.

«Оловли юраклар» – бундай вазиятга қарамасдан, Исо Масиҳга ва Унинг жамоатига нисбатан ақлга сифмайдиган даражада мардлик, садоқат ва севги кўрсатган саккизта аёл ҳақидаги ҳикоя қиласиди. Энг қийин вазиятларда улар етакчиларга айландилар, курашларни мардлик билан кутиб олиб, хаддан зиёд жасорат ва қатъиятлик кўрсатдилар.

Факат қийинчиликлардагина уларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқи бор эди, ҳатто айрим вазиятларда улар кўпроқ қийинчилик кўришган.

Имони узун қувғин қилинаётган, масиҳий аёллар гувоҳлиги китоби ҳақида биринчи марта ўйлаганимизда, биз жуда кўп қийинчиликлар билан дуч келдик. Энг аввало биз бу гувоҳликлар бизнинг замондошларимизнинг гувоҳлиги бўлишини хоҳлаган эдик. Бунинг учун биз ҳозирги пайтда бу аёллар яшаётган ва кўпчилик вазиятларда, жумладан ҳозир ҳам таҳдидлар билан юзма-юз келаётган мамлакатларга боришимиш керак эди. Биз шунингдек нафақат ўзлари азоб чеккан, балки етакчилик қобилиятини намоён этган аёлларни таништирмоқчи эдик. Ва

ниҳоят, ҳамма қайгули ҳикоялар, оғриқлар ва азобларлардан ташқари, бизга далда берувчи тебранмас умид эгаларининг ва қандай қилиб бу аёллар энг қийин вазиятларда ҳам Масихнинг севгисига йўл топа олгани хақидаги мисолларни таърифламоқчи эдик.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳикоялари «Оловли юраклар» китобида таърифланган аёллар, бу бутун дунёда бундай вазиятлар билан тўқнаш келаётган сон-саноқсиз аёллардан фақатгина айримлари холос. Биз масихийларни қувғин қилаётган ҳар хил жойлардаги ва шахсан учрашишга муваффақ бўлган аёлларнигина танладик. Биз сухбатини олган аёллар, одатда бизга ўзларидан кўра бошқалар яхшироқ номзод бўлишини, чунки уларнинг ҳикоялари бундан кўра қайгулироқ эканини айтишар эди. Улардан ҳеч бири ўзининг ҳикояси – масихийча қаҳрамонликнинг ажойиб намунаси деб айтишни хоҳламади.

Бу ҳикоялар ҳар хил. Бу аёлларнинг айримлар кўп йиллар қамоқда ўтирган, бошқалари эса қамоқда бўлмаган, лекин ҳар хил қийинчиликларни бошидан кечиришган. Бу аёллар ҳар хил ёшдаги, ҳар хил диндаги аёллар – масихийликдан тортиб исломгача, индуизмдан тортиб атеизмгача. Шуниси ажойиб эдик, бу аёлларнинг барчаси ягона нарсада ўхшаш эдилар: яъни, уларнингбарчасида инсоний заифликларни енгиб ўтишга ва чидаб бўлмайдигандек туюлган қийинчиликларга чидашга ёрдам бера оладиган чуқур художўй эътиқодлари бор эди.

Сизлар «Оловли юраклар» китобини ўқиб чиқиб, ўз имонингизда янада мустаҳкаланишингиз ва қатъиятлик билан ҳаётий қийинчиликларни енгиб ўтишингиз учун ибодат қиласиз. Агар сиз бу гайриоддий ҳикояларни ўқиб чиқиб, фақатгина ҳайратлансангиз, демак биз ўз мақсадимизга эришмадик. Агар сиз ўз ҳаётингизда бу ҳикояларга ўхшаш нимадир топа олсангиз ва гайриоддий жасорат ҳақидаги бу мисоллар сизга куч ато қиласа, демак биз ҳам худди ўша ўз ҳаётидаги ҳикояларни сиз билан бўлишган аёллар каби ўз мақсадимизга эришган бўламиз.

Биринчи марта бу лойихага қўл урганимизда, биз ҳар бир бўйлимдан кейин қисқа диний цитаталар келтиришни режалашиб тирган эдик.

Аммо ҳикоялар ёзиб бўлинганидан кейин қарасак, улар керак эмаслигини тушундик. Ҳар бир гуҳовлиқда имоннинг қимматбаҳо марваридларини ва Муқаддас Рух кучини кўрасиз. Биз ишонамизки, сиз «Оловли юраклар» китобини ўқиб, уни бирга хис қилганингизда, бу сифатлар сизнинг шахсий ҳаётингизда олов учқунлари пайдо қиласди.

*Азоб чекканлар овози.*





# Адель:

## Даҳшатлар ичидағи...

### умид

Индонезия.  
2000 йил 10 январь,  
дүшанба, әрталағ  
соат 5.00



Шамолда тебранаётган пальманинг сояси тагида, Адел тахминан элликтә болаларни йигди. У баланд овоз билан: «Масихнинг жангчилари олға» – деб күшик айтишни бошлади. Болалар унинг ашуласига кўшилишни бошлаганда, Адел уларнинг кўзидағи кўрқувни кўрди.

«Мен ўлишни хоҳламайман» – деб қичқирди болалардан бириси. У чамаси ўн ёшга ҳам кирмаган эди.

«Биз ўлмаймиз. Биз билан бирга қарсак чал» – деди, у бола эшитиши учун, энгашиб Адел.

Кўрқкан болакай унчалик ҳам истамасдан бошқалар билан кўшик куйлашни бошлади. Улар титраётган қўллари билан қарсак чалиб, яна бир ашулани айтишдилар. Адел улардан бир мил узоқликдаги масофадан, тоғнинг пастки қисмидан тепасига эшитилаётган даҳшатнинг ҳайқиригини ўзининг баланд овози билан енгишга ҳаракат қиласди.

У шундай қилиши керак эдики, болалар, айниқса катталари йигламаслиги керак эканлигини билар эди. Агар улардан бири йиглашни бошласа – у холда оммавий йиги бошланади. Адел уларнинг мардлигига қойил қоларди. Ҳатто болаларнинг атрофига йигилган ота-оналар ҳам ўзларининг мард ўспириларидан куч оларди.

Кўшик куйлаш давом этарди. Адел йигилган болаларга қаради ва ўзининг икки боласини кўрди. Кристина аллақачон ўн ёшда, Кристиано эса етти ёшда эди. «Мен жасоратли бўла оламан» – деб Адел ўзини ишонтирас эди. У чин дилдан Масихга ишонар эди. У ўзининг болалари ҳақида, айниқса ўзининг кичкинаси



«Анто», Кристиан ҳақида хавотирланар эди. У ёшига қараганда ҳали жуда кичкина кўринади.

Адел жим бўлиб ибодат қилар, Худонинг ҳимоясини сўрар ва уйидан қочиб кетганида ўзи билан бирга Муқаддас Китобни олгани учун хурсанд эди. Энди эса уни очиб, ўзига таниш бўлган оятни топиш учун эскирган варакларни эҳтиёткорлик билан вараклай бошлади ва овоз чиқариб: «Мени қўллаб-қувватлаб турган Исо Масихнинг кучи билан ҳар нарса қила оламан»<sup>1</sup> – деган оятни ўқиди. Кейин эса Адел Муқаддас Китобнинг забур кўшиклари ёзилган саҳифасини очди ва бир овоздан яна қўшиқ кўйлашни бошладилар.

Улар қўшиқ айтишар эди, айрим болалар эса ейишни ва ичишни хоҳлашини айтиб, нолий бошладилар. Тушликдан бошлаб улар тепаликда эдилар, энди эса қўёш ботаётган ва осмонни ёруг апельсин ранг қоплаган эди. Бу ерда, кичкина Доди номли индонезия оролида, қуёшнинг ботиши одамда жуда ажойиб таъсурот қолдиради. Аммо бутун гира-шира – уларнинг қишлоғига ёпирилишга тайёр бўлган, ёвуз қоронгулик ҳукм суро бошлади.

Бирданига Метунинг қичқириғи болаларнинг ашуласини бўлди: «Қоч! Адел, қоч!». Адел тепаликнинг бир бурчаги томон отилди ва қоронгуликда ниманидир кўришга ҳаракат қилди. У жуда тик бўлган йўлакчадан тирмашиб келаётган эркакларнинг рангли кўйлакларини зўрга кўриши мумкин эди. Яна Метунинг овози эшитилди. «Болаларни олиб кет, Адел! Тезлаш! Ўрмонга қоч!».

Аммо Адел тепаликкача эшитилаётган ўқ овозини эшитиб, бир жойда қотиб қолди, қоронгу бўлаётган осмондаги тутунни кўрди. Улар бутун қишлоқни ёқиб юбордилар. Ҳамма уйлар ёнаётганини, жумладан унинг уйи ҳам ёнаётганини биларди.

У нима қилишини: тикка йўлакдан тирмашиб келаётган Метуга ёрдам беришни ёки болаларни олиб қочиши билмас эди. Ҳаммаси жуда тез юз берди. Худди шундай тарзда унинг бутун ҳаёти кўз олдига келди. Иккита ажойиб болалари... севувчи эри... ҳаёти яхши эди.

У охирги марта Метуга қаради ва болаларнинг олдига қайтди. Ва ўша заҳотиёқ у беихтиёр равишда онасининг уйи олдида стулда ўтирган ўн етти ёшли қайсар ўспиринликни эслади...

## Ҳозир фақат Ҳудо сизларни ажратиши мумкин

*1989 йил, июль ойи.*

«Ойи, у маймунга ўхшайди!» – деди Адел, ошхонанинг эшигидан хонада кутиб турган ёш йигитга қараб.

Ойисига унинг сўзлари ҳеч қандай таъсир кўрсатмади. Эҳтимол, Адел турмушга чиқиш учун жуда ёш эди, аммо у барибир бу ёш йигитнинг букилмас қарорига хурмат билан қарашга қодир эди.

У йигит ҳар куни, тахминан бир хил пайтда уларнинг уйига келарди. Мету эшик олдидаги стулга ишонч билан ўтирганида ва бир хил илтимосни қайта-қайта такрорлаганида, Адел бу нарса унга нисбатан хушомадми ёки бу унинг жаҳлини чиқарадими, тушунмасди. Адел унга кўп марта жавоб берган, аммо Мету ёки унинг жавобини қабул қилмас, ёки уни эшитмагандек ўзини тутар эди.

«Мен турмушга чиқишини хоҳламайман. Мен жуда ёшман. Ҳатто турмушга чиқишини хоҳласам ҳам, мен сенга турмушга чиқишини истамайман!» – деб қатъий туриб олди. Адел 17 ёшда эди ва унинг чиройи эндиғина очилган эди. Унга аллақачон турмушга чиқишига кўп таклифлар бўлишига қарамасдан, у ҳали турмушга чиқишини хоҳламас эди.

Мету баҳслашмас ва унинг кескин жавобларидан хафа бўлмас эди. У оддийгина ўтириб, Аделга сабр-тоқат билан унинг рафиқаси бўлиши кераклигини тушунтирас эди. «Бу Ҳудонинг иродаси. Ҳатто сен мени маймунга ўхшайди деб ўйласанг ҳам».

Адел ўз онасининг кулгусини кўриб кулимсираб қўярди. Ҳечам ҳижолатланмасдан, Мету яна ўзининг саволини қайтарди: «Менга турмушга чиқасанми?»

Адел ўзининг жавобида ҳеч қандай мантиқ йўқлигини биларди, шунинг учун Адел фақатгина ўтирас ва унинг қачон кетишини кутар эди. Нихоят, Мету ўрнидан турди, аммо кетишидан олдин ўзининг кўйлагини ечди, уни секингина ўради ва Аделнинг тиззасига қўйди. «Сен менга жавоб бермаяпсан, шунинг учун менинг кўйлагим мен йўқлигимда жавобингни кутиб туради».

Аделнинг бу самимий имо-ишорадан боши осмонга етди. Эҳтимол у Адел ўйландек, унчалик ёмон эмасдир...

Уч ой ўтиб Адел ва Метунинг тўйи бўлди.

Бу маҳаллий урф-одатларга хос тарздаги анъанавий тўй бўлди. У октябрь ойидаги ёруғ бир кунда бошланиб, то ярим кечгача давом этди. Бундай қувончли куннинг гувоҳи бўлишга келган барча қишлоқ аҳолисига икки марта овқат тортишдилар. Бутун кун, худди бир лаҳзадек ўтиб кетди. Адел ҳали ҳам ўзининг жуда ҳам ёш эканлиги ва турмушга чиқиши даҳшатли хато бўлгани ҳақидаги хавотирларни енгишга харакат қиласди. Оиладаги еттита болалар ичидан у биринчи бўлиб турмушга чиқди, қандай қилиб энди у ўзининг хотинлик вазифаларини билиб олади? Фақатгина маросимдан кейинги чўпоннинг сўзлари унга далда берди. «Адел» – деди чўпон унга – «энди сени ва Метуни бир-бирингиздан фақатгина Худо ажратиши мумкин».

Адел тўйдан бир ой ўтиб ҳомилали бўлди ва болани кўтариб юришига қарамасдан, узоқ ва азобли тўлгоқдан кейин бола ўлиқ туғилди.

Аммо беш ойдан кейин Адел яна ҳомиладор бўлди. Бу сафар чақалоқ вақтидан уч ой олдин туғилди ва ҳеч ким бу чақалоқнинг тирик қолишига ишонмас эди. Аделни кўришга келган дўстлари «бала вафот этганидан кейин, у кучли бўлиши кераклиги» айтиб далда беришга харакат қилишар эдилар.

«Менинг чақалогим ўлмайди!» – деб қайсаарлик билан жавоб берар эди Адел. Ичida унинг чақалоги ўлмаслигига ишончи комил эди. Ўз оиласига ва қўшниларига ишонгиси келмасди. У яна бир чақалоқдан ажralишни хоҳламас эди.

Адел ўзининг янги туғилган чақалогини ёстиқнинг устига кўйди ва бир вақтнинг ўзида ибодат қилиб, секин чақалоқ билан гаплашди. У шивирлаб: «Кристиана, сен тўққиз ойни кутмасдан, шунча эрта туғилдинг. Сен шунчалик кичкинасан, аммо Мету ва мен сени жуда ҳам яхши кўрамиз. Мен биламан, Худо сени ҳимоя қиласди».

Ўз оиласи ва қишлоқнинг аҳолисини ҳайратда қолдириб, Кристина тирик қолди ва соғлом чақалоқقا айланди. Икки ярим йилдан кейин эса унинг укаси Кристиано туғилди.

Адел ва Мету жуда баҳтли эдилар. Кристиано туғилганидан кейин улар ўзларининг шахсий уйига кўчиб ўтдилар. Бу уч

хонадан иборат оддий уй эди. У асосан бамбукдан қурилган ва унинг поли тупроқдан қилинган эди. Бу жуда ҳам оддий уй эди, аммо у шахсий уларнинг уйи эди. Эҳтимол, болалар ўсиб-улғайганида каттароқ ва яхшироқ уйга эга бўларлар. Улар бунга интиладилар. Ҳозир эса улар, Метунинг ота-онасидан алоҳида яшаётгандарига хурсанд эдилар.

Адел яшаётган қишлоқ аҳолисининг деярли барчаси масиҳийлар эди ва у жамоат қошидаги болалар учун мўлжалланган дастурга бажонидил ёрдам берарди. Қишлоқда Кристина ва Кристианонинг ёшидаги элликтадан кўпроқ болалар бор. Қачонлардир Аделга бобоси ўқиб берган худди ўша Муқаддас Китобдаги ажойиб хикояларини, у болаларга ўқиб беришни яхши кўради. Энди у худди отаси каби Хушхабарни ваъз қилиши – буни у қўшни болаларга ваъз қилаётган бўлишига қарамасдан, бу жуда ажойиб нарса.

## Жиҳод солиб турган таҳдид

Қўшни бўлиб яшаб келаётган мусулмонлар ўзларининг биринчи «расмий ташрифи» билан келгунига қадар, Адел ва унинг қишлоғидаги бутун аҳоли тинч ва хотиржам хаёт кечираётган эдилар.

Адел буни ўша вактда тушунмаган бўлса ҳамки, бу даҳшатли воқеа 1999 йил кундузги соат учда бошланди – ўша кунни Адел хеч қачон унутмайди. Шовқин-сурон овозлари остида у шошиб уйидан ташқарига чиқди ва плакатга кўзи тушди. Унда катта ҳарфлар билан фақатгина иккита сўз ёзилган эди: «Тинчликни сев». Даҳма номли мусулмон қишлоғидан ўттизта одам – эркаклар, аёллар ва болалар плакатнинг атрофига тўпланган эдилар.

«Одамлар», – деди ўрта ёшлардаги қора танли эркак, – «биз сизнинг қўшниларингиз бўламиз ва биз бир-биримизга тинчликда яшашга ваъда беришимиз керак». Овоз кучайтирувчи ускуна ўйқ эди, аммо унинг гулдурос овози ҳаммага эшитилар эди. Баланд ва озгин бу киши мажлислар уйининг олдидаги эски таҳта минбарда турагар эди. «Мусулмон ва насроний қишлоқлар

орасида ўзаро ҳамфирлик бўлиши керак» – деди у, «уларнинг ҳаммаси тинчликда яшashi керак».

Адел ва минбарнинг атрофида йигилган барча одамлар, илгари улар орасида хеч қачон тушунмовчилик бўлмагани, балки қишлоқда куннинг охиригача қолган ўз меҳмонларига ҳар доим ёрдам қўлини чўзганликларини назарга олиб, бунинг ғалати экани ҳақида ўйладилар.

Ўша куни кечқурун, Мету маҳаллий шахтадан ишдан қайтганидан кейин, Адел унга бу воқеа ҳақида айтиб берди. «Мишишларчи?» – деб сўради Мету.

1999 йил тўққизинчи ой, тўққизинчи кунда Доди оролидаги масиҳийлар учун қора кун бўлади деган миш-мишлар юрарди. Аммо Мету ва Адел бу гап-сўзларни миш-миш хисоблар эдилар. Энди эса улар мусулмонларнинг ташрифини мухокама қилдилар ва хеч қандай кўринарли таҳдид ўйк, деб қарор қилдилар. Аслида эса муҳит жуда хурсандчиликка бой эди, чунки уларнинг болалари бирга ўйнар эди.

Тўрт ой ҳеч қандай кўнгилсизликларсиз ва шубҳа қилишга сабабсиз ўтди. Мавлуд байрамидан кейин Юлпиус, ёш савдогар қишлоққа қайта олмади, чунки у оролдан кета олмаган эди. Доди оролининг ахолиси миш-мишларни шу воқеагача ўринсиз деб хисоблар эди. Кетганидан кейин тез қайтиб келганини кўрган қишлоқ ахолиси ундан нима учун тез қайтиб келганини сўрадилар.

«Улар менинг кетишимга рухсат бермадилар», – деб айтди Юлпиус.

«Ким? Нима учун рухсат бермади?» – деб сўради бир эркак, қолганлар эса хавотирланиб яқинроқ келишди. Юлпиус гапиришда давом этди: «Кўпчилик мусулмонлар мени тўхтатди ва нима учунлигини мен билмадим. Бошида улар менга ҳозир кетмаслигим кераклигини, чунки бу жуда хавфли эканини айтишди. Мен қаршилик кўрсатдим ва оролга озиқ-овқат олиб келиш учун кетишим кераклигини уларга айтдим, аммо бу уларни тўхтата олмади. Уларнинг жаҳли чикди, назаримда менинг масиҳий эканим уларни таҳқирлади. Мен айрим эркакларни танидим, улар бизни тинчликка чақириб келган

гурух орасида келган эдилар. Мен кўнгилсизлик бўлишини хоҳламадим, шунинг учун уйга қайтдим».

Адел, Мету ва кўплаб бошқа одамлар 9 сентябрдаги воқеани эслаб, Юлпиус билан нима юз берганини мухокама қила бошлидилар. Бирок, ўзларига солаётган хавф-хатар ҳақида далилга эга бўлмасдан, улар хеч нарса қила олмасдилар. Кейин 10 сентябрда энг ёмон хавфсираган нарсаси юз берди.

Тахминан туш пайтида Адел ва ўша пайтда касал бўлган Кристиано ухлаб ётган эдилар, уларни қўшниларнинг ҳаяжондаги ва тўс-тўполондаги бақир-чақирлари уйғотди. Адел уйдан югуриб чиқди ва узоқдан тутун кўтарилаётганини кўриб, оғзи очилиб қолди. Қўшни масиҳий қишлоқ – тутунда эди. Кейин кучайиб бораётган ваҳиманинг овози эшитила бошлиди. Улар қочиши керак эди. Уч мингта қуролланган мусулмон қишлоққа бостириб кирди ва уларнинг жиҳоди томонидан солиб турган таҳдидни тўхтатишга хеч қандай умид йўқ эди.<sup>2</sup>

Адел уйга югуриб кирди ва қаттиқ овоз билан Кристина ва Кристианони чақирди. Аммо жавоб йўқ эди. Аделнинг ваҳимадан юраги чиқиб кетди, у ўзининг болаларини излади, кўчага югуриб чиқди ва қаттиқ овоз билан уларни чақира бошлиди. Нихоят, унга болаларининг қишлоқ орқасидаги токқа югуриб кетганини кимdir кўрганини айтишди. Адел қандай нарсаларни ўзи билан олиши кераклигини ўйлаб, яна бир марта уйга қайтиб кирди. Эшикка қараб кетаётганида, у столи устидаги Муқаддас Китобини кўриб қолди. Уни олди ва югуриб кетди.

### «Ойи биз ўламизми?»

*Эрталаб соат олти. Душанба. 2000 йил 10 январь.*

Мету ва уларнинг қишлоғидаги бошқа эркаклар, ҳужум қилган мусулмонларни деярли тўрт соат ушлаб турдилар, аммо улар жуда кўп ва уларнинг барчаси ўқ отар қуроллар, ҳанжарлар, машъалалар билан яхши қуролланган эдилар.

Бутун қишлоқ ёнаётган эди ва оломоннинг «Оллоҳу Акбар»<sup>3</sup> деган қичкириги ҳамма ёқдан жаранглар эди. Мету

ва бошқа эркаклар жиҳод жангчиларининг қишлоқни ёқиш билан қаноатланишига умид қилиб, сирпанчиқ қирғок бўйлаб қочдилар. Аммо йўқ, шавқатсизларча ғазаб улардан устун келиб, тез орада мусулмонлар ҳам қочиб кетаётган масиҳийларга ўз милтиқларидан ўқ узиб, тоққа тирмаша бошладилар.

Мету ва Адел ўз болаларини ва уларнинг оналарини йиғдилар ва ўқдан қутулиш умидида уларнинг барчаси баланд ўтлар орасига тушдилар. Улар имконлари борича тезроқ ўрмонзор томон эмаклашда давом этдилар. Аммо эмаклаш яна ҳам қийинлашди, чунки энди ерни тўхтовсиз лой оқимига айлантирган, кучли ёмғир ёға бошлади.

Улар деярли икки соат мобайнида қалин ўрмон оралаб юриб бордилар ва кокос плантациясининг бир четидаги ташландик шийпонга дуч келдилар. У ёғочдан бўлиб, уч томони ва томи ёпилган эди. Йиғим-терим пайтида фермерлар куннинг қоқ ярмида қўйдирадиган қуёшдан бекиниб, унда дам олар эдилар. Эҳтимол, бу жуда чарчаган оила учун бошпана бўлиб хизмат қилас. Улар жуда ҳолдан тойғанлиги туфайли давом эта олмас эди.

Адел Кристина билан Кристианони улар ташландик шийпондан топган бамбуқдан бўлган тўшамага қўйиши биланоқ улар ухлаб қолдилар. Худди оиланинг бошқа аъзолари каби болалар ҳам ҳўл ва ҳамма жойи ифлос эди. Эски шийпон қандайдир бошпана берган бўлишига қарамасдан, унинг томида кўп тешиклар бор эди ва тўхтовсиз дарёдай оқаётган сув болаларнинг устига қуилар эди.

Адел ўзини ушлай олмади. Унинг юзига ёш дарё бўлиб оқарди, у йиглаб юборди.

У ўзини қўлга олиб олгандан кейин эса, улар Мету билан бирга қисқа ибодат қилдилар, кейин эса улар ўзларининг оналари билан бирга бу кўрқинчли тунни ўша шийпоннинг тагида ўтказдилар. Эрта тонгда Кристина ва унинг укаси, уларга худди тушга ўхшаб кўринган бу даҳшат, аслида ҳақиқат эканлигини аста-секинлик билан тушуниб, уйқудан уйғондилар. Бир қанча вақт улар катталарга қараб жим ўтиридилар. Уларнинг каттакон очилган кўзлари далда сўраб турган эди, аммо бутун

оила худди дағнадағидек жим-жит ўтиарар ва нима айтишни билмас эди.

Нихоят Кристиано: «Ойи, мен ейишни хоҳлайман» – деди.

Адел кўз ёшларини ушлашга ҳаракат қилди, аммо кичкина боласини қўлига олганида, у хўрсишиб йиглай бошлади.

Мету унга ёлвориб: «Илтимос қиласман Адел, бундай йиглама. Мен бориб ейиш учун нимадир қидираман» – деди. У ўзининг хотинига далда беришга ҳаракат қиласарди, аммо у Аделнинг асаблари чегарада турганини биларди. Адел ўзининг азиз болакайларининг азобланишини кўрганида ва уларга ҳеч қандай ёрдам беролмаганидан юраги ёрилиб кетай дерди.

Мету овқат топиш учун талон-тарож қилинган қишлоғига қайтишни хоҳлади. Адел ундан у ёққа бормаслигини сўраб ёлворди, аммо нимадир қилиш керак эди. Улар шийпоннинг тагида сувсиз ва овқатсиз қола олмас эдилар.

Мету кетганидан кейин, вақт жуда секин ўтишни бошлади. Қўрқув ҳеч ҳам Аделни тарк этмади. У яна ўзининг оиласини ўрмонга олиб кетди. Улар маккажўҳори экиладиган майдон бурчагида яширинган бошқа қишлоқда яшовчиларни учратдилар. Адел Кристинани, Антони, онасини ва қайнонасини маккажўҳори майдонига олиб борди ва куруқ маккажўҳори сўталарини йига бошладилар. Ҳеч бўлмагандан уларда ейиш учун нимадир бўлади.

Бир неча соатдан кейин Мету уларга келиб қўшилди, у топа олган нарсасини – ўн иккита кока-кола банкасини олиб келди. Аммо болалар кока-кола банкаларини очишни бошлашлари биланоқ, ўқ овозлари эшитила бошлади. Ҳамма ерга ташланди. Ўқ овозлари худди момақалдироқ гумбурлашига ўхшаб, бутун майдонга эштилар эди. Ҳеч ким ўқ овозининг қаёқдан келаётганини билмасди, шунинг учун одамлар қайси томонга қараб қочишини ҳам билмасди. Кристина Аделга қаради ва ундан: «Ойи, биз ўламиزمи?» – деб сўради.

*Ха, ўламиз,* – деган хаёлни фикридан ўтказди Адел, аммо у болалари учун жасур бўлиши кераклигини биларди. У болаларини қучоқлади ва ҳаммаси яхши бўлишини айтди. Аммо Аделнинг бу далда сўзлари, уларнинг бу даҳшатли ҳолатини



ўзгартира олмаслигини биларди. У нима қилиш кераклигини биларди. Бу болалар билан энг қийин сухбат бўлади, аммо Аделда бошқа танлов йўқ эди. У болаларга айтиши керак.

«Кристина ва Анто, менга қаранглар илтимос ва диққат билан мени тингланглар. Агар бизга қарши жиҳод қилганлар бизни ушлаб олсалар, сизлардан мусулмон бўлишни хоҳлайсизларми деб сўрайдилар. Агар сизлар хоҳламаймиз дессангиз, улар сизни ўлдиришлари мумкин». Адел болаларининг кўзига қаради. У билардики, фақатгина биргина тўғри жавоб мавжуд, аммо қандай қилиб мана шундай кичкина болалардан жасорат кутиш мумкин.

Аммо унинг болалари: «Биз Исо билан бирга бўлишни хоҳлаймиз» – деди.

Адел ўйлаб ўтирасдан, ўзи билан бирга олган Муқаддас Китобнинг уйдан қочган пайтдан бошлаб ўйлаб келаётган оятини очди. Аделнинг бобоси бу оятни унга шунча кўп марта ўқиб берган эдики, бу унинг юрагига муҳрланиб қолган эди: Забур 22. Болаларидан унинг орқасидан қайтаришини айтди ва шундай гапиришни бошлади:

«Эгам Менинг чўпонимдир. Мухтоҷлик кўрмасман... Ҳатто зулмат водийсида юрсам ҳам, хавф–хатардан кўрқмайман, ахир, Сен мен билан биргасан...»

Адел улар ёдлаб олгунига қадар ўқишида давом этди. Уларнинг ҳаммаси худди жасурдек бўлиб кўринарди, аммо Адел уларнинг ўз ҳолати қанчалик жиддий эканлигини тушунадими, йўқми билмасди.

Кўзидан ёш оқа бошлади, у ёшини артди ва сўради: «Кристина, агар сен масиҳийман деб айтсанг, сени ўлдиришлари мумкинлигидан қўрқмайсанми?».

Кристина ўз онасининг ёнига яқинлашди, унинг кўзига тўғри қаради ва секин жавоб берди: «Ойи, илтимос хавотир олманг, мен ўлишдан қўрқмайман».

Ўқ овозлари тинчигандан кейин, маккажўҳорилар орасида яширган одамлар қочиб кетдилар. Адел, Мету ва уларнинг оиласи қалин ўрмонга қайтдилар ва улар оралаб яна икки кун юрдилар. Улар фақат кечаси қоронғуда юрдилар ва эрталаб

тонг отишидан олдин туришлари учун бир неча соатгина ухлаб олдилар. Мету қишлоқдаги бошқа одамларни ҳам учратди ва улардан бир нечта масиҳийларни ўлдиришганини билиб олди. Ўзи яхши кўрган одамлар ҳақида хавотирланиб, Мету уларни ўрмон ичкарисига етаклашда давом этди.

Ҳамма ҳолдан тойган эди ва нихоят Мету ва Адел болаларини яна давом этишга мажбурлай олмаслигини тушундилар. Улар янги кокос сутини ичган бўлишига қарамасдан, очлик янада қийнарди. Адел ҳар сафар болалардан кимdir ейишга нарса сўраганида йиғларди. Улар шунингдек Метунинг отаси ва акасини ҳам учратдилар.

Улар Мету дам олиш учун хавфсиз деб ҳисоблаган жойга етиб келдилар ва у болалар ўтириши учун куруқ пальма япроқларини йиғди. Адир бўйлаб оқаётган сойнинг жилдирашини эшишиб, у ва унинг акаси ейдиган биронта нарса қидириш учун, таваккал қилиб, адирга тушишга қарор қилдилар.

Жуда кичкина бўла туриб, Анто нима учун уларда охирги бир неча қун мобайнida озиқ-овқат йўқлигини тушуна олмасди. У тўғридан – тўғри балиқ ва гуруч ейиши мумкинлигини сўради. «Сенинг отанг ҳозир қайтиб келади ва эҳтимол, балиқ олиб келади ва ўшанда бирга еймиз» – деди Адел, далда беришга ҳаракат қилиб. Аммо у Метунинг ейиш мумкин бўлган нарса топишига ишонмас эди ва секин куйлаб, секингина тебратиб, Антони қаттиқ бағрига босди.

### Масиҳнинг қони қудратли

Ўн минут ҳам ўтмасдан, у Метунинг бақиришини эшитди. Олдинига Адел, у жинними, жиҳод жангчилари яқин атрофдалигини била туриб, бундай бақиришнинг нима кераги бор деб ўлади. Кейин у Метуни ушлаб олганини ва Адел ва бутун оиласи қочиши учун у қичқираётганини тушунди. У яна бир неча қун олдин эшитган ва бундан у ҳайратда қолган сўзларни яна эшитди: «Қоч Адел, қоч!».

Мету яна бир бор қичқира олишидан олдин, Адел автомат ўқлари навбатини эшитди. У ўша заҳотиёқ сакраб турди, аммо

Анто ҳалиям уни қучоқлаётган эди ва у сесканиб кетди. У энди ўрнидан турганида, Кристина Метунинг қичқириғига томон югуриб кетаётганини кўрди. Адел қичқиришни хоҳлади, аммо кеч бўлган эди. Уларни ок узун чакмонли одамлар қуршаб олган эди.

Анто ерда, Адел уни қолдириб кетган жойда ётар эди. У ўрнидан турганида, улардан бири қўлларини кенг ёзди ва калта қиличи билан Антонинг белига урди. Адел жони борича қичқирди ва йиқилиб ўз боласини ҳимоя қилиш учун танаси билан ёпди. Адел ўз боласининг қўркув ва шокдан оқариб кетганини кўрди, аммо унинг Антони ҳимоя қилиш ҳаракати бефойда эди – бир мусулмон одам унинг узун социдан ушлади ва уни жуда осонгина кўтарди.

Унинг бўйнига қон суркалган ҳанжарни тиркаб, мусулмонлар Аделни бамбук дараҳтлари ёнига олиб бордилар. Улар Аделдан кийимларини йиртиб олишни бошлаганда, уларнинг мақсадини тушунди. У ҳали ҳам титраган ҳолда ўзининг Муқаддас Китобини қучоқлаб турган эди, аммо улар худди унинг кийимларини улоқтиргандек, Муқаддас Китобни ҳам ерга улоқтирилдилар. Адел кўзларини юмди. У жим бўлиб ўз оиласи учун ибодат қилди ва Худодан ўзини бундай шармандагарчиликдан куткариши учун ёлворди.

Кейин эса у ўз онаси, қайнонаси ва ўзининг азиз Антосининг қичқиригини эшитди. Уларни ўз уйларидан ҳайдаган ваҳший жаллодлар ўлдираётганини биларди. Бунга бошқа чираб бўлмас эди. Хушини йўқотаётиб, унинг оиласига ҳужум қилганлар орқага қайтаётганини ва у томон келаётганини кўриб у тиззага чўқди. Уларнинг ҳанжарларидан қон оқарди. Антонинг қони.

«Эй, Худоим!» – деб қичқирди Адел. У энди қандай яшашини билмасди. Эркаклардан бири ўзининг тер босган салласини ечди ва Аделнинг бошига ўради. Унда: «Оллоҳу Акбар» – деган ёзув бор эди. Ўзининг охирги кучини тўплаб, Адел шундай қичқирди: «Исонинг қони қудратли!»

«У масиҳий! Чўчқа! Сассиқ чўчқа! Келинглар уни зўрлаймиз ва шу билан тугатамиз», – деб улардан бири мазах қилди.

Янада кўпроқ жаҳли чиққан мусулмонлар уни қуршаб олди ва у билан нима қилишни муҳокама қилдилар. Улар маҳаллий шевада гапирав эдилар ва Адел улар гапираётган ҳамма нарсани у тушунишини билмасдилар.

Кўз ёшларини яширишга ҳаракат қилиб, Адел жим бўлиб ибодат қиласарди: «Раббим, илтимос қиласман, улар нима қилаётганини англай олишларига ёрдам бер. Бу шундай гуноҳки, илтимос улар тушунсинлар. Улар нима қилаётганларини билмайдилар. Одамлар бундай қилмасликлари керак». У ибодат қилишда давом этарди, оломон ичдан эса секин, мулојим овоз шивирлади: «Адел бу сенмисан?». У кўзларини очди ва улар кўлга олган ўз қишлоғидаги бир одамни кўрди. Унинг исми Ханс эди.

Хансни ҳам тойлоқ қилишган ва қаттиқ дўппослашган. Аделнинг янада кўпроқ жаҳли чиқди ва Ханснинг кечгача тирик қолишига ишонмас эди. Адел ундан Мету ва Кристинани кўрган ёки кўрмаганлигини сўради. У бошини тебратди.

Эркаклардан бири Аделнинг кўйлагини ечиб, унинг қўлига боғлади. Унинг кийинишига рухсат бермадилар. У ўзининг бўлакларга бўлинган Муқаддас Китобига каради.

Иккита асири ўз ҳанжарлари билан итариб ва дўппосланган танасининг энг ожиз жойларига учи билан саншиб, тикка йўлакчадан тогнинг тепасига қараб юришга мажбурладилар.

Йўлакча кичрайди, Адел пастга қаради, улар қанчалик тоқقا баланд кўтарилганини кўрди ва пастга сакраш қанчалик осон бўлиши ҳақида ўйлади. У пастга сакраса ўлишини ва бу яхшироқ бўлишини биларди. «Худоим менга ёрдам бер! Сендан ёлвораман, менга ёрдам бер Худоим!», – деб ибодат қилишда давом этди у. Пастга сакраш хоҳишини аста-секинлик билан босиб, у нихоят тогнинг чўққисига, мингдан ортиқ жиход жангчилари тўпланган жойга чиқди. Улар ҳар хил ёшда эдилар. Уларнинг айримлари ҳали жуда ўш ўспиринлар эди, аммо уларнинг ҳаммаси бир хил оқ узун чакмонда ва бошларига салла кийишган эдилар.

Аскарлардан бири Аделни Ханснинг орқасида туришга мажбурлади. Аскар ўрта ёшларда, елкаси кенг одам эди. У

милтиқни қўйди ва ҳанжарини аста-секинлик билан сопидан чиқарди. Адел атрофга қаради вафақатгина у ва Ханс бу дунёда оқ чакмонли масихийлар эканини тушунди. У имон билан, ҳатто буларнинг ҳаммаси нихоят барҳам топишига умид қилиб, кўзини юмди.

Бир сониядан кейин унинг юзидан ва танасидан иссиқ қон оқаётганини хис қилди. «Исонинг қони қудратли!» – деб қайта ва қайта қичкирди. У бошқа жаҳли чикқан эркакларнинг нимадир деб қичкираётгани ва бирғаликда нимадир айтётганини эшилди. У кўзини очишга журъат қила олмасди, ўйлардики, агар қарамаса, у ҳолда кўзини у дунёда, жаннатда очиши мумкин. Унинг олдидаяраланган Ханснинг танаси ётарди.

### Учта оддий сўз

Аделнинг ҳамма жойи қон эди, аммо бу қон ўзиники ёки Хансники эканлигини била олмас эди. Бутун танаси мусулмонларнинг сон-саноқсиз дўппослашларидан оғриётган эди, аммо унинг танасида очиқ яранинг ўзи йўқ эди. Унинг овози заифлашган, лекин у ҳали ҳам: «Исонинг қони қудратли!» – деб такрорлар эди. Уни Худо химоя қилишини билар эди. У аллақачон кўп маротаба ўлиши керак эди. Унинг устидан кийимини ечиб олганларига ва урушни бошлаганига беш соатдан кўпроқ вакт ўтди. У аллақачон Антонинг, ўз онасининг, Метунинг онасининг ва Ханснинг ўлганини биларди. У шунингдек бошқаларнинг ҳам ўлганини хис қиласди. Аммо у ҳали тирик эди ва бунга сабаб бўлиши керак эди. Бу даҳшатларнинг орасида Адел ажойиб бир умид учқунини хис қилди.

Жиҳод жангчилари гурухи ўз қуролларини йигиб олдилар. Улар Аделга кетиши кераклигини ва у уларнинг йўл кўрсатувчиси бўлишини айтишди. Уни олдинга итаришди ва Адел уларни эгри-буғри йўлакчадан тогнинг бошқа томонига етаклаб кетди. Адел уларнинг қаёққа кетаётгани ҳақида ўйламади. У Ханснинг ваҳшиона ўлдирилиш овозини ва унинг мажруҳ қилинган танаси кўринишини унутишга ҳаракат қилиб, оддийгина яrim хушли холатда олдинга кетарди холос. Улар танани бўлак-

бўлакларга бўлишдан ҳам қаноатланмасдан, яқин атрофдаги пальма дарахтининг япроқларини тана устига ташлаб, бензин кўйиб ёкиб юбордилар.

Улар тоғнинг этагига борганларида, Адел йўл кўрсатувчи сифатида уларга бошқа керак эмас эди. Эркаклар уни ўз қишлоғи, Даҳма томон итарар, доимий социдан торттар, унинг устидан мазах қилас ва яланғоч танасига ҳанжар билар шаппиллатар эдилар. Ҳар сафар урушганида Адел қичқиришни давом этарди: «Масихнинг қони қудратли! Масихнинг қони қудратли!». Айрим пайтда улардан бирни орқадан югуриб келар ва унинг боши устиди ҳанжарини ўйнатар эди. У худди ташландик қўғирчоқ каби ерга йиқилар ва қўллари билан бошини ёпар эди. Назарида унинг бошига мингта игналар санчилгандек туюлар эди, аммо қўлларига қараганида эса у қон ўйқлигидан ҳайратланар эди. Худо унинг ҳаётини мўъжизавий тарзда кутқараётганини тушунганида Адел жасоратга тўлди. Аммо нима учун? У нима учун бошқаларнинг ваҳшиона тарзда ўлдиргани-ю, ўзининг ҳали ҳам нафас олаётганини тушунолмас эди. Ҳатто уни асирга олган одамларнинг ўзлари ҳам ҳайратда эдилар. У улар ҳам қандай қилиб бу ҳимоясиз бечора аёл шунча тўхтовсиз хужумларга бардош берди экан деб ўйлаётган бўлса керак, деган фикрни хаёлидан ўтказди. Аделнинг Масихнинг қони ҳакида қичқириши янада кўпроқ уларнинг ғазабини қўзғатарди.

Ниҳоят улардан бири Аделни тўхтатди, бир ховуч тамаки япроқларини ўт олдириб, унинг оғзига солди. Олов унинг юзига яқинлашаётганини кўрганида даҳшатдан унинг кўзлари катта бўлиб кетди. У қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилди, аммо унинг кучли қўлларидан чиқиб кетолмади. Ниҳоят «имонсизни» жим бўлишга мажбур қилганидан бу киши ўзига ишонч билан ўз ўртоқларига қараб кулди. Аммо уни қўйиб юбориши биланок, Адел куяётган япроқларни туфлаб ташлади ва ишонч билан: «Масихнинг қони қудратли» – деб айтди.

Бу даҳшат давом этишига қарамасдан, учта оддий сўз борган сари ҳақиқатга айланни борарди.

Күёш ботди ва деярли тўлиқ бўлган ойнинг нури Даҳма қишлоғи томон йўлни ёритиб турарди. Адел уйлардаги чирокни

ва унда ўйнаётган болаларнинг шарпаларини кўрди. У ўзининг қишлоғини кўз ўнгига олиб келди ва худди мана шу ўйнаётган болалардек кечқурунлари болаларнинг ўйнашини қайғу билан эслади.

Гуруҳ тўхтади ва Аделга кийимини кийишни буюрдилар. Иккита куролланган ёш йигитлар – уларнинг ёши йигирмадан катта эмас эди – Аделни қоровуллаш учун қолишиди, қолганлари эса йўлда давом этиб қишлоққа кетишиди. Адел бу иккита ёш йигитдан унинг қизи билан нима юз бергани ҳақида сўради.

«Ҳа, биз уни ўлдиридик» – деб масхара қилган ҳолда улардан бири жавоб берди. Адел уларнинг ёлғон гапираётганини сезди, аммо улар Аделга газаб билан қараётган эдилар. Унинг ичидаги ҳам газаб пайдо бўлаётганини хис қилди ва бу хисдан озод қилишни сўраб, Худога ибодат қилди.

Бир қанча вақт ўтиб Аделни қишлоққа олиб келдилар ва у ерда яна унинг устидан масхара ва мазах қилдилар. Аскарлар жуда бағри тош эди, аммо Адел кучли эди. Агар унинг ўлиш вақти келган бўлса, ҳатто жиҳод аскарлари қўлидан бўлса ҳамки, у бунга тайёр эди. Яна бир бор Адел ўзининг ягона гаровдаги аёл эканини тушунди. У ҳатто қанча одам ўлдирилгани ҳақида ўйлашга журъат ҳам этолмади. Ўша дақиқаларда ўлик бўлишми ёки бу ваҳший жаллодларнинг қўлида асир бўлишми – қайси бири ёмонроқ эканини ҳам билмас эди. Азоблашларга қарамасдан, хар сафар аскарлар ўзларининг газабини унинг нозик танасига тўкиб-соғанида, у баланд овоз билан: «Масихнинг қони қудратли» – деб такрорлар эди.

Жиҳодчиларнинг бошқарма пунктида Аделни яна ечинтиришди. Учта аёл уни тўрдаги хонага олиб боришидилар ва занглаган темир тогорада совук сув билан уни ювишни бошладилар. Адел ўзи ювиниш учун имкон беришларини илтимос қилди, аммо улар рад қилдилар. У яна бир маротаба сўрагандан кейин эса, аёллар уни катта тахта қошиқлар билан калтакладилар. Кейин унга эски футболка ва йиртилган шўртик беришди. Унинг шахсий кийимларини ёқиб юборишини айтишди аёллар, чунки улар «ифлос чўчқага» тегишли эди.

## Масиҳийлар қаерда яширинишган?

Ўн битта одам Аделни сўроқ қилишга буйруқ олишди, яна ўттизта ёки қирқтаси атрофда ўраб туришди. Адел уларнинг кўпчилигини таниди, улар 9 сентябрда кўлларида шиорлар кўтариб ва «Доди оролига тинчлик» – деб қичқириб, уларнинг қишлоғига келишган эдилар. Сўроқ қилишни бошқарган одам эса, худди ўша куни ишонч билан минбардан туриб гапирган кишининг ўзи эди. Аделнинг ўша «тинчлик» ҳақида шартнома тузишга келган одамлар, яна келиб қишлоққа ҳужум қилганидан, унинг дўстлари ва оила аъзоларини, жумладан ўзининг жажжи Антосини ўлдирганидан газаби қайнаганини ҳис қилди. Энди эса хонанинг ўртасидаги тахта стулчада ўтириб, у уларнинг тинчлиги аслида қандай экани ҳақида ўйлади.

«Бошқа масиҳийлар қаерда яширинишган?» – дея хотиржамлик билан сўради ўша баланд озғин эркак.

«Мен сизга айта олмайман. Мен сизга жавоб бермайман, мени ўлдиринг».

Уларнинг кўпчилиги қаерда яшириниши мумкинлигини Адел биларди – у шунингдек, агар бу ҳақида айтса, улар билан нима юз беришини ҳам биларди.

«Биз уларга қўл теккизмаймиз. Фақатгина уларнинг қаерда ёканлигини билмоқчимиз холос. Наҳот сен уйга кетишни хоҳламасанг?» Адел уларнинг саволларига жавоб беришдан бош тортиб, жим ўтирди. Сўроқ яна ярим соат давом этди ва тарсаки тушириш билан якунланди. Унинг олдига овқат солинган тарелка қўйдилар, у ейишдан бош тортди. Аммо иккита эркак унинг оғзини очиб унинг оғзига овқат солишини бошлади. Адел уч кундан буён ҳеч нарса емаганига қарамасдан, ҳаммасини туфлаб ташлади.

Аделнинг ейишни ва гапиришни инкор этгани ҳақида тез орада бутун Даҳма билиб олди. Кўп одамлар бошқарма пункт олдида тўпландилар ва «Уни бизга беринг! Биз уни бўлак-бўлак қиласиз ва ерга кўмамиз!» – деб бақиришар эди.

Уларнинг ёвуз овозларини эшитганида, Аделни ғазаб ва кўркув қуршаб олди. Нихоят хонага Сабум Сабар исмли бир қари эркак кириб келди. У бошқаларга ўхшаб жудаҳам ваҳший

эмас эди. Адел ўтирган стулнинг ёнидаги стулга ўтириб, у бошқа масиҳийлар қаерда яширинганини айтиши мумкинлиги хақида сўради.

«Йўқ, мен айта олмайман», – дея жавоб берди у. У қўркди ва йиғлаб юборди. Сабар ўрнидан турди ва бошлиқقا: «Бу аёл яхиси мен билан бирга борсин. Агар у бу ерда қолса, уни ўлдиришади» – деди.

Аделни Сабарнинг уйига олиб боришаётганларида, бир гурух эркаклар қичқиришда давом этишди ва Аделни ўлдириш билан қўркитишиди. Улар Аделни ўлдириш учун қулай фурсатни кутишга ваъда бердилар. Аммо Сабар унга: «Сен бу ерда хавфсизликдасан. Ўзингни эркин ҳис қилиб, хонада ухлашинг мумкин» – деб айтди.

Кам нарсалари бўлган хонага кириши биланоқ, Адел ўзининг орқасидан эшикни тезда ёпди. Кейин у кароватга – ўтдан бўлган бўйрага ўтириди ва ўзининг жажжи Антоси хақида ўйлаб, кўзидағи ёшга эрк берди.

### У сени бундан қутқариши мумкин деб ўйлайсанми?

Кейинги куни қишлоққа ҳарбий кийимдаги аскарлар киришди. Уларни ўша заҳотиёқ Сабарнинг уйига олиб келишди, улар Аделни қўришни хоҳлаган эдилар. Улар ҳам ундан бошқалар сўраган нарсани сўрадилар: «Бошқа масиҳийлар қаерда яширинган?» Ва яна Адел жавоб беришдан бош тортди. Унга хонага қайтишга рухсат беришди, аммо у юпқа девор орқали эркакларнинг сұхбатини эшилди.

Аскарларнинг мақсади битта – бошқа масиҳийларни топиш эди. Ва улар қарор қилишдики, Адел улар билан йўл қўрсатувчи бўлиб бориши керак. Адел даҳшатга тушган эди. Ичida улар билан боришдан кўра, ўлгани яхшироқ деб қарор қилган эди.

Кечга яқин қишлоқдаги учта аёл Аделга овқат олиб келишди. Аммо у яна ейишдан бош тортди. Аёллар ўзаро гаплаша бошладилар ва Адел уларни олдиндан танишини

билди. Улар бошқа қишлоқдан эдилар ва қачонлардир масихий бўлишган, аммо кейин мусулмонларга турмушга чиқишиган ва исломни қабул қилишган. Аёллардан бири, Уми Аделни ғазабланган холда айблай бошлади: «Сен Исломни қабул қилишдан бош тортдинг, энди эса ҳосилини йигаяпсан. Сен Масихга ишонишни хоҳлайсан, У сени бундан қутқара олади деб ўйлайсанми?»

«Жим бўл, Уми! Бундай гапиришни тўхтат!» – дея буюрди бошқа аёл. «Сен нима ўйлайсан? Сен Мұхаммад бизни қутқара олади деб ўйлайсанми?»

Адел аёлнинг кўзида назокатлиликни кўрди ва у кетишидан олдин уни қучоқлади. Аёл йиглашни бошлади ва унинг қулогига шивирлаб: «Эҳтимол қачондир мен ҳам Масихга қайтарман» – деди.

Адел аёлнинг қарор қилганлиги ҳақида айтдими ёки буни қилиш мумкинлиги ҳақида сўрадими, билолмади. Адел унинг қайгули юзига қаради ва секин жавоб берди: «Агар сен ҳақиқатдан Худовандга қайтишни хоҳласанг, У сенга йўл кўрсатади» – деди.

Кеч кирди ва аскарлар қайтиб келишиди. Оролдаги барча масиҳийларни ўраб олиш кераклигига қарор қилинган ва Адел бунда уларни топиши ёрдам бериши керак. Уларни топиши биланоқ, ҳаммасини, то охиргисигача ёкиб юборишади. Ҳеч кимни тирик қолдирмаслик керак. Адел уларнинг бу ёвуз режасини ўзgartириш учун ҳеч нарса қила олмаслигини биларди, у хонага қамаб қўйилган эди ва Худодан унга куч беришини сўрарди. Агар улар Аделни йўл кўрсатувчи бўлишга мажбурласалар, у билардики, ёрдам беришдан бош тортиш бу содиқларча ўлимни англатар эди.

Сабарнинг уйи олдидаги одамлар қичқиришни бошладилар. Адел одамларнинг нима учун бунчалик хавотирланаётганини ёриқдан кўриш учун, ташқи деворгача эмаклаб борди. Аскарлар яна бир масиҳий оилани ушлаб олишган. Эрини ўлдиришган, хотини ва учта боласини Даҳмага олиб кетишаепти. Уларнинг гапиришларидан Адел бу аёлнинг исми Роза эканини билиб олди. Адел ўзининг каровати олдига қайтди.

У бу оилани яхши биларди. Уларнинг болалардан бири Анто билан бир хил ёшда ва деярли ҳар куни уларнинг ўйида ўйнар эди.

Ярим тунга яқин Сабар унинг хонасига келди. «Адел, биз нима қилишимиз керак? Аскарлар сенинг улар билан боришингни талаб қилаяптилар».

Адел унинг биз деб айтишидан ҳайрон бўлган эди, Сабар унинг азобларини тушунгандек эди. Унинг меҳрибончилиги нафратлар денгиздаги бир далда оролчасидек туюлди. Аммо унда бошқа иложи йўқлигини Адел биларди. «Уларга айт, мени турган жойимда отиб ташлашлари мумкин, мен улар билан бормайман».

«Нима учун сен улардан шунчалик қўрқасан?» – деб сўради Сабар. «Чунки мен уларнинг режасини биламан. Мен уларнинг сұхбатини эшиздим ва уларга одамларни ўлдиришда ёрдам бермоқчи эмасман» – деб жавоб берди у.

Сабар хонадан чиқиб кетди. Яна бир уйқусиз тун. Адел ҳали ҳам овқатдан бош тортган эди. Тонг отишидан олдин яна бошқа бир оилани ўлдиришганлиги... кўп аёллар ва болаларни асири олишгани... ёш бир қизни топишгани ҳақида хабар келди. Агар Кристинани ушлаб олишган бўлса, Адел у ҳақида нимадир эшитишни хоҳлар эди. Агар Кристинани ўлдиришган бўлса, эҳтимол бу яхшироқ ҳам бўлиши мумкин, деб ўйлади. Бу жуда даҳшатли фикр эди, аммо у бу қабиҳ аскарлар унинг гўзал, бокира қизи билан нимадир қилишидан қўрқар эди.

### Кристина

Эрталаб тонгги соат тўртда Адел Худовандга мурожат қилди: «Нима учун Сен менинг ўлишимга йўл қўймаяпсан?» У ўзига азоб бераётган «Нима учун?» деган саволни ҳар сафар такрорлаганида, кўз ёшларийозига дарё бўлиб қуйилар эди.

Қўчадаги шавфқатсиз таҳдидлар давом этарди. Эркаклардан бири унинг хонасидаги девор орқали унга ҳанжар тиқиб олишига озгина қолди. Олдин Аделнинг ёнига келган иккита аёл яна келди ва ундан нимадир ейиши ҳақида сўради. Аммо у рад қилди. У

ўзининг хонасида қолди. Тонг отишидан олдин озгина мизгиб олар, аммо кўп вақтини девор ёнида ўтириб, йиглаб ўтказарди. У Мету ва ўз қариндошлари учун ибодат қилишда давом этарди, аммо айниқса Кристина учун ибодат киларди.

Кейин у янгилик эшилди. «Адел! Адел!» – деб уни чақирди, хонага бостириб кирган Сабар. «Қандайдир одамлар келишиди. Улар сенинг қизинг, Кристинани ушлаб олишгани ҳақида айтишайтилар».

Бу хавфли, жуда хатарли эди, аммо Адел билиши керак эди. Эҳтимол Кристина тирикдир? Ёки бу уни Сабарнинг уйидан чиқариб олиш йўлидаги ёлғон найрангми? Бунинг шундай эканлигини билишнинг фақат биргина йўли мавжуд эди.

Улар қайикда Салуби қишлоғи томон сузид кетдилар: жиҳоднинг олтита аскари, Адел, Сабар (Аделнинг илтимоси билан улар билан боришга рози бўлди) ва Макси исмли ёш асира қиз. Максининг ёши бор йўғи еттида, у ҳам Анто билан ўртоқ эди. Адел қизалоқни маҳкам қучоқлади. У Максига қараб, унинг чалкашган соchlарини тўғирлаб йиглар эди. Бу қиз таниш ва оиласининг дўсти эди.

Адел Максининг ёнида ўтиради. Слубигача бўлган бутун бир қисқа сафар пайтида унимахкам қучоқлаб олганди ва эркаларди. Макси унга шунчалик Антони ҳақида эслатар эди. Аммо тинчлик онлари шунчалик тез ўтиб кетди ва Адел яна қирғоқда кутиб турган аскарларни кўрди. Улар сакраб Аделни қайикдан тортиб олдилар ва у яна қанчалик ўзи билан бағритошларча муносабатда бўлишгани ҳақида эслади.

Макси аскарлар Адел билан қаттиқ муносабатда бўлаётганини кўриб ҳаддан зиёд кўркиб кетди. У қаттиқ қичқирди ва танаси талвасадан титрар эди. Унинг қичқиригини эшитиб, Адел яна: «Масихнинг қони қудратли!» – дея эълон қилди. Энди у Салубига қилган сафари Кристина билан ҳеч қандай боғлиқ эмаслигидан кўрқар эди. У умидини йўқотарди, ўзини эса дўппослашда давом этишдилар. Сабар эркакларга дўппослашни тўхтатишга ёлвориб, қичқира бошлади. Сабар Аделни уларнинг кўлидан чиқариб олишга муюссар бўлди ва Аделни бошқа асирларни ҳам сақланаётган қирғоқдаги катта уйга олиб борди.

Кейин Сабар унга кетиши кераклиги ҳақида айтди. «Мен сен учун бошқа ҳеч нарса қила олмайман, кечир мени. Агар мен ҳозир яна аралашсам, улар мени ҳам ўлдирадилар».

Кўчада эркакларнинг ваҳимали бақир-чақири давом этаётган бир пайтда, бу уйда ваҳимадан титраётган бошқа аёллар ҳам бор эди. Адел йиғлаган ҳолда юзини қўллари билан ёпди ва бирданига эшишиб қолди. Кимdir унинг ёнига югуриб келаяпти. Каради ва Адел уни кўрди. Бу Кристина эди!

Кристина онасининг қучогига отилди ва йиғлаб юборди. «Она, онажон!» Улар бир-бирини маҳкам қучоқладилар ва Кристина унга нимадир айтишга ҳаракат қилди. «Онажон, мен жуда афсусдаман, улар бувимни ўлдиришди. Мен бувимнинг танасини кўрдим, онажон. Мен Антони кўрдим, уни ҳам ўлдиришган! Эх, онажон!»

«Мен биламан, Кристина... Уларни ўлдиришганини биламан». Хотира жуда ҳам янги эди ва Адел ўзини ушлай олмасдан хўнграб йиғлашни бошлади. Кристина нима айтишни билмасди, у фақатгина онасини яна ва яна ўпарди холос.

### Жавоб излаб

Асирикнинг олтинчи куни кечқурун Адел ва бошқа олтмишта асириларни бирга йиғдилар. Уларга кейинги куни эрталаб исломни қабул қилишлари кераклиги ҳақида айтишди.

«Мен ҳеч қачон мусулмон бўлмайман» – деб жавоб берди Адел.

«Жуда яхши. Кераги ҳам йўқ. Аммо мусулмончиликни қабул қиласанг, сизлардан кимdir инкор қилса, биз ҳаммангизни ўлдирамиз», – деб айтди бошлиқ. «Ва уларнинг қони сенинг бўйнингда бўлади».

Асири тушган масихийлар намойишга йиғилдилар. Хужум қилинганидан бошлаб биринчи марта уларга бирга йиғилишга рухсат бердилар. Улар бир-бирларини қучоқлаб йиғладилар. Масихийлар нима қилиш кераклигини хал қилиш зарурлигини билардилар. Улар исломни қабул қилишга рози бўладиларми ёки масихий азоб чекиб ўлганларнинг қаторини тўлдирадиларми.

«Биз уларнинг сўзларини қайтаришимиз, уларнинг ибодатини айтишимиз мумкин. Худо бизнинг дилимизни билади. У бизни ҳукм қилмайди», – деди нихоят бир эркак.

«Қандай қилиб? Биз шунча қаршилик кўрсатдик. Буларнинг ҳаммаси бекоргамиди?»

«Бизнинг болаларимиз-чи? Болаларимизни кўз олдимиизда ўлдиришларини хоҳлаймизми?»

«Наҳотки, Худо биз ҳаммамизнинг бу мусулмон қишлоғида ўлиб кетишимиизни хоҳлайди?»

Баҳслар давом этди. Адел уларнинг даҳшатли холати ҳақида ўйларди ва деярли уларни эшитишдан тўхтади. Унинг ўзи осонгина чин дилдан исломни қабул қилишдан воз кечган бўларди. Унинг имони уни охиригача қўллаб-қувватлашини биларди. Аммо унинг ҳатти-ҳаракатига бошқа одамларнинг, жумладан унинг боласи Кристинанинг ҳам ҳаёти bogliq бўлиши адолатданмикан. Бу бўлиниш Аделни азоблади ва у Худонинг жавобини сўради. Аммо жавоб йўқ эди.

Кейинги куни эрталаб масиҳийларни ҳовлига йиғдилар. «Сизлар қарор қилдингизларми? Исломни қабул қиласизларми ёки ўласизларми?» – деб сўради жиҳодчи аскар.

Ҳеч ким биринчи бўлиб жавоб бериш учун ўзида куч топа олмади. Ҳатто кичкина болалар ҳам қўрқувдан ва ички курашдан жим бўлиб, ўз имонига содик қолишга ҳаракат қилиб, гапиришни хоҳламадилар. Уларнинг қайсарларча жимжитлиги янада бошлиқнинг газабини қўзғатди. У чайналганча, бирданига ўзининг тилида буйруқ берди. Аскарлар ўнталаб қошиқлар билан келдилар ва тупроқни сув билан аралаштира бошладилар ва масиҳийларни лойни ейишга мажбурладилар. Адел ҳамма нарсани туфлаб ташлаганида, бошлиқ келиб унинг юзига тарсаки туширди.

«Қани е-чи! Ҳозироқ олиб егин!» – деб бақирди у Аделга.

Адел ейишдан бош тортди.

Кейин эса шланг олиб келишдилар ва ҳар бир асирнинг устига сув куйиб «исломий сувга чўмдириш» қилишдилар ва шундан ёнг мусулмонлар Куръон сураларини қироат қила бошладилар. Улар тутатганларида, худди мастга ўхшаб рақсга тушишни ва

масихийларни исломга ўтганлиги түғрисидаги сохта ғалабани нишонлаб, осмонга ўқ уза бошладилар. Масихийларнинг ҳаммаси бир бўлиб, жим турдилар ва саросимада бўлган ҳолда, аскарларнинг ҳеч нарсага арзимас байрамни нишонлашини кузатиб турдилар.

Аммо бу гурух томон аскарлар ёқилги солинадиган идишларда бензин олиб келаётганини кўрганларида уларнинг юраги чиқиб кетди. Жуда жиддий кўринишли, яхши кийинган зобит олдинда қадам ташлаб келарди. Адел уни таниди – у Ява оролининг етакчиси эди. Ҳеч қандай виждан азобисиз, у хотиржам равишда зобитларга ҳамма масихийларни битта уйга қамашни ва уйга бензин қўйишини буюрди.

Масихийларни яқиндаги ховлилардан биттаси томон итардилар ва улар эса кичкина болаларнинг атрофига тўпланиб, ваҳимадан қичқира бошладилар. Улар Масих учун ўлишдан қўрқмас эдилар. Буни уларнинг ҳар бири асирик пайтида бир неча бор исботладилар. Аммо уларни тириклайн ёқиши ва кичкина болаларининг оловда қандай қилиб ўлишини кўриш ҳақидаги ўй-ҳаёлга чидаб бўлмас эди. Уларнинг ҳаммаси Худога мурожат қилиб, ўзларининг болаларини бундай даҳшатли ўлимдан қутқаришини сўраб, худди бирдек тиззага чўқдилар.

Улар ҳали ибодат қилаётганларида, аскарлар орасида масихийларни ёқиши керак ёки керак эмаслиги түғрисида баҳс бошланди. Улардан бири уларнинг исломга ўтгани ва жиҳод учун улар фойдали бўлиши мумкинлигини исботлай бошлади. Қолган ҳаммаси рози бўлди. Агар асирик тушганлар жиҳод қилишда иштирок этсалар, бу уларнинг Оллоҳга берган ваъдасини тасдиқлаган бўлади ва уларга раҳм кўрсатилади.

### Кўзғолоннинг баҳоси

Кўчада баҳс кетаётган бир пайтда, Адел ва бошқалар ҳали ҳайратдан қотиб қолган ҳолатга тушдилар. Улар бундай жавобга умид қилмаган эдилар. Аммо карор қилишга тўғри келди. Агар катта ёшдаги асирилар, кейинги жиҳод қилиш пайтида аскарлар билан бирга борсалар, ҳамма қутқарилади. Акс ҳолда уйчага

бензин қуядилар ва ҳамма масиҳийларни ёқиб юборишади. Қўркувдан титраётган асиirlар, тиззада турган ҳолда бир-бирларига қарадилар ва ким биринчи бўлиб гапиришни бошлиши ҳақида ўйладилар. Уйчага бошлиқ бостириб кирди ва яхши хабарни эълон қилди: «Агар сизлар қўлингизда қилич ушлашга қодир бўлиб, балоғат ёшига етган бўлсангиз, жиход қилишга қўшилинглар. Бу қувонч келтирадиган иш!».

Адел аскарларнинг таҳқиrlашини эшитганида қони қайнаб кетди. Ўзида мардликни ҳис қилиб, у ўрнидан турди. Бошлиқ уни биринчи қўнгилли деб ўйлаб кулди, аммо у бошқа асиirlарга мурожат қилди. «Улар билан бирга борманглар. Агар улар бизни ўлдирмокчи бўлсалар, яхшиси шу ерда ўлдирақолсинглар. Ҳеч бўлмагандা биз ҳаммамиз бир ерда бўламиз».

Унинг очиқдан-очиқ бўйсунмаслигидан жаҳли чиққан бошлиқ, унинг қўлидан ушлади ва «Сен нима дединг?».

Адел яна қайтарди: «Биз жиход қилишда қатнашмаймиз, энди эса илтимос, йўқолинглар». Бошлиқ Аделнинг тик кўзига қараб, унинг қўлини қаттиқ сикди. У нимадир айтиши керак эмас эди, ҳаммаси кўзидаги ғазабдан кўриниб турарди.

Адел ҳам ўзининг очиқдан-очиқ бўйсунмаганлиги, унга қимматга тушишини яхши биларди. Бошлиқ тезда орқасига қайрилиб, хонадан чиқиб кетганида, бошқа асиirlар унинг мардлигидан қойил қолиб, бу уларнинг тақдирига қандай таъсир кўрсатиши ҳақида ўйладилар.

Аскарлар ҳам кетишиди ва асиirlарни уйчадан олиб чиқишиди.

Икки ҳафта ўтди ва доимий равишда Аделга таҳдид қилардилар. Мусулмонлар Аделнинг бошқа асиirlарга таъсир кўрсатишини билар эдилар ва уни йўқ қилиш керак деб ҳисоблардилар. Энди озгинадан овқат ейишни бошлагани учун унга куч кела бошлади, чунки Кристина бундай қилиши учун туриб олган эди.

Харбий бошлиқлар асиirlар билан нима қилиш кераклигини муҳокама қилиш учун бу кичкина қишлоққа деярли ҳар куни келишар эди. Улар масиҳийларнинг исломга ўтганига шубҳа билан қарашар ва ўз қишлоғини янада кўпроқ ҳаром қилмаслик учун, худди олдин режалаштирилганидек, уйча ичидаги ёқиб юбориш кераклигини исботлар эдилар. Ҳамма асиirlарнинг

исломга ўтганини тасдиқлаш мақсадида, улар ҳамма аёллар суннат қилиниши керак дея қарор қилдилар.

Айрим аёллар ваҳимага тушдилар ва асабийлашганларидан йиғлай бошладилар. Уларнинг каршилик кўрсатиши, бошлиқнинг шубҳаларини тасдиқлади ва у яна уларни ўлдириш зарур эканлигига туриб олди. Бошқа аскарлар агар масиҳийларнинг ҳаётини сақлаб қолинса, улар ҳали керак бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйладилар. Шунинг учун мусулмонлар уларни тирик қолдиришга қарор қилдилар. Аммо улар ҳамма ўсмир қизларни ва жумладан Кристинани ҳам олиб кетиши ва уларни қўпол равишда суннат қилдилар. Огриқ жуда азобли эди ва Кристина тўхтамасдан йигларди. Аделнинг ичидаги ғазаби қайнар эди ва у ўзига яхши таниш бўлган, ичидаги қайнаётган жаҳлини тийишга ҳаракат қиласади. У ўзининг шахсий қийинчиликларига зўрға чидар эди, аммо ўз қизининг азобларини кузатиш бундан ҳам оғирроқ эди. Адел Сабардан ташқари ҳамма мусулмонларни ёмон кўрарди. У нафрат – бу одамнинг ичидаги рак эканлигини ва уни фақатгина кечирим орқали ўзгартириш мумкинлигини яхши биларди. Аммо кечирим бериш имконсиздек туюлар эди. У қилиши мумкин бўлган нарса – бу ибодат эди.

Олти ҳафта ўтди ва улар бошқа қатл қилиш ҳақида таҳдид эшитмадилар. У мусулмон эркакларнинг ўзига қандай қараётганини кўрарди. Улар аллақачон унинг номусига тегишига ҳаракат қилишган эди. Улар ўзларининг хирси кундан-кунга кучгаётганини ҳис қиласадилар ва Адел улардан яна қанча муддат химояланиши мумкинлиги ҳақида ўйлади. Ҳатто бошлиқ ҳам у билан ўйнашишга ҳаракат қилди. У Метуни ва унинг далда сўзларини соғинаётган эди. У тирикмикан дея фикр қилди.

## Мету

Бир куни эрталаб Салубига қайиқда бир гурух ҳукумат раҳбарлари сузаб келишди. Улар қишлоқда масиҳий асирлар борлиги тўғрисидаги ариза бўйича тергов ўтказаётган эдилар. Мусулмон аскарлар буни батамом инкор қилдилар. Аммо,

қайиқнинг эгаси, Нахор масиҳий эди ва у Адел исмли аёлни асирда ушлаётганлари ҳақида эшигтган эди. Йўловчиларни кирғоққа туширганидан кейин, у ўша захотиёқ Аделни излашга тушди.

Кимдир қандайдир йўл билан унга Аделни кўрсатганидан кейин, «Сен Аделмисан?» – деб секин сўради Нахор.

«Сен кимсан?» – деб шубҳаланиб сўради Адел.

Адел эндиғина оғиз очган ҳам эдики, Нахор уни қаттиқ кучоқлади ва йиглаб юборди. «Мен сен ҳақингда ва сенинг бу ердаги холатинг ҳақида ҳаммасини эшидим» – деб айтди у.

«Нима? Сен мени қаёқдан танийсан?»

«Мету менга айтди».

Адел ўзининг қулокларига ишонмас эди. Мету тирик эди! Охирги олти ҳафта ичидан биринчи марта у хурсандчиликни ҳис қилди ва кулди.

Қулоғига чалинмаганига ишонч ҳосил қилиш учун «Мету тирикми?» – деб сўради у.

«Албатта тирик. Унга хат ёзишни хоҳлайсанми?» – деб сўради Нахор.

Метуга хат ёзиш ҳақидаги фикр унинг ҳаёлига келган эди. У хат ёзишни қанчалик хоҳлар эди! Аммо у бундан ҳам муҳимроқ иш борлигини билар эди. «Ҳа, мен Метуга хат ёзишни хоҳлардим, аммо олдинига мен битта иш қилишим керак. Тезроқ менга қоғоз ва ручка бер».

Адел ўтирди ва тезда барча асирларнинг исмларини ёза бошлади. Бошлиқ яқинлашашётганини кўрганида, у ҳали ҳам ёзаётган эди.

«Тезроқ Нахор, буни ўзинг билан олиб ол. Ва илтимос, эҳтиёт бўл!». Адел тезда Нахорни кучоқлади ва Метуга хат ёза олмаганидан афсусланиб, югуриб кетди. Адел ҳамма нарсани... қанчалик соғинаётгани... уларнинг Кристинаси қанчалик жасур эканлигини... унга айтишни қанчалар хоҳларди. Аммо вакт йўқ эди ва у бошқа асирлар ҳақида хабар бериши керак эди. Шубҳасиз, уларнинг оиласлари ҳам хавотир олаётган эди. Ўзининг Нахор билан гаплашганини ҳеч ким кўрмаганига умид қиласди.

Бошлиқ Аделнинг нафақат қайиқ эгаси билан гаплашганини, балки унга хат берганини билганида, «Сен нима ёздинг?» – деб газабланди.

«Йўқ, мен хат ёзмадим» – деб жавоб берди Адел.

«Сен нима ёздинг?». У Аделнинг бўйнига пичоқ тиради ва жаҳли чиқиб, шошмасдан гапирди.

Адел унга хотиржамлик билан: «Мен фақатгина сиз асирида ушлаб турган одамларнинг исмларини ёзиб бердим» – деб жавоб қилди.

«Сен нима қилдинг?» – деб газабдан қайнади бошлиқ. Адел у бўйнига пичоқни тиқади деб ўйлади, аммо у биринчи марта қўркувни хис қилмади. У ўзи керак деб ўйлаган нарсани қилди ва Метунинг тирик эканини билиб олди. Бугун яхши кун.

Шундай яхши кунни ҳатто бошлиқ ҳам барбод қила олмади.

«Мен ҳозиргина хукумат аъзоларини ишонтиридим. Бу ерда ҳеч ким ўз хоҳишига қарши ушлаб турилаётгани йўқ. Мен шартнома имзоладим. Энди эса сен уларга асириларнинг рўйхатини бераяпсан! Сен чўчқасан! Сен ҳали бунинг эвазига тўлов тўлайсан!».

Бошлиқ ўз сўзига содик эди. Аделни қаттиқ дўппосладилар ва кўп кун кетма-кет калтакладилар.

Икки ойдан камроқ вақт ўтиб, Салуби қишлогини яна текширидилар. Адел томонидан тузилган рўйхатни хукумат вакиллари ва асириларнинг оила аъзоларига, жумладан Метуга ҳам етказдилар. Адел хукумат вакиллари билан бирга уни ва Кристинани олиб кетиш учун Мету ҳам келаётгани ҳақидаги мишишларни эшитди.

Адел хурсанд эди. У ва унинг қизи ҳатто тасаввур қилиш қийин бўлган даҳшатни бошдан кечирдилар, энди эса улар уйига кетадилар. Унинг кайфияти кўтарилди, у ҳатто кулаётганини сезди. Аммо Кристина бунга ишонмас эди. «Биз ҳақиқатдан уйга кетамизми?» – деб ишонар-ишонмас сўради. «Биз дадам билан бирга кетамизми? Агар улар бизга кетишга рухсат бермаса нима бўлади?»

Адел Кристинанинг овозидаги хавотирни эшитди ва унинг саволлари ўринли эканини биларди. У ўзининг жасур қизало-

гини қучоқлади ва уларни қандай сабаб билан озод қилмасликлари мумкинлиги ҳақида ўйлаб қолди. Кейинги куни бу ҳақида билиб олди.

### Мен сизлар билан бирга бора олмайман

Адел ва Кристинани барча ўифилган асирлар олдида туришга мажбурладилар. Бошлиқ масихийларга мурожат қилиб, шундай деди: «Тез орада биз Кристина ва Аделни Даҳма оролига унинг масихий эри олдига олиб борамиз». Метунинг келиши ҳақидаги хабарни ҳамма асирлар аллақачон эшитган эди. Улар Аделни билар эдилар. Агар унга кетишга рухсат берсалар, у бошқа асирларни озод қилмагунича тинчланмас эди. Адел уларнинг кутқарилиш илип өтди.

Кейин бошлиқ уларга таниш бўлган таҳдид солувчи овози билан: «Адел ва Кристинадан сўраяптилар, улар сизлар билан қолишини хоҳлайдими ёки Мету билан кетишни хоҳлайдими. Агар улардан биттаси Мету билан кетишни хоҳласа, биз сизларнинг барчангизни ўлдирамиз». Бошлиқ четга қочди ва беш ёшдан катта бўлмаган, ёш қизалоқнинг олдида чўккалаб ўтирди. Қинидан пичокни чиқариб, уни қўркувдан титраётган қизалоқнинг томогига тиради ва газаб билан қўшиб қўйди: «Хатто сени ҳам».

Масихийлар Аделга тикилиб турардилар. «У қандай қилиб, бундай қарорга келишга журъат этди?» – деб ўйладилар. Улар шунингдек, Аделнинг ўрнида бўлса қандай йўл тутиши ҳақида ҳам ўйладилар. Улар Мету билан кетишни хоҳласа, ҳеч ким уни ёки Кристинани айбламаслигини Адел яхши биларди. Аммо у нимадир айта олишидан олдин, бошлиқ: «Кетдик» – деди.

Бу дақиқада Адел ҳали Мету уларни кутаётганини билмас эди. Ҳаммаси жуда тез юз берди. Ҳақиқатдан бошлиқ уларнинг ҳаммасини ўлдирадими ёки бу бир алдов эдими, буни ўйлаб қўриш ва ибодат қилиш учун Аделга вақт керак эди. У қандай қилиб Метудан юз ўгириши мумкин? Аммо у қандай қилиб бошқа асирларнинг ўлимига олиб келувчи танловни қилиши мумкин эди?

У ўйлаб улгурмасданоқ, уларни зобитлар орасида Мету ўтирган хонага олиб кирдилар. Улар хонага кирганида, бошлик Аделнинг қулогига шивирлади. «Эсингдан чиқмасин, агар сизлардан кимдир улар билан кетса, мен барча асиirlарни ўлдираман. Ба нафақат уларни, балки Метуни ҳам ўлдираман. Қасам ичаман, уни ҳам ўлдираман». Унинг совук сўзларидан Адел қўрқиб қолди ва у худди шундай қилишини тушунди.

Адел Метунинг кўзларидан, у қандай азоб чекаётганини кўрди. У ўз хотини ва қизи билан бирга бўлишни қанчалар хоҳларди! Охирги уч ой, унга бутун бир абадийликка ўхшаб кўринган бўлса ажабмас, аммо энди унда умид пайдо бўлди. Мету хонадан уларсиз кетмасликка қатъий қарор қилган эди. Адел қилиши мумкин бўлган нарса бу Худо унга куч бериши учун ибодат қилиш эди холос.

Зобит ўзини жаноб Саид деб таништириди ва иккиланмасдан сўради: «Адел, сен Мету билан кетишни хоҳлайсанми ёки қолишни?» Адел савол худди шундай сўзма-сўз бўлишни биларди. Ва унга қандай жавоб беришни ҳам айтишган эди. У айтишга ҳаракат қиласарди, аммо лаблари фақатгина сўzsиз қимирлар эди. «Адел сен Мету билан кетишни хоҳлайсанми ёки қолишни?»

Адел, ўзининг нима учун шунчалик узоқ жавоб бермаётганидан ҳайрон бўлган Метуга қаради. «Мету...». «Мен сен билан бора олмайман» – деб, нафаси сиқилиб айтганида, унинг юзига ёш тўлиб оқди.

Мету стулдан сакраб туриб, Аделнинг ёнига югуриб боришга ва ундан нима учун деб сўрашга тайёр эди, аммо Саид сўрашга имкон бермасдан, уни ушлаб қолди. Ўша заҳотиёқ худди шу саволни Кристинага ҳам берди. Адел ҳали ҳам йиглар ва қизининг нима жавоб беришини билмасдан, унга қаради. У Кристина билан маслаҳатлашиб учун вакти бўлмаган эди ва энди агарда улардан кимдир Мету билан қайтишга рози бўлса, уларнинг ҳамма асиirlарни ўлдиришига ишончи комил эди. Аммо унинг тўққиз яшар қизи, ўзининг отаси билан билан кетишга розилик бериши қандай оқибатга олиб келишини қаёқдан тушунсин?

Отаси олдида кечирим сўрашга ва вазиятни тушунтиришга қаттиқ ҳаракат қилиб «Мен сен билан кета олмайман дадажон,

мен жуда афсусдаман...» – деб йиглади Кристина.

Жаноб Саид қўпол равишида унинг гапини бўлиб: «Тамом. Биз тугатдик. Биз бошқа бу ҳақида гаплашмаймиз. Тушундингизми?».

Адел ва Кристинага кучли назорат остида Мету билан гаплашиб олишга имконият беришди ва шивирлаб гаплашмасликни буюрдилар.

«Мету мен шундай жавоб беришимга тўғри келди. Агар мен сен билан кетсан, улар бошқа одамларни ўлдириш билан қўрқитдилар. Илтимос, мени ҳукм қилма. Охирги кунимгача умид қиласман. Мен ишонаманки, қачондир яна бирга бўлламиз».

Мету ўзининг чиройли рафиқасига қаради. У унинг кўзларидаги оғриқни кўрди ва унинг жасурлигидан қойил қолди. Айтадиган гапнинг ўзи йўқ эди. У ўзининг оиласига қаради ва «мен тушунаман» – деб жавоб қилди.

## Умидга осилиб

Бошланмасдан туриб, учрашув тугади. Адел ва Кристинани хонадан олиб чиқиб кетишиди. Адел яна бир марта Метуга қарап учун орқага ўгирилди, аммо бошлиқ мушти билан унинг елкасига туртиб: «Унга қарама» – деб шивирлади – «У Исога ишонади. У чўчқа!». Аделнинг умидлари сўнди, у фақатгина йиглаши ва келажак унга нима олиб келиши ҳақида ўйлаши мумкин эди холос.

Кейинги бир нечта ҳафта Адел қачондир Мету билан бирга бўлиши ҳақидаги умидга осилиб яшади. Бу умид кичкинагина орзу бўлишига қарамасдан, унинг чеккан азоб оғриқларини енгишга ёрдам берар, уни қўллаб-қувватлар эди.

Кейин, 10 апрелда унинг орзуси даҳшатга айланди...

«Адел» – деб бошлади бошлиқ, – «Мен сен билан нима қилишни ҳал қилдим. Сен менга кўп нохушликлар келтирдинг, сен тинчлик бузувчисан. Мен ўз одамларимдан биттасига сенга ўйланишга рухсат беришга қарор қилдим. Эҳтимол у сени жиловлай олар».

Адел бунга ишона олмади. «Мен турмушга чиқа олмайман. Мен Метуга турмушга чиққанман!»

«Мен сенга айтдим. Мету одам эмас. У – чўчқа ва мен сенинг эрга чиққанингни тан олмайман. Агар сен, мен танлаган одамга турмушга чиқишдан бош тортсанг, у ҳолда уларнинг ҳаммасига сендан фойдаланишга рухсат бераман». Бошлиқ ҳеч нарса эшитишни хоҳламади ва унинг қайсар юзидан Адел шундай қилишини тушунди. Бошка йўл йўқ эди.

Адел бошқа асиirlарнинг ёнига борди ва ёрдам беришлари учун ёлворди. Адел уларнинг ўзи учун ёрдам бера олишига уччалик ишонмасди, аммо улар Адел билан биргаликда мажбурий никоҳга қарши туришига умид қилганди. Аммо улар ўз ҳаётидан кўркиб, жим бўлдилар. Нихоят улардан бири унга: «Агар сен улардан бирига турмушга чиқмасанг, улар ҳаммамизнинг номусимизга тегишлари ва ўлдиришлари мумкин» – деди. Адел бундан изтиробга тушди.

Адел бу аёлларни ҳимоя қилиш учун шунча харакат қилди, энди эса у ўзига нисбатан сотқинликни ҳис қилди. У ўйғлаб юборди. «Мени буюмга айлантиришга ва ўзларингизни кутқариш учун мени сотишга қандай ҳаддингиз сифди?».

Бошка аёллар фақат кечирим сўрап ва ўйғлар эди. Улар ўзларини ҳам мусулмонларга эрга чиқишига мажбур қилишларини билар эдилар. Ўзини ва Кристинани Алминнинг, яъни Аделнинг янги эрининг уйида яшашга мажбур қилишганида, Адел бундан баттари бўлмаса керак деб ўйлади. Аммо вазият янада ёмонлашди. Бир неча ой ўтиб, Адел ҳомиладор бўлди.

### Янги ҳаёт

Октябрь ойига келиб, Аделнинг хиссий аҳволи жуда ёмонлашди. У ўзини тубсиз чуқурликка тушиб кетаётгандек сезди. Бу ҳайвонлар унинг ўғлини ва онасини ўлдирдилар. Улар уни кўп марта калтаклашдилар. Энди эса у ўзини Мету билан қўшилиш умидидан ҳам бебахра қилингандек ҳис қилди. Уни ушлаб олган кунда пайдо бўлган нафрат, унинг ичидаги янги ҳаётдан кўра тезроқ ўсиб борарди. У қандайдир умид топишга

ҳаракат қилиб йиғлар эди, аммо ҳеч қандай умид топа олмади. Ҳатто у ўзининг юраги тагида кўтариб юрган айбизз чакалоқни ҳам сева олмасди. Адел учун у ўзининг ҳамма нарсадан маҳрум бўлганини эслатиб турувчи эди.

«Бошқа уларга ҳеч нарсамни тортиб олишга рухсат бермайман» – деб қарор қилди у.

У ўзининг ёлғиз қолишини кутди, кейин эса у ошхона столидан пичоқни олди. Ҳаммаси шунчалик чалкашиб кетганига ишониш қийин эди. Адел ўзига нима учун тирик қолгани, ҳаммаси фақат шундай умидсизликни хис қилиш учунми, дея савол берди. У Худо ўзини кутқарганини биларди, аммо у бошқа яшай олиши мумкинлигини хис қилмасди. Секин пичоқни қорнига олиб келди, кўзини юмди ва Худодан ўзини кечиришини сўради.

«Онажон, бас қилинг» – деб қичқирди, хонага югуриб кирган Кристина ва унинг қўлидан пичоқни тортиб олди. Адел йиғлаб юборди ва полга йиқилди. Кристина ҳам унинг ёнида йиғлади. «Онажон, сиз нима қиласиз? Сиз ўзингизни ўлдишингиз мумкин эмас. Ва бу бола ҳеч қандай ёмонлик қилгани йўқ. У бегуноҳ».

Аделнинг бардоши тугаган эди. Соатлаб йиғлади, Кристинанинг сўзлари унинг юрагига ва руҳига таъсир қилди. Ўзини асирда ушлаган одамлардан нафратланганини тан олиб, Худодан кечирим сўраб ёлворди. Ҳудди жиҳод аскарлари ўзи билан нима қилган бўлса, у ҳам ўзининг нафрати туфайли шу бир бегуноҳ ҳаётни барбод килишига озгина қолганини англай бошлади. Бу одамни хушига келтирувчи ҳақиқат эди ва у ўзига азоб берган одамларни тезда кечира олмаган бўлсада, Худонинг меҳр-муҳаббати у билан бирга бўлиши кераклигини биларди. Нафрат унга Худонинг шифоловчи севгисини хис қилишга имкон бермаётган эди.

Адел мулоиймлик билан ўзининг қорнини силай бошлади ва ўзининг ичидаги янги ҳаёт билан гаплаша бошлади. У қиз бўлишига ишониб, чақалоққа Сара деб исм қўйди. «Сара, илтимос мени кечир. Илтимос, онагинангнинг гуноҳидан ўтгин. Сен ҳеч қандай ёмонлик қилганинг йўқ. Сен бундай вазиятда бўлиши мумкин бўлган нарсанинг энг яххисисан. Мен сени яхши кўраман».

У ибодат қилганида ва Сара билан гаплашганида, худди қора буулутлар йўқолгандай туюлди. Илгари Адел ҳали туғилмаган чақалоқни яна битта душман деб, ўз ўғли қотилининг чақологи деб хисоблар эди. Энди эса у бу чақалоқ уники эканлигини ва у Худованднинг ижоди эканини тушуниб етди.

Кейинги куни Адел бир варак қофозни олди. У Мету билан боғланиши кераклигини биларди. Адел ҳамма юз берган нарсаларни Метуга айтиши ва ундан кечирим сўраши керак эди. Ҳатто у Аделни бошқа ўзининг хотини деб хисобламаса ҳамки, у буни тушунади ва Метудан хафа бўлмайди. Адел уни яхши кўради ва улар бирга бўлишига умид қиласди. У хат ёзди ва унинг кўз ёши сиёҳ билан аралшиб, хатнинг ҳамма ерига ёйилди. У бу хатни ўқий оладими? У олти варакни тўлдириб, хатни ёзиб тутатди. Адел учун бу энг азобли ва муҳим, севгига тўла хат эди. У эҳтиёткорлик билан хатни буқди ва яшириб кўйди. У хатни Метуга етказиш имконияти бўлиши учун ибодат қилди.

Йигирма тўртингчи декабрда асиirlарни кокос экиладиган майдонда ишлашга мажбур килдилар. Бу қийин иш эди, айниқса Адел учун, чунки у аллақачон олти ойлик хомиладор эди. Аммо асиirlар бу мавлуд байрами арафаси эканини билардилар ва уларнинг ҳар бири ўтган байрамларни эсладилар. Ўша куни кечқурун, Адел паст овозда «Сокин тун» мусиқасини куйлаб бошлаганида, бошқа одамлар унга қўшилишдилар. Тез орада уларнинг ҳаммаси бирга куйлай бошлади, қаттиққўл қўриқчилар эса, шубҳа билан тинглашар эди. Уларнинг ҳар биттаси анъанавий Масих ҳақидаги мавлуд байрами ашуналарини айтиш қанчалик хавфли эканини биларди. Эҳтимол, уларни дўппослашар, аммо уларга барибир эди. Куйлаш шунчалик хурсандчилик келтиради!

Улар узок куйлашдилар ва ўз оилаларини эсга олдилар. Уларнинг таналари асиирда эди, аммо ашуналари орқали Худога мурожат қилишганида, уларнинг рухи эркин эди. Кейинги куни эрталаб улар ўзларининг асиirlигидан аза тутиб йиғлашиб, қувонч ва қайғу кўз ёшларини тўқдилар, аммо бундан баҳтлироқ кунлар келишига умид қилишар эдилар. Улар далада бирга кутиб олган мавлуд байрамини ҳеч қачон унутмайдилар.

Ўн саккизинчи мартда Сара туғилди.

Энди чақалоқ туғилганида, Кристина онасига айтиш кераклигини ҳис қилди: «Сен қочишга ҳаракат қилишинг керак, сен ва Сара. Агар сен қочмасанг, биз ҳаммамиз ўламиз».

«Мен сени қолдириб кетолмайман, Кристина. Мен сени ҳеч қачон ташлаб кетмайман», – деб ўзининг қизини ишонтиради Адел.

«Ойи, мени эшишт. Сен қочишинг керак», – деб ундан ўн ёшли қизи ўтиниб сўради. «Алмин ҳеч қачон ҳаммамиз кетишимизга руҳсат бермайди. Аммо, агар сен ва Сара қочсангизлар, у сизлар албатта қайтиб келасизлар деб ўйлайди. Аммо сен қайтиб келмаслигинг керак. Сен дадамнинг олдига етиб боришинг керак. У менинг орқамдан келади. Бу бизнинг ягона умидимиз».

Адел қизининг ҳақлигини биларди, аммо у буни қандай амалга оширишни билмасди. У ҳатто Мету уни қабул қилишини ҳам билмасди. Энди эса унда Сара бор. Унда шунча саволлар пайдо бўлганида, қочишни режалаштириш учун жасорат ҳам қолмади.

Унда битта имконият пайдо бўлиб қолди. Адел олти ойдан кўпроқ ўзи билан бирга хатни олиб юрди. Унда хатни бериб юбориш имкони бўлиш учун ибодат қилди ва бунга умид қилди. Бир куни уларнинг қишлоғида бир нечта болалар меҳмон бўлишганида, шундай имкон пайдо бўлди. Адел қизчалардан биттасини биларди ва у шошмасдан улар ўйнаётган жойга йўл олди. Адел унга тезда хатни берди ва уни ўзининг эри Метунинг қўлига беришни илтимос қилди. Қизча хатни олди ва розилик бергандай бошини қимирлатди.

Адел уйга қайтди ва хат Метунинг қўлига етиб бориши учун ибодат қилди... у Аделни кечириши учун ибодат қилди... у Аделни ҳали ҳам севиши учун ибодат қилди. Ва ҳар куни Адел қизчанинг яна келишига умид қилиб, диққат билан қишлоққа қарап эди. Бир неча кундан кейин уни яна кўрди.

«Сен Метуни кўрдингми? Унга менинг хатимни етказдингми?» – деб тезда сўради, хатни берган қиздан. «Ха, мен хатни Метуга бердим, у эса менга ўша заҳотиёқ мана буни берди». Қизча унга хатни берганида, Адел хайратланди. Мету ҳали

хатни олмасдан туриб, унга хат ёзган эди. У конвертнинг ранги ўчиб кетганидан ва қирралари букилиб кетганидан, у бу хатни худди ўзига ўхшаб қандай бериш имконини кутиб юрганлигини аниқлаб олиши мумкин эди.

У хатни ўша заҳотиёқ ўқиши ҳақида ўйлади, аммо тезда қарорини ўзгартириди. Агар Мету ундан нафратлансачи? Агар у бошқасига уйланган бўлсачи? Саросимадан Адел уйига югуриб кетди. Хатдаги сўзларни ўқиганида, унинг юраги дукуллаб кетди.

«Адел, сен ўнта эрдан, ўнта болали бўлишинг мумкин ва сен барибир менинг хотинимсан.  
Наҳотки, сен чўпон айтган сўзларни унутган бўлсанг? Фақатгина Худо бизларни ажратишига кодир. Мен сени яхши кўраман.»

Мету

Адел жавоб олди, энди эса у қочишни режалаштириши мумкин.

### Қочиш ва қутқарилиш

Икки ой ўтиб, 18 июнда, Алмин Аделга қўшни оролдаги қариндошларини кўриб келишга рухсат берди. Адел Сарани қаттиқ қучоқлаб, кичкина қайиқ-паромга ўтира туриб, Кристинани ўзи томон тортди. Аммо Алмин Кристинани ушлаб қолиб: «У шу ерда қолади» – деди.

Адел Алминдан Кристина ҳам боришини илтимос қилди, аммо у рухсат бермади. «Мен Кристинасиз бормайман» – деб туриб олди у. Аммо Алмин рози бўлмади. Агар Кристина у билан бирга борса, «хотини» қочиб кетишини биларди.

Худди Кристина режалаштирганидек бўлди. У ўзининг онаси ни қучоқлади ва унинг қулоғига шивирлаб: «Ўтинаман, ойи! Илтимос, сен ва Сара дадамнинг олдига борамиз деб ваъда бер. Ўтиниб сўрайман сендан. Мен билан ҳаммаси жойида бўлади». Адел унинг битта ўзини қолдиргиси келмай, Кристинани маҳкамроқ қучоқлади. Қизи қандай қилиб бунчалар жасур

эканлигидан ҳайратланиб, Адел уни ўпди ва хайрлашди. Адел уни узок кўролмаслигини, балки умуман кўрмаслигини ҳам билар эди.

Адел Кристинанинг шарпаси қандай кўздан ғойиб бўлишига қараб, паром панжараси ёнида турарди. У ўзидан тўғри қарор қабул қилдими ёки йўқлиги хақида сўраб, Сарани кучоқлади ва йиғлади. У ўзининг узок қариндошларини бориб кўриш нияти йўқ эди. Алмин унинг қочганини билиб қолишидан олдин, у тезроқ Метунинг олдига етиб боради. Кейин улар қандайдир тарзда Кристинани олиб кетишлари керак.

Аделга Мету бўлган жойга етиб олиши учун бир ҳафта керак бўлди. Саёҳат жуда узок ва қийин эди. Адел ўйлаган нарсасини Алмин билиб қолишидан қўрқиб, ўзи ҳақида Метуга билдиришга журъат қилолмади. У меҳмонхонадаги каравотда ўтирар (Сара бошқа хонада ухларди) ва хавотир билан кутарди. «Мету уни яна қабул қилишни хоҳлармикан?» – деб у ўзидан сўрарди. «Сарани-чи?».

Хатто ҳозир Адел эркин бўлса ҳамки, ўзини худди асирикдагидек хис қиласарди. Бунинг устига, у ўзини сотқиндек ҳам хис қиласарди. У бошқа эркакга турмушга чиқди ва ўзининг қизи, Кристинани асирикда қолдириб келди. Мету уни қандай қилиб кечиради? У ўзининг қилган қарорида яна ва яна шубҳаларнарди, узок йиғлади ва ниҳоят ухлаб қолди.

Адел Метунинг уйга кираётганини эшитиб, ўша заҳотиёқ уйгонди. У тўшакнинг устида қалтираб ўтирарди, кейин ухлаб ётган Сарани қўлига қўтариб олди ва ўрнидан турди. Ўзининг даҳшатли хатога йўл қўйганига ишонч ҳосил қилиб, Адел уйдан қочиб кетиш хоҳишига бўйсунди. У Метунинг кўзига қарай олмайди.

Аммо у эшик олдига етиб боришдан олдин, Мету уйга кирди. Бир минут ҳам иккиланмасдан, у ўзининг хотини ёнига борди ва уни хурсандчилик билан қучоқлади. Кейин у Адел қўлида ушлаб турган қизалоққа қаради ва кулди. «Шундай қилиб, бу бизнинг кичкинтой қизимизми», – деди у. Адел йиғлаб юборди – энди хурсандчилик ёшлари эди ва узок кутилган Мету билан бирлашишдан лаззатланар эди. Адел доимий

равишида Метуни ушлаб туришни, унинг кучли қучогидаги хавфсизликдан лаззатланиши хоҳларди. Аммо у Метунинг кетиши кераклигини биларди. У Кристинани қутқармагунча, тинчланмаслгини ҳам биларди.

Асабийлашган ҳолда, Адел кун ортидан кунни кутарди, Мету ёки Кристинадан эса хабар йўқ эди. Агар улар Кристинани ўлдирган бўлсалар-чи?

Агар Мету ўлган бўлса-чи? Бу ҳаммаси менинг айбим. У Худога мурожат қилиб, Ундан ҳимоя сўраб, доимий равишида ўзини қийнаётган фикрлар билан курашишга харакат қиласарди.

Адел ўзига 18 ойлик асирик пайтида шу қадар етишмаган, Хушхабарнинг таниш жойларидағи оятлардан ўзига далда топарди. У жиҳод аскарлари қандай қилиб ўрмонда Муқаддас Китобини бўлакларга бўлиб ташлаганини эсларди. Адел худди ҳар доимгидек муқаддас ҳаворий Павлуснинг Филиппиликларга мактуби 4:13 оятни яна очди ва овоз чиқариб сўзларни ўқиди: «Мени қўллаб-кувватлаётган Исо Масихнинг мадади билан ҳар нарсани қила оламан». У қачон охирги марта бу сўзларни ўқиганини эслади. Бу қишлоқ орқасидаги адирликда, мусулмонлар ҳужум қилган кунда эди. Ўша пайтдан бүён бутун бир абадийлик ўтиб кетгандек, у дўзахда бўлди ва қайтиб келди. У ўзининг даҳшатлари ҳали тугамаганини биларди. Кристина ҳақида ўйлашдан тўхтамас ва ўз қизига нисбатан сотқинлик қилмадимикин – деган саволни ўзига берар эди.

Аделга Мету Кристина билан биргалиги ва Адел уларнинг ёнига келиши кераклигиҳақидағи хабарни етказишларидан олдин, Мету икки ҳафтадан кўпроқ вакт йўқ бўлди. Ниҳоят улар ўз оиласида, бирга бўладилар. Қувонч кўз ёшлари унинг юзларига ёйилди ва у Мету Кристинани қутқара олгани учун Худога миннатдорчилик билдириди. Энди эса Алмин уларни қайтариш учун нима қадам қилиши ҳақида ўйлади.

## Хотима

Биз Адел билан сухбат қурганимизда, у ва Мету яширин Муқаддас Китоб мактабида, хушхабар әлчилари бўлиш учун ўқиётган эдилар. Қочишидан бир неча ойлар ўтган бўлишига қарамасдан, Адел ва унинг оиласи Алминдан яширинишга ҳаракат қилиб, доимий равишда кўчиб яшаётган эдилар. Алмин кўплаб мусулмонлар ёрдамида уларни қидираётган эди. Адел икки марта уларнинг қўлига тушишига оз қолган.

Ўзи озод бўлганидан кейин Адел иккита муҳим масалани ҳал қилиши керак эди. Биринчиси, бу унга ҳеч қачон ечилмайдигандек туюларди. Масихий аёл сифатида у жиход аскарларига кечириб бериши керак эди. Бу қийин жараён унинг ҳомилали пайтида бошланган. Ўша пайтда Кристина унга ўзи кутаётган чақалоқ ҳеч қандай ёмонлик қилмаганини ва Сара бегуноҳ эканлигини эслатганди.

Адел «мен кечираман» деган сўз нима англатишини биларди, аммо у чин юрақдан бўлиши керак эди. Чунки ҳақиқий кечириб айнан ўша ерда бўлади. Адел қочганидан кейин кўп ибодат қилди. У ўзини азоблаганларнинг нажот топиши учун ва ўз оиласи учун ибодат қилди. У ибодат – бу уларни кечириш учун калит эканига ишонарди.

Иккинчи масала ҳам жуда қийин эди. Адел ўзининг Алмин билан тузган ноихтиёрий никоҳи учун, ўзини кечириши керак эди. У кўпинча ўзини сотқин ҳисоблар эди. Афсуски, бошқа масиҳийлар унинг фикрини исботлади ва бу фикр унга доимо азоб берар, айниқса қочиш вақтида кўп безовта қилган эди. Айрим пайтда унга Мету ва уларнинг бошқа масиҳий дўстлари, унинг мажбурлаб қилинган никоҳи туфайли ундан юз ўгирадигандек бўлиб туюлар эди. Айрим пайтда унга ўзи сабр қилишга тўғри келган жисмоний азоблардан кўра, ички гулгулалар билан курашиш қийинроқ бўларди.

Адел асирикдан озод бўлганидан кейин, у Метуга дўстона муносабатда бўлган, мамлакат ичкарисида ва мамлакатдан

ташқарида унга ёрдам беришга ҳаракат қилган, масиҳий хушхабар элчилари бўлган эр-хотин билан сұхбатлашди. Адел ўзининг эри Метуга қайтиб келганида, Худованд Метуни қўллаб-қувватлади ва унинг биринчи сўзи: «Адел сен хоинлик қилмадинг» – деган сўзлар бўлди.

Бу сўзларни эшитиб Адел йиғлаб юборди ва ўша кундан бошлаб у ўзини секин-аста кечира бошлади.

Адел ва Мету у билан бирга асирикда бўлганларни озод қилиш учун ишлашда давом этдилар. Уларнинг айримлари ҳалигача асирикда.

Адел бизлардан улар учун ибодат қилишимизни сўраяпти.

# Пурнима:

## Бола қамоқхонада, рухи эса озодликда

Бутан.  
1 март, 1993 йил.

Айнан ўша, айниңса совук қиши кунларининг бири жуда кеч пайтда полиция яна имонлилар гурухини ўраб олди ва уларни туман раҳбарияти идорасига олиб борди. Ўн уч ёшли Пурнима титрарди – уни ва бошқаларни сўрок қилиш чўзилаётгани учун ҳовлида кутишга мажбурладилар. Зобитлар уларга ҳар доимгидек саволларни берди: «Нима учун сен масихий бўлишни хоҳлайсан?», «Сизлар қаердан ёрдам пули оласизлар?», «Бу буддист мамлакат ва сизлар бошқа динни қабул қилиб, бизнинг номимизни булғадингизлар. Нима учун сизлар ўз халқингизни ўзингизга қарши қиласизлар?»

Ўша узун совук кечада улар ҳаммаси бўлиб ўттиз бешта имонлини сўрок қилдилар. Зобитлар тахминан йигирмата эди, уларнинг кўпчилиги савлатли, кўриниши қўрқинчли эркаклар эди.

Улардан биттаси Пурниманинг ёнидаги масихийни урганида, Пурнима елкаларини қисиб, буришди. Гурухдаги айрим одамлар йигларди, бошқалари ҳимояланишга ҳаракат қиласарди. Ўн уч ёшли Пурнима ундан анча баланд бўлган эркакларнинг ёнида турага ва саволларга жавоб беришда жасорати етиши учун ибодат қиласарди.

«Пурта қишлоғида сизларга мавлуд байрамини нишонлашга ким рухсат берди? Бу Бутан. Бутанда Мавлуд байрамини нишонлашга рухсат берилмайди. Бу сизларнинг охирги имкониятингиз. Ёки сизлар буддизмга қайтасизлар ёки Бутандан кетасизлар. Зобит энди тўғридан – тўғри Пурнимага мурожат қилди: «Сен тушуняпсанми? Сенга бу ерда қолишга ва

бошқа динга эътиқод қилишга рухсат берилмайди. Сен нимани танлайсан?»

Пурнима зобитнинг сўзлари жиддий эканига ҳечам шубҳа қилмасди. Масихийларни ёки масиҳийликдан воз кечтириш, ёки худди хоинлардек оммавий фош қилиб, мамлакатдан ҳайдаш улар учун шарафли иш эди. Уни аллақачон уйидан ва қишлоғидан ҳайдаб юборишган эди. У қаёққа боришни билмас эди, аммо нима қилиш кераклигини биларди.

«Мен Масихдан воз кечмайман! Мен ўз мамлакатимни тарк этишни хоҳламайман ва Масихни ҳам ташлаб кетмайман. Сизни ва мени фақатгина У қутқариши мумкин».

Пурнима жаҳлдан қизарган зобит билан кескин гаплашганида, у титраётганини ҳис қилди, аммо ичидаги нима қилиш кераклигини ҳал қилган эди. Ўша пайтда унинг тақдири ҳал бўлганини ҳам биларди. Унга ва бошқаларга Бутани тарк этиш учун беш кун беришди. Уларга Непалга кетишлари кераклигини айтишди.

## Беш кун

Пурнимада ўзи ҳар доим билган ҳаётдан беш кун қолган эди. Зобитларнинг таҳди迪 тезда улар яшаётган жойга тарқалди ва унинг опаси ва қайногаси ўз ҳаётидан хавфсираб, аллақачон кетишган эди. Энди масиҳийларни расман хоинлар деб аташганида, қишлоқдаги айрим аҳоли буни уларга ҳужум қилиш учун рухсат деб қабул қилдилар. Кетишидан олдин Пурнима онаси билан кўришиши керак эди. Унинг ота-онаси уйидан ҳайдаганига бир йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Энди у яширин равишда қайтмоқчи эди. Уларга ўзининг тез орада кетиши кераклиги ҳақидаги хабар етиб борганига ишонч ҳосил қилиб, у ота-онаси ўзларининг кичкина қизи билан охирги марта учрашишни хоҳлашлари учун у узоқ ибодат қилди. Туннинг қоронғусида Пурнима ўзи ўсиб-улғайган уйга етиб олди. Уни бу уйдан 12 ёш пайтида ҳайдаб юборишган эди...

## Мұйжизавий шифоланиш

Пурнима шарқий Бутандаги күм-күк адирлар орасыда жойлашған, кичкина буддист қишлоғида ўсиб-улгайди. Унинг отаси маҳаллий табиб эди. У маросимлар ўтказар ва қишлоққа хавф соладиган ёвуз рухларни ҳайдаш учун хайвонларни қурбон қилишар эди. Маҳаллий ўлчам бўйича, уларнинг саккиз кишидан иборат оиласи бой ҳам эмас, камбағал ҳам эмас эди, аммо уларнинг катта уйи бор эди ва улар жуда ахил яшашарди. Пурниманинг катта опаси Майяга ўйланган Сивал ҳам улар билан бирга яшарди. Агар касал Майя мўйжиза туфайли шифо топмаганида, эҳтимол Пурнима ҳам қишлоқдаги бошқа болаларга ўхшаб ўсиб-улгайган бўларди.

Уч йил мобайнинда Пурнима отасининг ўз қурбонгоҳида яна товукларни қурбон қилишини, ўзлари қилган барабани уришини ва рухларга мурожат қилиб, ўз қизини шифолашини сўрашини кузатди. Бундан кейин Пурнима Майянинг каравотига ўтирап ва унинг тузалиб қолишига умид қиласди, аммо Майя тузалмасди. У баъзида яхшироқ, баъзида ёмонроқ бўларди, аммо ошқозонидаги тўхтовсиз оғриқ ва бош оғриқи кўпинча уни узок муддатга кўрпа-тўшакка михлаб қўярди. Ўзининг опаси қийналётганини кўриб, Пурнима кўпинча ўз онасидан шундай сўради: «Нима учун рухлар шунчалик хафа? Нима учун қурбонликлар ёрдам бермаяпти?». Аммо жавоб йўқ эди.

Энди кўп йиллик азобли касалликлардан кейин, Майя соғлом бўлган эди. Оғриқлар йўқ эди... ва бошидаги шовқинлар ҳам йўқолган эди. Пурниманинг онаси ва отаси ўз қизининг анча яхши бўлиб қолганидан хурсанд эди, аммо уларга Майянинг унга Исо шифо берди деб айтиши ёқмас эди. «Сен қандай қилиб буни айтишинг мумкин-а? Қандай қилиб сен бу тарзда ўз оиласидан шундай сўради: «Биз буддистлармиз ва мен бу ўзга Худо ҳақида ҳеч нарса эшишишни хоҳламайман. Сен тушундингми? Ҳеч нарса!» Унинг жаҳли чиққан эди. Бунинг устига агар қишлоқ аҳолиси билиб қолса, нима айтишидан ҳам қўрқар эди. У ўз ҳаётидан қўрқарди.

Аммо Майя ва Сивал ўзларининг янги имонидан воз кечолмасдилар. Сивалнинг дўстларидан бири Майянинг касали ҳақида билиб қолганида, у ўзининг масиҳий эканини тан олган ва Сивалга Муқаддас Китоб берган. У шунингдек Сивалга, Исо Майяни шифолашига ишонишини айтган. Ва У шифолади. Бундан кейин уларнинг имони мустаҳкамланди ва улар биргаликда Муқаддас Китоб ўқир эдилар.

Ўша охирги кечқурунда отаси Пурнимага, Сивалга ва Майяга «Агар сизлар масиҳиймиз деб туриб оладиган бўлсангизлар, бошқа бу ерда қололмайсизлар» – деб айтди. «Қишлоқдошлар ҳеч қаҷон бунга йўл қўймайди. Улар бизни ҳам ҳайдайдилар ва сизнинг янги динингиз, бизнинг бутун оиласизга кулфат олиб келади».

Пурнима опасини ва поччасини ота-онасининг уйидан ҳайдаётганини кўриб қайғуга ботди. У ўзининг ўн ёш бўлишига қарамасдан, отаси ҳақиқатни айтаётганини жуда яхши тушунар эди. Қишлоқ аҳолиси бу янги динни қабул қиласлигини у жуда яхши биларди. Лекин барибир у Майянинг ўзи билган ягона уйдан кетиш учун камгина бўлган лашлушларини ўфишишираётган пайтдаги, Майянинг соғлигининг яхшиланганини ва унинг янги ёрқин юзи ифодасини кўриб ҳайратланмасдан қололмасди. У Майянинг аллақачон олти ойлик ҳомиласи борлигини билганида, Пурнима яна ҳам кўпроқ қайғуга ботди.

Улар кетганидан кейин, уйда ҳамма ўзини худди кимнидир дағи қилгандек сезар эдилар. Пурниманинг онаси руҳий тушкунликка тушди, отаси эса ўзининг оиласи билан нима юз берганини ҳечам тушуна олмас эди. Пурнима онаси билан Майя ҳақида гаплашишни хоҳларди, аммо ҳаммага ҳатто унинг исмини ҳам тилга олиш ман этилган эди. Ва ҳеч кимга уларни янги кўчирган жойга – қўшни қишлоқдан бир неча мил узоқликдаги кичкина бамбуқдан бўлган уйчага бориб кўришга рухсат бермасдилар.

Аммо Пурнима Майянинг ўғил тукқанини эшитганида, у бошқа улардан ажралиб яшашга чидай олмади. У опасининг соғлом чақалоқ тукқанидан ва мўъжизавий тарзда шифо

топганидан ҳайратга тушарди. У чақалоқнинг қандай қўринишда эканлигини ўзича тасаввур қиласади.

Унинг фикрлари ҳар доим жиддий масалалар билан банд эди:  
*«Қандай Худо эвазига ҳеч нарса талаб қилмасдан, шифо беради? Майя ва Сивал ўзларининг янги Худосидан нима топдилар, ўз оиласига ва жамиятига қарши боришида – ҳатто уйдан ҳайдалишигача етиб боришида – нима уларга шунчалик жасоратни ато қилди?».*

Бу саволлар Пурнимани ўзида мардлик топишга ва ўз опасининг уйига яширинча келишга мажбурлади. У дала орқали, дараҳтларнинг соясидан юриб, уларни кўп ҳафталар мобайнида опасидан ажратиб турган масофани тезда босиб ўтди. Майя ўзининг кичкина, ачинарли ахволдаги уйчасининг эшигини очганида, титраб турган Пурнимани кўрди. У тезда ҳайратланишдан тўхтаб, ўзининг кичкина синглисини қучоқлади ва йиглаб юборди.

Пурнима доимий равишда яширинча Майяни бориб кўриб туришни бошлади. У кўп вақтга қола олмасди, айрим пайтларда атига ўн беш минут учун келарди. Аммо ҳар сафар келганида, Майя унга Муқаддас Китобдан парчалар ўқиб берарди ва у эса ҳаммасини пухта ўзлаштириб, дикқат билан эшитар эди. Унга Мусо ҳақидаги парча жуда ёқди. Унга нафақат Худонинг Мусо орқали қилган мўъжизавий кучи, балки у уйидан кетишга тўғри келгани ва охир оқибатда унга гапириш қийин бўлса ҳам, Худонинг ердаги овози бўлгани ёқди. Агар у масихий бўлганида эди, албатта худди Мусога ўхшаш бўлишини хоҳлаши ҳақида тасаввур қилди.

Кейинги йили Майя яна бир чақалок, Эстерни тугди ва Пурнима уни тез-тез кўришга келадиган бўлди. Кичкина Пурнима учун бу саргузаштга ўхшарди, яъни ўзининг ҳайдалган опасини ва кичкина жиянчаларини кўриш учун, яширинча сўқмоқлардан юрарди. Ҳатто қўлга тушса ҳам, катта кулфат бошимга тушмайди деб ўйларди. Охир-оқибатда у ҳали ёш болаку.

Аммо Пурниманинг онаси бошқача ўйларди: «Пурнима, биз сенинг нима қилаётганингдан хабардормиз» – деди бир куни онаси. «Мен аллақачон бир қизимни йўқотдим ва бошқасини

ҳам йўқотишни хоҳламайман. Сен тушунаяпсанми?» Пурнима тушунганга ўхшаб, бошини чайқади ва онаси масихийлик паст табақалилар учун, ўзгаларнинг дини деб тушунтиришда давом этди. «У дин бизнинг қишлоғимиз ва ватанимизники эмас. Майяни Сивал ва унинг дўсти алдашди» – деб якунлади онаси.

### Худога нисбатан тушунтириб бўлмас иштиёқ

Аммо Пурнимага опаси билан вақт ўтказиш ёқарди ва яширин равишда борища давом этди. Мавлуд байрамида Майя ва Сивал Пурнимага уларнинг охирга ўн саккиз ой ичida ташкил бўлган кичкина аҳил гурухига қўшилишига руҳсат бердилар. Бу тез-тез ташрифлар Пурниманинг юрагида имон уруғларини эқди. У Масихнинг туғилиши ҳақидаги ваъзни, яъни Унинг бокира қиздан туғилгани ва одамларга нажот бериш учун ерга келгани ҳақида эшитганида, унинг жони Худога нисбатан қаттиқ талпина бошлади.

Кейинги сафар у Майянинг уйига яширин тарзда келгунига қадар, кўп кунлар мобайнода ўзининг масихийликни қабул қилиш ҳақидаги қарорини ҳеч кимга айтмади. У Майяга келиб сувга чўмдирилишни хоҳлашини айтди. Майя синглисининг қароридан хурсанд бўлиб кетди, аммо ичida Пурнима бу янгилик ҳақида ота-онасига қандай айтиши мумкинлигидан хавотир олди. Уч ҳафта ўтиб, күёшли ёруғ кунда Пурнима сувга чўмдирилди. Ўзининг имонида мустаҳкамланиб, у шундай деди: «Мен энди нима қилишим кераклигини биламан. Бу хабар ҳақида онам ва дадамга айтишим керак. Мен буни бошқа яшириб юра олмайман. Энди мен Исо Масих учун яшаётганимни ҳамма билишини хоҳлайман ва уларнинг нима айтиши ёки нима қилишлари мен учун аҳамияти йўқ!»

«Аммо Пурнима сен ҳали шунчалик ёшсан, ёшинг ҳали ўн иккода ва сен уларнинг нима қилишини яхши биласан. Ҳақиқатдан бунга тайёрмисан? Менинг ёнимда Сивал бор эди, шунинг учун менга уйни ташлаб кетиш анча осонроқ бўлган. Эҳтимол бу янгиликни айтмасдан кутиб туриш ва ибодат қилишда давом этиш керакдир».

Пурнима ўз қарорида маҳкам эди. «Майя мен бундай қила олмайман. Мен ҳамма эшигнларимни, сен Муқаддас Китобдан ўқиб берган нарсаларнинг ҳаммасини энди тушундим. Мен олдинлари ўзимни бундай хис қилмаганман ва мен худди сен айтгандек, бунинг ҳақиқат эканлигини биламан. Мен буни қандай қилиб онам ва дадамга айтмасдан яшириб юра оламан? Бундан ташқари, менда сен борсан...»

Бундай сўзлардан кейин Майя эриб кетди ва ўз синглисини кучоқлади.

«Албатта, сенинг ёнингда мен борман. Менинг сен билан бирга боришимни хоҳлайсанми?»

«Йўқ» – деди Пурнима. «Сен учун қишлоққа яқинлашиш жуда хавфли. Хавотир олма, мен билан ҳаммаси яхши бўлади».

Аралаш ҳиссиёт билан Майя ўзининг уйга югуриб кетаётган синглисига қараб қолди. У ўзининг кичкина синглиси шунчалик жасур эканига ишонгиси келмасди. Майя ота-онасининг бунга қандай қарашидан қўрқишига қарамасдан, у Пурнимадан ва унинг жасурлигидан катта ифтихор хис қилди.

«Эҳтимол, Худонинг у учун махсус режаси бордир?» – деб ўйлади.

Хали ўн икки яшар беғубор бола бўла туриб, Пурнима уйига келди ва янгиликни айтиб берди: «Ойижон, мен – масихийман!» Онаси бу сўзни эшишиб, котиб қолди.

«Сен, албатта ҳазиллашаяпсан» – деди бунинг ҳақиқат эканлигидан хавфсираб онаси. «Сен масихий бўлиш учун хали жуда ёшсан. Бунинг устига, мен сенга иккинчи қизимдан ҳам айрилишни хоҳламайман деб айтган эдим».

Аммо Пурнима ўз қарорини тасдиқлади. «Ойи, мен Майяга ўхшаб кетишни хоҳламайман. Мен қолишини хоҳлайман. Аммо мен масихий бўлмоқчиман ва менинг бу қароримни ҳеч нарса ўзгартира олмайди».

Уни ўша куни кечкурун ҳайдаб юборишиди. У ўзига аллақачон таниш бўлган йўлакчадан, арзимасгина лаш-лушларини кўтариб, Майянинг уйи томон кетаётганида, онасининг йиглаётганини эшилди. У онасининг иккала қизини ҳам яхши қўришини биларди, аммо ота-онаси қишлоқдошларининг улар билан нима-

дир қилишидан кўрқарди. Илгари Пурнима ҳам кўрқарди. Аммо қоронғуда Майяning уйига кета туриб, у бошқа қўрқмасликка қарор қилди.

Ўша вақтдан бошлаб, у Майя ва Сивалникида яшашни бошлади. Унга опасининг уйидаги яшаш ёқишига қарамасдан, у ерда яшаш шароитоғир эди ва уларнинг ҳаммаси зўрга кун кечирап эдилар. Кейин 1992 йилда, Пурниманинг сувга чўмдирилганидан роппа-роса бир йил ўтиб, Мавлуд байрамида қўлга олишлар бошланди.

Қишлоқ полицияси масиҳийларнинг сони қўпайиб бораётганидан хавотир олаётган эди ва имонлиларга нисбатан босимни кучайтиридилар. Ўн кун ичидаги масиҳийларни ўн марта сўрек қилдилар. Ҳар сафар ҳокимият имонлиларни Масиҳдан воз кечтириш ва ўзларининг буддистлик илдизларига қайтариш учун ишонтиришга ёки айёрлик билан бўйсундиришга харакат қиласди. Эркакларни калтаклашар ва юзларига уришар эди, уларнинг айримларини бир ҳафта ёки ундан ҳам кўпроқ қамоқдан олдинги сақлаш камераларида ушлаб туришди. У ерда уларни янада кучлироқ уришар эдилар. Қўлга олинган аёлларни камситишар ва фоҳишабозликда айблашар эди. Гурухнинг айрим аъзолари Масиҳдан воз кечишига рози бўлдилар, аммо кичкина Пурнима янада мустаҳкамроқ бўлди.

Энди эса Пурнимага, унинг катта опаси Майяга, Майянинг эри Сивалга ва уларнинг кўшни қишлоқлик дўстларига ҳокимиятдагилар кетишини буюришиди: «Бутандан кетинглар».

### «Сен қандай қилиб бунчалар жасур бўлишинг мумкин-а?»

Даладан кета туриб, Пурнима қачонлардир ўзининг уйи бўлган, ота-онасининг уйидаги деразаларда чироқ нурини кўрди. У онасига нима деб айтишини ва онаси уни уйига қўйиши ҳақида ўйлади. Улар Пурнима уйидан ҳайдалган кундан бери гаплашмаган ва хатто кўришмаган эдилар. Энди эса Бутанин тарк этишига мажбур бўлиб, у энди онасини яна қачонлардир кўриш ёки кўрмаслиги ҳақида ўйлади.

У секингина кириш эшиги олдига келди ва киришга қарор қилди. «Ойи, ойи бу менман».

«Пурнима?» Онаси уни маҳкам қучоқлади. «Илтимос, уйда қолиш учун келдим, деб айт менга. Энди бошқа масиҳий эмасман, деб айт». Пурнима бир неча минут жим турди. У онасининг қанчалик қайғуда эканини кўрди, онаси аллақачон бир неча дақиқадан бўён йиглар эди. Пурнима онасига яна кўпроқ азоб беришни хоҳламасди, аммо у онасига айтиши керак эди. «Ойи, мен Бутандан кетишим керак. Полиция менинг бу ерда яшашимга йўл кўймайди. Мени кечир».

Онаси ўзининг кичкина қизига қаради ва унинг жасоратига қойил қолди. Аммо у ҳали шундай кичкина, шундай бегубор.

«Пурнима, сен ҳали ўн тўрт ёшга ҳам кирмадинг. Сен қандай қилиб шунчалар жасур бўлишинг мумкин? Қандай қилиб ўз мамлакатингни тарк этишинг мумкин?»

Пурнима онаси билан бирга йиглади. «Мен ўз мамлакатимни тарк этмаяпман, ойижон» – деб йиглади у. «Менинг мамлакатим мени тарк этаяпти». Онаси уни қанчалар севишини ва онаси ҳеч қачон уни уйдан хайдашни хоҳламаганини ҳам биларди. Аммо уларнинг ҳаммаси жуда кўрқар эдилар. Масиҳийлардан кўрқишаарди, Мавлуд байрамдан кўрқардилар ва Масиҳдан кўрқардилар. Пурнима уларнинг ҳаммасини жуда кўрқитиб юбордим, деб ўйлади.

«Мана буни ол». Пурниманинг отаси унга унча катта бўлмаган бир даста пулни берди. «Илтимос, эхтиёт бўлгин». У кўз ёшга тўла бўлган қизининг кўзларига қаради, тезда кучоқлади ва хонадан чикиб кетди.

Пурнима яна бир неча дақиқага онаси билан қолди. У онасининг юзидағи ҳар битта нуқтани, овозининг ўзига хос сифатларини, кулганда кўзлари қандай ёниб туришини эслаб қолишга харакат қилди. Онаси жуда ҳам чиройли эди ва у онасини яна қачон кўришини ва умуман яна кўришга мусассар бўлишини билмас эди. Охирги қучоқлашиш ва Пурнима кўздан гойиб бўлди.

Кейинги куни у Бутандан ҳайдалган гуруҳидаги саккизта масиҳийга келиб кўшилди. Хукумат уларни Пурта кишлоғидан

Хиндистон чегарасигача олиб бориб қўйиш учун автобус берди. У ердан эса улар ўзлари етиб оладилар.

Хавотирни аритишга ҳаракат қилиб, «Бизнинг йўл бошловчимиз ким бўлади?» – деб ҳазиллашдилар. Улардан ҳеч бири ўз қишлоғидан ташқарида бўлишмаган ва ҳеч қайсиси қаёққа бораётганини ҳам билмасди.

Чегарани кесиб ўтиб, автобус тўхтади ва тўққизта қочқин тушди. Кул ранг чиққан газнинг орқасидан улар автобуснинг қандай қайрилгани ва кетганини кузатиб туришдилар. Бу уларнинг Бутан билан охирги алоқаси эди, энди эса у ҳам йўқолди. Уларга «мана шу йўналишда» Хиндистон тоғлари орқали Непалга боришиларини айтишди.

### Адоқсиз тушлар

Масиҳийлар ҳеч қандай саргузаштисиз уч кун юрдилар, аммо улар янада кўпроқ чарчар эдилар. Чунки улар тоғли жойлар орқали юриб боришар эдилар. Йўлда турган, гаройиб катта дараҳтнинг ёнига келиб, уларнинг норасмий етакчисига айланган Жон, шу ерда кучларини тиклаб олиш учун бир кунга ёки ундан кўпроқ муддатга лагер куришни таклиф қилди. Улар ҳеч қаерга шошмаётган эдилар, аммо уларнинг ҳаммаси қандай шароитга тушиб колганини англар эдилар. Пурнима янада кўпроқ қўрқа бошлади. У бошқалар билишини хоҳламас, лекин ухлашидан олдин жуда кўп йиглади. Ўз қишлоғидан кетганидан бўён, у доимий равишида онаси ҳақидаги тушлар кўрарди. Бу кеч ҳам бошқаларидек бўлади...

*Саккизинчи март. Пурниманинг тугилган куни. Мусаффо тунда Пурнима онасига ёпишар эди. Уларга осмонда нима кўришини бир-бирларига кўрсатиб, биргаликда юлдузларга қараш ёқарди.*

Пурнима энг кичкина қизи бўлгани учун ўз онаси билан кўпроқ вақт ўтказиши мумкин эди ва улар биргаликда бўлганида Пурнима ўзини энг хавфсиз ҳис қиласарди.

«Шундай қилиб, тугилган кун соҳибаси, катта бўлдинг, энди нима қиласан?» – деб ҳазиллашар эди онаси.

«Катта бўлдинг? Катта бўлдинг – деганда нимани назарда тутаяпсан? Мен ҳали 14 ёшдаман» – деди кулимсираб Пурнима. У кўпинча ўзини ўспиринлик кайфияти ва ноаниқ пайдо бўлган жавобгарлик орасидаги тузоқда ҳис қиласди, аммо бугун у онасининг кичкина қизига айланган эди.

Пурниманинг қувончи узоққа чўзилмади ва у ўзлари томон келаётган зобитларни кўриши биланоқ тугади. Улар унинг орқасидан келаётганини билиб, у саросимага туша бошлиди. Аммо унинг онаси буни сезмагандай эди. Пурнима қоча олмади. Тўртта зобит уни ўраб олди. Улардан биттаси Пурнимани маҳкам ушлади, унинг тирноқлари Пурниманинг қўлига шунчалик кирдики, қон ўтмаганидан унинг бармоқлари оқариб кетди. «Қўйиб юборинг. Оғримаяпсиз!» – деб илтимос қилди у.

Жавоб йўқ эди. Пурнимани онасидан секин ажратиб, уйдан олиб кетишиди. Иккаласи ҳам кўздан гойиб бўлди.

«Ойи! Ойи!» – деган Пурниманинг овози эшистилар эди. «Менга ёрдам бер, илтимос! Илтимос, улар мени қўйиб юборсинлар!». Аммо ҳаммаси бефойда эди. Унинг онаси худди ҳеч нарса бўлмагандек, жим бўлиб стулда ўтиради...

Пурнима сесканиб кетди ва уйгонди, оғир нафас оларди. У секин ҳақиқий борлиқка қайтишни бошлади. Лаблари қўз ёшлардан тузланиб қолганди. Қачондир ёлғизликка ўрганиб кетармикинман, деб ўйлади.

Тун коронгу, фақатгина ойнинг бир чети кўринар, кучсиз нури биланбоши устидаги катта шоҳчани ёритиб турарди. Танасини титроқ босарди, у шу заҳотиёқ ўзининг енгил калта камзулинин устига тортди. Ўзига ёстиқ бўлиб хизмат қилаётган свитерини тўғирлаб, Пурнима коронгулик томон қаради. У коронгу туннинг шунчалар қўрқинчли бўлишидан хайратланди.

«Бугун ҳақиқатдан менинг тугилган куним» – деб ўйлади Пурнима. У кунларни санашга ҳаракат қилди, лекин бефойда эди. Охирги хафталардаги воқеалар шунчалик тез юз бердики, у кунлар ҳисобини ҳам ўқотиб қўйди. Ҳозир эса бу унчалик аҳамиятга эга ҳам эмас эди.

У бу қунларни, ҳафталарни ва ҳатто йилларни қандай яшаб ўтиш кераклиги ҳақида ўйлар эди. У аниқ биладиган нарса, бу ўзининг уйини соғингани эди. Ухлаётганида Пурнима яна азиз онажонининг чехраси ва иссиққина қучоги ҳақида ўйлади.

### Кўкарган, қонга булғанган... ва бардоши тугаган

«Туринглар! Туринглар ва пулларингизни буёққа чўзинглар, шунда биз сизни ўлдирмаймиз!»

Қўпол қаттиқ овозлар Пурнимани уйқудан уйготди. Оғир ботинка уни ён томондан тепди.

«Ўрнингдан тур дедим!»

Нотаниш одам уни яна бир марта урганида оғриқ унинг танасига санчилгандек бўлди. Пурнима уларга нечта одам хужум қилганини айта олмас эди, аммо босқинчилар кўпчилик эдилар. Уларнинг кичкина гурухи ўзларини химоя қилолмас эдилар.

Йўлдошларининг қаттиқ бақириши, ўғрилар уларни ҳам дўппослаётганидан дарак берарди. Пурнимани ҳам калтаклашда давом этдилар ва у ўзини химоя қилишга ҳаракат қилди. Кўркув унинг танасини сикиб қўйганди, аммо бирданига Муқаддас Китобдан бир оят эсига тушди – бу Матто Хушхабаридаги оят деб ўйлади, яъни «Танни ўлдирадиганлардан... кўрқманглар»<sup>1</sup>.

Бу унинг тақдирни бўлмаслиги учун ибодат қилиб, ичидан «Танни ўлдирадиганлар» – деб тақрорлади. Отаси унга берган пуллар ҳақида эсига тушганида, унинг ҳаёли ҳар хил нарсага борди. Оломон жазавага тушишда ва уларнинг шоша-пиша қурилган лагерида босқинчилик қилишда давом этарди. Уларнинг арзимас лаш-лушларини босқинчилар тортиб олишди. Пурнимা кийимлар орасида яширган пулларни ушлаб олишга ҳаракат қиласарди. У орқасидан шундай кучли калтак еб, нафаси қисиб қолгунига қадар, қўли қидирган нарсасини топиб олишга улгурди. У ўзини қўллари билан химоя қилишга ва қўпол ботинкадан қочиб қолишга ҳаракат қилиб, Худога ёлворди.

Босқинчилар бечора, чарчаган қочқинларни күркитганидан кейин уларда бор бўлган ҳамма нарсасини тортиб олдилар ва тўртта масихийдан, жумладан Пурнимадан иборат қатор тузиб турғизиши. Қочқинлардан ҳеч бири бир сўз ҳам айтишга журъат қилиша олмадилар. Ҳужум қилаётгандарга қараб жим туришар эдилар. Улар ўн иккита киши эдилар ва ҳар бирининг юзи ярмиси рўмол билан яширилган эди. Пурнима ўзининг ёнида турган йўлдошларига қаради. Уларнинг ҳаммаси кўркувдан қотиб қолган эди. Босқинчилар уларни жойида ўлдириб ташлаши ҳеч нарса эмаслигини у яхши биларди.

«Сизлар полицияга мурожат қилмасликларингиз керак» – деб улардан бири тўппонча билан кўрқитиб, уларни огоҳлантириди. «Агар полицияга борсангизлар, биз қайтиб келиб сизларни ўлдирамиз». У сўзларининг исботи сифатида ҳар бирининг юзига тўппонча билан ўқталиб, бармоғини тўппончанинг ўқ отадиган илмоғида ушлаб турарди. Пурнима кўзини юмди ва ўқ овозини эшитармикинман деб ўйлади. Кўзларини очганида, ўғрилар аллақачон гойиб бўлган эди.

Ҳужумдан яраланган курбонлар бирга тўпландилар ва атроф-теваракни текширдилар. Уларнинг ҳаммаси ҳаётини сакълаб қолгани учун Худога миннатдорчилик билдиришиди, аммо ҳаммалари конга белангтан ва ҳамма жойи кўкарған эди. Улар шунингдек ўзларида ҳеч вақо колмаганини ҳам тушундилар. Ўғрилар ҳамма нарсани, ҳатто кўшимча кийимларини ҳам олиб кетишганди. Улар ўзларининг Непалга саёхати бунчалик хавфли бўлади, деб ўйламаган ҳам эдилар.

Кейинги куни эрталаб Жон бир фермернинг катта, кузовининг ён деворлари тахтадан қўлда ясалган юк машинасини тўхтатишга мусассар бўлди. У юк машинанинг Непалга кетаётганини билиб, ҳайдовчидан: «Бизни ўзингиз билан олиб кетолмайсизми? Биз бу ерда қола олмаймиз. Бу жуда хавфли» – деб илтимос қилди.

Қари ҳайдовчи кабинадан чиқди ва бир қанча доллар ишлаб олиш имкониятини баҳолаб: «Сизларда пул борми?» – деб сўради.

Жон уларни ўтган кеча тунаб кетишганлигини ва улар ҳамма бор бўлган нарсасидан ажралганини тушунтириди. «Илтимос, – деб давом этди Жон, – бизларни дўппослашгани туфайли,

айримларимиз зўрга харакатланаяпмиз». Аммо ҳайдовчи уларнинг яраларини кўрганидан сўнг ҳам, юк машина ҳайдовчиси уларни олиб кетишдан бош тортди. У нимадир ишлаб олишни хоҳларди.

Жон ва бошқалар йўқотилган имкониятдан афсус чекиб, кета бошладилар. Пурнима «Менда пул бор» – деб айтганида, бошқалар шундай бошдан кечирган воқеадан кейин, қандай қилиб унда пул бўлиши мумкин, деб ҳайрат билан унга бокдилар. Ўғрилар синчковлик билан излашган эди.

«Айтайлик, мен уларни синчковлик билан яширган эдим» – деб пулни ҳайдовчига узата кулди Пурнима. Қочқинлар ичидаги энг кичиги уларнинг қаҳрамонига айланди ва барчаси уни қучоқлади. Қочқинлар юк машинага чиқиб олишдилар. Мехрибон ва саҳий Пурниманинг ҳали кўп фойдаси тегади.

Кўтарилаётган қуёш унча катта бўлмаган масихийлар гурухини қиздирди ва улар совукда титрашдан тўхтадилар, чунки улар совук, заҳ жойда ухлаган эдилар. Бошқалар ухлаб олиш имкониятидан фойдаланаётганида, Пурнима яна ўзининг онаси ҳақида ўйлади ва биринчи марта ўзининг қилган қарори тўғрилигига шубҳа билан қарай бошлади. Эҳтимол, у худди Майя таклиф қилганидек, ўзининг имонини яшириши керакмиди. У сувга чўмдирилганидан кейин, Сивал унга совға қилган Муқаддас Китобни очди ва Худога ўғрилар уни олмагани учун миннатдорчилик билдириди.

Муқаддас Китобни вараклаб, Пурнима ўзининг севимли оятини тезда топиб олди. У бу оятларни юз маротаба ўқиганди ва топиш осон бўлиши учун белгилаб қўйганди. У опасининг уйига дастлабки яширинча ташриф буюриб бошлаган кунларидаёқ, Муқаддас Китоб ҳикояларига маҳлиё бўлиб қолган эди. У Марям ва Юсуфнинг қандай Мисрга кочгани, Довуднинг шоҳ Шоулдан қандай қочганлиги ҳақида ўйлади. У ўзининг Муқаддас Китобдаги севимли қаҳрамони, Мисрдан қочган Мусо ҳақида ўйлади. Бу ҳикоялар Пурнимада жасурликни пайдо қилдирди. Муқаддас Китобни маҳкам қучоқлаб, унда яхши йўлдош борлиги ҳақида ўйлади.



## Қочқинлар яна бирга

Кеч кирди. Ҳайдовчи ниҳоят машинани Ҳиндистоннинг Азоп шаҳрида тўхтатди. Йўловчиларга машинага мой қўйишини, озиқ-овқат сотиб олиши кераклиги ва жўнаб кетгунча бир неча соат вақт борлиги ҳақида айтди. Оёқ-қўлни ёзиб олиш имкониятидан фойдаланиб, Пурнима ва бошқалар шахар бўйлаб айланишга кетишиди. У ерда маҳаллий чўпонни учратиб қолишилар.

Чўпон асли Бутанлик эди. У улар билан юз берган воқеадан ва улар ҳаммасини қолдириб, Исо Масих кўрсатган йўлдан юришга интилишларидан ҳайратга тушган эди. Уни айникса Пурнима ҳайратга солган эди. У Жонни четта чақириб, унинг ёши нечада эканлигини сўради.

«Мен аниқ айтолмайман – тахминан ўн уч ёки ўн тўртда» – деб жавоб қилди Жон.

«У бу ерда оиласи билан биргами?» – деб сўради чўпон.

«Йўқ. Унинг опасининг оиласи ҳам Непалга кетаяпти, аммо улар биздан олдин кетишганди. Биз уларнинг қаерда эканлигини билмаймиз».

Чўпоннинг кичкина Пурнимага раҳми келмасдан иложи йўқ эди. У Жондан кичкина Пурнимани унинг оиласида яашашга таклиф қилиш ҳақида сўради. Жон бу яхши фикр дея рози бўлди. У ҳам Пурнима ҳақида хавотир олаётган эди. У чўпонга Пурнима билан гаплашиб олишни маслаҳат берди.

Пурнима чўпон ва унинг хотини билан яашашга рози бўлди. Оилада яаш ёқимли эди. Аммо бу унинг оиласи эмас эди ва у доимо Майя билан бирга бўлиш учун ибодат қиласарди. У бу қандай юз бериши мумкинлигини билмасди, фақатгина бу ҳақида ибодат қиласарди холос.

Уч ой ўтиб, чўпон Азопдан унча узоқ бўлмаган жойда бўладиган масиҳий конференцияга боришни режалаётгани ҳақида айтди ва Пурнимани ўзи билан бирга боришга таклиф қилди. У опасининг эри Сивал ҳам конференцияда бўлишини билмасдан туриб, хурсандчилик билан рози бўлди.

У яна Сивални кўришидан жуда хурсанд эди ва ўша заҳотиёқ у билан бирга Непалга кетишга қарор қилди. Унинг бу



қароридан чўпон ва унинг хотинини қайғуга солди. «Пурнима, сен кетишини хоҳлашингга ишончинг комилми?» – деб сўради чўпон. «Сен Непалда қанчалик қийин бўлишини биласанми? Сен у ерда қочқинлар лагерида яшашингга тўғри келади».

Пурнима, унинг ҳақ эканлигини била туриб, юмшок равишда кўндиришига қулоқ тутди. Чўпон ва унинг хотини у билан худди ўзларининг қизидек муносабатда бўларди ва улардан кетиш Пурнима учун ҳақиқатдан оғир эди. Аммо у қарор қилди. «Ха, ишончим комил» – деб жавоб қилди у. «Мен ўз оиласам билан бўлишни хоҳлайман. Менга кўрсатган меҳрибончилигингизни унутмайман, аммо бу Худонинг иродаси эканини биламан».

Пурнима ва Сивал Непалнинг шимолий чегарасидаги қочқинлар лагерига тунда етиб келишди, шунинг учун у ўзининг янги уйини тезда кўра олмади. Ўша вақтдаги ягона мухим бўлган нарса – яна Майяни кўриш эди. Опа-сингиллар хурсандчилик қийқириғи остида бир-бирларининг кучогига отилдилар. Кейин Пурнима юпқа бамбуқдан бўлган бўйралардан биттасида тезда ухлаб қолди. «Пурнима, ўрнингдан тур!». Кичкина Эстер қарсак чалиб ва кулиб, Пурниманинг атрофида югуриб юрарди. Пурнима кўзини очганида, биринчи бўлиб у кўрган нарса, бу қалин пластик билан тортилган, омонатгина бамбуқдан бўлган рамага кўзи тушди – бу уйчанинг томи эди. У ўтириди ва уйчанинг эшиги олдида худди юзлаб одамлар кезиб юргандек овозни эшитди. Пурнима бу ердаги минглаб оиласар сиқилинч ҳолатда ва шундай бечора холда яшашларини тушунди. У қанча кўп кўрса, шунча кўнгли тушганини ҳис қиларди.

Майя уларнинг яна бирга эканидан хурсанд бўлиб, Пурниманинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилди. «Қулоқ сол, Пурнима» – деди у ўзининг кичкина синглисига, – мен бу жойнинг даҳшатли жой эканини биламан, аммо биз қаерда бўлишимиздан қатъий назар Худованднинг қўли бизнинг устимиизда. Бу ердаги барча Исо Масихни эшитмаган одамлар ҳақида ўйлаб кўр. Ҳамма одамларни сен томон интилишларини биласанми. Уларга Худо ҳақида айтсанг, улар сени тинглайдилар – эҳтимол, бу уларнинг шундай ёш ва чиройли воизхонни кўришга одатланмагани учундир.

Пурнима қизарди ва кулди. «Эҳтимол» – деди у. «Аммо биз бу ерда қанча узоқ бўлишимизга тўғри келади, нима деб ўйлайсан? Наҳотки, Худо бизнинг ҳеч қачон уйимизга қайтмаслигимизни режалаштираётир?».

Майя нима жавоб беришни билмас эди, лекин у Пурнимани маҳкам қучоқлади. У ўзининг кичкина синглиси олдида кучли бўлиб кўринишни хоҳларди, аммо унинг ўзи ҳам бу саволни ўзига берарди.

Хафталар ўтди ва Пурнима аста-секинлик билан ўзига лагердаги ҳаёт қоидаларини ўргана бошлади. Лагердан чиқишини ва қўшни қишлоққа боришини хоҳласанг, «руҳсатнома» олиш керак эди. Сен Хушхабарни ваъз қилишга кетаётганингни айтмаслик керак. Лагерда масиҳийларнинг катта йигинини ўтказиш мумкин эмас эди. Кичкина гуруҳларда ва «ўй жамоатларида» учрашиш керак. Машгулотларга бориш, тил ўрганиш ва шунга ўхшаган нарсалар билан шуғулланиш мумкин. Қочқинлар лагерида Пурнима кўришни умид қилганидан ўзгачароқ, яшаш тарзи мавжуд эди.

### Хушхабарни ваъз қилишга интилиш

Пурнима учун лагердаги ҳаётда энг муҳими минглаб қочқинлар оиласининг хавфсизлигидан лаззатланар эди. У Масих оиласининг хавфсизлигидан лаззатланар эди. У кўплаб дўстлар орттириди. Кўп марта у ва унинг дўстлари сездирмасдан қўшни лагердаги ва қишлоқдаги масиҳийларни кўриб келишардилар. Улар бу имкониятдан ўзларининг янги тилида ваъз қилиш учун фойдаландилар. Пурнима бу саргузаштлардан қаноатланиш ҳис қилди, у ўзида мусиқага нисбатан инъом кўрди ва янада кўпроқ адашганларга нисбатан ачинди. Хушхабарни ваъз қилиш чорловига берилиб, у лагердаги камбағал ҳаёт ҳақида деярли унутиб қўйди.

Пурнима ва унинг дўстлари то уларни кейинги йили ушлаб олмагунларича, Хушхабарни бошқа лагер ва қишлоқларда тарқатиш бўйича саёҳатини давом эттиридилар.

Август ойидаги мусаффо якшанба тонгиди, қуёш чиқар пайт, гуруҳ Хонанинг уйи томон икки соатлик саёҳатга жўнади. Хона

қочқинлар лагеридаги жүшкін масихийлар ҳақида әшитди ва улардан бир нечтасини маҳаллий бозор майдонида Хушхабарни ваъз қилишлари учун, ўзининг уйига таклиф қилди. Пурнима ва бошқалар хурсандчилик билан рози бўлдилар.

Билдирамасдан, икки – уч кишидан иборат гурух бўлиб, улардан ўн биттаси қочқинлар лагеридан чиқиб олишди ва лагердан бир мил узоқликдаги йўлда учрашдилар. Улар Муқаддас Китоблар, бир нечта хушхабар брошюралари ва гитара олиб борарадилар. Улар янги қишлоқдаги, эҳтимол ҳеч қачон Хушхабар ҳақида әшитмаган одамларга ваъз қилиш имконияти борлигидан жуда таъсирланган эдилар. Аммо улар лагерга кечқурунгача қайтиб келишлари учун тезроқ юриш кераклигини билишар эди.

Куннинг ярмида улар Хонанинг уйига келдилар ва бир неча соатлик сухбатдан кейин бозор майдонига бордилар. Улар зўрга бир нечта қўшиқ айтишга улгурмасданоқ, уларнинг ёнига бешта полиция ходими келишди. «Биз билан юринглар!» – деб буюришди улар.

Қўрқиб қолган масихийлар зобитларнинг орқасидан юришдан бошқа ҳеч нарса қилолмас эдилар. Тез орада улар қаттиқўл капитаннинг олдида бўлишди. «Сизлар қаердан сизлар?» – деб сўради талабчан овоз билан. «Ким сизларга лагердан чиқишга рухсат берди? Ким сизларга Непалда ўз динингизни ваъз қилишга рухсат берди?»

### «Сизларда бу ерда ҳақ-ҳуқуқ йўқ»

Кун бўйи қоронғу, ифлос қамоқ камерасида улар қачон капитан биттама-битта тергов қилишга чақиришини кутардилар. Олдин эркакларни, кейин эса аёлларни. Бу Пурниманинг жонига тегди, у бу қандайdir тушунмовчилик деб ўйлаб, капитанга мурожат қилишга қарор қилди: «Биз ҳеч бир ёмон нарса қилмадик. Нима учун сиз бизни бу ерда ушлаб турибисиз? Илтимос, бизни кўйиб юборинг. Биз кечқурунгача лагерга боришимииз керак».

«Йўқ!» – деб қичқирди капитан. «Бугун сизлар шу ерда қоласизлар, эртага эса туман милиция бўлимига борасизлар».

Пурнима капитаннинг уларни ушлаганидан ва қўлга олганидан мамнун эканини пайқади. Уни ва бошқа учта аёлни кичкина ифлос камерага қамаб қўйишиди. Улар у ерда бир-бирига сиқилиб, йиглаб ўтиришар ва Худованддан химоя сўраб ибодат қилишардилар. Улар Непалда Хушхабарни ваъз қилиш хавфли эканини билардилар, аммо Хушхабар хақида ҳеч қачон эшитмаган одамлар, у хақида эшитишга интилар эди. Бу таваккал қилишга арзириди.

Кейинги куни эрталаб полиция яна ўн битта масихийни бирга йиғди. «Агар сизларнинг пулларингиз бор бўлса, ўзларингиз учун тушликка нимадир сотиб олишларингиз мумкин» – деб айтди зобитлардан бири. «Бизнинг борадиган йўлимиз олис».

Пурнима ўз дўстларига савол бергандек қаради, аммо ҳаяжонланмасликка қарор қилди. Ҳаммаси, албатта туман милиция бўлимида ҳал бўлади.

Кун бўйи улар, яъни ўн битта масихий ва тўққизта автомат кўтарган полиция ходими ўрмон бўйлаб судралишиди. Қуролга қараб, Пурнима шундай ўйлади: «Назаримда, бизлар жуда хавфли кўринамиз». Унда ва бошқа масихийларда пул йўқ эди, шунинг учун уларда на овқат, на сув бор эди, улар сойдан ўтаётганларида ундаги сувдан ичдилар.

Улар ниҳоят туман бўлимига келишганларида, аллақачон қоронгу тушган эди. Пурнима жуда чарчаган, совқотган ва оч қолган эди, аммо уни Худо улар билан биргалиги ва улар тез орада уйга қайтишлиги ҳақидаги фикр қўллаб-куватлаб турарди. Аммо тергов бошланиши биланок, унинг умидлари йўқолди. Ёмон ёритилган сўроқ қилиш хонасида, катта тахтадан бўлган стол орқасида бешта зобит ўтирап эди. Улар жаҳл билан қичқириб саволлар беришарди: «Ким сизларга Йападаги бозор майдонида ваъз қилишга рухсат берди? Ким сизларни қўллаб-куватлаб турибди? Китобларни қаердан олдингизлар? Сизлар – ифлос қочқинлар! Сизларда бу ерда ҳеч қандай хукуқ йўқ».

Бу қичқирикларга жавоб беришга ҳаракат қилган ҳар бир кишини юзига урар, итарап, дўпослардилар, аммо асиirlарни жавоб бермаганларида ҳам тепишар ва уришар эди. Саволлар ва дўпослаш кўп соат давом этди. Кейин бир зобит келиб: «Бугунга

етар. Уларга егулик беринглар ва эртага давом этамиз» – деди.

Бу камерадаги шароит, биринчи қамоқхонадагидан ҳам баттар эди. Пурнима йиғилиб қолган жаҳлини ушлаб турарди. Камерадан келаётган хид жуда ҳам ёкимсиз, цементдан бўлган пол совук эди. Ҳожатхона сифатида ишлатиш учун туалет ҳам йўқ эди.

Эрталаб Пурнима ва бошқа аёллар камерада қўркув билан кутиб ўтиришар эди. Аскарлар асиirlарни бирма-бир чиқариб, сўрқ қила бошладилар. Туман бошлиги Пурнимага уларда у ва унинг дўстлари буддистлар маъбадини бузганлиги ва уларнинг худоларини ҳақорат қилганликлари ҳақида далил борлигини айтди.

«Йўқ, бу ёлгон!» – деб қичқирди Пурнима, унинг сўзларига ишонмасдан. Зобит куч билан унинг юзига урди.

«Сен кичкина, дағал ёлгончи» – деб бақирди у. «Бизга тўгрисини айт, шунда камроқ муддатга қамаласан. Агар алдашда давом этсанг, у ҳолда федерал қамоқхонага узок муддатга тушасан». Пурнима вахимага туша бошлади, аммо ўзиникида туриб олди. Унинг юзига қайта ва қайта урдилар ва тепдилар. Қаттиқ калтаклашлардан кейин, бир қанча вақт ўтиб, у ҳеч нарсага фаҳми етмайдиган бўлиб қолди. Ўша Ҳиндистондаги биринчи кечада у ҳали одамлар шунчалик ёвуз ва бағри тош бўлишини билмаган эди. Аммо охирги йигирма саккиз кунда, у олган таълим жуда қаттиқ бўлганини тушунди. Бу ўн беш яшар киз учун жуда оғир дарс эди.

Узундан узок терговлар чўзилар, полиция ўз вазифасини бажаришда, яъни Пурнима ва унинг дўстларининг рухини синдиришда давом этарди. Тартиб ҳар доим бир хил эди, фақат ҳар кунлик савол-жавобга кимни биринчи чақиришларини билмас эдилар. *Савол, нотўғри жавоб, зарба. Яна савол, бошқа нотўғри жавоб, яна зарба.* Шундай давом этаверарди.

Камерада Пурнима ва бошқа аёллар секин овозда куйлашар ва узок муддат, то ярим кечгача ибодат қилишар эди. Улар бир-бирларига умид берувчи сўзлар билан далда беришга ҳаракат қиласардилар: «Маҳкам бўл, тез орада ҳаммаси тугайди ва биз уйга кетамиз» – деб қоронгуда шивирлар эдилар.

*Уй,бу нисбий тушунча экан, деб киноя билан ўйлади Пурнима.*

## Худованднинг дунёга нури

Лагерда Пурнима доимо ўзининг ота-онаси ва Бутандаги ўйини соғиниши ҳақида ўйларди. Ҳозир эса у ўзининг опасини ва қочқинларга тўла бўлган лагердаги ифлос, кичкина кулбачасини соғинмоқда эди. У ҳатто бу жойни соғиниши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Уни ўзининг жиянчаси ва жияни нима қилаётгани қизиқтирап, Майя ҳақида хавотир олар эди. Майя Пурнима ҳақида ҳеч бўлмаса қандайдир янгилик олдимикан?

*«Эҳ, Майя, мен сенга шунчалик кўп муаммо пайдо қилганимдан жуда афсусдаман»,* – дея ўйлади Пурнима.

Кочқинлар лагеридаги айрим масиҳийлар, шунингдек биродарлар чўпони гурухнинг қамоққа олингани ҳақида эшитдилар. Улар ҳатто Пурнима ва бошқа одамларни ушлаб турган қамоқхонагача бордилар, аммо аскарлар уларни қаттиқ дўппосладилар ва ҳайдаб юборишли. Қамоқхонадаги ўн битта масиҳийларга нима бўлаётганини хабар қилишибди ва улар дўстларининг дўппосланганидан қаттиқ қайғурдилар.

Қамалганига йигирма беш қун тўлганда, қўриқчилардан бири эрта тонгда Пурнимани олиб кетиш учун келди. Ўзининг шафқатсизлигини кўрсатишга тайёр бўлган бошлиқ, Пурнимага маълум бўлган сўроқ хонасида уни кутарди. Ва яна сўроқ бошланди: «Ким сенга хушхабар етказиш кераклигини айтди? Сен шунчалик ёшсан. Эҳтимол, бу сенинг айбинг эмасдир. Албатта, кимдир сенга пул ваъда қилиб, бу динни қабул қилишга мажбуrlаган. Ким сизларга китоб жўнатади? Ким сизни қўллаб-қувватлаб туради? Агар сен бу ким эканлигини айтсанг, биз сени дўппослашни бас қиласиз, сен эса ҳатто лагерга қайтишинг ҳам мумкин бўлади».

Кейинги бир неча дақиқа Пурнима учун абадийдек бўлиб туюлди. Овқат етишмаслигидан қийналган ва дармонсиз бўлиб қолган (қамоқдагиларга кунига икки маротаба овқат бериларди), ифлос (ювинадиган жойнинг ўзи йўқ эди) эди, шундай бўлса ҳамки у сўроқ пайтида Худованднинг тинчлиги унда порлаб турганини сезарди. Қачонки у ўзини Худога топширганида, ўзига азоб берувчиларни Худо кечириши учун ибодат қилганида

ва ҳамма нарсага чидай олиши учун куч беришини сўраганида, бу унга катта ёрдам берар эди.

«Менинг саволларимга жавоб бер!» – деб қичқирди.

Пурнима таёққа тайёргарлик кўрган холда, ёрдамга ўзининг бутун мардлигини чақирди. Пурнима унга ўзи берадиган жавоб ёқмаслигини биларди. «Мен масиҳийликни пул, ёрдам ёки яна нима учундир қабул қилмадим! Мен Масиҳни шунинг учун қабул қилдимки, менинг опам уч йил мобайнода касал бўлиб ётди, кейин эса масиҳийликни қабул қилди ва мўъжизавий тарзда шифо топди. Мен жуда кўплаб мўъжизаларни кўрдим, менда тинчлик ва хурсандчилик бор. Бошқа сабаб йўқ».

Жаҳали чиққан бошлиқ унинг ёнига иложи борича яқин келди. Унинг нафасини хис қилиб ва унинг кўзларидағи жаҳлни кўриб, Пурнима қўрқиб кетди, аммо чекинмасликка ҳаракат қилди. «Сен ёлғон гапирайпсан!» – деб унинг юзига қараб қичқирди. «Мен биламан, сен ниманидир яширайпсан. Сен ҳақиқатни айтмаяпсан. Энди узоқ муддатга қамоққа тушасан. Бунга тайёрмисан?» Пурнима жавоб бериб улгурмасдан, у куч билан уни урди ва у стулдан қулади. «Камерага олиб кетинг» – деб буйруқ берди.

Пурниманинг камерадошлари, унинг нозиккина юзлари таёқдан кўкариб кетганини кўрганларида, ҳайратдан ёқасини ушладилар. Юзи аллақачон шиша бошлаган эди. «Хавотир олманг», – деди ёлғондан Пурнима кўзларида ёш билан. «Бу кўриниб тургандек оғриқли эмас».

Аёллар бундай эмаслигини яхши билардилар, чунки тошбагир зобитлар уларни ҳам урган ва камситган эдилар. Уларнинг сўзларига ишонишни хоҳламаётганларидан афсусланиб, улар Пурнимага қўлларидан келганча унга далда беришарди. Полиция ходимлари Пурнима ва унинг дўстлари чет элликлардан ёрдам олмаганларига ишонолмас эдилар. Муқаддас Китоб ва брошюралар Непалдан эмас, балки бошқа мамлакатлардан келганига уларнинг ишончи комил эди, чунки масиҳийлик – бегона дин эди. Улар масиҳийликнинг Непалда ҳеч қандай мажбурлашсиз ёки шахсий манфаат ваъда қилинмасдан тарқалишига ишонгиси келмас эдилар.

Бир неча кун тинчлиқда ўтди. Пурнима ва унинг дўстлари ўзларининг тақдир ҳақида ўйлар эдилар. Ибодат ва секин овозда қўшиқ қўйлаш уларнинг кўнгилларини юмшатар ва вакт ўтишини тезлаштирас эди. Аммо Пурнимада хавотир ҳисси пайдо бўлди, нима учун уларни сўроқ қилиш учун ҷақирмаётгани ҳақида ўйлади. Улар нима қиласяпти? нима учун бизни қўйиб юборишмаяптилар? – деб ўйларди.

### «Мен қанчалар баҳтлиман»

Нихоят, йигирманчи сентябрь, сешанба куни эрта тонгда гуруҳни яна бошлиқнинг хонасига йигдилар. Пурнима нимадир юз берайтганини биларди, чунки шу пайтгача аёлларни эркаклардан алоҳида ушлаб туришган эдилар. Қочқинларни ҳеч тортинаасдан сафга туздилар, қўлларига киshan солдилар ва қишлоқ майдони орқали олиб ўтиб, тунука томли суд биносига олиб келдилар. Пурнима бир неча дақика күёшда бўлишдан жуда хурсанд эди, ҳатто уларни нима кутаётгани ҳақида эсдан ҳам чиқариб қўйган эди.

Хонада одамлар лиқ тўла эди ва қочқинлар гурухини олдинга олиб ўтиб, суд тайинлаган адвокатнинг ёнига ўтқазиши. Хонанинг қарама-қарши томонида давлат прокурори ўтирас эди. У ўн битта одам нимада айбланаётганини ўқиб эшиттири. У ўйлаб топилган, яъни буддист маъбадларини бузиш ва муқаддас сигирларни ўлдириш ҳақидаги ёлгонлардан иборат айбларни ўқиб эшиттирганида, Пурнима ҳақиқатдан нимагадир умид қиласарди. Эҳтимол, бу кун уларнинг оқланиш куни бўлар ва озод қилишар. Суд ҳаками албатта уларнинг айбсиз эканини тушуниб етади.

Уларнинг адвокати етарлича ишончли равишда исботларди, аммо прокурор олдиндан белгиланган сахна бўйича ҳаракат қиласарди. Унинг асосий мақсади ҳамма масиҳийларга уларнинг намунасида кўрсатиб қўйиш эди. Кеч кирди. Деярли кечки соат ўнларда ҳакам нихоят қарор қабул қилди ва бу қийналган одамлар гурухига ҳукмини ўқиб эшиттири. Пурниманинг исми бошқалар билан бирга ўқилганида, у ҳам ўрнидан турди. Суд

ҳаками қаттиқ равиша уларни қамоққа олинишини ва уч йилга федерал қамақхонага жўнатилишини эшитганида, Пурнима кўркувдан қалтиради.

*Уч йил.* Пурниманинг бошида бу сўзлар жаранглар эди.

Пурнима Худо уни қаёққа жўнатмасин, уйидан... Бутандан... қочқинлар лагерида қанчалар узоққа жўнатмасин, Унга содик бўлишга ваъда берган эди. Аммо қамоқхонага? Буни ўн беш яшар киз кўтара олмас эди. У кўзларини юмди ва яна ўзи ёддан билган Мұқаддас Китоб хикояларидан далда топишга ҳаракат қилди. У тогнинг тепасида шогирдларига таълим бераётган Исони тасаввур қилди ва ўзига таниш бўлган ушбу сўзларни эслаганида мардлиги ошаётганини сезди: «*Адолат йўлида жабр кўрганлар баҳтлидир, чунки Осмон Шоҳлиги уларни кидир. Адолат йўлида жабр кўрганлар баҳтлидир...*». У жим бўлиб қолди, чунки у «мен баҳтлиман...»<sup>2</sup> деган ҳақиқатни тушунди.

Қамоққа тушиш марҳамат экани ҳақида ўйлаш жуда қийин. Пурниманинг руҳи ва жони бу далилни онги тушуниб етишидан олдинроқ қабул қилган эди. Аммо кейинги кунларда бу ваъда қамалғанлар учун куч манбаи бўлиб хизмат қилди ва улар тез-тез бу сўзларни ҳамоҳангликда такрорлар эдилар.

Энди эса уларни иккитадан боғладилар, суд биносидан олиб чиқдилар ва яна бир маротаба оралаб бўлмас ўрмонзордан уларни олиб ўтишди. Қамоқхона тогнинг тепасида, бир неча мил узоқликда жойлашган эди. Пурнима суд жараёни ҳақида эслади ва улар билан юз бераётган ҳамма нарсани Худо бошқариб турганига ишонч ҳосил қилди. Уларга сохта айб қўйдилар ва Масихнинг иши туфайли уларни қамоққа олиб бораяпти. Буни билиш Пурнимага далда берарди ва у Масих учун азоб чекишига чақирилган бўлишлик катта шараф эканини ҳис қилди. Ўзининг ўрмонзорда чарчаган ҳолда ҳаёл суриб кетаёттан ўнта дўйстларига қараб, у яхши дўйстлар орасида эканини билди.

### «Жаҳаннамга хуш келибсиз»

Улар кечаси соат учларда қамоқхона дарвозаси олдига келдилар. Ойнинг нури остида Пурнима қамоқхонани ўраб турган баланд

деворни ва уларни киритиш учун қаттиқ ғичирлаб очилган каттакон дарвозани ажрата олди. Бино қаронгулик босган, ҳайбатли кўринишга эга эди. Эҳтимол қачонлардир бу буюк қаср бўлгандир, аммо ҳозир бу бино жуда эскирган. Улар очик ҳовли орқали, ҳовли ичидаги турган бинога қараб кетаётганларида, Пурнима охирги марта орқасига қаради ва каттакон дарвоза уларнинг орқасидан ёпилди.

Баланд овозли жаранг-жулинг қамоқхонанинг – унинг янги уйининг, бутун майдонига садо берди.

Пурнимага ва бошқа аёлларга юпқагина бир бўйра сомондан бериб, камерага олиб боришиди. У ер жуда қоронғу эди, аммо аста-секин улар ерда ухлаб ётган бошқа одамларнинг сояларини ажрата олдилар. Ердан ғалати овоз келди: «Хуш келибсиз. Жаҳаннамга хуш келибсизлар».

Пурнима ҳавотир билан камерадаги қўшнилари ким эканлиги ҳақида фикр юритди. Улар қандай жиноят содир этган эканлар? Улар шафқатсизмиканлар? Пурнима уларга ёқармикан? Бу жавобсиз саволлар унга тинчлик бермасди. У ташки деворнинг ёнидан бўш жой топди ва тиззасини иякигача букиб ўтирди. У жуда чарчаган эди, аммо у ухлай олмади, жуда қўрқувда эди.

Бир неча соатдан кейин баланд деворли панжара тешикларидан нур туша бошлади, Пурнима ва унинг дўстлари кўздан кечириб олишга мұяссар бўла олдилар. Хона унча катта эмас, аммо лиқ тўла эди. Уларнинг камерасида бешта маҳбус бор эди ва кўриниб турибдики, ҳар битта аёлнинг ўз жойи бор эди. Уларнинг ноҳоргина лаш-лушлари жойининг ёнида ётарди. Ваннанинг ўрнини эса, агар уни шундай номлаш мумкин бўлса, ташки деворга уланиб кетган, цементдан кўтарилган майдонча эгаллаган эди. У ерда занглаған раковина ҳам бор эди, аммо совун йўқ эди. Иссик сув ҳам, эшик ҳам йўқ эди. Цемент ичидаги тешик ва чуқурлик бор эди. Ундан камерага сассиқ ҳид анқир эди ва ҳиднинг анқишига қараганда уни ҳеч қачон тозалашмаган.

Қамоқхонанинг деворлари кўп йиллик кир билан бўялган эди. Пол жуда совуқ, нам ва жуда ифлос эди. Кўзнинг даражасидаги кичкина ойналар маҳбусларга ҳовлини ва ҳовлининг қарама-

қарши томонидаги эркакларнинг катта камерасини кўришга имкон берарди. Ҳовлининг юқориси торгина кўпrik билан ўраб олинган эди. Ундан қоровуллар маҳбусларни кузатиб туришлари мумкин эди, аммо Пурнима хали унда коровулларни кўрмаган эди. Туласа камерада ўзини норасмий етакчи деб эълон қилган эди. «Нима учун сен бу ердасан?» – деб, бирданига Пурнимага қараб сўради у. «Сен қамоқхонада ўтириш учун жуда ёшсан».

«Мен жуда ёшманми, мен билмайман», – деб жавоб берди Пурнима, – «аммо биз масиҳий бўлганимиз учун бу ердамиз».

«Масиҳийлар?» – Туласа бу сўзни худди тупургандек бўлди. «Нима учун улар сизни қамашди, масиҳий бўлганларинг учунми. Аҳмоқлик қонунга қарши эмас». У кулди, бошқалар ҳам унга қўшилди. У ўзининг исмини айтди, аммо унинг сўzlари жуда совук эди. «Мен ўз қайнанамни ўлдирган эмишман», – деб ўкирди у. «Шунинг учун мен бу ерда қандайдир вакт бўлишим керак ва агар менга ҳалақит бермасалар, миннатдор бўлардим».

Туласанинг қаттиқ сўzlари Пурнимани қўрқитишига қарамасдан, Пурнима диққат билан бу аёлга қарашда давом этди. Пурнима бу совук қўринишли аёл орқасида меҳрибон, юмшоқ аёл яширган деб ҳисобларди. У ўша дақиқадан бошлаб, Худо унга жони кутқарилиши учун имкон беришини сўраб ибодат қила бошлади.

Туласа сўкинган холда камерасидаги ўз бурчагига қайтиб борди. Пурнима унда кўплаб кўрпалар ва шахсий буюмлар борлигини кўрди. Бу эса унинг бу ерда анчадан буён эканини, ўз оила аъзолари ва дўстларидан айрим нарсалар олганини билдиради. Янги келганлар эса ўзларида бор бўлган кийимдан бошқа ҳеч нарсага эга эмас эдилар. Ўша биринчи тонгда улар бирга йигилиб, ибодат қилдилар. Ҳар бир кунни ибодат билан бошлашга ва ҳар жумада рўза тутишга қарор қилдилар. Янги маҳбусларга тарелкалар, қошиқлар беришли ва ҳар куни икки марта овқат беришарди. Одатда гуруч ва картошка беришарди. Айрим пайтларда уларга шахсий муҳтожликлари учун озгина пул ҳам берардилар.

Масиҳийлар тез орада, худди қочқинлар лагеридаги ҳаётга ўхшаб, қамоқхона ҳаётига ҳам кўнишиб кетиш

мумкинлигини тушуниб етдилар. Қонун-қоидани ўрганиб ол, күнгилсизликлардан узокроқда юр ва доим сергак бўл. Аммо фарқ шунда эдики, улар эркин эмас эдилар ва қўриқчилар күнгилсизликлар бўлганида аралашишни хоҳламас эдилар.

Аммо Пурнима шундай ўйлади, бу ерда ҳеч бўлмаганда ҳар кунги сўроқ қилишлар ва дўппослашлар йўқ. Улар бошқа қамоқхонадаги маҳбусларнинг тўхтовсиз ҳақоратлашларига қарамасдан, биргаликда ибодат қилишдан хурсанд эдилар. Пурнима ҳаммасидан кўра кўпроқ, улар келганидан кейин бошланган қўриқчилар томонидан бўладиган жинсий шилқимликлардан қўрқар эди.

Биринчи бир неча ой узоққа чўзилиб кетгандек туюлди. Пурнима жуда кам ухларди. У тез орада, нима учун бошқа маҳбуслар ташки деворнинг ёнида ўзлари учун «уй» қурмасликларни тушуниб олди: у ерда жуда совуқ эди. Қишилиши билан унинг соғлиги ёмонлашди ва унда на иссиқ кийим, на кўрпа бор эди. Аста-секинлик билан ундаги келажакка бўлган умид сўниб, унинг ўрнини руҳий тушкунлик эгаллаб олди. Нима бўлаётганини тушунган Пурнима ўзининг ҳимоясиз эканлигидан ва имонининг сўниб бораётганидан хавотир ола бошлади. У яна даҳшатли хатога йўл қўйгани ҳақида ўйлади, тушида ўзининг уйини, онасини кўрди ва оғриқлар чидаб бўлмайдиган бўла бошлади. У таслим бўлишга тайёр эди.

Бир куни Пурнима эркаклар камерасидан келаётган бақирикни эшитди ва ғазабланган овозда: «Шу керак ўзи унга! Шу керак ўзи унга! Ўлdir уни!» – деган кишиларнинг қичқириги эшитиларди. Эркаклар камерасида тез-тез жанжаллар бўлиб турарди, аммо бу сафар у «Ўлdir уни. Ўлик масиҳий ибодат ва қўшиқ айта олмайди» – деган бақирикни эшитганида, уни ваҳима босди.

Пурнима таҳдидлар ҳақиқатдан бўлаётганини биларди. Туласа унга, улар келишидан озгина олдинроқ эркаклар камерасида кимнидир ўлдирилгани ҳақида айтиб берганди. Масиҳий биродарларидан биттаси маҳбуслар томонидан ўлдирилиши мумкинлигини билиб, Пурнима ноиложлиқдан қўриқчиларни чақира бошлади, аммо ҳеч ким келмади. Йиғлаган ҳолда у

ўзининг ўриндигига йиқилди ва ибодат қилди. Ўша пайтда, у кўплари ёвуз жиноятчилардан иборат бўлган, икки юздан кўпроқ эркаклар бор бўлган камерадаги биродарларга қанчалик оғир эканлигини тушунди.

«Мехрибон Раббим!» – деб ибодат қила бошлади ва «илтижо қиласман, унинг ўлишига йўл қўйма, уни ўлдиришларига йўл қўйма» – деди.

Кейин у нафакат ўзи учун, балки уларнинг ҳаммалари учун ўйглади.

Ашот исмли биродар, эркаклар камерасидаги хужумнинг қурбони бўлди, у зўрга тирик қолди. Унинг соғлигидан миннатдор бўлган Пурнима, қандай қилиб ўзининг камерасидаги аёлларни имонга олиб келиш йўлини излай бошлади. Агар у бу ердаги уч йиллик қамоққа чидай олишга умид қилса, қандайдир тарзда фаолроқ бўлиши кераклигини биларди. Охирги хафталар ичida у қамоқхонада нафакат ўзининг танасини, балки рухи ва жонини хам банди қилишга рухсат бериб қўйганди. Буни ўзгартириш керак эди. «Эй Худо, менга айт нима қилай?» – дея ибодат қилди у. «Қандай шароит бўлишидан қатъий назар, мен Сенга хизмат қилишга тайёрман».

Ўша захоти унинг миясига, яқинда Исонинг туғилиш байрами эканлиги ҳақидаги фикр келди.

### Фисих байрамидаги совға

«Амаки» лақаби билан машхур бўлган бир киши, федерал қамоқхонада кўрикчи эди. У қамоқхонада шунча қўп вақтдан бери бўлгани ва у бемалол айланиб юрар, шунинг учун, янги келганлар одатда уни қамоқхонанинг хизматчиларидан бири бўлса керак деб ўйлашарди. Ҳар хафта у маҳбусларга бозордан нима сотиб олиш кераклигини сўраб, камераларни айланиб чиқарди.

«Салом Пурнима» – деб саломлашди у ўша куни. «Бугун сенга нима сотиб олай ёки қўйиб юборгунига қадар пулингни тўплаб юрмоқчимисан? Сен уларни нимага йигаяпсан? Агар пулни сарф қилмасанг, ундан нима фойда?»

У киши Пурнимадан буни сўраганида, унинг миясига бир фикр келди. *Мана, мен нима қиламан.* Раҳмат сизга Амаки.

У тезлик билан барча йиққан пулларини унинг киссасига сукди ва камера панжараси орқали унга нима кераклигини шивирлаб айтди. Унинг аёллар камерасидан шошмасдан кетиб бораётганига қараб, у ўзи сўраган нарсани сотиб олсин, деб ибодат қилди. Унинг илтимосини Амаки эшитганида, у ақлдан озибди деб ўйлади, аммо тинч овоз билан: «Мен қандай қилиб, бу покиза қизалоққа рад қила олишим мумкин-а?» – деди.

Амаки қайтиб келганида бир пакетни Пурниманинг қўлига берди. «Ҳаммаси ичида», – деб ишонтириди, «аммо мен барибир сен ақлдан озгансан деб ўйлайман. Қамоқхонада бу бўлиб туради» – деди.

Пурнима кулимсираб, унга миннатдорчилик билдириди ва панжара орқали унинг қўлини сикиб қўйди. Кейин у ўзининг тайёргарлигини бошлади, бошқалар эса уни кузатарди. Нихоят, ўзларининг қизиқувчанлигини яшира олмасдан, улар келиб нима қилаётганини сўрадилар. Аммо Пурнима уларга эътибор бермади ва ишлашда давом этди. У куннинг иккинчи ярмида бутунлай ишлади ва ҳаммасини тугатишни ният қилган эди. Нихоят, ҳаммаси тайёр бўлганида, Пурнима уларнинг олдига келди ва шундай эълон қилди: «Мен бу ерга келганимдан буён, Худо менга қамоқда бериладиган пулни ҳеч нарсага сарфламаслигимни айтди. Нима учун Худо менга бундай айтганини бугун эрталабгача билмасдим, аммо кейин тушундим. Мен Амакидан бу пулларга энг яхши товуқлар ва мевалар сотиб олишини сўрадим. Ва буларни мен сизлар учун тайёрладим».

Маҳбуслар унга ҳайрат билан қараб, жим турадилар. Туласа ундан қандайдир «фирибни» кутиб ва нима учун ўзи битта ҳам яхши сўз айтмаган Пурнима, унга тушлик тайёрлаганига ҳайрон бўлиб унга қаради. «Сен нима ҳақида гапирайпсан? Бу қандай майнабозчилик?» – деб киноя билан сўради.

«Мен буни сен билан, Туласа ва бошқалар билан бўлишмоқчиман, ҳеч қандай майнабозчилик йўқ. Бу менинг сизларга совғам. Келинглар, еймиз!»

Бу кеча аёллар камерасидаги маҳбусларда, уларнинг бутун қамоқ давридаги энг зўр тушлиги эди. Ҳатто қўриқчилар ҳам яқин келиб, тешикдан қараб кетарди. Бу хабар тезда бутун қамоқхонага тарқалди. Пурнима байрамлик тайёрлади!

Кейинги куни кечқурун Туласа ўзининг бурчагидан чиқди ва Пурниманинг ёнига келиб ўтириди. «Нима учун сен буни бизлар учун қилдинг?» – деб биринчи марта мулойимлик ва самимийлик билан сўради у. «Биз ҳар доим сизлар бу ерга тушганингиздан бўён, сенинг ва бошқаларнинг устидан кулдик. Бу сенинг, факат сенинг пулинг эди. Сен уларни ўзинг учун ишлатишинг мумкин эди, нима учун сен уларни биз учун сарфладинг?». Туласа ҳечам бундай меҳрибонликни тушуна олмас эди. У Пурнима жуда ақлсиз, ёки жуда доно қиз деб ўйлади ва буни аниқлашни хоҳлади.

«Туласа» – деб гап бошлади юзида кулги билан Пурнима, – «сен қачондир Мавлуд байрами нима эканлигини эшитганмисан?».

Шундай қилиб одам ўлдирганда айбланган аёл ва ёш воизхон ўртасида дўстлик бошланди. Пурнима Туласага қандай қилиб уч йил олдин, Мавлуд байрамидага йигилишда Масихни таниб билгани ҳакида айтиб берди. Кейинги бир неча ойлар ичida Пурнима, ўзининг нозик, аммо бор ғайрати билан Туласага Масих ҳакида айтиб юрди. Қанчалик қизиқ туюлмасин, улар яқин дўстларга айландилар. Туласа унга озгина онасини эслатарди ва Пурнимани катта ёшдаги аёл билан дўстлик бир мунча юпатарди. Ўзини келажакда нима кутаётганини билмаса ҳамки, Пурнима уни мардлик билан кутиб олишга қарор қилди. Пурнима ўзининг заифликларини биларди, аммо уларни ўзига бўйсунтирас эди. У келган қийинчиликларни енгиб ўтади, қолганини эса худди Мусога ўхшаб, Худонинг қўлига топширади.

### Хотима

Пурнимани қолган масиҳийлар билан бирга, ўн тўрт ой-у, олти кундан кейин озод қилдилар. Уларнинг қўлга олингани ҳакида

қочқинлар лагерида ва бутун дунёдаги одамлар билишди. Хар хил мамлакатларнинг масихий етакчилари йиғилиб, Непал давлатига уларни озод қилиш илтимоси билан мурожат қилдилар. «Биз биламизки, сиз ўн битта масихийни федерал қамоқхонада ушлаб турибсизлар» – деб Непалнинг қиролига улар учун мурожат қилдилар. «Улардан бири ҳали бола!»

Пурнима ва бошқаларга кейин айтишдиларки, уларнинг муддатдан олдин озод бўлиши, уларнинг ўзлари тасаввур килганидан кўра кўпроқ иноят бўлган. Қамоқхона бошлиқлари уларни етти йил (бошқаларни масихийликни қабул қилишга ишонтирганлар учун қамоқ муддати) қамоқда сақлашга қарор қилган эди.

Ўзларини озод қилишлари биланоқ, қамоқхона бошлиқларини ҳайратда қолдириб, улар ўзларининг эски камерадошлари билан учрашув сўрадилар. Уч ойлик қамоқдан кейин масихийлар ўзларининг оиласаридан ёрдам ола бошладилар. Энди уларга ўзларида тўплангандар нарсаларни, шунингдек Пурнима муҳим вазиятлар учун сақлаб кўйган пулини берди. Улар шунингдек, бошқа маҳбусларга, уларни Исо Масихга бўлган имони учун қувгин қилганликларини айтдилар. Айрим маҳбуслар масихий бўлдилар ва уларни «имонини сақлашга» чақирдилар. Ўн битта масихий улар ҳақида ва бошқа маҳбуслар ҳақида ибодат қилишга ваъда бердилар.

Ашокни дўпослашда қатнашган эркаклардан бири олдинга чиқди ва шундай деди: «Бизнинг қамоқхонага ёруғ нур кирди, энди эса у йўқ бўлаяпти».

Кетишидан олдин Пурнима охирги марта масихий бўлган Туласани қучоқлади. Кейинчалик Туласани ҳам озод қилдилар, айби бекор қилинди. У ҳозир жамоатда фаол етакчи.

Ўша биринчи марта Майя Пурнимага Муқаддас Китобдан хикоя ўқиб берганидан буён, унга Мусо жуда ёқиб қолган эди. Мусони мамлакатдан ҳайдадилар ва унга гапириш қийин бўлса ҳамки, Худо уни энг яхши йўл билан ишлатди. Шунга ўҳшаб Пурнима ҳам, кўпинча ўзининг ёши туфайли уялишига қарамасдан, энди Непалда машхур бўлди. Уни кўпинча қочқинлар лагери атрофидаги жамоатлар ўз гувоҳлиги билан

бўлишиш учун таклиф қиласидилар. У ҳозир ҳам Майя, Сивал ва жиянчалари билан ўша қочқинлар лагеридаги яшайпти.

Эндиликда у онасини кўриш ва Хушхабарни ваъз қилиш учун, ўз юрти Бутанга қайтишни умид қилиб, ибодат қиласядиги.



# Аида:

Овози йўқлар учун овоз

Россия  
Июль, 1968 иил.

Унга адвокат керак эмас эди. Совет хукумати томонидан алохida тайинланган Аида Михайловна Скрипниковаага «жарчи» нинг кераги йўқ эди. У ўзини ўзи ҳимоя қилишни, ўзининг ишини суд олдидা ўзи баён қилишни хоҳлади. Тахта панеллардан иборат бўлган хонада, совет хукумати суди ҳимоячиси столида ўтириб, суд ҳакамининг ёнида турган «шу системанинг отаси», Лениннинг расмига қаради. Ўзи эса шу системанинг асираси эди.

Прокурор бундай фикрга қарши эди, у айбланувчи ўзини ўзи ҳимоя қилишини хоҳламас эди. Бу эса унга жуда катта эркинлик берилишини англатар эди. У айбланувчи руҳий касаллар шифонасида даволангандигини таъкидлаб ўтди. У қандай қилиб жиной ишнинг ҳимоясини олиб бориши мумкин?

Суд ҳаками ниҳоят Аидага розилик берди ва унинг адвокати суд жараёни бўлаётган залдан чиқиб кетди. Энди эса Аида ўзининг иши ва ўз жазоси учун ўзи жавобгар эди. Аиданинг суд залида бўлиши ва имонли бўлгани учун, яъни масиҳийлик эътиқоди учун айбланиши ҳам биринчи марта эмас эди. Агар суд уни айбдор деб топса, у ахлоқни тузатиш қамоқхонасида жазони ўтайди, бу ҳам биринчи марта эмас эди. Йўқ, буларнинг ҳаммасини у олдин бошдан кечирган. Бу вазият бошқаларидан шуниси билан ажralиб турардики, бу сафар унда хукумат тарафидан тайинланган ва жим ўтирадиган адвокат йўқ эди. Биринчи марта у ўзини ўзи ҳимоя қилади, ўз ишини ўз мамлакатидаги имонлилар номидан тушунтиради.

Айбловлар кўп эди ва суддаги айбловчи ҳар айбловни баланд овоз билан ўқир эди, бундан эса томиридаги қон тўхтаб

қоларди. Аида Ленинградда пропискасиз яшаётгани (унинг пропискасини бекор қилишган эди) учун айбланаётган эди. У шунингдек, рўйхатдан ўтмаган сектага аъзо эканликда, яна ноқонуний босиб чикарилган диний адабиётларини тарқатишда айблаётган эдилар.

### Ҳақиқатга қарши туҳмат

Унга қарши бўлган ҳамма муҳим айбловларнинг марказидаги ягона сўз – бу туҳмат эди. Аида, Совет Иттифоқида масиҳийларнинг қандай кўлга олиниши, уларнинг қандай суд қилиниши ва қандай қамоқ жазосига хукм қилиниши ҳақида ёлгон маълумотни тўплайди ва тарқатади – деб исботлар эди прокурор. Ҳукуматнинг фикрича айбловларнинг ичидаги жиддийси – у бу маълумотларни чет элга узатиб тургани. У Совет Иттифоқини бошқа мамлакатларга фош қилувчи маълумотларни узатиб туришга харакат қилган.

Прокурор «туҳмат» сўзини таъкидлаб ўтди ва Аида эса ўз ҳимоясини ҳақиқат асосида қуради. У шундай фикр қилди: агар у узатаётган маълумот ҳақиқат бўлса, у туҳмат бўлиши мумкин эмас. Ва у судга бу маълумот шубҳасиз ҳақиқат эканини исботлашга умид қиласди.

Айбловлар рўйхатини ўқиб эшиттиришаётганида, Аида биринчи марта ўзининг орқасидан ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари синчковлик билан кузатаётганини билиб олди. Улар Аидадан маълумот олиш учун Совет Иттифоқига келган, келишган швед аёли Юрсмар хоним ҳақида билишар эдилар. Улар қачон ва қаерда Юрсмар хоним ва Аида учрашганини ҳам билишарди. Улар Аида билан учрашув ҳақида ёзилган Юрсмар хонимнинг ён дафтарини ҳам мусодара қилган эдилар. Суд ҳаками ҳатто Аиданинг Юрсмар хонимга берилган нашрларни бирин-кетин санаб ўтди ва унинг овозида кинояли жеркиш сезилиб турарди.

«Юрсмар олган адабиётларни мамлакатдан олиб чиқишига ҳаракат қилди» – дея давом этди суд ҳаками – «аммо чегарарадаги текширувда юқорида келтирилган адабиётлар аниқланди ва мусодара килинди». У айблов хулосасидан назарини қочириб,

диққат ва ғалабамиёна кулги билан айбланувчига қаради.

Улар яна бир чет эллик масиҳий дўсти Дэвид ҳақида ва Аида унга берган «Нажот Хабарчиси» (Вестник спасения) журналинг нусхаси ҳақида ҳам билишар эди. Улар Аиданинг бошқа вилоятга ўз опасини кўриш учун борганида олган журналлари ва кейинчалик уларнинг яширин жамоатдаги масиҳийларга тарқатгани ҳақида ҳам билишар эди. Ҳуқуқни химоя қилувчи органлар у учрашган одамлар ва у тарқатган ҳамма материаллар ҳақида билардилар.

Аида улар яна қандай маълумотни кўлга киритганликларини ва яна қамоқхонадаги қайси масиҳий маҳбуслар ҳақида маълум эмаслигини билишни хоҳларди.

Суд ҳаками қайта ва қайта бир гапни такрорлар эди. Худди унга қўйилган айловда айтилганидек, Аида «била туриб, Совет Иттифоқига ва жамоат тартибига тухмат қилувчи ёлгон маълумотни» тарқатган.

### Хотиржамлик билан ўзига ишонч

Аида хотиржамлик билан қаттиқ тахтадан бўлган химоя стулида ўтирап эди. У хаяжонланаман ва хавотир оламан деб ўйлаган эди. Аммо у хотиржам ва ўзига ишонган ҳолди ўтиради. У Исо Масиҳнинг залдаги хузурини сезиб турарди. Исо ўзининг издошларини, қачон подшоҳлар ва ҳакамлар олдида бўлганида, нима айтаман деб хавотир олмасликка ўргатган ва Аида ҳам хавотир олмади.

«Уни милиция ходимлари сўроқ қилганида», – дея айлов хулосасини ўқишини давом этди суд ҳаками, «у масиҳий китоблар ва брошюралар тарқатгани ва бошқаларга етказиб турганини тан олишига қарамасдан, ўз айбига икрор бўлмаган». У етказиб турган ҳужжат нусхаларининг кўпчилиги унинг уйидан топилганлиги тўғрисида милиция ходимлари хабар беришди ва унга қарши иш қўзғатилган. У милиция ходимларига ҳужжатларда тухмат йўқлигини ва улар фақатгина «бизнинг мамлакатимиздаги жамоатларнинг аҳволини тўғри акс эттиришини» айтган.

Нихоят суд ҳаками хукмни ўқиб тугатди. Аидага қатъиятлик билан қарабу шундай деди: «Айбланувчи, сизга қарши қўйилган айбни тушундингизми?».

У суд ҳакамига қаради ва унинг кора кўзларининг нигоҳига бардош берган ҳолда «Ха» – деб жавоб берди.

«Сиз ўз айбингизга икрормисиз?»

«Йўқ» – деди. Унинг овози хотиржам ва ишонарли эди.

Ҳакам ўзининг ёзувларига қаради ва суд дархол бошланишини эълон қилди. «Биринчи гувоҳ» – дея эълон қилди у – «Аиданинг ўзи».

### Оила ғам-қайғуда

У 21 ёшида имонли бўлганида, Аида Исо Масих етаклаб борадиган йўл, уни суд залига олиб боришини билмасди. У масиҳий оиласида туғилди ва ёшлик пайтидан Исонинг кимлигини биларди. Аммо 1942 йили унинг отасини харбий хизматни рад қилгани учун қамоққа олишди ва оила катта қайғуни бошдан кечирди. Уни харбий хизматдан озод қилишга ваъда беришди, лекин хужжат бермадилар. Уни қатл қилишди ва икки яшар Аида уни ҳатто эслай ҳам олмайди.

Унинг онаси болаларини ёлғиз тарбия қилди. Улар Сибирда кичкина шаҳарчада яшардилар. Онаси қаттиқ ишларди ва ибодат қиласарди. У доимий равишда болаларига Муқаддас Китобдан ўқиб берарди. Ва қамоққа олиниш ва қувгин қилиниш таҳдидига қарамасдан, болаларини бир-бирларининг уйларида яшириниб йигиладиган масиҳийлар йигинига олиб борарди.

Айрим пайтда унинг амакиси солдатлар ёки милиция келиб қолмасин деб, уйнинг атрофида кузатиб туриш учун, навбатчилик қиласарди. Аида ўша якшанбани, яъни уларнинг уйида йигилиш бўлиб турган пайтда, милиция келиб қолганини яхши эслайди. Улар кетишганида, ўзлари билан амакисини ва бошқа иккита масиҳий эркакларни, қўлларига кишан солиб олиб кетишлиди. Уларни жиноий иш қилганликда айблашди.

Аида ўн бир ўшга тўлганида, унинг онаси вафот этди. Онаси болалари катта бўлганида, Исо Масихга бўлган имонидан воз

кечиши мумкинлигидан қандай хавотир олганини Аида яхши эслайди. Онасининг барча ҳаракатларига қарамасдан, Аида имондан қайтди. У буни атайлаб эмас, балки қизиқишни йўқотгани учун қилди. Аидани катта опаси катта қилди ва ҳар кунлик ишлар билан овора бўлиб, оила жамоат йигилишларига боришдан ҳам тўхтади. Мактабда Худо йўқ деб ўргатарди ва аста-секинлик билан уларнинг оиласида ҳам Худони эслашдан тўхтадилар.

### Қайта уйғонган имон

Аида 19 ёшга тўлганида, у Ленинградга (ҳозир Санкт-Петербург) кўчиб ўтди. Ундан 5 ёш катта бўлган акаси денгизчилик ҳунар билим юртини тамомлади ва Ленинградда жойлашди. Аида ҳам унга яқин бўлиш учун, унинг ёнига кўчиб ўтди. Бир куни улар дин ҳақида гап очишиди.

Аида: «Худо бор ёки йўқлигини мен билмайман» – деди. Уни акасининг қандай қатъиятлик билан айтган жавоби ҳайратга солди: «Сенга ўзи нима бўлди?» – деб ҳайрон бўлди акаси. «Мен ҳеч қачон бунга шубҳа килмаганман! Мен Худонинг борлигига ишонаман».

Афсуски, Аидада худди акасига ўхшаган ишонч йўқ эди. Унга исбот керак эди.

Бу акаси билан бўлган сухбатдан кейин, Аида қадимий ва ноёб нарсалар сотиладиган дўконнинг ёнидан ўтаётисиб, кимнингдир бундай дўконда баъзи пайтларда Муқаддас Китоб сотилади деб айтганини эслади. Қизиққани учун дўконга кирди ва уларда Муқаддас Китоб бор-йўқлиги ҳақида сўради. Сотувчи унга Муқаддас Китоб камдан-кам бўлишини ва ҳозир йўқ эканлиги ҳақида айтди. Аида кетди, бошқа харидор унинг орқасидан чиқди ва унга Янги Аҳдни 150 рублга сотиб олишни таклиф қилди.

Бу унда бор бўлган ҳамма пул эди, аммо Аида бу пулларни бу кишига қадимий Китоб учун берди. Аиданинг акаси у қилган хариддан жуда хурсанд бўлди, чунки бу вактда Китоб акасига ҳамма нарсадан кўра кўпроқ керак эди. Ундан саратон касаллиги ни топишиди ва шифокор унга бу касалликни шифолаб бўлмаслиги

ҳақида айтди. Виктор Аидадан ибодатхонага боришни ва биродарларига унинг ҳолати ҳақида айтишни сўраб илтимос қилди.

Аида унинг илтимосини бажарди ва дўстлари доимий равишда Викторнинг олдига келиб, далда бериб туришди. У касаллик акасининг танасини қабр томон тортаётган бўлсада, унинг руҳи, тирик руҳ эканлигини кўрди. У акасининг танаси заифлашишига қарамасдан, Масихга бўлган имони мустаҳкам бўлиб бораётганидан ҳайратга тушган эди. У ўлимга кўркув ва хавотир билан эмас, балки чуқур абадий ҳаётга бўлган ишонч билан яқинлашди.

Ташхиз қўйилганидан тўрт ой ўтиб, Виктор оламдан ўтди. Ўлаётган акасининг ётоги ёнида туриб, Аида акаси унга «Хайр» деб айтишини эмас, балки «Кўришгунча» деб айтиётганини ҳис қилди.

Аида худди акасидагидек ишонч, унда ҳам бўлишини хоҳларди. Викторнинг ҳаёти, ҳамда унинг ўлими – унинг қўпдан-кўп саволларига жавоб берди. У ўзининг саволларини ибодатхонадаги Викторнинг дўстлари билан муҳокама қилди. Нихоят унга ҳаммаси аён бўлди: Аида ўз эътиқодида Исо Масихнинг орқасидан боради.

Бу ёш аёлнинг қарори унга жуда қимматга тушади, аммо у бундан ҳеч қачон афсусланмади.

### Китоблар ва Калом алмашиш

«Сиз ўзингизга қарши қўйилган айбларга нисбатан судга тушунтириш бермоқчимисиз?» – деб сўради суд ҳаками.

«Ҳа, хоҳлайман» – деб жавоб берди Аида. У суд ҳакамининг ўзи саволлар беришини биларди. Бу жараёнда суд ҳакамининг ўзи унга ҳам прокурор ва суд ҳаками бўлади. «Мен адабиётлар тарқатганимни ва тилга олинган одамларга уларни берганим ҳақидаги айбловни тан оламан».

«У далилларни тан оляяпти. Бу иш мен ўйлаганимдан ҳам тезроқ бўлади. У адвокат олишга рози бўлиши керак эди» – деб ўйлади прокурор.

Суд ҳаками қаттиқ туриб олди ва Аида худди айбловда кўрсатилганидек, адабиётларни етказиб берган ҳамма одамларни

санаб берди. У айбловда бир-иккита варакдан иборат бўлган брошюрани журнал деб аталашига қарши чиқди, аммо маълумот тарқатганини ва ҳатто уни чет элликларга етказганини тан олди.

«Айблов хулосасидаги қолган ҳамма нарса тўғрими?» – деб сўради суд ҳаками, Аида тугатиши билан.

«Ҳа» – деб жавоб берди у. «Менинг адабиёт тарқатганилигим ҳақидаги ҳамма далиллар тўғри баён қилинган. Аммо бу адабиётларда Совет Иттифоқига ва жамоат тартибига раҳна солувчи ёлғон маълумотлар йўқ, яъни айблов 190/1 моддасига тўғри келмайди ва адабиётларни тарқатиш ўз-ўзидан жиноят ҳисобланмайди. Шунинг учун мен ўзимни айбдор деб ҳисобламайман».

Аиданинг арзини кўриб чиқиш ўрнига, суд ҳаками Аида материаларни, жумладан Совет судларида масиҳийлар устидан бўлиб ўтган иккита суд жараёнлари нусхасини етказиб берган швед хоним Юрсмар ҳақида сўради. Аида бу «шахсий иш» деб айтиб, Юрсмар хоним билан қаерда учрашганини айтишдан бош тортди.

Аида ўзининг ишини қандай олиб бораётганини эшитиб, прокурор жонланди: «Эҳтимол бу ёш масиҳий аёл мен ўйлаганимдан кўра яхшироқ ҳимояланар».

Аида унчалик хоҳламасдан тафсилотлари ҳақида ҳикоя қилди. У ва Юрсмар хонимнинг Швецияда умумий дўсти бор эди, ана ўша дўсти уларга учрашувни ташкиллаштирган эди. Юрсмар хоним Аидага элликта Янги Аҳд сотиб олиб берди. Аида бу китобларни тақиқланган жамоат аъзоларига етказишини хоҳлаган эди, аммо милиция уларни мусодара қилди. Эвазига Аида Юрсмар хонимга адабиёт, ҳамда айрим суд жараёнидаги хат ва баённомаларни берди. Аида Юрсмар хонимдан уларни Славян масиҳий ташкилотига олиб бориб беришини сўраган эди. У ерда эса уларни босиб чиқаради ва бутун дунёга жўнатади.

«Нима учун сиз Юрсмарга «Нажот Хабарчиси» ва «Биродарлар мактуби»<sup>1</sup> журналининг нусхасини, Москва ва Рязанда бўлган суд жараёнлари баённомасини, ҳамда Хорев ва Маховицкийнинг хатини бердингиз» – деб каттиқ сўради суд ҳаками.

«У уларни ўқиб чиқиши учун ва бизнинг жамоатимиз ҳаёти ҳақида билиши учун» – деб оддийгина жавоб берди Аида.

«Нажот Хабарчиси» менинг севимли журналим, «Биродарлар мактуби» эса бизнинг жамоатимиз ҳаёти ҳақида гапиради. Судлар бизнинг жамоатимиз ҳаётининг бир бўлагига айланган ва Россиядаги жамоатлар ҳақида билиш учун, суд жараёнлари ҳақида билиш зарур».

Совет Иттифоқида ҳақиқатдан судлар имонлилар ҳаётининг бир бўлагига айланган эди. Ҳақиқатдан масиҳий бўлган кишилар учун қўлга олишлар, дўпослашлар ва қамоқ жазоси берилиши аниқ эди. Ва яширин жамоат журналлари бу фактларни нашр қиласади.

Суд ҳаками Аиданинг эндиғина танишган аёлга сирли ва мухим маълумотларни берганига ҳечам ишона олмасди.

«Имонлилар орасида дўстлик тезда пайдо бўлади» – деб тушунтиришга ҳаракат қилди Аида. Мен нотаниш шаҳарга боришим, илгари танимаган имонлилар билан учрашишим ва бир неча дақиқадан кейин биз яқин дўст бўлиб қолишимиз мумкин. Имонлилар – бу битта катта оила ва бизни бир-биrimiz ҳақидаги ҳамма нарса қизиқтиради».

Прокурор ва суд ҳаками навбат билан саволлар бера бошладилар. Улар ён дафтарчада ёзилган чет элдаги манзиллар билан қизиқа бошладилар. Аида уларнинг хаммасига хат ёзган-ёзмаганлигини билишни хоҳлардилар.

«Айримлари хат ёзарди» – жавоб берди Аида. Кейин бирданига: «Мен совет фуқароларига ўзларининг чет элдаги дўстлари билан хат ёзишни тақиқловчи ҳеч қанақа қонунни билмайман» – деди.

Прокурор Аидага норозилик билан қараганида, судга келган имонлилар яширинчи кулимсираб қўйишидилар. Кейин у ён дафтарчадаги ҳар битта исмни ўқишни бошлади.

### Алоҳида жасурлик

Аида совет имонли жамоатнинг олдинги қаторида ишловчи мухбири бўлиши ҳақида ҳеч қачон ўйламаган эди. У Масиҳга имон келтирганида, ёш ва жуда чиройли аёл эди. У йигирма бир ёшда эди, у ўзининг янги Дўстидан жуда хурсанд эди. У

ҳақида кимни учратса, ўшанга айтишни хоҳлар эди.

У ўзининг қарорини Совет Иттифоқида баптист жамоатлари уйғонаётган пайтда қабул қилди. «Қандайдир муддатга имон заифлашди» – деб айтди у, кейинчалик, – «ва кейин бирданига уйғониш бўлди. Мен кўрган нарса – бу мўъжиза эди. Мен қандай қилиб ўликлар, руҳий ўликлар яна қайта тикланганини кўрдим, заифлар эса буюк ишларга қодир эканлигини исботлади. Мен камтаринлик ва сабр-тоқатнинг буюклигини, жамоат курашининг шухратини кўрдим. Бу уйғониш менинг руҳимга далда бўлди ва ўша пайтдан бери, мен унда иштирок этиб келаман».

Викторнинг ибодатхонасидан бўлган янги дўстлари Аидани Масиҳ ҳақида гувоҳлик беришга рағбатлантиради. Аида уларнинг қандай қилиб «Тавба қилиш ва хушхабарга ишонишга» чақирувчи Хушхабар сўзлари ёзилган отkritka ва брошюраларни чоп қилишини кўрарди. Улар отkritkalarni почта қутиларига ташлардилар, бу ҳақида бутун Ленинград гапирганди ва ҳатто маҳаллий газеталар ҳам бу ҳақда ёзганди.

Ўз масиҳийлик йўлининг дастлабки кунларидан бошлаб, Аида бошқа одамларга ўз имони ҳақида бўлишишга бўлган интилиши ва жасурлиги билан ажralиб турарди. Имонга келганидан кейин бир ой ўтиб, Аида 1962 йилнинг биринчи кунини қандай қилиб маҳсус тарзда кутиб олиш йўлини ўйлаб топди. У Клод Лоран, яъни гаван устида турган қўёш расми босилган кўплаб отkritkalarni сотиб олди. Кўп кунлар давомида ўзининг бўш вактида ҳар бир отkritkaga қўли билан оддий сўзларни ёзди:

### Янги 1962 йилингиз билан!

#### Янги йил тилаги

Йиллар ўтятпти бирин ва кетин;  
Биз эса уларни сезмаяпмиз ҳам.  
Ғам – қайғу ҳам йўқолаяпти,  
Ҳаёт уларни олиб кетаяпти.  
Бу дунё шундайин шарпага ўхшар,  
Ундаги барча йўқ бўлиб кетар.

Хаёт шунчалар мухим. Бегам бўлма.  
 Ўз Яратгувчингга айтасан нима?  
 Нималар кутмоқда дўстим Осмонда?  
 Бергин жавоб шу саволга, шу ердалигингда.  
 Эҳтимол, эртага Раббинг олдида бўлиб қоларсан  
 Хар бир нарсага берарсан жавоб.  
 Яхшилаб ўйлаб кўр булар устида,  
 Зеро сен абадий эмассан, бу ер юзида.  
 Эҳтимол эртага узарсан  
 Бу дунё билан бор муносабатни!  
 Имкони борида қидиргин Худойингни сен!

Унинг открытикадаги ёзилган сўзлари, унинг илгари дўстлари босиб чиқарган открытикадаги оддийгина чорлов сўзлари билан тугарди: «Тавба қил ва Хушхабарга ишон».

У ҳамма открытикага сўзларни ёзиб бўлганидан кейин, Аида иссиқ кийиниб кўчага чиқди. Катта майдондаги тарих, дин ва атеизм музеининг олдида, қора сочли ёш аёл открытикалар тарқата бошлиди. У ўтган – қайтганларга уларни бериб ва улар билан «Янги йил!» табриги билан алмасиб, тезда бир даста открытикани тарқатиб бўлди.

У деярли ҳамма открытикаларни тарқатиб бўлиши билан, кимдир келиб, қаттиқ унинг қўлидан ушлади. «Бу нима?» – деб сўради, открытикани унинг кўзи олдида у ёқдан бу ёққа силкитиб, жаҳли чиқкан эркак киши. «Янги йил открытикаси» – деб жавоб берди у, чиқиб кетишга ҳаракат қилган ҳолда. У жаҳли чиқкан катта эркак кишининг олдида жуда кичкина кўринарди. У киши уни янада қаттиқроқ сиқиб ушлади, атрофга қаради ва бурчакда турган милицияни чақира бошлиди.

«Бизга бу нарса керак эмас» – деди тишиларини қисиб у киши. У киши Аидани милиционер келиб иккинчи қўлидан ушламагунча ва машинага олиб бормагунча қўйиб юбормади.

## Бўлажак воқеаларни олдиндан сезиш

Бу Аиданинг биринчи марта мажбуран милиция хонасига келиши эди. Уни бир неча соатга ушлаб турдилар, кейин эса унга милиция иш қўзғаб, унинг «масиҳийликни отkritkalар ёрдамида тарқатиши» хақидаги маълумотни ёзиб олганидан кейин қўйиб юбордилар. Аида уларнинг саволлари га жавоб бериб, хотиржам ўтиради ва қандайдир ишонч билан ўтирганидан ўзи ҳам ҳайрон эди. Худо у билан бирга эканини биларди, шунинг учун хукумат вакилларидан қўрқишининг кераги йўқ эди. Кимdir милиция зобитига Масиҳнинг унга бўлган севгиси хақида айтганмикан, дея ўлади?

Милиция юз берган воқеа хақида унинг директорига ва у яшаётган ётоқхонага хабар берди. Биринчи марта у ҳуқук тизими билан апрел ойида, унинг «ўртоқлик суди» деб аталувчи суд томонидан иши қўрилганида тўқнаш келди. Аида унинг тақдирини ҳал қилаётган учта «ўртоқлар» олдидаги курсида ўтиради. «Айловчиларни», яъни маҳаллий аҳолини унга қарши гувоҳлик беришлари учун олиб келдилар. Битта қария жаҳли чиққанидан қалтириб, шундай қичқиради: «Мен у билан битта ҳаводан нафас олишни хоҳламайман. Мен у билан бизнинг еримизда бирга юришни хоҳламайман».

Бошқа гувоҳлар эса Викторнинг ўлгани ҳақида айтдилар, чунки баптистлар унинг шифокорга мурожат қилишига йўл қўйишмаган (ғалати гап, чунки Виктор шифохонада ўлган эди). Аида айловчиларининг арзларидан ёқасини ушлади. Уни янги йил отkritkalарини тарқатганликда айбламаётганмидилар? Бунга унинг акасининг нима алоқаси бор? Аида ўзини ҳимоя қилиш учун нимадир айтишга ҳаракат қилди, ҳатто Викторнинг беваси ҳам сўзга чиқиши хоҳлаган эди, аммо залдаги оломон уларнинг сўзлашига имкон бермади. Суднинг охирига келиб, залда иштирок этаётганлар Аидани янада қаттиқроқ жазолашлари учун, унинг ишини юқори суд инстанциясига ўтказишларини талаб қилдилар.

«Халқ судига! Халқ судига!» – деб қичқиришди.

Аида бир нечта оддийгина отkritkalар оломоннинг шундай газабига дучор бўлганидан ҳайрон эди. Ўртоқлик судининг учта

вакиллари Аиданинг Ленинграддаги пропискасини бекор қилдилар ва уни ишдан хайдадилар. Гувоҳларнинг кўрсатмасидан сўнг оми оломон ҳукм етарлича жиддий эмас, деб ҳисоблади. Улар оёклари билан таққиллатар ва янада жиддийроқ жазога тортишлари учун уларнинг олдида турган кичкина қизга қараб бақирап эдилар. Аиданинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уни яширин йўлдан соқчилар ёрдамида олиб чиқишига тўғри келди.

Суднинг ҳукми кўп ойлар мобайнида бажарилмади, бу эса милиция ходимларига ёш масиҳий қизнинг масиҳийлик фаолияти билан боғлиқ бўлган маълумотларни тўплашга ва излашга имкон берди. Аида Ленинградда яшашда давом этди ва имкони бор жойлардан иш топарди. Унга яшаш қийинлашди, аммо ўша илк қийинчиликлар уни кутаётган қийинчиликларнинг фақатгина бошланиши эди холос.

### Сиз қонунларимиз билан ҳисоблашишдан бош тортаяпсиз

Энди бу судда қораловчи ҳам, суд ҳаками ҳам саволлар беришни бошлади. Улар Аиданинг чет элда таниш бўлган ҳар бир дўсти билан, қачондир чет элга узатилган ҳар бир маълумотнинг ҳарфи билан қизика бошладилар.

Кейин эса улар Аида тарқатган масиҳий нашрлар билан қизикишни бошладилар. Суд ҳаками далиллар тўпламидан битта журнアルни олди ва секин вараклашни бошлади. У олдиндан белгилаб қўйилган параграфларни қидирарди. Унинг фикри бўйича энг кўп фош қиладиган бўлимларни топиб, овозини чиқарган ҳолда қаторма-қатор ўқишни бошлади. Ҳар битта гапнинг охирида у ғазаб билан Аидага қараб қўярди.

Суд ҳаками ҳар хил эътиқодлар ҳақида сўрар ва уларнинг айримлари қувғин қилинmasлигини таъкидлаб ўтарди.

«Мен бошқа эътиқоддаги имонлиларнинг қувғин қилиниши ҳақида хеч нарса билмайман» – деб жавоб берди, чарчаган Аида, – «биз фақатгина хушхабарчи жамоатдаги ва баптист имонлиларнинг қувғин қилиниши ҳақида ёзамиз».

Прокурор у тарқатган адабиётларни ўқиган чет элдаги ҳамма одамлар Совет Иттифоқида ҳамма масиҳийлар қувгин қилинади деб ўйлайди, – дея таъкидлади. У суд ҳаками тўхтаган жойдан бошлаб ўқиши давом эттириди ва ҳар бир кераксиз деб ўйлаган гапга ёпишиб оларди. Журналлардан бирида у совет мактабларида масиҳий болалар қувғинларга дучор бўлаётгани ҳақида гапирилган парчани кўрсатди. Мактаблар фақатгина ўз болаларини аҳмокона фикрлар билан заҳарлаётган фанатик ота-оналар томонидан келтирилган зарарни қоплашга харакат қиласяптилар, – дея таъкидлади у.

«Қонун ёшларга эътиқодни сингдиришни тақиқлайди» – деди у суд ҳакамига қараб ва унинг диққат билан эшитаётганига ишонч ҳосил қилиш учун.

«Аммо қонун атеизмни сингдиришни тақиқламайди» – дея бирданига жавоб берди Аида.

«Атеизм – дин эмас. Бола ўсиб-улгаяди ва кейин шахсан ўзи эътиқодга нисбатан муносабатини аниқлаб олади. Атеизм ҳеч кимни мажбурламайди».

«Шундай ҳолда болага нима айтиш керак?» – деди Аида gox прокурорга, gox суд ҳакамига қараган ҳолда. «Қонун бўйича Худонинг борлигини айтиш тақиқланган, аммо Худонинг йўқлигини айтишга рухсат берилган» – дейиш керакми?

Ҳамма жим бўлиб қолди ва суд ҳаками нима жавоб беришни билмасдан, мавзуни ўзгартирди. У судланувчидан энг муҳим нарсадан четга чиқмаслигини талаб қилди.

Прокурор бошқа журналдан келтирилган кўчирмаларни ўқишида давом этди. «Сиз диний ташкилот рўйхатдан ўтган бўлиши кераклигини биласизми?» – дея сўради айбланувчиidan у.

«Биламан». Аида шунингдек агар жамоат рўйхатдан ўтса, ўзини коммунистик ҳукумат назорати остига қўйишини ҳам биларди. Бу ҳукумат эса жамоат хизмат қиласиган Худонинг борлигини инкор этади.

Худди болага ақл ўргатаётган сабрсиз ўқитувчи каби «бизниг мамлакатимизда имонлилар қувгин қилинаётгани учун эмас, сизнинг жамоатингиз рўйхатдан ўтмагани учун йиғилиш ўтказишга рухсат берилмайди» – деди у.

«Бизнинг жамоатимиз рўйхатдан ўтиш учун мурожат қилган» – деди хотиржамгина Аида. «Биз ариза топширганмиз, аммо бизга рад қилишган».

«Сизга рад жавоби беришган, чунки сизлар қонунга амал қилишдан бош тортаяпсизлар».

«Қайси қонунларга амал қилмаяпмиз?» – дея сўради Аида.

«Сизлар якшанбакунгимактабларни очишни ва вояга етмаганлар учун диний маросимлар ташкил қилишни хоҳлайсизлар».

«Мен жамоатимизнинг якшанба куниги мактабларни ташкил қилинишини талаб қилганини эслай олмайман» – дея норозилик билдириди Аида. «Ва қонун бўйича ҳам ота-оналар болаларини қандай хоҳласа, шундай тарбиялашлари мумкин».

«Йўқ, мумкин эмас» – дея аччиғи чиққан прокурор гапни бўлди. «Қонун вояга етмаган болаларни диний гурухларга жалб қилишни тақиқлайди! Аммо сизлар бизнинг қонунларимиз билан ҳисоблашишдан бош тортаяпсизлар».

«Конституция бизга диний эътиқод эркинлигини таъминлайди. Бу эса эътиқод эркин эканлигини англатади» – деди Аида. «Демак ҳаммага Худо ҳақида гапириш, яъни эркин равишда имонни эътироф этиш мумкин. Шундай эмасми?»

Аида ҳаммасини борлигича гапирди. Совет конституциясида одамлар эркин равишда эътиқод қилиш ва уни амалда қўллаш хуқуқига эга эканлиги ҳақида гапирилади. Аммо совет хукумати раҳбарлари масиҳий имондан кўрқадилар, ҳамма одамларнинг коммунистик партияга ишонишини ва унга боғлик бўлишини хоҳлайдилар. Улар диний эътиқодни йўқ қилган ҳолда, одамларни чин дилдан коммунистик партияга ишонтириш мумкин дея ҳисоблайдилар.

Суд ҳакамида яна Аиданинг саволига жавоб топилмади. Шунинг учун у яна мавзуни ўзгартирди. Энди у Аидадан агар у ерда ҳақиқат ёзилган бўлса, нима учун адабиётларни яширин равишда тарқатганлигини сўрай бошлади.

«Чунки бизни қувғин қилаётганлар, қувғин қилиниш тўғрисидаги далил аён бўлиб қолишини хоҳламайдилар» – дея жавоб берди Аида. У энди кўпроқ оддий фабрика ишчиси каби эмас, балки худди олий маълумотли юрист каби гапира бошлади.

«Мен биламанки, Юрсмар хонимга берган материалларим ичида сохталашибтирилган далиллар йўқ. “Нажот хабарчиси” ва “Биродарлик мактуби” журналларида имонлиларнинг ҳолати қандай бўлса, шундайлигича акс этган. Бу холат унча ҳам ёқимли эмас эканлигига мен сиз билан розиман, аммо бу ҳақиқат ва у ҳақида гапириш зарур. Мен адабиётларни Юрсмар хонимга берганимда, бу учун қамоққа тушишим мумкин эканлигини билардим. Мен буни яхши билардим. Аммо бу билан у ерда ёзилган ҳақиқат ўзгариб қолмайди».

Прокурор ўзида ёзилган нарсаларга қаради ва ўтириди. Нихоят, Аидани тўғридан тўғри сўроқ қилиш тугади. Аммо суд давом этди. Гувоҳларни чақирдилар. Биринчи унинг қўшнилари Анатолий ва Алла Лавреньевлар бўлди. Суд ҳаками ҳам, прокурор ҳам уларни саволлар билан кўмиб ташладилар. «У сизлар билан ўз имони ҳақида гаплашганми?», «У сизларга қандайдир адабиётлар берганими?», «Унда телевизор ёки радио борми?», «У қандай маблағлар эвазига яшаган?», «У қандай кийинарди?», «У нималар пиширадир эди?».

Анатолий ҳам, Алла ҳам Аидани жиноятчи деб айтишмади. «Аида ҳамма билан яхши муносабатда бўлган» – деди Анатолий. «У ҳақида фақатгина яхши нарсалар айтиш мумкин холос».

Бошқа гувоҳни чақиришдилар ва уни Аиданинг кийими, юриш-туриши, унинг иши ҳақидаги саволлар билан кўмиб ташладилар.

Нихоят, имонли аёл Мария Акимовна Скурловани чақиришибди. У Аидани беш йилдан бўён танирди. Улар биргаликда йигилишларга қатнашар, ибодат қилишар эдилар. Аида бир йил қамоқда ўтириб чиққанидан кейин, Мария унга уйидан жой берган эди.

Энди Мария айбланувчига ёрдам берганини тан олди. «Сиз Аидани имонли бўлгани учун ишдан ҳайдашган деб айтаяпсизми?» – дея сўради суд ҳаками. «Нима учун сизни ишдан ҳайдашмади? Сиз ҳалиям ишлайпсиз, тўғрими?»

«Менинг навбатим ҳали келмади» – деди оддийгина қилиб Мария. Мария Аида яшаган хонага чет элликлар келганини тан олди, аммо Аида уларга нима берганини билмасди.

Аида ўзининг дугонасига саволлар бериш учун ўрнидан турди. У Мариядан имонли масиҳийларга нисбатан бўлаётган қувғинлар хақида сўради. Мария сўрок қилинган, уйларида тинтуб ўтказилган ва қамоқقا олинган масиҳийларнинг исмларини санаб ўтди.

«Мен имонлиларни жаримага тортишганини биламан. Суко-вицинга жарима солишган» – дея гувоҳлик берди Мария.

«Нима учун жаримага тортишган?» – дея гапни бўлди прокурор.

«Чунки у ибодат қилган».

«У қаерда ибодат қилган?»

«У Лукашнинг уйидаги ибодатни бошқарган. У ерда йигилиш бўлган эди».

«Тўппа тўғри! – дея тантали равишда қичқириб юборишига сал қолди, – йигилиш рухсат этилмаган жойда бўлиб ўтган. Сизда ибодатхона бор, у ерга боринглар ва ўша жойда ибодат қилинглар!».

Кейинроқ Мария ўзини масиҳийларнинг йигилишига боргани учун жаримага тортишганини айтганида, прокурор яна унинг гапини бўлди. «Йигилиш қаерда ўтказилган эди?» – дея жавоб талааб қилди прокурор.

«Ўрмонда».

«Жамоат жойларида йигилиш ўтказиш ман қилинади. Мана нима учун сизни жаримага тортишган» – дея юзида кулги билан суд ҳакамига қараб бош силтади.

«Ўрмонда биздан бошқа хеч ким йўқ эди. Ёлғиз биз бор эдик. Биз йигилиш ўтказдик ва кетдик, аммо бизни уйга кетаётганимизда, темир йўлbekатидан олиб кетишдилар». Мария милиция ходимлари томонидан масиҳийларнинг тинчлиги бузилган бошқа вазиятларни ҳам санаб берди. Кейин уни қўйиб юбордилар.

Бу суд ишида охирги гувоҳ Аиданинг дугонаси, имонли аёл Екатерина Андреевна Бойко бўлди. У Аидани ўзининг дугонаси дея атади ва у «яхши ва жуда меҳрибон» – дея «гувоҳлик берди».

Екатерина қандай қилиб милиция ходимлари унинг уйига келгани ва ундан Аида ҳақида сўрагани тўғрисида айтиб

берди. Милиция зобитлари Аиданинг жосус эканлигига шаъма қилишган, Екатерина ва бошқа қўшнилардан агар у бу уйда пайдо бўлса, бу ҳақда уларга хабар беришларини сўрашган.

Екатеринанинг гувоҳлиги аниқ прокурор фойдасига бўлмади. Айрим ҳолларда у жуда лўнда жавоб берар, айрим ҳолларда эса саволни эшишиб, жим бўларди.

«Швецариялик саёҳатчининг Скрипниковларникига келгани ҳақида нималарни биласиз?» – дея жавоб талаб қилди прокурор.

«Мен бу ҳақида ҳеч нарса билмагандим. Бу ҳақида кейинги куни билдим. Аиданинг уйида бўлганимда, милиция ходимлари у ерга бостириб киришди. Милиция ходими чет эллик адбиётлар билан қўлга тушгани ва бу адабиётларни унга Аида бергани ҳақида айтди».

Прокурор ундан маълумоти қандай эканлиги ҳақида сўради. У ўнта синфни тамомлаганини айтди. «Нима учун сиз ўқишни давом эттирамдингиз?»

«Тиббиёт институтига киришни хоҳлаган эдим» – дея жавоб қилди Екатерина – «аммо характеристикамга менинг имонли эканим ва баптист гурухининг аъзоси бўлганим ёзилган эди. Шунинг учун мен тиббиёт институтига кира олмадим. Мени барибир ҳайдаб юборишар эди».

«Ва сиз бошқа ўқишга топширишга ҳаракат қилмадингизми?» – суд ҳакамининг овозида таҳқирлаш оҳангি эшитилди.

«Бошқаларнинг намунасидан билиб олдимки, менга барибир ўқишимга имкон беришмайди».

Аиданинг савол бериш навбати келганида, у ўзининг дугонасига қаради. У умумий саволлардан бошлади, кейин эса совет мамлакати имонли масиҳийлар билан қандай муносабатда бўлгани тўғрисидаги саволларга ўтди. Аида милиция томонидан жаримага тортилган маълум бир масиҳийлар ҳақида сўради. Екатерина эса уларни бирма-бир санаб ўтди ва айрим ҳолларни батафсил таърифлаб берди.

«Нима учун сизлар ибодат йиғилишларни ўрмонда ўtkазасизлар?» – дея гапни бўлди суд ҳаками. «Сизларда Поклонной гора (жойнинг номи) да ибодатхоналарингиз бор. Нима учун у ерда йиғилишмайсизлар? Сизнинг жамоатингиз рўйхатдан ўтмаган.

Сиз рухсат берилмаган жойда йигилиш ўтказаяпсизлар ва жамоат тартибини бузаяпсизлар. Мана нима учун сизларни жаримага тораяптилар»

«Биз рўйхатдан ўтиш учун ариза берганмиз. Бизнинг ўрмондаги йигилишимиз ҳеч кимга ҳалақит қилмаган».

Прокурор ундан ўзини мамлакат қонунларига амал қилишга жавобгар бўлган, содик фукаро деб хисоблаши ёки хисобламаслиги ҳақида сўради.

«Мен қонунларга амал қиласман» – дея туриб олди.

«Сизлар ўрмонда, Лукашнинг уйида учрашиб турасизлар ва сизнинг жамоатингиз рўйхатдан ўтмаган» – деб туриб олди прокурор – «демак сизлар қонунларга амал қилмайсизлар».

«Лукашникидаги ибодат йигилишлари қонунга зид эмас». У жасорат билан Лениннинг имонга қарши қонунлар «шармандалик» деб атаган сўзларини келтириб ўтди.

Коммунизм асосчиларидан бири билан баҳслашишни хоҳласдан, прокурор гувоҳни кўйиб юборди.

### Кескин ўзгариш пайти

Аида ўзининг масиҳийлик имонини совет қонунчилиги доирасида ҳимоя қилишга ҳаракат қилди. У масиҳий бўлганидан кейинги биринчи ойларда, доимий равишда рўйхатдан ўтган ва совет хукуматидан «розилик» олган ибодатхонага қатнади. У имонли биродарлар билан бирга ибодат қилишдан жуда хурсанд ва мамнун эди – у пайтда ҳали рўйхатдан ўтган жамоатдаги сиёсий ўйинларни тушунмас эди.

У йигилишларда қатнашишни, ибодат қилишни давом этди, аммо чеклашлар унинг жаҳлига тега бошлади. У ўз жамоатидаги ёш йигит-қизлар билан Муқаддас Китобни ўргана бошлади, аммо бу ҳақида жамоат раҳбарларига айтмаслигини ундан сўрадилар. Коммунистик қонунлар 18 ёшгача бўлган ёшларга «диний хурофотлар» ҳақида гапиришни ман қиларди. Рўйхатдан ўтган жамоатларнинг раҳбарлари адашган жонлар ҳақида қайғуришдан кўра кўпроқ коммунистик қонунлар ҳақида ғам чекишар эдилар.

Аида онаси билан бирга борган уй жамоати ҳақида эслади. У Худонинг ҳузурини ҳис қилганини, болалар ва ёшларни у ерда яхши кутиб олишганини ва уларни ўқтишганини эслади. Аида ёш йигит-қизларга Хушхабарни эшишишга имкон бермаслик тўғри эмас ва бу Муқаддас Китобга мос келмайди, дея хисобларди.

Аида имони учун қамоқقا тушган масиҳийларга ёрдам беришни бошлаганида кескин бурилиш пайти бўлди. Илгари у кўплаб жамоатларда янгиликларни тарқатиш, улар учун кўмак ва умумий ибодатлар ташкил қилиш ҳақида ўйларди.

Рўйхатдан ўтган жамоат раҳбарларида қамоқхонада ўтирганларнинг исмлари рўйхати бор эди, аммо бу рўйхат бошқа масиҳийлар билиши керак бўлган маълумот эмас, балки давлат сири хисобланарди.

Аида бу маълумот айнан бошқа одамлар билиши керак бўлган маълумот, деб хисобларди. Совет Иттифоқидаги ва бутун дунёдаги масиҳийлар ўз масиҳий биродарларининг чекаётган азоблари ҳақида билмасдан туриб, улар учун қандай қилиб ибодат қилишлари ва уларни қўллаб-қувватлашлари мумкин?

Аида мана шу ҳақида бошқа одамлар билишлари учун ҳаракат қилди ва айнан мана шу сабабдан рўйхатдан ўтган жамоат раҳбарлари билан низолар пайдо бўлди.

«Гап шундаки, ҳукумат жамоатнинг ичидан туриб, руҳонийлар орқали ташвиқот олиб боришга ҳаракат қиласарди» – деганди, кейинроқ Аида. «Улар турли хил тақиқлар киритишни ва жамоатнинг руҳий ҳаётини бўғишини хоҳлашар эди. 1960 йилга келиб улар бу соҳада муваффақиятга эришдилар».

Аида қамоқقا ташланган имонлилар ҳақидаги маълумотларни тарқатишга ҳаракат қиласарди, бу эса жамоат раҳбарларининг фикрига мутлақо зид эди. Шунинг учун у икки олов орасида қолди: рўйхатдан ўтган жамоатда қолиб, ўзини химоя қилиш ёки яширин жамоатга қўшилиб, қамоқ жазосини ўтаётган биродарларини химоя қилиш. Ўзига қараса, рўйхатдан ўтган жамоатда қолишни хоҳларди, чунки бу жамоатда унинг акаси ўз ўлимигача бўлган ва у ерда кўплаб дўстлари ҳам бор эди.

Аммо Аида осонгина тинч юриш йўлидан воз кечди. У қамоқдаги масиҳий биродарларидан эмас, ҳукуматга маъқул бўлиш билан овора бўлган етакчилар орқасидан эргашишдан бош тортди. У қилган қарори учун тўлов тўлашлиги мумкинлигини билган ҳолда, бутунлай яширин жамоатнинг ишига берилди.

1962 йил тўрттинчи июнда совет ҳукуматининг жарчиси ҳисобланган «Ўзгариш» газетасида битта мақола пайдо бўлди. Мақола «Тириклар ичиди ўлик бўлма» – деб номланган эди ва ҳамма масиҳийларни, айниқса яширин жамоатнинг обрўсини тўкишга ва уни таҳқирлашга қаратилган эди. Ҳукумат сиёсати Худони йўқ, деб ҳисобларди ва мақолада ўйлаб топилган нажоткорга ишонганларни мазах қилиб ёзилган эди.

Аида мақолани ўқиб чиқиб, масиҳийларни ва ўз имонини ҳимоя қилиш учун жавоб ёза бошлади. У жавобини «Ўзгариш» нашриётига жўнатди, аммо уни босиб чиқаришдан албатта бош тортдилар. Ҳаммаси шу билан тугаши мумкин эди, аммо Аида «Ўзгариш» даги мақолани ва ўзининг жавобини имондаги биродарларига кўрсатди. Жавоб уларга жуда ёқди ва нусхасини сўрадилар. Кейин эса Украинадан уникига меҳмонлар келишди, улар ҳам нусхасини сўрадилар ва уни уйига олиб кетдилар.

Тез орада юзлаб нусхалар қилинди, уларни имонлилар бутун Совет Иттифоки бўйича бир-бирларига етказдилар. Яширин жамоат аъзолари ўзларининг жамоати номига қаратила ёзилган мақолани ўқий туриб, хавотирга тушдилар. Кейин эса ўз имонли биродарларидан бирининг мардона равишда ва яхши далиллар келтириб ёзилган жавобини ўқиб, рухланиб кетдилар. Янги маълумот алмашиш тажрибаси ҳисобланган «самиздат» (яширин босиб чиқариш усули) нинг бошида Аиданинг ўзи турарди. Ҳукумат мамлакатдаги ҳар битта ротатор (қўл ёзма, ҳужжатлар чиқарадиган аппарат), нусха кўчирувчи аппарат ва босиб чиқарадиган ускуналарни орқасидан назорат ўрнатиши қийин эди.

Ўз мақолалари туфайли Аида Скрипникова ҳеч қачон ўзи ҳаётида учрашмаган минглаб имонлиларга танилди. У шунингдек КГБ (Давлат хавфсизлик ташкилоти) га ҳам танилди.

## Асосий белгилари

Бошқа гувоҳлар ҳам Аиданинг судида гувоҳлик беришлари керак эди, аммо улар судга келишмадилар. Суд ҳаками бунга қарамасдан судни давом эттиришга қарор қилди.

Хафсаласи пир бўлган Аида суддан ўз вақтини, унинг ўй ишларини ковлаш, у нима кийгани ва ҳатто ошхонада нима пиширганига қизиқиш ўрнига, унинг суд иши моҳиятини муҳокама қилишга сарфлашини сўради.

«Мен суддан кўпроқ эътиборни менинг ишимнинг асосий моҳиятига қаратишини сўрайман» – деб илтимос қилди у. «Мисол учун, мен нима учун бизнинг жамоатимиз рўйхатдан ўтмаганлигини тушунтирмоқчиман. Дастреб менга тушунтириб беринг, биз қайси қонунларни буздик ва нима учун бизни рўйхатдан ўтказишдан бош тортишдилар».

«Айбланувчи» – деди жаҳали чиққан суд ҳаками, – «суд сизга савол беради, сиз судга эмас».

Суд ҳакамининг ранжиганини кўриб, прокурор аралашди: «Мен ҳатто айбланувчи нима сўраётганини ҳам тушуна олмаяпман».

Аида ҳаяжонланмасликка ҳаракат қилиб, чуқур нафас олди. «Мен суддан кўпроқ эътиборни айловнинг асосий қисмларига қаратишини сўрайман, мен суддан кўрилаётган ишнинг асосий томонлари ҳақида индамай ўтмаслигини сўрайман. Бу менинг биринчи илтимосим.

Иккинчидан, суддан менинг пропискам қайси санада бекор қилинганини аниқлашини сўрайман».

Суд ҳаками бу маълумот нима учун шунчалик муҳимлиги ҳақида сўради.

Аида суд жараёнида милиция ходимлари, у ҳақида прописка муддати тугашидан анча олдин маълумот тўплай бошлагани маълум бўйланини тушунтириди. «Агар мени масиҳийлик фаолиятим учун эмас, балки прописка муддатим ўтиб кетгани учун судлаётган бўйлишса, у холда нима учун мен прописка муддати ҳали тугамасдан туриб, тергов остидаман?» – дея сўради у.

«Сизга нима учун менга қарши суд иши очилганини айтишим мумкин» – деб давом этди у. «Бизнинг ибодатхонамизда мен

икки марта чет элликлар ёнига келиб, улардан Муқаддас Китоб сўрадим. Менинг бу илтимосим хақида ҳокимият билиб қолди».

«Прописка масаласининг ишга ҳеч қандай алоқаси йўқ» – деди суд ҳаками. «Сиз совет давлатига тухмат қилувчи ва жамоат тартибини бузувчи, сохталаштирилган маълумотларни тарқатишда айбланааяпсиз».

«Аммо суд жараёнида ишим ва прописка масаласига кўп эътибор қаратдингиз» – деб жавоб қилди Аида.

«Судни бу масалалар сизни айблаш учун эмас, балки сизнинг қандай одам эканлигинизни аниқлаш учун қизиктириди. Суднинг сиз ҳақингизда сўраётгани сизга қизиқ туюлаётган бўлиши мумкин, аммо суд сизнинг қандай одам эканлигинизни билиши керак. Суд хукм чиқараётганида айбланувчининг шахсини эътиборга олиб хукм чиқарди».

Агар суд унинг ҳақиқатда ким эканлигини билишни хоҳласа, у ҳолда суд унинг ҳаётидаги ҳақиқий фактларни ҳам билиши керак, деб айтди Аида. Унинг судга қилган охирги илтимоси – бу охирги гувоҳни чақиртириш эди, яъни у маълумотни берган, швециялик хоним Юрсмар эди.

«Бу аёлнинг ён дафтарини менга қарши далил сифатида ишлатишиди» – деб исботлай бошлади – «аммо унинг ёзган нарсаларини тўғри тушуниш учун, биз унинг ўзидан эшитишимиз керак».

Суд ҳаками унинг илтимосини ўйлаб кўраётгандек кўриниш қилди, прокурордан фикрини сўради, кейин эса «Айбланувчининг илтимосини кўриб чиқиб, суд уни рад этишга қарор қилди».

Яна бир нечта саволлардан кейин судни кейинги кунга қолдиришиди. Охирги судда сўзга чиқишилар қолди. Прокурор учун бу совет системасини ҳимоя қилиш ва агар масихийлар қонунга бўйсунсалар, улар эркин эътиқод қилиш хуқуқига эга эканлигини тушунтириш имконияти бўлади.

Аида учун эса бу ўзини ҳимоя қилиш, биродар ака-укалар ва опа-сингиллар номидан сўзга чиқиш учун охирги имконият бўлади. У жавобгарлик юкини хис қиласарди ва яна қамоқقا тушиш учун таваккал қилаётганини биларди. Аммо Самовий Ота уни руҳлантирас ва тинчлантирас эди.

## «Қайта тарбиялаш» га уриниш

Қамоқхонага тушиш хавфи асоссиз эмас эди. 1963 йилда ўртоқлик суди унинг Ленинграддаги пропискасини бекор қилганида, Аида қамоқда ўтириб чиқсан эди. У бир қанча вақт Украинада опасининг уйида яшади. У ерда Аидани имонлиларнинг жасорати ва қайсарлиги жуда хайратга солди.

У астойдиллик билан Ленинградга қайтиб келди. Милиция унинг орқасида кузатиб юарди, аммо Аида шаҳарга кирди ва хоҳлаган пайтда қамоққа олиниши мумкин эди. Шунга қарамасдан у ўзининг масиҳийлик фаолиятини давом эттириди.

Аида ва унинг дўстлари милиция уларни ушламаслиги учун шаҳар ташқарисидаги ўрмонда йигилишни давом эттиридилар. Аммо 1965 йили айнан ўрмонда у биринчи марта расмий ҳолда қўлга олинган эди. Аида ўшандা йигирма беш ёшда эди.

«Милиция келиб, бизни ҳайдашни бошлади» – дея кейинроқ бу воқеа иштирокчиларидан бири гувоҳлик берди. «Улар бизларни итарар, соchlаримиздан тортар эдилар. Бир нечта одамни олиб кетишид, айримларига штраф солишид ва бошқаларини икки хафтага қамоққа ташладилар».

Аида қамалганлардан бири бўлган эди ва милиция унинг ишини судга берган. Қоғоздаги айловнинг дин билан ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Аидани шаҳар ташқарисида қўлга олишига қарамасдан, уни пропискаси йўқликда айбладилар. Ленинградда яшаш учун рухсат олиш керак эди.

Ушбу кичкина залда ўтган туман судида Аидага гапириш учун битта ҳам сўз бермадилар. Суд жараёни фақатгина хўжакўрсинга қилинганди. Улар йўқ бўлган адолатни кўрсатишга ҳаракат қилишган эдилар. Ҳаммаси тугаганида эса, Аидага хукм ўқидилар – бир йилга қамоқ жазоси.

Хукм уни синдира олмади. У доимий равишида қамоқда ўтирган имонлилар билан, ҳамда агар Худованднинг иродаси бўлса, қамоқда ўтиришга тайёр бўлганлар билан ҳам мулоқотда бўлди. Энди унинг навбати эди.

Совет раҳбарларининг фикри бўйича, қамоқхона маҳбусларни қайта тарбиялаши керак эди. «Бу бечора одамларни йўлдан уришган» – деб тушунирар эди расмий кишилар, – «энди

ватанимизнинг ғуури бўлган – совет системасининг ҳакиқат эканлигини ва кучини уларга кўрсатиш керак, уларни бунга ишонтириш керак».

Бир хил овоздаги қайта тарбиялаш машғулотларидан ташқари, Аида кўплаб тунларни қаттиқ цемент полда ўтказишига мажбур бўлган эди. Овқат ҳар доим етишмасди, маҳбуслар еган овқат, ҳатто чўчқага ҳам тўғри келмасди. Қамоқда бўлган пайтида Аидани руҳий касаллар бўлимига ётқизиши. Ўттиз кунлик текширувлардан кейин, шифокорлар унда ҳеч қандай руҳий камчилик йўқлигини айтишдилар ва қамоқхона камерасига қайтаришдилар. Шавқатсиз коммунистик тизим қамоқхонасида ўтказилган ойлар, жасур ёш қизнинг ҳаётида ўзининг ўчмас изини қолдирди.

Аида совет тизимининг «қайта тарбиясига» бош эгмади. Унда Масихга бўлган имон яна ҳам мустаҳкамланди. Қамоқхона уни Каломни тарқатишдан тўхтата олмади, у қамоқхонадан Исо Масих ҳакиқатининг янада кучлироқ жарчиси бўлиб чиқди. Энди у бунинг нархини яхши тушунар эди ва бунга қарамасдан у ҳеч қачон иккиланмасди, у жуда ҳам қатъиятли эди.

### «Давлат аралашмайди»

Аиданинг суд ишида охирги сўз берилиш пайти келди. Прокурор биринчи бўлиб якуний сўзга чиқиб, нутқ сўзлади ва Россиядаги жамоатнинг қисқача тарихи билан бошлади.

«Буюк Октябрь социалистик инқилобидан кейин бизнинг мамлакатимиизда жамоат давлатдан ажратилди ва ҳамма имонлилар эркин эътиқод қилиш хуқуқига эга бўлдилар» – дея мағрурлик билан таъкидлади. Кейин прокурор Жамоатлар Уюшмасини ва баптист хушхабарчи масихийларни давлат қонунларига бўйсунмасликча чақиришда айблашни бошлади.

«Жамоатлар Уюшмасини қўллаб-куватловчи жамоатлар давлат рўйхатидан ўтишмаган» – дея айблади прокурор. «Уларнинг ноконуний йиғилишлари шахсий уйларда ва жамоат жойларида бўлиб ўтади. Айрим имонлилар диний маросимлар

тўғрисидаги қонунни бузганлиги учун айбдор деб топилдилар. Жамоатлар Уюшмаси буни имон учун қувгин қилиниш дея кўрсатади. Етти йилдан буён Жамоатлар Уюшмаси давлатга қарши мана шу катта курашни олиб бормоқда».

Ниҳоят прокурор жамоат тарихи ва имонлилар орасидаги умумий вазиятдан Аиданинг ишига ўтди. «Скрипникова бутун мамлакат бўйлаб алоқаларга эга бўлган, аммо унинг асосий иши чет эл билан алоқа ўрнатиш бўлган. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, у бу ишнинг уддасидан чиқа олди», – дея қўшиб қўйди у кулимсираб.

Кейин унинг овози оҳангига ҳомийлик оҳангига ўзгарди: «Аиданинг ҳаёти баҳтсиз равишда бошланди, чунки у баптист оиласида туғилди. Албатта афсуслар бўлсинки, биз бунга йўл қўйдик, аммо биз Аида билан кўп гаплашдик ва унга олиб бораётган фаолияти жамоатчиликка қарши ҳусусиятга эга эканлигини тушунтиридик». У сўзини тугатаётганда ва Аиданинг уйидан топилган адабиётлар рўйхатини санаб ўтаётганда энг баланд оҳангда гапирди. «Мақолалардан бирида Крючков фамилияли одамнинг Москва судида айтган сўзи келтирилган: Қамоқхоналарда ва лагерларда азоб чекаётган биродарлар совет қонунларини бузганликлари учун эмас, балки Худовандга содик қолганликлари учун қийналаятилар».

Прокурор жахл билан бошини чайқади. «Буларнинг ҳаммаси шак-шубҳасиз, Совет мамлакатига ва жамоа тузумига қарши айтилгани ёлгон. Совет Иттифокида турли хил эътиқодлар мавжуд, жамоатлар очиқ ва ҳеч ким уларни қувгин қилаётгани йўқ. Агар диний жамоалар диний маросимларни ўтказиш ҳақидаги қонунни бузмасалар, давлат уларнинг фаолиятига аралашмайди. Скрипникованинг айби шундаки, у доимий равишда Совет мамлакатига қарши ва жамоатчилик тартибини бузувчи бўхтонларни тарқатган, бу эса тўла исботланди. Бу ҳаракатлар жиноий кодекснинг 190/1 моддасига киради. Шунинг учун мен суддан Аида Скрипниковани икки ярим йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилишини сўрайман».

## «Масиҳий учун фақат битта йўл мавжуд»

Суд ҳаками Аидага қаради ва бу билан у ўзини химоя қилиш учун охирги сўз навбати уники эканлигини билдириди.

«Мен ўзимга қўйилган айбнинг моҳияти бўйича гапирмоқчи эдим» – дея хотиржам тиник овоз билан бошлади у. «Аммо бу ерда бошқа масалалар ҳам кўтарилди, шунинг учун буларни менинг ишимга ҳеч қандай алоқаси йўқлигига қарамасдан, улар ҳақида гапиришга мажбурман».

У прокурор томонидан тилга олинган, яъни 1958 йилда «Ҳақиқат» газетасида ёзилган хатдан тортиб, унинг конструкторлик бўлимидағи ишигача бўлган, иккинчи даражали баҳсли масалаларни инкор қилди.

«Мени диний эътиқодим учун ишдан ҳайдаганлари ҳақида гапирсам, улар менга «бу ёлғон тухмат» – деб айтадилар». «Мени қамоқдан чиқарғанларидан кейин, мана нима юз берди. Мен нашриётдан иш топдим. Иш бошлаганимдан кейин бир хафта ўтиб, ибодат йигилишида ўтирганимда, милиция ходимлари келишди ва бошқа айримлар билан бирга менинг ҳам исимимни ёзиб олишди. Уларнинг менинг ишхонамга хабар беришларини билардим», – деди Аида.

«Менинг имонли эканимни билишганида, нашриётдаги ҳамма ҳавотирга тушди ва менга агар эътиқодимни ўзгартирмасам ишдан ҳайдалишимни айтишди. Улар буни мендан бекитишмадилар. Улар менга ўша захотиёқ: «Нашриёт – сиёсий ташкилот. Ҳамма ҳам бу ерда ишлай олмайди». Бу нашриёт темир йўл бошқармасига тегишли бўлишига қарамасдан ва у ерда ҳеч қандай сирли нарсалар нашр қилинмасди, фақатгина темир йўл чипталари ва поездлар жадвали нашр қилинарди холос. У ерда менга ишониб топшириб бўлмайдиган нарса борлигини билмасдим» – дея давом этди у.

«Шу тарзда уч ҳафта ўтди. Кейин мени бошлиқнинг хонасига чақирдилар ва ишдан ҳайдалганим ҳақида айтдилар. Албатта, улар мени эътиқодим туфайли ҳайдаляпсан деб айтишмади, чунки одамларни эътиқоди бўйича ишдан ҳайдаш мумкин бўлган қонуннинг ўзи йўқ. Шунинг учун мени иш ўрни қисқараётганини баҳона қилиб, ишдан ҳайдадилар. Цехга тушиб, мени иш ўрни

қисқараётгани туфайли, ишдан ҳайдаганларини айтганимда, ишчиларнинг кўзлари ҳайратдан катта очилди. Станоклардан биттаси ишламай турарди, чунки унда ишлайдиган одам йўқ эди.

Бошлиқ менга: «Биз сизни ишга ололмаймиз, чунки сизнинг пропискангиз фақатгина шаҳардан ташқарида кучга эга» – деди худди олдин менинг ҳужжатларимни кўрмаганидек».

Аида судда, ўзини милиция ходимлари сўроқ қилишни бошлиши билан, тез орада қўлга олинишини билганлигини айтди. «Менинг озод бўлганимга эндигина олти ой бўлди ва мен яна қамоққа тушишдан олдин нимадир фойдали нарса қилишни хоҳлаган эдим. Мен тугатишм керак бўлган ишим бор эди».

У чуқур нафас олди. Ўзини химоя қилиш жуда қийин эди. У ҳиссий ва рухий кучини узоқни кўзлаб сарфлаши керак эди, буни қилиш эса жуда оғир эди. У суд ҳакамидан ўн минутга танаффус қилишни сўради ва у рози бўлди.

Суд жараёни яна бошланганида, Аида айнан ўзи айбланаётган нарса ҳақида гапирди. «Ихтиёрий ҳолдабосма нашриётларни тарқатиш жиноят хисобланмайди. Агар айбловчи «Нажот Хабарчиси» ва «Биродарлик Мактуби» журналларида сохталаштирилган тухматни топмаганида, мени судга жалб қилиш учун ҳеч қандай асос бўлмасди. Шунинг учун мен бу адабиётнинг мазмуни ҳақида айтиб ўтишим керак».

Кейин у ўзи тарқатган адабиётда муҳокама қилинган, тақиқланган масиҳийлар йигилишлар ва масиҳий етакчилар ҳақида гапирди. «1929 йилдаги қонун айтадики, имонлилар конгресслар (катта мажлислар) ташкил қилиш хуқуқига эга» – дея эслади Аида. «Аммо рухсат бериш ўрнига хукумат конгрес ўтказишга рухсат сўраганларни қувгин қилишни бошлади».

Кейин прокуратура терговчиси бу адабиётда ўн еттига кўзголонга ундовчи сўзларни топди. Худди терговчи айтиб ўтганидек, бу гаплар Совет мамлакатига ва жамоа баркарорлигига қарши ёлғон тухматларни ўз ичига олган.

Аида ўгирилиб, суд ҳакамига мурожат қилди. «Ўзининг гувоҳлик кўрсатмаларида Бойко Лениннинг сўзларидан цитаталар келтиришни бошлади, мен эса у бошлаган цитатани тутатаман: «Фақатгина Россия ва Туркияда диний кишиларга



қарши шармандали қонунлар ҳалигача мавжуд. Бу қонунлар ёки эътиқодни бутунлай тақиқлайди, ёки имонни тарғиб қилишни ман қилади. Бу қонунлар энг адолатсиз, шармандали ва жабр-зулм келтирувчи қонунлар». Энди мен суднинг диққатини тарғибот сўзига қаратмоқчиман. Лениннинг ўзи имонни тарғиб қилишни тақиқлаш адолатсизлик ва шармандалик деб атаган».

У яна бир марта чуқур нафас олди ва давом этди. «Энди мени қандай қўлга олишгани ҳакида айтаман. Ўн биринчи апрелда мен ибодат йиғилишига келдим. Орқамдан кузатаётганларини сезгандим, аммо мен бунга эътибор бермадим. Бошқа имонлиларнинг уйларида ҳам тинтувлар қилинди. Фақатгина менинг ишим бўйича ўн битта тинтуб бўлиб ўтди: учтаси Ленинградда, тўрттаси Пермда, учтаси Кировоградда ва биттаси Магнитогорскда опамнинг уйида. Айрим даражада менинг ва опамнинг уйида ўтказилган тинтувларни тушунса бўлади. Аммо бошқа имонлиларнинг уйида тинтуб ўтказишнинг нима кераги бор эди? Бу тинтувлар фақатгина менинг ён дафтаримдан манзиллари топилгани учун ўтказилган эди. Ва хеч бир уйдан менинг ишим билан боғлиқ бўлган нарса топилмади».

Кейин Аида нима учун бизни қувгин қилаётганликлари масаласига тўхталиб ўтди. Биз айтаяпмизки, бизларни имонимиз учун қувгин қилишаяптилар, аммо бизга бу – «Тухмат гап, сизларни совет қонунларини бузганлигингиз учун суд қилишаяптилар» дейишияпти. Мен рўйхатдан ўтиш ҳақида сўраган, рўйхатдан ўтмаган жамоатнинг аъзосиман. Бизнинг жамоатимиз ариза жўнатган ва унга уставни илова қилган. Бизга «Сизлар уни ва буни қилмасликларингиз керак, бу қонунга қарши» – деб айтишмаяптилар. Фақатгина бизга «Сизлар қонунни бузмаймиз деб ваъдага қўл кўйинглар» – деб айтаяптилар. – Бу нотўғри рўйхатдан ўтказиш жараёни».

Аида суд ҳакамининг сабри тугаётганини кўрди, шунинг учун у сўзини тугатишга шошилди. «Имонлилар Худо ҳақида гапиришни ва болаларини ота-боболарининг эътиқоди бўйича тарбиялашни ман қиласиган қонунни бажаришга ваъда бера олмайдилар. Масихий ота-оналар хукуматга содик бўлишига

қарамасдан, улардан ҳеч бири ўз болаларини атеист қилиб тарбиялашга буйруқ берадиган қонунни қабул қилишга рози бўлмайди».

«Исо Масих бизларга Хушхабарни барча одамларга ваъз қилишимиз кераклигини айтган» – дея давом этди Аида – имонлилар ҳам Худо ва Нажоткор ҳақида гапиришни тақиқловчи қонунга бўйсuna олмайдилар.

Ҳеч бир имонли буни қилмайди. У миссионер ёки воизхон бўлмасин, ҳатто ваъз ҳам айта олмасин, бунинг аҳамияти ўйк – у бундай қонунга бўйсунмайди. Чунки ҳатто ваъз айтиш қобилиятига эга бўлмаган одамда ҳам, айрим пайтда нажот ҳақида кимгadir айтиш имконияти бўлади. Шунинг учун бизни бундай қонунлар учун суд қилишаётганларида, бизни имон учун суд қилишаяптилар дея тўла ишонч билан айтамиз».

«Мен яна бир марта такрорлайман, имонлилар ўзларини Хушхабардан воз кечишга мажбурлайдиган қонунга бўйсунмайдилар. Шунинг учун, бундай қонунларни бузганимиз учун суд қилишганларида, тўла ишонч билан бизни имонимиз учун суд қилишаяптилар, деб айтамиз».

«Мен аниқ биламанки, «Нажот Хабарчиси» ва «Биродарлик Мактуби» журналларида ҳеч қандай атайлаб ёзилган соxта даъволар ўйк. Аммо, яна мен шуни ҳам биламанки, демак бу чет элга жўнатишни ҳам англатади. Бундай ишим учун мени суд қилишлари мумкинлигини билардим. Мен ҳеч қачон бошқа бирорта одамдан «Нажот Хабарчиси» журналини чет элга етказиб беришини сўрамаганман. Бунинг хавфли эканини биламан, шунинг учун ҳам буни ўзим қиласдим».

Аида охирги алангали сўзни айтиш учун бутун кучини тўплашга тайёрланиш мақсадида жим бўлди. Буни унга ҳукм ўқийдиган одамлар эслаб қолишини хоҳлади. «Қачонлардир одамлар имонни тарғиб қилишни ман қилиш адолатдан эмаслигини тушунардилар. Энди улар буни тушунмаяптилар. Эндиликда улар: «Ўзинг ишон ва ибодат қил, аммо бошқалар билан Худо ҳақида гаплаша кўрма. Гоявий ракибингни куч билан жим бўлишга мажбур қилиш, бу гоявий ғалаба эмас. Бу ҳар доим ёввойилик деб аталган».

Суд ҳаками бу жиноятчи суд залида туриб ваъз ўқиётганидан жаҳли чиқди ва унинг гапини бўлди. «Сиз жамоат ҳақида гапиришингиз керак эмас, балки ўзингиз ҳақингизда гапиринг» – деб айтди у, Аидага бармоғи билан кўрсатиб.

Аида қўрқмасдан давом этди: «Масиҳий учун фақат битта йўл бор», – деди у. «Масиҳий адолатсизлик билан рози бўла олмайди. Ҳақиқатни билиб олишинг биланоқ, сен уни маҳкам ушлайсан ва керак бўлса у учун азоб ҳам чекасан. Мен бошқача бўла олмайман. Мен бошқача йўл тута олмайман. Мен эркинликни яхши кўраман ва оиласан ва дўстларим билан бирга эркин бўлишни хоҳлайман. Аммо мен ўз виждонимга қарши боришни хоҳламайман. Агар мен Худони ўз Отам деб айта олмасам, унда эркинликдан менга нима фойда? Менинг руҳим ва фикрим эркин эканлигини билиш, менга куч бағишлайди ва далда беради. Мана шуни айтмоқчи эдим, холос».

### Хотима

Аида пок юрак билан ўтирди. Аиданинг руҳий сўзлари суд ҳакамини бефарқ колдирди. Аиданинг далиллари уни ишонтира олмади ва суд ҳаками уни уч йиллик совет қамогига хукм қилди. Қамоқ муддати прокурор сўраган муддатдан олти ойга кўпроқ эди. Аидани суд залидан иккита баланд бўйли қоровул олиб кетди.

Аммо қамоқ жазоси унинг ишига ҳалакит бера олмади. Аида устидан бўлган суднинг стенографик матни чойшабдан қирқиб олинган йигирмата бўлак материалларга синчковлик билан ёзиб олинди. Кейин эса уни яширин тарзда Совет Иттифоқидан олиб чиқиб кетилди. Бутун дунё бўйлаб имонлилар «Ленинградлик Аида» сўзини ўқидилар ва ўз биродари учун ибодат қилдилар.

Аида аҳлоқ тузатиш меҳнат колониясидан 1971 йил 12 апрелда озод қилинди. Озод қилиш пайтида ҳукумат унга жазо «уни ҳеч нарсага ўргатмади» деб айтдилар. Аслида у кўп нарсани ўрганди, аммо уни қамоқда ушлаб турганлар хоҳлаган нарсага эмас. У Худога бўлган имон бўйича ўқиди ва докторлик даражасини олди. У Худога хизмат қилишдан

олинадиган қаноатланиш ва хурсандчиликни янада чуқурроқ англаб етди. Аида Ҳаворий Павлус «Унинг чеккан азобларида иштирок этган» деб айтган биродарликнинг тўла қонли аъзосига айланди...<sup>2</sup>

Бугунги кунда Аида Скрипникова Санкт-Петербургда яшаяпти. Унинг имони, бу имонни йўқ қилишни кўзлаган тузумни бошдан кечирди. Бугунги кунда имонлилар қонуний равишда ибодатга йигилишлари ва ваъз қилишлари мумкин. Унинг жамоат аъзолари яқинда муҳим бир йигилиш ўтказиши: ўз жамоатининг Худога бўлган 40 йиллик хизматини нишонладилар ва жамоат аъзоларига Худога бўлган садоқат ҳақида эслатиб ўтдилар.<sup>3</sup>



# Сабина:

Масих севгисининг  
гувоҳи

Руминия  
1945 йил



Руслар фашистларни Руминиядан хайдаб чиқардилар ва энди румин ҳукумати ва жамияти ҳаётининг барча соҳалари фаолиятини назорат қилишга интилар эдилар. Улар мамлакатнинг барча туманларидаги барча руҳоний хизматчилар йиғилишини ташкил қилишга интилмоқда эдилар. Руслар буни «Диний маросимлар кенгashi» деб атадилар. Уларнинг асосий мақсади диндорларнинг қўллаб-қувватловига эришиш эди. Аммо Сабина буни уларнинг диний етакчиларни назорат қилиш ва уларни қўғирчоқларга айлантириш харакати, деб хисобларди.

Сабина кичкина бўйли, ўзининг эри Ричарддан қирқ сантиметрга паст эди ва Масихни жуда яхши кўрарди. Йиғилишда Ричарднинг ёнида ўтириб, чўпоннинг навбатдаги ўзларининг мамлакатига бостириб кирган коммунистларга содиклиги ҳақида қасамёд қилишини эшитиб, Сабина қўлини эрига узатди. «Наҳот сен бу шармандачиликни Масихнинг юзидан ювмасанг? Сен сўзга чиқишинг керак. Улар Масихнинг номига тупурмоқдалар».

Ричард залда йиғилган кенгаш вакилларига қаради. Бу ҳақиқий томоша эди. «Тўла диний эркинлик!» – коммунистларнинг шиори мана шундай эди. Улар Худонинг ва коммунизмнинг, ёки аникроги Худо ва кенгашнинг шарафли президенти Иосиф Сталин орасида тинч-тотув бирга ҳаёт кечиришни эълон қиласдилар.

«Дунёни алдаш нақадар осон» – дея секин гапирди Ричард.

Ричар ва Сабина худди минглаб бошқа нозирлар, чўпонлар, руҳонийлар, раввинлар ва муллалар каби зални ва балконларни



тўлдириб ўтирадилар. Мусулмонлар ва яхудийлар, протестантлар ва православлар – ҳамма имон вакиллари бу ерда бор эди.

Кенгаш бошланишидан олдин ҳатто диний хизмат ҳам бўлиб ўтди. Коммунистик раҳбарлар чўқиндилар, икона ва патриархнинг қўлини ўпдилар. Кейин сўзга чиқишини бошладилар. Петру Гроза – Москванинг қўғирчоги, янги румин ҳукумати динни, ихтиёрий эътиқод қилувчиларни тўла қўллаб-куватлашини ва худди олдингига ўхшаб рухоний вакилларга пул тўлашда давом этишини тушунтириди. Улар ҳатто ойликни оширадилар ҳам! Бу янгиликни илиқ қарсаклар билан кутиб олдилар.

Грозанинг нутқидан кейин рухонийлар ва чўпонлар сўзга чиқдилар. Бирин-кетин улар қанчалик хурсанд эканлигини, давлат ихтиёрий диний эътиқодни шунчалик қадрлашини гапириб ўтдилар. Агар жамоат давлатга суюниши мумкин бўлса, давлат ҳам жамоатга таяниши мумкин. Шунчалик осонгина. Нозир, жамоат тарихи давомида жамоатга турли хил сиёсий рангиллар келиб қўшилганини таъкидлаб ўтди. Энди у ерда қизиллар ҳам бўлишини ва бундан хурсандлигини айтди. Ҳамма хурсанд эди ва уларнинг хурсандчилиги залдан туриб, радиода бутун дунёга тўғридан-тўғри узатиларди.

«Яхши» – деди Ричард. «Мен сўзга чиқишим мумкин, аммо агар мен буни қилсан, сен эрингдан ажраласан».

Сабина унинг ҳақ эканлигини ва бошқа диний етакчилар ўз оиласидан, ишидан ва иш ҳақидан маҳрум бўлишидан қўрққани учун шундай гапираётганини биларди.

Аммо у шунингдек коммунистларга кимdir хушомад қилмасдан, балки фош қилишга журъат этиши кераклигини ҳам биларди. У Ричарднинг кўзига тўғри қараб: «Менга қўрқоқ эр керак эмас» – дея жавоб берди.

Ричард жим бўлган ҳолда бошини силтади. У карточкани тўлдириди ва сўзга чиқишини хохлашини ёзиб, презиудиумга узатди. Коммунистларнинг кўнгиллари тўқ эди. Бутун мамлакатга яхши таниш бўлган лютеран рухонийси, Бутун дунё жамоатлар уюшмасининг расмий вакили бўлган чўпон Ричард Вурмбранд кенгашга мурожат қилди. Мана бу бурилиш бўлди!

## Мардлик ва ҳақиқат вақти

Ричард минбарга чиқаётганида бутун залда кескин жим-житлик хукм сурди. Сабина залдагилар нима ҳақида ўйлаётгани ҳақида фикр қилди ва ўз эри учун ибодат қилди.

«Йигилиш ва эркин сўзлай олиш имконияти бўлгани учун миннатдорчилик билдираман», – дея бошлади Ричард. «Худонинг фарзандлари учрашганида, фаришталар ҳам Худонинг донолигини эшитиш учун йигиладилар. Шунинг учун ҳар бир имонлининг бурчи келиб-кетадиган раҳбарларни ва барча одамларни улуғлаш эмас, балки биз учун хоҷда ўлган Қутқарувчи Масихни ва Парвардигор Худони улуғлашдир».

Залдаги мухит ўзгарди ва Сабинанинг юраги хурсандчиликдан тўлиб-тошди. Нихоят, дикқат коммунистик тарғиботга эмас, балки Масихга қаратилади.

«Биз сизга гапириш хукуқини бермаймиз!» – дея бирданига оёққа турди диний ишлар бўйича вазир Бурдукка. Унга эътибор бермасдан Ричард ўзининг биродар-етакчиларини Худога ишонишга ва Унга топинишга чақириб, гапиришда давом этди. Залда ўтирганлар қарсак чала бошладилар, улар Ричарднинг хақ эканлигини билардилар, аммо айтиш керак бўлган нарсани айтишга журъят этган ягона одам, у бўлди».

«Микрофонни ўчиринг» – деди Бурдукка ўз қўли остида ишлайдиганларга. «Бу одамни саҳнада олиб кетинглар. Тезда!» – деди.

Ричард жим бўлди, залдаги халқ эса бир овозда «Чўпон! Чўпон!»<sup>1</sup> – дея кичқира бошлади.

Ричарднинг муносабати билан йигилиш алгов-далговга айланди. Кўлга олиб улгурмасларидан олдин, у чиқди. Сабина бўлаётган воқеаларни кузатиб, хотиржам ўтиради. У ўз эри билан мағрурланди. Унинг Масихни ҳимоя қилгани жасорати билан мағрурланди. Аммо у русларга қарши чиққани учун қандай тўлов тўлаш кераклигини ўйлай бошлаганида, унинг мағрурланишига хавотир ҳам қўшилди.

Сабина ва Ричард ҳар доим русларга яхши муносабатда бўлишган.

Улар румин хушхабарчи элчиларини Россияга Хушхабарни ваъз қилиш учун юбориш ҳақида тез-тез гапирав эдилар.

«Энди Худо русларни бизга олиб келди» – деди Ричард ва Сабина.

1944 йил ёзда руслар Руминияда биринчи марта пайдо бўлишганларида, Ричард ва ўттиз ёшли Сабина уларни гуллар ва хушхабарчи брошюралар билан кутиб олишган эди. Улар руминиялик яхудийлар эдилар ва фашистлар тузуми пайтида кўплаб қариндошларини йўқотган эдилар. Сабинанинг бутун оиласи концлагерда вафот этган эди, Ричардни эса уч марта ҳибс олишган. Сабина ва Ричард масиҳийликни қабул қилишганларида, улар ўзларини масиҳийликни ваъз қилишга бағишлаган эдилар ва гуноҳи қандай бўлишидан қатъий назар гуноҳкорлар билан ишлардилар. 1944 йилда уларўз эътиқодларига асосан мағлуб бўлган фашистларга ҳам ва босиб келаётган коммунистларга ҳам ёрдам берардилар.

Фашистлар босқини даврида Ричард ва Сабина ўз уйида кўплаб яхудийларни яширган эдилар. Немислар қочганидан кейин эса, улар немисларни ҳам яширдилар. Нацист аскарлардан биттаси Сабинадан нима учун яхудий аёл ўз душмани бўлган нацистни ўз уйида яширганини сўради. Сабина жавобан унда душман йўқ эканligини ва Худо бутун гуноҳкорларни севишини айтди.

У Сабинага миннатдорчилик билдири ва агар нацистлар ҳокимият тепасига келса, уни яна қамоққа ташлашни ваъда берди.

### Вақтинчалик дам олиш

1944 йил ёзда Сабина ва Ричард вақтинчалик диний эркинликдан баҳра олдилар. Олдинги румин диктатори Ион Антонескуни Москвага олиб кетдилар, кейин Руминияга олиб келиб, отиб ташладилар. Яхудийларни ва протестантларни даҳшатга солиб юрган православ жамоатининг юқори мансабли руҳонийлари ўзларининг якка устуворлигини йўқотдилар.

Кўпчилик руминлар ниҳоят энди уларда демократик ҳукумат бор деб ўйладилар, аммо Сабина бу шундай эмаслигини биларди.

Руҳонийлар кенгashiдан кейин Ричардга тегмадилар, аммо тез орада коммунист разил кишилар, у жамоатда хизматни олиб

бораётганида тез-тез бостириб кирадиган бўлишди. Ҳафталар ўтган сайнин, қўпол ёш йигитлар жамоатга бостириб кирап, хуштак чалар, кулишар ва хизмат ўтказишга тўскинлик қилишарди.

«Биз хурсанд бўлишимиз керак» – деди жамоатнинг катта чўпони Солхайм. «Худди ўзларини эшитаётгандага солиб, жим ўтирган тингловчилардан кўра, яхшиси шовқинли эшитадиган тингловчилар бўлгани афзал».

Кейин улар биринчи марта огохлантириш олдилар. Бир куни Сабина жамоатда Ричарднинг ёнида ишлайтганида, жамоатга фуқаро кийимида бир эркак кирди ва Ричардга мурожат қилди.

«Полиция нозири Риосану», – деб таништириди ўзини. «Сиз Вурмбрандмисиз? Демак сиз ўша мен хаммадан кўра ёмон кўрадиган одам экансизда». Ричард ва Сабина ҳайрат билан унга қарадилар. «Аммо мен сизларга нисбатан гина сақламаслигимни исботлаш учун» – дея давом этди у – «Сизларга маслаҳат бериш учун келдим. Махфий полиция сизларга нисбатан катта иш очган, уларда катта қалин папка бор. Мен уни кўрдим. Охирги пайтларда кимdir сизлар ҳақингизда хабар бериб турибди. Сизлар кўплаб руслар билан гаплашдингизлар тўғрими?».

Риосану ўзининг оқариб кетган юзидағи терини қўллари билан артди. «Аммо мен бир келишувга эришишимиз мумкин деб ўйладим».

«Пора эвазига мен мана шу папкани йўқ қилишим мумкин». Сабина орага аралашди ва улар нарх ҳақида келишиб олдилар. Риосану пулни киссасига сола туриб, шундай деди: «Келишдик. У кишининг исми...».

«Йўқ» – деди Сабина. «Биз у кишининг исмини билишни хоҳламаймиз». Полиция нозири кичкинагина аёлга қизиқсираб қаради. Аммо Сабина бошини чайқади. Ким сотиб берганини улар билишни хоҳламас эдилар. Агар улар бу одамнинг кимлигини билсалар, бу одамдан хафа бўлишлари мумкин ва ўшанда бу гуноҳ бўлади.

Шунга қарамасдан Ричард ва Сабина ўзларининг хавфсизлигини пул билан сотиб олиб бўлмаслигини билишар эдилар. Ҳаммаси Худонинг қўлида. Аммо эҳтимол уларда яширин жамоатни мустаҳкамлаш учун озгина вақт ва имконият бордир.

1947 йил охирига келиб, масиҳийларни янада қўпроқ қўлга олишлар бошланди ва Сабинанинг кўплаб дўстлари қамоқхонага тушдилар. Совуқ қиши кунларининг бирида Сабина уйида эди – у бронхит бўлган эди. Эшик таққиллагани эшитилди, Сабина эшикни очди ва хайрон бўлди. Эшик олдида рус миллатига тегишли бўлган шифокор аёл Вера Яковлевна туарди. Сабина уни зўрга танирди. Шифокор Сабинани даволаш учун эмас, балки унга нима юз берганини айтиш учун келди. Сабинага гап нимада эканлигини айтаётганида, унинг юзи ғамгин кўринарди.

Вера асли Украиналик эди. У ердан ҳам жуда кўп масиҳий рухоний вакилларини, дунёвий одамларни ва жумладан Веранинг ўзини ҳам Сибирга сурган қилишган. Сибирдан эса жуда кам одам орқага қайтган.

«Биз эркаклар ҳам, аёллар ҳам дарахт кесардик» – деб айтди Вера. «Биз тенг ҳуқуқга эга эдик – биз ёки очликдан ўлишимиз, ёки музлаб ўлишимиз мумкин эди».

Шифокор эгилди ва Сабинанинг қўлидан ушлади. Веранинг қўлида катта оқ чандиклари бор ва қўли титрар эди. «Ҳар куни одамлар ўлар, қорга кучсизликдан йиқилар эди» – деди у.

Бир куни Вера бошқа маҳбуслар билан Масих ҳақида гаплашганида, уни ушлаб олишган. Жазо сифатида уни қорда уч соат мобайнида оёқ яланг туришга мажбур қилишган. Кейин жазо туфайли ўз иш нормасини бажармагани учун коровуллар уни дўппослашган.

Лагердаги кўпчилик маҳбуслар мана шундай ноинсонавий шароитдан ёки тез-тез чекилган азоблардан ўлган, аммо Вера тирик қолишга муваффақ бўлган. Ҳозир у Сабинанинг олдига нафақат ўзи чеккан кулфат ҳақида айтиш учун, балки лагердаги Худовандга бўлган садоқати ҳақида айтиш учун келди.

У бошдан кечирган қайfu ва муҳтоҷлиқда Худо Ўзининг буюклигини намоён қилган.

Сабинанинг боши оғрир эди. У мўъжиза ҳақида ўйлай олмасди. У эҳтимол ўзига шундай азобни орттириб олдим деб ўйларди.

*«Бу нимани англатади? Нима учун у менга бу ҳақида гапириши учун келди?»* – дея фикр қилди.

Вера кетиш учун ўрнидан турганида, Сабина ундан тунаб қолишни ёки ҳеч бўлмаса Ричард келгунча қолишни сўради. Бунгача эса унинг тарихини ва биродар ака-укалар ва опасингиллар билан нима юз бераётгани ҳақида эшишини хоҳлашини айтди. Аммо Вера аллақаҷон эшик олдида турган эди. У озгина вақтга тўхтади ва шундай деди: «Менинг эримни маҳфий полиция олиб кетди. У 12 йилдан бўён қамокда. Мен у билан бу дунёда қачондир учрашармикинман деб ўйлаяпман». Ва шундан кейин кетди.

«Ўн икки йил!» – титроқ билан Сабина такрорлади. «Қандай қилиб шунча муддат чидаш мумкин?»

Коммунистлар томонидан масиҳийларни қувгин қилиш кучайди ва қочиш ҳақида ўйлаш керак эди. «Ҳали ҳам кеч эмас, Сабина» – дея гап бошлади Ричард. «Биз ҳали ҳам кетишимиз мумкин. Бошқа кўплар мамлакатдан чиқиб кетишни пул билан ҳал қиласяптилар».

Сабина жавоб бермади. Сабина худди ўзи каби Ричарднинг кетишини хоҳламаслигини биларди. Аммо хавф-хатар аниқ эди. Ва шунингдек улар ўзларининг ягона, қимматбаҳо саккиз яшар фарзанди Михай ҳақида ҳам ўйлашлари керак эди.

Ричард давом этди: «Илгари мени нацистлар қўлга олганида, бир нечта ҳафтадан кейин қўйиб юборишган эдилар. Коммунистлар вақтида эса бу бир неча йилларга чўзилиши мумкин. Улар сени ҳам Сабинақўлга олишлари мумкин. Ва ўшанда Михайнинг ҳоли не кечади?».

Ричарднинг сўzlари Сабинага қаттиқ тегди. У агар ўзини ва Ричардни бир вақтда қўлга олсалар, Михайнинг борадиган жойи бўлмайди. У кўчада қолиши ва тиланчилик қилиши мумкин. Она учун бу жуда оғир. Лекин барибир Сабина жим ўтирди.

Ниҳоят Ричард унга дўсти айтган нарсани эслатди: «Ўз жонингни кутқар» – дея фариштанинг Лутга айтган сўзини келтирди. «Орқангга қарама»<sup>2</sup>.

Кейин Сабина жавоб қилди: «Жонни нима учун кутқариш?» – дея ётоқхонага кетди ва Исонинг ушбу сўзларини овоз чиқариб ўқиш учун Муқаддас Китобни олиб келди: «Ўз жонини

аямоқчи бўлган уни йўқотади. Мен учун жонини йўқотган эса жон топади»<sup>3</sup>. Йиртилиб кетган Муқаддас Китобни ёпа туриб, у Ричардан сўради: «Агар сен ҳозир кетсанг, қачондир буни вавъз қила оласанми?»

Бу сафар кетиш ҳақидаги масала ҳал бўлган эди. Бир нечта ойдан кейин у яна қайта ечилади...

### Мавжуд бўлишдан тўхтади

1948 йил 29 феврал якшанба куни эрталаб Ричард жамоатга кетаётганда, эшикнинг олдига бориб, Сабинага қичқирди: «Сабина, жамоатда кўришамиз».

Аммо ўттиз минут ўтиб Сабина жамоатга келганида, у жуда хафа кайфиятда ўтирган чўпон Солхаймни кўрди.

«Ричард келмади» – деди у. «Аммо унда шунча кўп иши бор. Эҳтимол, қандайдир муҳим учрашув борлиги унинг эсига тушиб қолгандир».

«Аммо у менга ярим соатдан кейин шу ерда учрашишга вавъза берган» – деди Сабина қўркувли овоз билан.

«Эҳтимол, у ёрдамга муҳтож бўлган дўстини учратиб қолгандир» – деди Солхайм. «У келади».

Чўпон Солхайм хизматни олиб борди, Сабина эса дўстларига телефон қилиб чиқди, аммо Ричард ҳеч қаерда йўқ эди. Унда яна ҳам қўркув кучайди.

Ўша куни Ричард ёш йигит ва қизни никоҳлаш маросимини ўтказиши керак эди.

«Хавотир олма» – деб далда берди чўпон Солхайм. Ричард билан бундай бўлиб туради. Эсингдами, ёзги лагерда у эрталаб газета сотиб олиш учун кетди, кейин эса тушликда телефон қилиб, кечки овқатга етиб келишини айтганди?».

Шундай фикр билан Сабина кулди. Ричард қандайдир муҳим иш ҳақида эслаб қолиб, Бухарестга қайтиб кетганди. «Ҳа, балким сен ҳақсан, у ҳозир ҳам эҳтимол шундай йўл қилгандир» – деди у тинчланишга харакат қилиб.

Вурмбрандларнинг кичкина хонадонидаги якшанба кунги тушлик, одатда хурсандчиликли ўтар ва хар доим кўп одам

бўларди. Овқат ҳеч қачон кўп бўлмасди, аммо масиҳийлар сухбатлашиш ва бирга қўшиқ айтиш учун йиғилишар эдилар. Келадиганлар учун бу вақт хафта мобайнидаги энг хурсандчиликли вақт бўларди.

Энди эса улар Ричардни кутиб, тинч ўтиришарди. Аммо у келмади. Чўпон Солхайм никоҳлаш маросимини ўзи ўтказишига тўғри келди. Сабина ҳамма шифохоналарга телефон қилиб чиқди ва ҳатто тез ёрдамга ҳам бориб келди. У билан қандайдир ҳалокат юз бердимикан, деб ҳам ўйлади. Уни ҳечам топа олмади. Нихоят, нима қилиш кераклигини тушуниб етди. У Ички Ишлар Вазирлигига бориши керак. Албатта, Ричардни қамоққа олишган.

Шундай қилиб соатлаб, ҳафталааб ва йиллар давомида қидириш... идорама – идора юриш... очилиши мумкин бўлган ихтиёрий эшикни таққиллатиш бошланди.

Сабина 12 йилдан бўён қамоқда ўтирган Веранинг эри ҳақида ўйлади. У Вера бошқа маҳбусга Худо ҳақида айтганидан кейин бошидан кечирган азоблари ҳақида ўйлади. Ричардни ҳам айнан мана шу нарсада айблаятилар. Сабина Ричард билан бирга туриб, рус аскарлари, ўша унинг эрини қамоққа олган аскарлар, шаҳарга кираётганида Худога миннатдорчилик билдирганини эслади.

Ричардни ҳам бошқа кўп одамлар сингари Москвага олиб кетишган деган миш-миш чиқди, аммо Сабина унинг йўқлигига ишонгиси келмасди. Ҳар куни кечкурун у кечки овқат тайёрлаб, дераза олдида ҳаёл суриб: «*У бугун уйга келади. Ричард ҳеч қандай ёмон нарса қилгани йўқ. Уни тез орада озод қиласидилар. Коммунистлар ҳар доим бир-икки ҳафтадан кейин уни қўйиб юборадиган нацистлардан ёмонроқ бўлиши мумкин эмас*» – деб ўйларди. У Михай отасини соғиниб йиғлагандан, унга далда бериб овунтиради. У ўз ўғлига Худо Ричард ҳақида ва биз ҳаммамиз ҳақимизда ғамҳўрлик қиласиди, деб айтарди. Улар биргаликда Ричарднинг хавфсизлиги учун ва тез орада уйга қайтиши учун ибодат қиласидилар.

Аммо у келмади. Ва унинг бир неча ой илгари Ричард билан қилган сухбати кечалари тушига кириб чиқди. Ўшанда у:



«Илгари мени қамоққа олишганида бир неча ҳафта ўтиб қўйиб юборишарди. Коммунистлар пайтида эса бу бир неча ишларга чўзилиши мумкин...» – деганди.

Сабинанинг юраги тинч эмас эди. Уларнинг орасидаги севги кўп қийинчиликларни бошдан кечирганди, аммо бу сафар у ва Михай Ричардсиз қандай хаёт кечириши мумкинлигини билмасди. Бир неча ҳафтадан кейин чўпон Солхайм Сабинани илгари иттифоқчиси бўлган швед элчисининг олдига, ундан ёрдам сўраш учун олиб борди. Элчи Рейтерсверд тезда ташки ишлар вазири Аной Паукер билан гаплашишини айтди.

Паукер хоним: «Биздаги маълумотга қараганда чўпон Вумбранд, очларга ёрдам учун ажратилган пул тўла чемодан билан мамлакатдан қочиб кетган. Айтишларича у Данияда».

Кейин элчи бош вазир Гродудан Ричарднинг иши ҳақида сўраган. Аммо у ҳам ўша сўзларни қайтарган ва хурсандчилик билан: «Демак, сиз у бизнинг қамоқхоналаримиздан бирида деб ўйлайсизми? Агар сиз буни исботласангиз, мен уни озод қиласман!» – дея ваъда берган.

Коммунистлар шундай ўзига ишонган одам эдилар. Эҳтимол шунинг учун одамлар: «Руминияда одам махфий полициянинг қўлига тушиши биланоқ, у мавжуд бўлишдан тўхтайди» – деб айтардилар.

### УМИД ИПИ

Бир куни кечқурун, бир неча ойлик фойдасиз қидиувлардан кейин, Сабинани эшик олдида кутиб турган, нотаниш кимса чақирганида, у жамоатда эди. Бу кишининг соч-соқоли олинмаган ва ундан алкоголли олхўри ичимлигининг (сливовица) хиди анқирди. У Сабина билан яккана-якка сухбатлашишни хоҳлади.

«Мен сизнинг эрингизни учратдим» – деди у. Сабинанинг юраги чиқиб кетай деди, у биринчи марта ўз эри ҳақида эшилди. «Мен қоровул бўлиб ишлайман – қайси қамоқхонада деб сўраманг. Фақат билингки, мен унга овқат олиб бориб берадиган қоровулман. У менга у ҳақида хабар етказсам, сиз менга яхшигина тўлов тўлайсиз, деди».

«Қанча?» – деди Сабина, унда қандай маълумот борлигига унча ишонмай. У аллақачон кўплаб ёлгонларни эшишига тўғри келганди.

«Мен бошимни хавф остига қўйяпман».

У айтган нарх жуда катта эди ва у ундан пастига рози бўлмади.

Чўпон Солҳайм ҳам худди Сабинага ўхшаб шубҳаланди. У қоровулга: «Менга Вурмбранднинг қўли билан ёзилган бир нечта сўзларни олиб келинг» – деди. У оч қолган тақдирда бериш учун, захирасидан шоколад олиб, унга берди. «Буни Вурмбрандга олиб боринг ва ундан менга қўл қўйилган хат олиб келинг» – деди.

Қўриқчи кетди ва Солҳайм Сабинага қаради. «Бу биз қилишимиз мумкин бўлган ягона нарса» – деди у. «У ҳақиқатни айтаяптими ёки йўқми билмаймиз, у эса кўп пул хоҳляяпти» – деди.

Сабина билардики, чўпон Солҳайм унда яна йўқотиши мумкин бўлган умид пайдо бўлишини хоҳламасди.

Аммо икки кундан кейин қўриқчи яна келди. У ўзининг шапкасини ечди, астари тагини ковлади ва Сабинага шоколад бўлаги ўралган қоғозни берди. Эҳтиётлик билан очиб, уни ўқиди: «Менинг азиз рафиқам! Сенинг меҳрибонлигинг учун раҳмат. Менда ҳаммаси яхши. Ричард».

Сабинанинг юраги хурсандчиликдан шувиллаб кетди. У тирик! Аниқ ва қатъий, бу унинг имзоси. У ёзган сатрларда умид учқунлари сезиларди.

«У ўзини яхши хис қиласапти» – деди қўриқчи. «Айримлар бир кишилик камерага чидай олмайдилар. Улар ўзларининг шахсий ҳузурини ҳам ёқтирумайди». Ундан яна брендининг ҳиди анқирди. «У сизга ўз севгисини жўнатаяпти».

Агар у хат олиб келиб турса, Сабина унга пул беришга рози бўлди. Нихоят у: «Майли. Мен таваккал қиласапман. Айримлар бунинг учун ўн икки йил олишган» – деб айтди.

У ўз эркинлигини хавф остига қўйиб рози бўлди, чунки пулни ва бу пулга сотиб олиш мумкин бўлган ичимликни яхши кўрарди. Аммо кўриниб турибдики, Ричарддан фаҳрланар эди ва айрим пайтларда ўзининг ортиқча бўлак нонини унга берарди.



Сабина қўриқчидан миннатдор эди – у хатлар олиб келарди. Майхўр қўриқчи Сабинанинг Ричард томон кўрсатувчи нажот ипи бўлиб хизмат қилди. Хозирча шу билан қаноатланиш керак.

### Маҳбуснинг оиласини жазолаш

Коммунистик қонунлар жуда қаттиқ эди. Сиёсий маҳбуснинг рафиқаси озиқ-овқат карточкасини ололмас эди. Карточкалар фақатгина «ишчилар» учун эди. Сиёсий маҳбуснинг рафиқаси шунингдек ишлай ҳам олмасди. Нима учун? Чунки унинг карточка йўқ эди ва демак у мавжуд эмас эди.

Сабина ҳокимиятдан: «Мен қандай яшайман? Боламни қандай бокаман?» – дея ўтиниб сўраганида улар «Бу бизнинг эмас, сизнинг муаммоингиз» деб жавоб беришарди.

Сабина Михай ҳақида қайгуар эди. Ричард қўлга олинганидан кейин, у Михайнинг овқат етишмаслигидан озиб кетаётганини кўрарди. У Михай шунингдек ўз ака-укалари, яъни шарқий Руминияда нацистларнинг ваҳшиёна қирғини пайтида қаровсиз қолган, Сабина ва Ричард олиб сақлаган олтита болалар ҳақида қайгураётганини ҳам биларди.

Аммо кейин, руслар қўшиб юборган Бессарабия ва Буковинанинг иккита шарқий регионларига кочқинларни жойлашитиришини эшитиб, Сабина ва Ричард тушуниб етдики, эртами ё кечми улардан болаларни тортиб оладилар ва шарққа жўнатиб юборадилар. Юзлаб бошқа етимларни ҳам худди мана шундай оқибат кутмоқда эди. Сабина агар уларни тез орада янги давлат Истроил ташкил қилиниши керак бўлган Фаластинга жўната олса, у ҳолда ҳаммаси яхши бўларди, дея ўйлади. Шунинг учун кунлардан бирида маъюсликка ботиб, болаларни бошқа қочқинлар билан бирга «Булбул» турк кемасига олиб боришдилар. Улар билан хайрлашиш жуда қийин бўлди, аммо руслар пайтида улар билан нима юз беради деб ўйлаб ва кутиб ўтиргандан кўра, Фаластинга жўнатган анча яхшироқ эди.

Ҳафталар ўтди, аммо кеманинг етиб боргани ҳақида хабар йўқ эди. Кундан кунга Сабина янада кўпроқ хавотир олаётган эди. Қора денгиздан тортиб, то шарқий Ўрта ер дengizigacha



халқаро қидирув бошланди. Аммо кема изсиз йўқолди ва астасекин умид ҳам сўна бошлади. «Булбул» минага дуч келган ва кемада бўлғанларнинг ҳаммаси чўкиб кетган, деб хисобланарди.

Йўқотишдан чеккан азоб даҳшатли эди. Сабина ва Ричард бу болаларни худди ўз болалариdek яхши кўрардилар. Михай уларни ўз туғишган ака-укалари, деб хисобларди. Сабина етимлар вафот этганлиги тўғрисидаги фикр билан рози бўлганида, у ўз уйидагилардан ташқари хеч бир одамни кўришни, хеч бир одам билан ҳатто гаплашишни ҳам хоҳламасди. Унинг имони катта синовга дучор бўлди.

*«Қандай қилиб Худо бунинг юз бершиига йўл қўйди? Қандай қилиб Худо мендан болаларимни тортиб олиши мумкин?»* – дея у қайта ва қайта ўзидан сўрарди.

Ич-ичида Сабина уруш ва одамларнинг жаҳолати туфайли тасодифан чўкиб кетган кема учун Худони айбдор қила олмаслигини биларди. Аммо у болаларни яхши кўрарди ва уларни йўқотиш дардидан кутула олмаётган эди.

Ўзи азоб чека туриб, Сабина болаларни эслаб, аччиқ ўйглаётган Михайга далда беришга ҳаракат қиласди. Сабина уни қучоқлади ва унга Ричард тез-тез айтиб берадиган ҳикояни яна айтиб берди.

Битта машхур яхудий руҳонийси йўқлигига, унинг иккита ўғли вафот этибди. Иккита ўғли ҳам жуда чиройли ва Қонунни яхши билар эди. Яхудий руҳонийнинг қайғуга ботган рафиқаси уларни ўз ётоқхонасига олиб кириб, оқ чойшаб билан уларнинг танасини ёпиб қўйибди. Ўша куни кечқурун яхудий руҳоний ўйига қайтиби.

*«Менинг ўғилларим қани?»* – деб сўрабди у. «Мен уларни бир неча маротаба ҳовлидан қидирдим, аммо у ердан топа олмадим».

Хотини унга чанқогини қондириши учун бир пиёла сув олиб келди, у эса *«Менинг ўғилларим қани?»* – дея сўрашда давом этди.

*«Улар яқин атрофда»* – деди у, олдига овқатни олиб келиб.

Овқатланиб бўлғанидан кейин, хотини унга: *«Сенинг руҳсатинг билан сенга битта савол бермоқчиман»* – деди.

«Марҳамат, бер саволингни».

«Яқинда дугонам менга сақлаб қўйишим учун иккита чиройли бриллиантни ишониб топширди ва мен уларни худди ўзимнидек асрарим. Энди у мендан қайтиб беришимни сўраяпти. Мен уларни қайтариб беришим шартми?»

«Нима?» – дея сўради руҳоний, – «сен ўзингга тегишли бўлмаган нарсани қайтаришни хоҳламаяпсанми?»

«Йўқ» – деб жавоб берди у. «Аммо мен сендан рухсат сўрамасдан туриб, уларни қайтартмаганим яхшироқ, дея ўйладим».

Кейин у эрини хонага олиб кирди ва ўғилларининг ўлик танаси ёпилган чойшабни очди. «Ўғилларим! Ўғилларим!» – дея бақириб йиглади отаси. «Менинг кўз очиб кўрган ўғилларим!».

Онаси орқасига қаради ва алам билан йиглади.

Бир қанча вақт ўтиб, у эрининг кўлидан ушлади ва унга: «Бизга ишониб топширилган нарсани ҳеч иккиланмасдан қайта-ришимиз керак деб сенинг ўзинг ўргатмагандинг?».

Бу хикоя Михайга катта ёрдам бермади, аммо онаси айтган нарсани тушунди ва унинг жасоратидан куч олди. У ўн ёшда эди, ўзининг ёшига караганда бўйи баланд, ёрқин ақлли кўзли ва мускуллари билан ажralиб турарди. Мактабда у оғир дарсни, яъни жамият рад этган инсоннинг ўғли бўлиш қандайлигини ўрганди. Михай ўз отасини жуда яхши кўрарди. Сабина ўғлига отасини фақатгина чўпон бўлгани учун олиб кетганлигини ва қамоққа ташлаганларини тушунтириши осон эмас эди.

Ҳар куни кўпроқ ва янада кўпроқ одамлар йўқолаверарди. Бир куни ҳамма машҳур маҳбуслар озод қилинди. Уларни уйларига тез ёрдам машинасида олиб келишди. Улар ўзларининг чандик ва кўкарган жойларини кўрсатдилар ва қандай азобларни бошдан кечирганликларини айтиб бердилар. Ҳукумат бу ҳақида билганида, уларнинг ҳаммасини қайтадан қўлга олди.

Сабина ўзининг эри бошдан кечираётган даҳшатлар ҳақида ўйламасликка ҳаракат қиласарди. У эрининг синмаслиги ва ўз дўстларини сотмаслиги учун ибодат қиласарди. У сотқинлик қилишдан кўра, ўлиш афзал кўришини айтган, аммо инсон қанча азобни кўтара олиши мумкин. Бутрус Масихдан воз кечмасликни ваъда қилган, аммо уч марта ундан тонган.

## Эшикнинг тақиллаши

Сабина агар Ричард вафот этса, улар кейинги ҳаётда яна учрашишини биларди ва бу унга далда берарди. Улар бир-бирларини жаннатнинг ўн иккита дарвозаси олдида, яъни Бенямин дарвозаси олдида кутишларини келишиб олишган эди. Исо ҳам ўлимидан кейин ўз шогирдлари билан Жалилада учрашишга келишган. Ва У ўз ваъдасида турди.

Аммо ҳозир Сабинани у дунёдаги ҳаёт қизиқтирмаётган эди. Уни эрталаб соат бешдаги эшикнинг тақиллаши уйғотди...

Ўтган кечаси Сабина кечгача ишлади, жамоатга кўнглидан чиқариб ёрдам берди ва имонлиларни кўриш учун уйларига ташриф буюрди. Михай қишлоқдаги дўстлариникида эди, Сабинанинг дугоналаридан биттаси у билан кичкина квартирасида бирга эди. Баланд ва кескин овоз иккала аёлни ҳам уйқудан уйғотди. Эрталабки сокинликда бу овоз жуда ҳам баланд туюлди:

«Сабина Вурмбранд! Эшикни очинг! Биз биламиз, сиз уйдасиз».

Сабина бу одамлар ихтирий пайтда унинг квартирасига бостириб кириши мумкинлигидан хавотирланиб, эшик томонга йўл олди.

Сабина эшикни очганида «Сабина Вурмбрандми?» – дея қичқирда семиз гарданли эркак. «Сиз бу ерда қурол яшириб қўйганингиз ҳақида биламиз. Унинг қаердалигини ҳозироқ бизга кўрсатинг!».

Сабинанинг розилигисиз, улар чамадонларни чиқардилар, шкафларни очиб ташладилар ва ҳамма нарсани ерга улоқтиридилар. Китоблар турган жавон ерга тушиб кетди ва Сабинанинг дугонаси эса уларни олишга шошилди.

«Тегманг», – дея қичқирди эркаклардан бири. «Кийининг».

Иккита аёл квартирада тинтуб ўтказаётган олтида эркакнинг хузурида кийинишларига тўғри келди. Вакти-вақти билан улар худди бир-бирларига маъносиз қидирувни давом эттириш учун далда бераётгандек, нималарнидир қичқириб қўйишар эдилар.

«Шундай қилиб сизлар қуролларнинг қаерда яширганлигини айтишни хоҳламайсизлар? Биз бутун уйни остин-устин қиласиз!».



Сабина хотиржамгина: «Бу уйдаги ягона қурол мана шу ерда» – деди. У тиззасига энгашиб, эхтиёткорлик билан Муқаддас Китобни аскарнинг оёғи остидан олди.

Зобит Бул Нек: «Сизлар биз билан борасизлар ва кўрсатма берасизлар» – дея қичкирди.

Сабина Муқаддас Китобни стол устига қўйди ва уларга: «Бизга ибодат қилишга имкон беринг, кейин биз сизлар билан борамиз» – деди.

Сабина кетаётганида дугонаси унга кичкина пакетда бир жуфт пайпоқ ва қандайдир ички кийимлар берди. Уни олиб кетаётган жойда булар керак бўлади.

### Озод бўлиш куни

Сабинани квартирадан олиб чиқиб кетаётганида, қўриқчилардан бири қаёққа олиб кетаётганликларини кўрмаслиги учун Сабинанинг кўзини боғлади. Улар кўп юрмадилар ва кейин уни автомобиллар тўхташ жойидан олиб ўтиб, кўзидағи боғичини ечдилар ва узун хонадаги хибсхонага итардилар. У ерда жуда кўп аёллар бор эди. Вақти-вақти билан кимнидир чақирап эдилар. Аёллар жим бўлиб ўтирап эди. Улар ўз тақдирини билишлари учун, исмларини айтиб чақиргунича, уларни Руминиядаги «ижтимоий хавфли элементлар» кутарди.

23 август куни эди. Бу кунни коммунистлар Озод бўлиш куни дея атардилар.

Кечқурун қора нон ва сувли шўрва бердилар. Ниҳоят, Сабинани ҳам чақирдилар. Яна кўзига боғич боғладилар ва олиб кетдилар. Бу сафар уни маҳфий полициянинг биносига олиб боришиди. Бу ҳақда у кейинроқ билиб олди. Уни бошқа аёллар билан бирга кичкина камерага қамаб қўйишиди.

Бир неча кунлар ўтди ва Сабинани бир кишилик камерага ўтказишиди. Кичкинагина камерага назар солиб, у хонада нима етишмаётганини тез англаб олди. Челак. Ўзининг қамоқдаги қисқа муддати ичида, у челак – жуда муҳим нарса эканини тушуниб етган эди. Энди унда челак ҳам йўқ эди.

Сабина тез-тез тор йўлакдаги оғир этиклар овозини эшитар эди ва ҳар сафар уни олиб кетишга келаяптими, деб ўйларди. Нихоят, унинг навбати келди. Камеранинг эшиги қаттиқ овоз билан очилди ва қўриқчи: «Орқанга ўгирил» – деб қичқирди.

Яна қўзини боғладилар.

«Юр! Ўнга бурил. Энди чапга. Яна бир марта чапга. Тезроқ юр!»

Қўриқчи уни итарган ҳолда лабиринт бўйлаб тез олиб бораётганида, Сабинани бирданига қўркув босди. Бу кескин бурилишлар уни отиш билан тугайди ва у ҳеч қандай огоҳлантиришсиз ўлиб кетаман, бошқа ёргулукни қўрмайман дея ўйлади. У ўзининг ҳис-туйгулари билан курашишга интилаётганида, лабиринт бирданига тугади ва ундаги қўз боғични ечдилар. У баланд бўйли, сариқ сочли ва ёши Сабина қатор бўлган қўриқчининг олдидаги пайдо бўлди.

«Сиз ўзингизнинг давлат олдидаги қилган жиноятингизни тушунасиз, шундай эмасми Вурмбранд хоним?» Сабина Парижда ўзи учрашган одам билан жуда ўхшаш эканлигидан ҳайратга тушганди. «Хозир эса бу хақида батафсил ёзинг» – дея буйруқ берди у, ён дафтар ва ручкага ишора қилган ҳолда.

«Лекин мен нима ёзишим керак?» – дея сўради Сабина, – «нима учун мени бу ерга олиб келганингизни билмайман».

У давом этиб: «Ўзингизнинг давлатга қарши қилган жиноятингиз хақида ёзинг» – деди.

Сабина у таклиф қилган ручкани олди ва у ҳеч қандай жиноят тўғрисида билмаслигини бир нечта сўзлар билан ёзди. Зобит у ёзган нарсаларни ўқиди ва жаҳл билан уни яна камерага жўнатди. Унинг орқасидан эшик ёпилганди, қўриқчи унга:

«Энди лейтенант айтган нарсани ёзмагунингча, ўтираверасан. Агар ёзмасанг, сен билан қандай муносабатда бўлишларини кўрасан».

«Мен билан қандай муносабатда бўладилар?» – дея ўйлади Сабина. Қўрқитишиб, устимдан мазах қиласдими? Тахқирлайдими? Азоб берадими? У коммунистик қамоқхоналарда масиҳийлар билан қандай муносабатда бўлишлари ҳақида жуда кўп эшитганди. Уларнинг нималарга қодир эканини



яхши биларди. Айрим илгари қамалғанлар ҳатто сўроқ пайтида «натижага» эришиш учун маҳбусни тинчлантириш учун ўйлаб топилган руҳий қийноқлар ҳақида ҳам гапирган эдилар. Коммунистлар даҳшатли қичқириқлар ёзилган овозларни қўяр ва бу қичқириқлар унинг эри ёки болаларининг қийноқ пайтидаги қичқириғи, деб айтардилар. Қандай қилиб оддий ота-она бунга чидай олиши мумкин?

Кейинги сўроқда лейтенант ундан Ричарднинг қамоқقا олиниши ҳақида сўради. «Вурмбранд хоним» – деди у, – «сизнинг эрингиз инқилобга қарши фаолият олиб борганликда айбланмоқда. Уни отиб ташлашлари мумкин. Ҳамкаслари гувоҳлик бердилар ва улар унга қарши қўйилган айбни қўллаб-куватламоқдалар».

Сабинанинг юраги чиқиб кетай деди. У албатта ёлғон гапирди ва Сабинанинг нима қилишини кузатди. Сабина ўзининг ҳистийғуларини кўрсатмасликка ҳаракат қилди. Лейтенант давом этиб: «Эҳтимол улар ўзларини кутқариб қолишга ҳаракат қилаётгандирлар. Эҳтимол уларнинг ўзлари ҳақиқий инқилобга қарши курашувчилардир. Бизга жамоатда ишлаётган одамлар бу ҳақида нима гапираётганликларини айтмагунингизча, бу ҳақида қандайдир хукм чиқара олмаймиз. Ҳаммасини бизга айтиб беринг. Ҳақиқий инқилобга қарши курашувчиларни фош қилинг ва шунда эртагаёқ эрингизни озод қилишадилар».

Аммо Сабина коммунистларга ишонмас эди. «Мен ҳеч нарса билмайман», – деди у лейтенантнинг назарига тик боқиб.

Ўша куни кечаси, қўриқчилар томонидан кўкариб кетгунча дўпосланган Сабина кичкина тор каравотда ётарди. Унинг оёқлари эса каравотнинг суюнчиғига тирадиб ётарди.

*«Бечора Ричард» – дэя ўйлади у. У жуда узун, оёқлари каравотдан осилиб туради».*

Улар ҳозир Ричардни нима қилаётган эканлар? Шундай пайт бўлдики, у Ричард билан яна бирга, хавфсизликда бўлиш учун ихтиёрий нарсани айтишга тайёр эди. Аммо кейинги вазиятда бу васвасага мағлуб бўлмасликка карор қилди. Иккита бир-бирига қарама-қарши хоҳишлар унинг юрагида курашар эди. У Ричарднинг тирик қолишини ва бу вазиятда синмаслигини хоҳларди.

Камера шипидан бир бўлак оқ сувок тушди. Сабина уни олди ва ўзининг қора кўрпасига катта хоч расмини чизди. Кейин Худога миннатдорчилик билдириди.

Унинг ўзига ибодатларини Худо эшитгандек туюлди ва шивирлаб жавоб берди: унинг фикрига *етти* рақами келди. Сабина ўзи еттинчи камерада эканини тушунди. Муқаддас рақам. Яратилиш кунлари рақами.

У шундай қўллаб-қувватлов олди! Сабина каравотига ётди ва ўйглади. Унинг танаси қоронгулиқда, аммо руҳи эса қамоқхона чегарасидан ташқарида, ўзи хаёл қилган нурга кўтарилиди. У кўрпасига чизган хочни силади ва ухлаётиб: «Бизни худди Исо Масиҳ каби хочга михлаяптилар» – деб шивирлади.

«Ўрнингдан тур!» – дея уйготди эрталаб қизғиш сочли қўриқчи Миелу. Сабина ўрнидан турди ва деворга бурилди, у бунга аллақачон қўнинкан эди. Унинг кўзларини қўпол равища боғладилар ва яна лабиринт бўйлаб олиб кетишли.

Бу сафар Сабинадан анча катта бўлган эркак Миелу унга бир соат мобайнода азоб берди. «Сен ким билан ётдинг? Улар билан сен нима қилдинг? Мен сенинг ким билан ва неча марта – ҳаммасини билишни хоҳлайман».

Жисмонан ва руҳан эзилган Сабина сўроқнинг бундай бурилиш олганидан хайратга тушганди. У хотиржамгина: «Сиз мендан кутаётган нарсани, мен сизга айтмайман» – деди. «Агар Худо шуни хоҳласа, энг ёмон жинсий алоқа тарихи ҳам, инсонга муқаддас бўлиш учун тўсиқ бўла олмайди» – деди Сабина унга. «Магдалиялик Мариям фоҳиша бўлган, аммо уни ҳатто бизни унутиб юборгандарида ҳам ҳурмат қиласилар» – деди.

Миелу нимадир уятсиз сўзлар билан тўнгиллади ва Сабинани камерага жўнатди. Кейинги сўроқ пайтида уни ҳар хил одамларнинг расмларига қарашга мажбур қилишиди. У ўз уйида яширинча сувга чўмдирган битта рус аёlinи таниди. «Сиз булардан кимнидир танийсизми?» – дея сўради уни сўроқ қилаётган кал зобит. Сабина агар битта фамилия айтса, нима юз беришини биларди. Кейин сўроқ қилаётган зобит унга шундай таклиф берди:

«Биз билишни хоҳлаган нарсани бизга айтинг, кейин биз сизни ва эрингизни озод қиласиз» – деди. Васваса ҳақиқатдан кучли эди, аммо унинг биродарлари учун ҳаётини бериш хоҳиши ҳам жуда кучли эди. «Улардан хеч бирини танимийман» – деди.

Сочи кал эркак уни тўғри гапираётганлигига шубҳа қилди ва ниҳоят ундан нархи қанчалигини сўради. «Ҳар битта аёл қандайдир баҳога эга. Сизнинг нархингиз қанча? Эркинликми? Эрингиз учун чўпонлик унвоними? Пулми? Нархингизни айтинг».

Унинг доимий равишдаги ёлғон ваъдалари Сабинанинг жонига тегди ва Сабина бунда иштирок этмайди. «Мени аллақачон сотиб олишган!» – дея ҳайқирди. «Исони азоблашдилар ва У мен учун ўлди. Сиз бундан баландроқ нархни таклиф қила оласизми?».

Эркакнинг юзи қизил доғлар билан қопланди ва Сабина уни уради деб ўйлади. Аммо у олиб кетишларини буюрди.

Охир оқибатда Сабинани умумий камерага ўтказдилар. Ойлар ўтди ва ниҳоят қиши келди. У ҳар доим Михай ҳақида хавотир оларди. Ким у ҳақида ғамхўрлик қилаётган экан? Эҳтимол у кўчада яшаётгандир? Эҳтимол совуқ қотиб юргандир? Соғломмикан? Балки коммунистлар уни ҳам қамоқхонага олиб кетишгандир? У Михай ҳақида жуда кўп хавотир оларди ва ҳар дақиқада юзлаб шубҳалар унинг юрагини эзарди.

Ноябрь ойида Сабина сақланаётган камерага қамоқхона коменданти кирди. «Биз фамилиялар рўйхатини ўқиймиз» – деди у. «Кимнинг исми чиқса, ўн минутдан кейин кетишга тайёр бўлиши керак».

Бошқа хеч қандай маълумот йўқ. Комендант билан бирга келган кўриқчи фамилияларни қичкира бошлаганда, маҳбуслар типирчилай бошладилар. Сабинанинг исмини ҳам айтди.

«Нима деб ўйлайсиз?» – дея шивирлади Сабина, ўзининг ёнида нарсаларини йигиштираётган аёлдан.

«Бизни ёки қўйиб юборишади, ёки отиб ташлашади» – деди у маъюслик билан.

## «Агар Жилавда бўлиб қолсанг, Худо Ўзи сени қутқарсин»

Аммо уларни ҳеч бўлмаган ҳозирча озод ҳам қилмади ва отиб ҳам ташламадилар. Сабина ва бошқа аёлларни Руминиядаги энг қўрқинчли қамоқхона бўлган Жилавга олиб кетиши. Сабина бошқа маҳбуслар энг ярамас қамоқхона хақида гаплашганини эшитгани ҳақида эслади. У ерда даҳшатини таърифлаб ҳам бўлмайдиган битта камера бор эди. «Агар сиз Жилавдаги қамоқхонанинг тўртинчи рақамли камерасида бўлиб қолсангиз, Худонинг Ўзи сизга ёрдам берсин» – дея бир-бирларига етказарди маҳбуслар.

Ўзини сержант Аспра дея таништирган соқчи, маҳбусларни ертўла томон олиб борувчи, қоронги гумбазсимон йўлак бўйлаб етаклади. Ниҳоят, улар тагидан тортиб тепасигача занглаған панжаралар билан қопланган темир дарвоза олдида тўхтадилар. «Тўртинчи рақамли камерага хуш келибсизлар!» – дея мағурланиб гапирди Аспра.

Уларни эрталаб олиб келиши, аммо камера жуда қоронги эди. Шипда осилиб турган ягона чироқ камерани жуда хира ёритарди. Икки қаватли тахта каравотлар девор ёнида жойлашганди. Камеранинг энг тўридаги бурчак баландида ранг билан бўялган, панжараланган дераза бор эди.

Энди келганларга юзлаб кўзлар тикилган эди. Ҳаво етишмаганидан нафаси бўгилаётган Сабинага энг охирги, ахлат идиши устидаги каравотни беришди.

Нотинч ўтган тундан сўнг, эрталаб соат бешдаги овоз Сабинанинг уйқусини бузди. Тезда элликта аёл кичкина челакка навбатга туришди. Сабина кейинроқ билдики, тўртта камерада икки юзта маҳбус аёллар бор, қолган камераларда эса уч мингта эркаклар бор экан.

Жилав қамоқхонаси жами бўлиб олтиюзта маҳбусга мўлжалланган эди.

Соат 11 да аёллар бир тарелка шўрва учун навбатга туришди. Бир тарелка шўрва ва бир бўлак нон тарқатаётганда, аёлларнинг қанчалик жим бўлиб туришлари Сабинани ҳайратга солди. Аммо қозонни олиб кетишлари биланоқ, хонада ёввойиларча

жанжал бошланди. Аёллар овқат учун бир-бирлари билан урушардилар. Бир дақиқадан кейин соқчилар қайтиб келдилар ва резина таёкларини у ёқдан – буёққа қилиб, косаларни ағдариб, аёлларни дўппослай бошладилар. Ерда катта шўрвадан кўлмак пайдо бўлди. Аспранинг жаҳли чиқиб, эртаси куни шўрва бўлмаслигини ваъда қилди.

Камерада яна жим-житлик хукм сурди – аёллар эртанги очликдаги кун ҳакида ўйлардилар. Аста улар секин овозда гаплаша бошладилар. Маҳбуслардан биттаси Сабинадан нима учун қамоққа ташлангани ҳакида сўради. «Сен жуда тинч кўринасан» – деди у. Ҳамма каллалар Сабинага бурилди ва янги маҳбусга баҳолаган ҳолда қарадилар.

Сабина кулди: «Мен чўпоннинг хотиниман» – деди у.

Жавобни эшишиб, айрим маҳбуслар сўкинди ва орқасига қараб олдилар, аммо бошқалари қизиқа бошладилар. «Ундай бўлса сен Муқаддас Китобдан ҳикоялар билишинг керак» – деди Елена исмли маҳбус, Сабинанинг ёнига ўтира туриб.

«Ха, биламан» – деди Сабина кулиб. «Эшитишни хоҳлайсизми?».

Бир неча соат тўхтовсиз маҳбуслар эшитиди, Сабина эса бирининг кетидан бошқасини айтаверди. Унинг жамоатида ҳамма ҳеч кимнинг Сабинадек айти олмаслигини биларди. Ривож топиб бораётган ҳикояни ҳайрат билан эшишиб, аёллар қандайдир вақт кейинги ўттиз олти соатлик оч қолишлирини эсдан чиқардилар.

Сабина руҳланди: маҳбуслар Муқаддас Китоб ҳикоялари билан қизиқдилар, аммо тез орада Жилав қамоқхонаси ҳақидаги ҳамма миш-мишлар рост эканлигини англай бошлади.

Соқчи аёллар буйруқни итоаткорлик билан бажаришар эдилар. Агар уларга маҳбусни дўппослашни буюрсалар, улар шавқатсизларча уни резина таёқ билан калтаклашарди. Тўхтовсиз ва кучли ураддилар. Уларда на раҳм-шавқат, на виждон азоби деган нарса бор эди. Худди қоқиши керак бўлган гиламни қоқандек ураддилар.

## Озгина умид бер... кейин эса тортиб ол

«Сабзи шўрва, асалларим! Буёққа келинглар!»

Аммо кўпчилик қари аёллар ўрнидан ҳам турмадилар. Улар шўрвага навбатга туриш учун жуда заиф эдилар, буни Сабина ўшанда ҳали билмасди. Шундай очлик пархези меҳнат лагерларига тайёрлашнинг бир қисми эди. Ва у ўз вазифасини бажаарди, яъни энг заифларни аниқлаб берарди.

«Албатта, бу қулларча меҳнат» – деб айтди унга ёш ўқитувчи. «Аммо канал қазишда бир кунга 450 грамм нон ва макаронлар оласан!»

Қамоқхонада Дунай каналидаги меҳнат лагери ҳақидаги мишишлар кўпайди. Ҳар битта янги келган маҳбус миллиардлар турадиган, аслида эса ишчи кучининг асосий қисмини маҳбуслар ташкил қиласиган катта лойиҳа ҳақида хабар берардилар. Каналжанубий Руминия паст текислигидан ўтиб, узунлиги олтмиш километр бўлиши ва Дунайнин Қора денгиз билан боғлаши керак эди.

«Канал қазишда уйдан нима керак бўлса, ўшани олиш мумкин» – деди маҳбусларга соқчилардан биттаси.

«Хатто шоколад ҳам?»

Сабина ҳайратда қолди. Энди озодлик ҳақида ҳатто орзу ҳам қилиб бўлмайдиган бир пайтда, орзунинг энг чўққиси шоколадга айланди.

Мишишларга қараганда, у ерда иссиқ кийим берар ва тиббий ёрдам кўрсатар эди. Аммо ҳаммасидан кўра Сабинани битта хабар, яъни оила аъзоларига маҳбусларни келиб кўриш ва бир кун бирга бўлишга рухсат берилиши қизиктирди!

Михайни яна бир марта кўриш умиди Сабинага куч бағишлиарди ва у бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйламасди.

«Аммо ҳамма ҳам каналда ишлай олмайди» – дея огоҳлантириди, қамоқхона нозири Виорика. «Шу кунларда полиция зобити менга, социалистик жамиятда ишлаш – бу шараф, ўғрилар учун мукофот эмас деб айтди».

Бу қамоқхона учун оддий ҳол эди: озгина умид бер, кейин эса уни тортиб ол. Кейин яна қандайдир шартлар билан умид бер. Олтинчи январда Михайнинг ўн иккинчи марта

туғилиши кунида, Сабина бу шартнинг нима эканлигини билиб олди.

«Менда таклиф бор» – дея эълон қилди, капитан Захария Ион. «Канал қурилишида ишлаш ўрнига, сен бу ерда қолишинг мумкин ва худди ўшандек имтиёзларга эга бўлишинг мумкин. Аммо сен ишлашингга тўғри келади. Бу жуда ҳам қизиқарли таклиф».

Қамоқхонадаги ҳамма имтиёзлар қандайдир баҳога эга эканлигини Сабина биларди. Шунинг учун у жим бўлган ҳолда, қачон болғанинг урилишини кутди. «Сен қилишинг керак бўлган ягона нарса – бу вақти-вақти билан бошқа маҳбуслар ҳақида хабар бериб туриш холос. Бу бизнинг кичкина келишувимиз ҳақида, албатта ҳеч ким билмайди».

Бир дақиқа ҳам иккиланмасдан Сабина: «Раҳмат» – дея ҳурмат билан жавоб берди – «Аммо Муқаддас Китобда иккита сотқинлар ҳақида ўқиш мумкин. Улардан биттаси шоҳ Довудни, иккинчиси эса Исони сотган. Иккаласи ҳам ўзини-ўзи осган. Мен бундай яқунлашни хоҳламайман, шунинг учун мен сизларга хабар етказиб турмайман».

Ўша захотиёқ Ион хушмуомала бўлишдан тўхтади. У таҳдид қилганча: «Ундай ҳолда, сен ҳеч қачон озодликни кўрмайсан» – деб қичкирди.

Сабина ҳатто меҳнат лагерига тушиш имконини ҳам йўқотдим, деб ўйлади. Унинг исми меҳнат лагерида ишлаш учун белгиланган маҳбуслар рўйхатида бор эканлигини биларди ва улар тез орада жўнашлари керак эди. У меҳнат лагеридан кўрқарди, аммо Михайни кўриш учун ҳамма нарсани қилишга тайёр эди, фақат сотқинлик қилмайди.

Бир неча кун ўтиб, Сабинани Дунай меҳнат лагерига жўнатишдилар. Тез орада у ва бошқа маҳбуслар ўзларини алдашганликларини тушуниб етдилар.

## Канал

Лагердаги биринчи кунги тонгда Сабина каламуш ахлатининг ўткир хидидан ўйғонди. У қўшниларидан кимdir унга: «улар

учун кечаси нон қолдир, шунда улар сени тишламайдилар» – деганини эшилди.

Хар куни бошқа эркак ва аёл маҳбуслар билан бирга Сабина ҳам ишга катнарди. Улар соҳилни қуардилар ва Сабина кун бўйи катта тошларни икки юз метр узоқликдаги юқ ортиладиган кемага қатнаши керак эди. Бундай оғирликдан бели синса керак, деб ўйларди. Унга ҳатто белини тўғирлаш ҳам қийин эди.

Хар бир маҳбуслар гурӯҳида бригадир бор эди ва унинг ёрдамчилари маҳбуслар қанча иш қилганини текшириб чиқарди. Кундалик иш меъёри саккиз куб метр эди. Агар улар меъёрни бажарсалар, кейинги куни уни оширас эдилар. Агар меъёрни бажармасалар, уларга жазо беришарди.

Сабина ҳеч қачон ўзига лагерда чидаши керак бўлган шароитни тасаввур қила олмасди. Уларга ваъда берилган имтиёзлар ҳақида сўраганида, унинг устидан кулишарди.

Канал қурилиши ишига кўпдан кўп аёлларни олиб келишар эдилар. Худди Сабина сингари бошқалар ҳам оиласи билан, айниқса болалари билан бирга бўлишни хоҳлашганди. Канал қурилишида қандай катта ҳажмдаги ишни қилиш кераклигини тушунганида, кўплаб аёллар умидини йўқота бошладилар. Аммо Сабина канал қурилишидан ёки қамоқхона тизимидан кўра буюкроқ умидга суянарди. Тез орада буни бошқа маҳбуслар ҳам сеза бошладилар. Улар ҳам худди Сабинадек умидга эга бўлишни хоҳлардилар.

«Сабина, илтимос бизга Муқаддас Китоб ҳикояларидан айтиб бер» – деб, оғир иш кунидан кейин ундан илтимос қилишдилар.

Бунинг қанчалик ҳавфли эканини, уларни пайқаб қолса, нима бўлишини Сабина яхши биларди. Аммо у ўз камерадошлирига Хушхабар ҳақида айтиш учун ҳар битта имкониятдан фойдаланаар эди. Унинг ёнига кўпроқ ва яна кўпроқ маҳбуслар келар, ўз гуноҳларини тан олишар ва кечирим олиш мумкинлигини ҳақида сўрашар эдилар. Сабина бунинг имкони борлигига ишонтирас ва қачонлардир Ричард айтиган нарсани уларга айтарди: «Дўзах – бу битта ўзинг қоронғуликда ўтириб,

қилган ёвузылкыларингни эслашдир». Бу аёллар бу ерда албатта дўзахни ҳис қилишар эди.

Сабина сотқинлик қилиш таклифини рад қилган бўлсада, бошқалар бундан воз кечмаган эди. Айрим пайтда маҳбуслар кимнинг сотқин эканлигини билардилар, аммо тўла ишончи йўқ эди. Бу тўхтовсиз равишдаги иккиланиш эди. Маҳбуслар Сабинага Исо Масих ҳақида кўпроқ билишни хоҳлаймиз деб айтишлари мумкин эди, аммо бу Сабинанинг тақиқланган нарсани қилаётганини айтиш учун бир қопқон ҳам бўлиши мумкин эди. Ўшанда оқибати жуда ёмон тугаши мумкин. Ёки бу аёл эҳтимол ростдан ҳам билишни хоҳларди. Сабина илтимослардан қайси бири ҳақиқий, қайси бири қопқон эканини била олмасди. Аммо кўпинча у одамлар билан гаплашар эди.

У ҳақида хабар етказишган пайтда, Сабинани «карцерга», яъни тик турганда битта одам жойлашиши мумкин бўлган тор шкафга қамаб қўйишар эдилар. Уни меҳнат куни тугаши биланоқ карцерга қамашар эдилар. Туни билан ўша ерда қолдириб, эрталаб ишга улгуриши учун чиқаришар эдилар. Сабина канал қурилишида ишлаётган пайтида, карцер у учун оддий жойга айланди.

### Умид учқуни

У ҳар доим янги келган маҳбуслардан Ричард ҳақида эшитишган ёки эшитишмаганликларини сўрарди. Хеч ким ҳеч нарса билмасди. Кейин аёллардан биттаси Вакарестда кўрган битта чўпон ҳақида Сабинага айтди. Аслида у аёл Ричардни кўрмаган, аммо унинг ваъз қилгани ҳақида эшитган эди. Унинг камераси ҳожатхонага яқин эди ва маҳбуслар навбат кутиб турганларида «қамоқхона чўпони» уларни Масихга ишонишга ва Унинг севгисини қабул қилишга чақирап эди. Қамоқхонада ҳамма унинг кимлигини сўрарди, аммо ҳеч ким билмасди. Энди бу аёл Сабинага бу ҳақда айтганида, у Ричард эканига Сабинанинг ишончи комил эди.

Сабинанинг юзи хурсандчиликдан чараклаб кетди. Унинг Ричарди тирик! Қамоқхона чўпони – бу айнан у. Аммо бу аёл ҳикоясини тугатганида, Сабинанинг умиди синди. «Бир марта биз чўпон жуда касал деб эшитдик. Бундан кейин биз уни камроқ ва яна камроқ эшитадиган бўлдик. Ва ниҳоят у ўлди деган миш-миш тарқалди. Минг бора афсусдаман».

Сабинанинг юзи кўз ёшларга тўлди, аммо у гапиришни хоҳламади. У ўзининг кулфати билан Худога мурожат қилди. Агар Ричард тирик бўлса, йўз содик қулининг хаётини узайтиришини сўраб ибодат қилди.

У шунингдек, Михай учун ҳам ибодат қилди. Уни ҳам кўлга олиб, канал қурилишига жўнатиб юборишлири мумкин. Бир куни у Михайнинг ёшидаги бола канал қурилишида ишлаётганини кўрганида унинг юраги чиқиб кетай деди. Бу Михай эмаслигини кўрганида сал енгил тортган бўлсада, бу бола ва унинг онаси учун жуда ачинди. Улар учун ибодат ҳам қилди.

Ниҳоят умид пайдо бўлди. Якшанбада учрашув куни бўлади! Сабина ўзининг қулоқларига ишонмас эди. Михайни яна қўриш – қандай баҳт! Якшанба куни бўлганида, Сабинанинг дугоналари унга кўйлак беришди – унинг кўйлаги йиртилиб, латтага айланганди. У ҳар дақиқани хисоблаб, қачон ўзининг ўғлини яна қучоқлаши мумкинлигини сабрсизлик билан кутарди. Аммо маҳбусларни учрашув хонасига тўплашганида, уларга ташриф буюрганларда алоҳида, хонанинг бошқа томонида туришлари кераклигини ва улар атиги ўн беш дақиқагина гаплашиши мумкинлигини айтишибди.

Кейин у ўғлини кўрди ва оналик юраги билан уни қучоқлади. Унинг кўз ёшларга тўла кўзлари, севги билан ёришди. Бу севгини ўғлининг кўнгли тўлиши учун, хонанинг у бурчагидан туриб ўғлига жўнатди. У қанчалар озгин, қанчалар жиддий эди! Она ва боланинг ҳис-туйғулари устидан вақт ҳукмрон эмас эди. Иккаласи ҳам зўрға гапира оларди ва албатта ҳеч қандай кўнгилда туғиб кўйган нарсаларни айтиш мумкин эмас эди. Уларнинг вақти тугаганида, Сабина бутун хона бўйлаб:

«Михай! Ох, Михай! Исога бутун қалбинг билан ишон!» – дея қичкирди.

Бу ўғлига бериши мумкин бўлган энг яхши маслаҳат эди.

Сабинанинг сўзларини назоратчининг қўпол турткиси тўхтатди. Кейин уни қўриқчилар олиб кетишиди.

Баракда уни бошқа маҳбуслар ўраб олиб, Михай нима айтгани ва у қандай қўринишда экани ҳақида сўрадилар. Аммо у фақатгина бошини чайқай олди холос. Кўп соатлар мобайнida у гапира олмади, уни хис-туйғулар чулғаб олди, у ўзининг қадрли ўғли ҳақида ўйларди.

Афсуски, кўп маҳбуслар кун бўйи оила аъзоларидан кимдир келишини кутишди, аммо хеч ким келмади. Ўша куни кечкурун Сабина улар учун ибодат қилди, улар эса похолдан бўлган тўшакларида йиглашарди.

Қишиш келди, Сабина ва бошқа маҳбусларнинг аҳволи янада оғирлашди. У музлаган Дунай ёнида меҳнат қилишда давом этди, оғир тошларни баржага ортарди. Кишда шароит янада қийинроқ эди, чунки тошни баржага ишлаётганлар сув сачратмасдан ортиб бўлмасди. Иш куни бошланишидан бир неча дақиқа этиши биланоқ, Сабинанинг ҳамма ёги хўл бўларди. Кейин унинг кийимлари муздек сувдан музлаб қолар ва худди темирдек мустаҳкам муз қоплами билан ўраларди. Унинг меҳнатдан ёрилиб ва шишиб кетган бармоқлари, совуқдан қотиб қолган ва фақатгина оғир тошлар бармоғига тушганидагина оғриқни хис қиласарди.

Кечкурун баракка қайтганида, у хўл кийимини ўзи билан ётоқ жойига олиб оларди. Кийимни қуриладиган жой йўқ эди. Агар кийимни қуритиш учун осиб қўйсанг, албатта ўғирлаб кетишарди, шунинг учун одатда у ўзининг хўл кийимларини ёстиқнинг ўрнига, боши остига қўярди. Эрталаб эса хўллигича кийиб кетарди. Ишга кетаётганида йўлда кўйлаги озгина қурирди, аммо озгина вақтдан кейин яна у ивиб нам бўларди. Сабина бу вақтга келиб, худди қамишга ўхшаб, жуда озғин бўлиб қолганди. Уни худди шамол учириб кетадигандек туюлар эди.

## «Ишга яроқли»

Сабинанинг кейинги вазифаси тошларни ғалтакка ортиш эди, бошқа аёллар эса ғалтакларни Дунайдаги баржага олиб боришар эдилар. Мехнатдан унинг бармоқ бўғимлари шилиниб кетган, тирноқлари синган ва қонаб кетганди. У тинкаси қуриганидан ҳатто оғрикни ҳам сезмас эди.

Бир куни эрталаб Сабина томдан тушаётган томчининг овозидан уйғонди. Баҳор келди. Баҳор келиши билан, худди тошга ўхшаб музлаган ер, лойга айланди.

Махбусларни ишга олиб борадиган ва ишдан кузатиб келадиган қўриқчилар, аёллар кўрадиган ягона эркаклар эди. Айрим аёллар улар хақида кўпол ҳазиллар қилишар эди.

Жанжалкаш фоҳиша Анни ва унинг дугонаси Зинаида, одатда нолойиқ изоҳлар билан бир-бирига гап отишарди.

«Бу Петрнинг қўллари худди горилланикideк» – деди бир куни, эркаклар эшитмаслиги учун шивирлаб. «Қўлидаги соchlарга қара! Мен аминманки, у бошидан тортиб, оёғининг учигача соч билан қопланган».

«Эҳ, ха бу ерда уни кўрган аёллар бор!» – деди Анни, оғзи тўла олтин тишларини кўрсатиб. Айрим аёллар кулиб юбордилар.

«Вуй!» – дея ингради Зинаида, ўзини кўрқканга солиб. «Улар бизда нима жозибали нарса топганини ҳатто тасаввур ҳам қила олмайман. Сен ўзинг, биздан кўра зерикарли ва латофатли бўлмаган аёлларни тасаввур қила оласанми?»

Аннининг нопок жавобини эшитган дўстлари кулиб юбо-ришиди. Нолойиқ изоҳлар ҳам эшитилди. Сабина эътибор бермасликка ҳаракат қилиб, ўз олдига тўғрисига қаради.

«Кичкинтой муқаддас аёлимизга, бизнинг ярамас сухбатимиз ёқмаяпти шекилли» – деди Анни. «У ўйлайдики, биз жуда жирканчлимиз».

Сабина жим эди, бундан эса бошқаларнинг янада жахли чиқди. Бу сафар қуруқ сафсатаси кўпол, аммо ёвуз бўлмаган Анни ўзи хоҳлаганидан ҳам қўполроқ йўл тутди.

Иш кунининг охирида аёллар ҳар доимгидек, Дунайнинг ботқоқли йўлакчаси бўйлаб кетиш учун, чарчаган ва эзилган

ҳолда бир қатор бўлиб тузилдилар. Қўриқчилардан биттаси бўлган Питер, ҳамкасбини, анқов кўринишили ва япалоқ бурунли ёш йигитни тирсаги билан туртди. Кейин эса Сабина унинг ёнидан ўтаётганида оёғи билан чалди. У бутун кучоги билан сирпанчиқ лойга йиқилди.

Бошқа қўриқчи қах-қаҳа отиб кулди.

Питер эгилди ва Сабинанинг туришига ёрдам берди. У бошидан оёғигача лой эди.

«Хозир сенга керак бўлган нарса бу ҳаммом» – дея минғиллади у.

«Уни Дунайга ташланглар!» – дея қичқирди аёл овози.

Қўриқчи уни ушлаганида, Сабина қочиб кутилди, аммо бошқа қўриқчи унга ёрдамга югуриб келди. Питер унинг қўлларидан, бошқа қўриқчи эса оёқларидан ушлади. Улар Сабинани чайқатишди ва дарёга отишдилар.

У саёз сувдаги ўткир тошлар устига тушди ва унинг нафаси тутиб қолди. Сабина йиқилишдан сулайиб қолди, аммо муздек сувга чўкканида у ҳали ўзини биларди. Дарё оқими унинг кичкина танасини тошларга уради. Қирғоқдан бақир-чақир эшитиларди, аммо у уларни тушунмасди. Ҳар сафар у ўрнидан туришга ҳаракат қилганида, сув оқими уни яна оёғидан йиқитар эди. Ҳаммаси бекор эди. Сабина кутқарила олмасди.

Бирданига иккита кучли қўллар унинг қўллари остидан ушлади ва қирғоққа олиб чиқди. Яна кимdir уни ўтиришга мажбур қилди ва орқасидан урди. У ён томонидаги кучли оғриқдан нафаси бўғилиб, ўзини эзилган ва касал ҳис қилди. Унинг боши айланар, қулоғида шовқин эшитиларди. У: «бу нима, жаннат томон оқадиган тирик сувми?» – дея ўйлади. Аммо кейин кўзини очди ва лойни, қўриқчиларни, қирғоқда лойга беланганд озгин аёлларни қўрди. Тушундикси, ҳали у жаннатда эмас эди.

«Ҳаммаси жойида, Тур ўрнингдан!» – дея қичқирди, Сабинага жиддий қараган аёл. Кейин сал юмшокроқ овозда: «Ҳаракат қил, бўлмаса музлаб қоласан» – деди.

Уни қўпол равишда оёққа турғизишилар. Сабина совуқдан кўра кўпроқ шокдан қалтирас эди. У қўкрагини ушлади, чунки ён томонидаги оғриқ ҳар дақиқа оша қучайиб борарди.

Ниҳоят улар баракка етиб келганларида, Сабина ўзининг яраларини кўрди. Унинг ён томони кўкариб кетган, қўлидаги ва оёғидаги терилари шилиниб кетган эди. У қўлини кўтаришга ҳаракат қилганида, оғриқ шунчалик кучли эдики, унинг нафаси қисиб қолди. Ўзининг ётоқ жойигача зўрга судралиб борди. Ухлашга ҳаракат қилди, аммо тун бўйи қулай ҳолатни қидириб айланиб чиқди, аммо топа олмади.

Кейинги куни эрталаб у лагер «шифокори» бўлган Крезеаун фамилияли жахлдор аёлга мурожат қилди. Сабинанинг ён томонида худди африка қитъаси шаклида каттакон сарик-сиёҳ рангли кўкарган жойи бор эди ва у қўлини белидан юқори кўтара олмасди.

«Мехнатга яроқли!» – деди Крезеауну.

Сабина қарши чиқмоқчи бўлди, аммо фикридан қайтди, чунки уни янада қаттиқроқ жазолаши, эҳтимол карцерга (бир кишилик қамоқга) ташлашлари мумкин эди. У ишга кетишни кутаётган аёлларнинг ёнига келди, аммо эгилиб бир чеккада турди.

«Нима бўлди сенга?» – дея унга қараб бакирда назоратчи аёл.

«Мен бугун ишлай олмайман. Назаримда, менинг қовурғам синган, жуда оғрияпти» – деди Сабина.

Назоратчи унга дам олиш бериши мумкин эди, аммо ифлос Питер Сабинани тезда кўлидан ушлаб шундай тортдики, Сабина оғриқдан қичқириб юборди.

«У кеча ҳам меъёрни бажармади. Қани сафга турчи!». Назоратчи уни силтади, орқасига ўғирди ва ўзининг каттакон этиклари билан орқасига тепди. У тўғри маънода сафга қараб учиб кетди.

Сабина чидашга ҳаракат қилиб, ўша куни ва кейинги кунлари ҳам ишлади. Шифокорлар кейинчалик унинг иккита қовурғаси синганлигини тасдиқладилар.



## Диана ва Флория

Нихоят, лагердаги ҳасрат ўрнини ёз келиб тўлдириди ва Сабина яна унга умид қайтаётганини ҳис қилди. Лагерга яна иккита янги қизларни юбориши ва уларни Сабина яшаётган баракка жойлаштиридилар. Айрим кўча аёллари уларни билардилар, аммо улар билан кам гаплашар эдилар. Қизлар барак охиридаги бурчакда жойлашган жойни эгаллашди.

Кейинчалик Сабина уларнинг опа-сингиллар, Диана ва Флория эканини билиб олди. Қизлар қораҷадан келган бўлиб, ўзларини яхши тутар ва паст овозда гапирар эдилар.

«Аммо улар фоҳишалар» – дерди уларни биладиганлар. Уларни ҳам, худди бошқалар каби ушлашган ва «маъмурий» жазога – канал қурилишида ишлашга ҳукм қилишган.

Опа-сингилларни қайгу ва сир чулғаб олган эди. Кўплар аллақачон бурнини суқуб, сирини билишга ҳаракат қилишганига қарамасдан, ҳеч ким уларнинг ўтмишини билмасди. Опа-сингиллар худди кулга ўхшаб ишлардилар. Агар назоратчи аёл Сабинанинг исмими айтиб чақирганини Диана эшитиб қолмаганида, улар ухлашар ва ҳаммага сир бўлиб қолаверишарди.

Диана тезда Сабинанинг олдига келишга шошди. «Сиз Ричард Вурмбрандни биласизми?» – деди у.

«Мен унинг рафиқаси бўламан» – дея жавоб берди Сабина.

«Зўр» – деди у, «сиз мен ҳакимда нима ўйлайсиз?»

«Сиз нимани назарда тутаяпсиз?» – дея сўради Сабина.

«Менинг отам мутахассис бўлмаган воизхон» – деди Диана қалтироқ овоз билан. «У одатда Ричарднинг китобларидан ўқиб берарди. У уларни «рухий озуқа» деб айтарди. Отамизни имони учун қамоқقا ташладилар, касал хотини ва олтита боласи қолди. Флория ва мен энг каттасимиз. Отамизни қамоқقا ташлашганида, бизни фабрикадан ҳайдадилар. Оиласиз очликда эди».

Сабина қизларни майнинлик билан силади, у эса ҳикоя қилишда давом этди: «Бир куни ёш йигит мени учрашувга таклиф қилди. Биз кинога бордик, кейин эса бирга тушлик қилдик. У менга ишлашга рухсат олиб бериши мумкинлигини айтди. Кейин эса...». Диана бошини эгди ва кўзидан чиқаётган

ёшларини артди. «Биз вино ичдик, жуда кўп ичдик, кейин эса у... мени йўлдан урди».

Тез орада ҳаммаси такрорланди, аммо бу сафар ишлаш учун рухсатнома ҳақида битта ҳам гап очмади. Аммо у қизга пул берди. Оиласи учун онасига пул кераклигини билиб, Диана пулни олди. Бир ҳафтадан кейин ёш йигит уни ўзининг ўртоғи билан танишилди ва иккаласини ёлғиз қолдирди. Унинг ўртоғи Диана билан айш қилмоқчи бўлганида, Диана хафа бўлди. Аммо у ҳам Диана учун жуда зарур бўлган пулни берди ва ўз ўртоғининг маслаҳати билан қилаётганини айтди. Диана унчалик хоҳламасдан бу ишга йўл қўйди.

Тез орада Дианада маълум бир доимий «мижозлар» пайдо бўлди ва у уятни ѹигиштириб қўйиб, шундай ҳаётга кўникди. Ҳатто уни фабрикадаги оғир ишдан ҳам афзалроқ билди.

Диананинг тарихи қанчалик даҳшатли туюлмасин, Сабина бу қизнинг нимадир яшираётганини ҳис қиласарди. Бирданига Диана жим бўлиб қолди ва дикқат билан Сабинага қаради. «Сиз менга нисбатан нафрат ҳис қилсангиз керак, деб ўйлаган эдим» – деди у. «Наҳотки сиз менинг масиҳий руҳда тарбия олганимга қарамасдан, фоҳиша бўлганимдан хафа бўлмадингиз?»

Сабина мулојимлик билан: «Сен фоҳиша эмас, маҳбуссан. Ҳеч ким ҳар доим фоҳиша ёки муқаддас, ошпаз ёки дурадгор бўлмайди. Сен қилаётган нарса – бу фақатгина сенинг ҳаётингнинг бир қисми. Ҳаммаси бир дақиқада ўзгариши мумкин. Мен ишонаманки, сен ўз тарихинг ҳақида менга айтиб бериб, аллақачон ўзгардинг».

Диана Сабинанинг гапларига ишонишни хоҳларди, аммо кўриниб турардики, у бундан далда олмади. У бўм-бўш баракдаги ўзининг тор ётоғида, қўлларини оёқлари орасидан чирмаштириб ўтиарди. Юзидан унинг қанчалар хафа эканлиги, қанчалар гуноҳкор эканлиги кўриниб турарди.

«Қанийди бу фақатгина менга тегишли бўлсайди» – дея ниҳоят бирданига гап очди – «ҳаммаси шунчалар ёмон бўлмасди, агарда мен худди шундай иш қилишга синглимни ҳам мажбур қилмаганимда. Менинг дўстим буни таклиф қилди.

Оила учун бутун жавобгарликни сенинг бир ўзинг кўтаришинг ноҳақлик деди. Шунинг учун мен охир-оқибат уни Флория билан таништирдим ва унга Флория билан боришга рухсат бердим».

Тез орада Флория ҳам фохишлик билан шуғуллана бошлади. Опа-сингиллар учун ҳаммасидан қийини, бу сирни ўзларини жуда яхши кўрадиган, ўн беш ёшли укасидан яшириши бўлди. Худди отаси каби у ҳам жуда художўй ва сезгир эди, аммо ҳаётни ҳали билмасди.

«У жуда беозор бола эди» – деди бошини чайқаганича Диана. «Агар у билиб қолса, унинг қаттиқ жаҳли чиқишини ва қайғуга ботишини билардик. Биз ундан яширишга ҳаракат қиласдик».

Аммо опа-сингилларнинг янги ҳаёт тарзи, яъни уларнинг кеч уйга қайтиши ва оиласда бирданига пул пайдо бўлгани қўшниларда шубҳа уйғотди. Тез орада улардан бири нима бўлаётганини билди ва болага айтди.

«У шунчалик ҳайратга тушган эдики, ақлдан озиб қолди» – деди Диана қайғуга ботиб. У ақлдан озганлар шифохонасига тушди.

Кейин эса отасини озод қилишди. Қизларининг қанчалик тубанликка тушганини билганида, у: «Мен Худодан битта нарсани сўрайманки, у ҳам бўлса оиласда нима юз бераётганини кўрмаслигим ва эшитмаслигим учун яна қамоқقا жўнатсан» – деди.

Диананинг юзи кўз ёшига тўлди.

«Худди шундай бўлди» – деди у. У болаларга Хушхабарни ўргата бошлади ва тез орада уни полицияга тутиб бердилар. «Бу ишни қилган одам, кейинчалик менга айтдики, бизнинг «бизнесимиз» йўлига тўсиқ бўлмаслиги учун, отамизни йўлдан йўқотишган экан. Бу киши мени биринчи бўлиб йўлдан урган одам эди».

Сабина бу ачинарли ҳикоядан хафа бўлиб, Дианани қучоқлади. «Сен қилган ишингдан уятдасан ва шундай бўлиши ҳам керак» – деди у. «Бу қайғули дунёда хатто Худони хочга михлашган, сен эса масиҳйисан, Худонинг номини булғашга ҳаққинг йўқ. Аммо бу оғриқ ва гуноҳкорлик хисси сени

яхшиликка етаклайди. Эсингдан чиқарма, Гўлготадаги солдатлар нафақат Исонинг биқинини тешишган, балки мен билан сенга ўхшаган гуноҳкорлар Унинг юрагига осон етиб олишимиз ва нажот топишимиз учун, уни ёришган».

Диана унинг сўзлари ҳақида ўйлади ва шошмасдан жавоб берди: «Ха, мен уят ва азобларни хис қилдим. Аммо яна бир тан олишим керак бўлган нарса бор. Мен ўзим қилган ишни ҳар доим ҳам нафратланмаганман. Ва ҳозир ҳам миямга ёмон фикрлар келаверади. Мен улардан озод бўлолмаяпман».

Ҳар куни Сабина азоб чекаётган Диана ҳақида ибодат қиласарди ва нихоят, бечора қиз гуноҳкорлик ҳиссидан озод бўлди. Сабина Диана ва унинг синглиси қандай қилиб оиласига нон топиш учун гуноҳ қилганликлари ҳақида ўйлашда давом этди. У ўйладики, озодликда бўлган масиҳийлар эҳтимол кўпроқ гуноҳ қилишгандир. Чунки улар озодликда бўла туриб, уларни гуноҳ қилишдан қутқариши мумкин бўлган озиқ-овқатни юбориш ҳақида ўйлашмаган.

### «Сенинг кўзларингда ўзимни кўраман»

Бир нечта ҳафта ўтиб, Сабинани қизил юзли, қўллари кучли ва мускулли, тишлари катта ва чиройли бўлган аёл, лагер бошлиғи ўринбосари олдига олиб келишди. Унинг бесёнакай фигураси худди ҳаракат қилишига тўскىнлик қилаётгандек ва бу худди унинг ютугидек туюларди.

«Сен маҳбусларга Худо ҳақида ваъз қилаяпсан. Буни тўхтатиш керак» – дея огоҳлантириди у.

«Кечирасиз, лекин бунга ҳеч нарса тўскىнлик қила олмайди» – дея жавоб берди Сабина.

Жаҳли чиққан аёл Сабинани уриш учун қўлини кўтарди, кейин эса тўхтади ва унга тикилиб қолди.

«Нимага сен куляяпсан?» – деб сўради у. Унинг юзларида қизил доғлар пайдо бўлди.

«Мен сизнинг кўзингизда кўраётганларимга куляяпман» – деб жавоб қилди Сабина.

«У нима экан?»

«Мен ўзимни кўраяпман» – деди Сабина. Қачонки одамлар бир-бирларига яқин келса, улар бир-бирларининг кўзида ўзларини кўради. Сизнинг кўзингизда ўзимни кўраяпман. Мен ҳам қачонлардир жуда таъсирчан эдим. Менинг ҳам жаҳлим чиқар ва бошқаларни дағал сўзларим ва манман фикрларим билан ураддим. Буни мен то севги нима эканлигини билмагунимча қилдим. Қачонки сен сева олсанг, ҳақиқат учун қурбон бўла оласан. Мен бу дарсни олганимдан буён, мен муштимни сиқмай қўйғанман».

Бошлиқ ўринbosарини Сабинанинг мардлиги ҳайратга солди. У жим бўлди, Сабина эса давом этиб: «Агар сиз менинг кўзларимга боқсангиз, Худо сизни қандай яратган бўлса, шундай кўрасиз!»

Бошлиқ ўринbosари худди тошга айланиб қолгандек туюларди. Унинг ўзини тутиши ўзгартмади, аммо секин овозда: «Кет» – деди. Сабина маҳбуслар орасида Масих ҳақида гувохлик беришда давом этди.

## Озодлик

Кейин эса уни кутилмаганда озод қилишди. Сабина ўзининг озод бўлганини тасдиқловчи ҳужжатни ўқишга ҳаракат қилди:

«Озод бўлганлик ҳақидаги гувоҳнома» – деб номланган эди, аммо қуёш ботган, жуда коронғу бўлгани ва уни юк машинасига тикиб, лагердан олиб кетаётгани учун у қолганини ўқий олмади. Уни Бухарест шаҳрига этиб боришини кутмасдан, машинадан тушириб юбордилар.

Шаҳарга этиб олгунча узоқ юрди, унинг қўлида ифлос ва сассиқ тугунчаси ҳам бор эди. Уч йил ичиди биринчи марта ишдан уйга шошаётган, оиласи билан биргаликда нимадир сотиб олаётган одамларни, яъни худди ўзининг қамокқа тушгунга қадар яшаган кундалик хаёт тарзи билан яшаётган одамларни кўрди.

Сабина шошаётган эди, у тезроқ уйига қайтишни хоҳлади. Уйи ҳали бормикан, дея ўйлади.

Ҳаётида қанчалар ўзгариш бўлиши ҳақида ўйлади. У ўзининг қариндошлари ва дўстлари билан нима бўлганини билмасди.

Михай аллақачон ўн тўрт ёшга кирди. Бу уч йил ичидаги ўзгардимиликан? У буни билишдан қўрқарди ва барибир уни кўришни хоҳларди.

Сабина биринчи марта ўзи қўлга тушган полиция маҳкамасини қайғу билан эслаб, Ғалаба кўчаси ёнидан ўтди. Ҳеч нарса ўзгармаган эди. Коммунистлар даҳолар деб атаган тўртта одамнинг, яъни Маркс, Энгельс, Ленин ва Сталиннинг каттакон расми ҳали ҳам кўчадан ўтаётган одамларга қараб турарди.

Ниҳоят, у ўзига таниш бўлган бинога етиб келди ва зинапоядан кўтарилди. Бу ерда ҳам ҳеч нарса ўзгармаганига умид қилиб, эшикни тақиллатди. Эшикни унинг дугонаси очганида, у хурсандчиликдан ўзини йўқотиб қўяй деди.

«Сабина!» – деб қичқириб юборди, қўли билан оғзини ёпган ва унга боқиш учун озгина орқага юрган дугонаси. «Наҳотки бу мумкин бўлса?»

Иккита аёл қучоқлашдилар ва йиғлаб юбордилар. Кейин эса хонага Михай кириб келди. Сабина эшикнинг кираверишида турган Михайнини кўрганида, юрагим чиқиб кетса керак деб ўйлади. Унинг ранглари оқарган, лагерга келган вақтидагидан ҳам янада ўсган ва озгин эди. У аллақачон ўспирин бўлиб қолганини пайқади. Қучоқлашдилар, Сабинанинг юzlари кўз ёшга тўлди. Михай бироз ўзини орқага олиб, бармоқлари билан охиста онасининг кўз ёшларини артди.

«Йиғлама, ойижон» – деди у.

Сабина ўзининг ўғлининг яна қучогида эканлигидан хурсанд эди. Агар у ҳозир йиғлашдан тўхтаса, қайтиб ҳеч қачон йиғламаслиги ҳакида ўйлади.

### Фақат битта сўз керак

Озод бўлганидан кейинги бир неча кун мобайнида, Сабина худди ўликлар ичидан тирилгандек эди. У озод бўлганидан жуда хурсанд эди! Аммо ҳақиқий ҳаёт яна ўзи ҳақида эслатди. Озодликда бўлишига қарамасдан, у ҳали ҳам жамият томонидан инкор этилган эди, чунки у нафақат маҳбуснинг рафиқаси, балки ўзи ҳам маҳбус бўлган эди.



Карточкага эга бўлмасдан, у хатто нон ҳам сотиб ололмас эди. Озиқ-овқат карточкасини олиш эса имконсиз эди. Бир куни эрталаб у давлат ташкилоти олдида тўрт соат навбатда турди. У кичкина дарча олдига келганида, ўтирган қиз бирданига: «Карточкангиз қани? Усиз озиқ-овқат карточкасини ололмайсиз» – деди.

«Аммо мен собиқ махбусман. Менда иш каточкаси олишга имкон бўлмаган» – дея тушунтириди Сабина.

«Мен сизга ёрдам бера олмайман. Иш карточкаси ва номер йўқ бўлса, озиқ-овқат карточкаси ҳам йўқ» – деди ўтирган қиз Сабинадан кейин турган одамга қараб. «Навбатдаги!».

Ва яна Сабина ва Михай бошқа одамларнинг меҳр-шавқатига муҳтож бўлдилар.

Вурмбрандларнинг уйи ва уларнинг бутун мол-мулки мусодара қилинган эди. Уларнинг баҳтига, ўша ўзларининг хона-дони жойлашган кўп қаватли уйда, дўстлари ҳам яшар эди ва улар Сабина ва Михайни кичкина икки хонали уйда бирга яшаш учун таклиф қилдилар. Жиҳозлар лиқиллаб қолган, эски каровотнинг пружиналари синган, на сув ва на ванна бор эди. Аммо Сабина яна ўз ўғли билан биргаликда эканлигидан миннатдор эди ва бу ўз уйини яхшироқ қилишга қарор қилди.

Сабина озод бўлганидан кейин бир неча ой ўтиб, бир куни эрталаб Ички ишлар вазирлиги хизматчиси унинг эшигини қоқди. Бу гулдурос овозли ва сочининг ўртасидан фарқ очиб олган, кора сочли семиз одам эди. Унда илгаки ихтиёрий вақтда узилиб кетишган тайёр турган, қоғозларга тўла сумка бор эди.

Бу эркак Сабинага ёмон она эканлигини ва ўз ўғли ҳақида ғамхўрлик қилмаслигини айтиб қичкира бошлади. Сабина унга қараб, жим ўтиради. У нима бўлишини биларди.

«Қандай фойда» – деди у, нихоят – «ўзи бошқа кўра олмайдиган ва инқилобга қарши бўлган эрга таянишдан? Соғлом фикр шуни кўрсатадики, мана шундай ақлли ёш аёл, давлатнинг душмани билан ажрашиши керак. Агар у буни ҳозир қилмаса, албатта у кейинроқ буни қилиш кераклигини тушуниб етади. Қандай қилиб кўр-кўрона ва аҳмоқларча давлатга бўйсунмасдан қарши туриш мумкин».

Бу эркак гоҳ қўрқитар, гоҳ Сабинанинг келажаги тўғрисидаги юракни эзувчи расмларни таърифлаб, кўндиришга харакат қиласади. «Севги» – дея кулди у, «севги? Бу ҳаммаси бехуда гаплар. Севги йўқ нарса. Сабинага керак бўлган нарса – бу бошқа эр, боласи учун бошқа ота керак» – деди у. Инқилобга қарши курашувчилар учун севгининг кераги йўқ.

*Жаҳли чиққан Сабина: «Сен буни менинг уйимда гапиришига ҳаддинг сиддими? Мен фақатгина баҳтили бўлиши учун эрга чиқмадим. Биз бир умрга боғланганмиз ва нима бўлишидан қатъий назар, ажрашмайман» – дея ўйлади.*

Бу эркак Сабинага яна ярим соат исботлар ва ишонтиришга харакат қилди. Бу вакт ичида Сабина ҳеч бир сўз айтмади. У: «жим турган одамга, ҳатто Худо ҳам қарши чиқа олмайди» – деган қадимги мақолни эслади.

Ноқулай ташрифга қарамасдан, Сабина ўйладики:

«Агар коммунистлар Сабинанинг ажрашишини шунчалик хоҳласалар, демак Ричард тирик бўлса керак!»

Сабина унинг зинапоядан қандай тушиб кетаётганини эшилди. «Кейинги қурбонни излаб кетаяпти» – дея жиддий ўйлади – «қаерда унга кўпроқ омад кулар экан».

Хукумат бор кучи билан маҳбусларнинг хотинларини ажратишига ҳаракат қиласади. Биринчидан, чунки нима юз беришидан қатъий назар, қўллаб-қувватлашга ваъда берган одами ташлаб кетганини билганида маҳбуснинг иродаси кўпинча синарди. Иккинчидан эса, ажралиш аёлларни коммунистик хаёт тарзига жалб қилишга ёрдам берарди. Ажралиши биланоқ, эҳтимол айблаш хисси пайдо бўлгани учун, аёллар ўз эрларини тезроқ унутишга ҳаракат қиласадилар. Бунинг учун эса энг осон йўл – партиянинг йўлида юриш эди. Сабина қачонлардир ўзлари севган ва уларнинг болаларини ҳам тукқан сиёсий маҳбусларни тахқирлаб, ҳукумат шиорларини худди тўтиқушга ўхшаб такрорлайдиган ўнлаб аёлларни биларди. Учинчидан, отасиз болалар ҳукумат қарамогида эди, давлат уларга ёшлигидан нима хоҳласа, ўшани сингдирап эди.

Бу юз бериши учун эса, фақатгина битта сўз кифоя эди. Агар рафиқаси рози бўлса, расмий шахслар қолган ҳаммасини ўзлари

қиласы. Бир неча кундан кейин эса, эрига бутун қамоқдаги хонадошлари олдида: «Хотинингиз сиз билан ажраши» – деб айтишарди. Ва ўша одам: «Энди мен кимга керакман? Мен ахмоқман, чунки мени озод қилиши мүмкін бўлган ўша беъмани нарсага қўймай юрибман» – деб ўйларди. Аммо ўша ундан талаб қилган нарсага қўйган тақдирда ҳам, уни яна бир неча йиллар қамоқда ушлаб туришлари мумкин эди. Бу пайт мобайнинда эса унинг хотини иккинчи марта эрга чиқар ва бошқа эридан фарзандли бўларди. Шу тариқа уйларни, оиласаларни ва ҳаётни бузардилар.

Сабина эрлари қамоқхонада бўлган аёлларга далда берарди. Уларни мансабдорлар келишига тайёр туриши учун огоҳлантирап ва ўз эрларини қўллаб-куватлашга, уларни қандай бўлса, шундайлигича севишга чақирап эди. У аёлларга ўз оиласавий ҳаётларининг энг баҳтли чоғлари ҳақида ўйлашни ва уларни васвасаларга қарши туришда ишлатишни маслаҳат берар эди.

Аммо кўпинча Сабина бунга эриша олмасди. Махбусларнинг хотинларига нисбатан босим жуда кучли эди.

### Яна бир васваса

Кейин ўша вақтда қирқ тўрт ёшга тўлган Сабинага яна бир васваса билан курашишга тўғри келди. Унинг исми Паул эди. Сабина Паулнинг севиб қолганини биларди. Кўп ойлар мобайнинда Ричарддан ҳеч қандай хабар йўқ бўлган пайтда у Сабинанинг ҳаётига кириб келди ва Сабина йиллари ўтиб бораётганини ҳис қилди. У ҳатто Ричарднинг тирик ёки тирик эмаслигига ҳам шубҳа қиласы. Кўп одамлар унинг олдига келишар, Ричард Вурмбранд билан қамоқда ўтирганликларини ва унинг вафот этганини айтишар эдилар. Бу ҳақиқатми ёки коммунистларнинг навбатдаги ўйиними?

Сабина Паул ҳақида ўйлаганида, у ўзининг кўпинча бошқа аёлларга айтган доно сўзларига ҳам қулоқ солиши қийин бўларди. Паул меҳрибон ва яхши, худди ўзига ўхшаган яхудий-масихий эди. У ўзининг кари ота-онаси билан бир хонада турарди

ва айрим пайтларда Михайни кинога олиб борар ва ўқишида ёрдам берарди. Сабина кўпинча: «*Мана бу инсон билан аёл киши севги ва ишончда яшаши мумкин*» – деда ўйларди.

Айрим пайтларда Сабина у билан гаплашганида, Паул унинг қўлидан ушларди ва Сабина уни қўйиб юбормаслигини хоҳларди. Уларнинг муносабати ҳеч қачон жамоат ёки қонун зино деб айтадиган даражада бўлмаган. Лекин барибир Сабина бунинг яхши эмаслигини биларди.

Бир куни Сабинанинг чўпони унинг олдига жиддий юз кўриниши билан келди. «Сабина, мен сени қанчалар яхши кўришимни ва қадрлашимни биласан» – деди у. «Нима юз беришидан қатъий назар, менинг муносабатим ўзгармай қолади. Мен сени ва Ричардни кўп йиллардан бўён биламан. Ва мен сенинг гуноҳ қилаётганинг ёки қилмаётганингни, имонинг заифлашаётгани ёки мустаҳкамланаётганини биласан деб умид қиласман. Барибир сени яхши кўраман, чунки мен сенинг нима қилаётганингни эмас, кимлигингни биламан» – деди. У ҳар қачонгидан кўра кўпроқ хиссий ва самимилик билан гапирди ва савол беришидан олдин бироз жим бўлди. «Саволим учун мени кечир» – деди Сабинанинг кўзларига боқиб у. «Сен ва Паул орасида нима юз бераяпти?» – деди.

Сабина бир дақиқа жим бўлиб қолди.

У яна давом этди: «Менда ҳам шундай синовлар бўлмаган деб ўйлама. Аммо Сабина менинг саволимга жавоб бер» – деди. «У мени севиб қолган» – деди бошини эгиб.

«Сен уни яхши кўрасанми?»

«Билмайман» – деда самимиж жавоб берди у. «Эҳтимол» – деди.

Чўпон яна давом этди: «Одатда Ричард нима айтгани эсимда: Ҳеч бир эҳтирос ақлнинг олдида турга олмайди. Агар сен шошмасанг, агар ўйлаш учун ўзингга вақт берсанг, эрингга ёки хотинингга, ҳатто болаларинга қарши қилишинг мумкин бўлган бутун ёвузликтни кўра оласан – деганди. Энди эса сенинг қийин қарорни қилишингни, Сабина энг қийин қарорни қилишингни хоҳлайман» – деди.

Чўпон ҳақ эди, бу «энг қийин қарор» эди. Сабина ўз назорати остидан чиқкан хиссиётларини назорат қилишни ва Паулга сенга

нисбатан ҳеч нарса ҳис қилмайман, дея айтишни хохларди. Аммо у аёл ва она эди. У Паулнинг яхши эр ва эътиборли ҳаёт йўлдоши бўлиши мумкинлигини биларди. У билан бирга бўлса, доимий ёлғизлик ҳиссидан озод бўларди. У шунингдек Михай учун ҳам яхши ота бўларди. Васваса Сабинадан кучлироқ эди, айниқса унинг дўстлари: «Сенинг эринг ўлган. Сен оғир ҳаёт кечирдинг. Бу одам сен ҳақингда ғамхўрлик қилишига йўл қўйиб бер. У яхши масихий ва сени севади» – дея айтганида.

Ва факат унинг чўпонидагина айтиш керак бўлган, сўзни айтиш учун мардлик ва садоқат ета олди. Сабина унинг ҳақ эканлигини биларди. Имонини шайтон синдиришга ҳаракат қилаётганини биларди.

Шунинг учун Паулга бошқа учрашмаслиги кераклигини айтишга зўрга қарор қилди ва у яна садоқат билан Ричардни кутишда давом этди.

### Открыткадаги сатрлар

Бир неча хафта ўтиб, Сабина жамоатда пол ювиб юрганида, қўлида почта открыткасини ўйнатиб, унинг дугонаси Мариэтта югуриб келди. Унинг юзлари ёшга тўла эди. «Сабина, мен ўйлайманки, менинг назаримда бу....».

У гапиришда давом эта олмади ва нафаси бўғилиб, Сабина-нинг олдига, хўл полга ўтириди.

Сабина открыткани айлантириди. Унда: «Васил Георгеску» нинг имзоси бор эди. Аммо у хато қилиши мумкин эмас эди – бу Ричарднинг катта, текис эмас, аммо чиройли имзоси эди. Сабина-нинг кўзлари ёшдан хиралашди ва у открыткани бағрига босди.

У агар ёзишга рухсат берса, сиёсий маҳбуслар фақатгина ўнта қатор ёзишлари мумкинлигини ва у ҳам жуда қаттиқ назорат остида ёзилишини биларди. Шунча йиллик қамоқдан кейин Ричард нима ёзиши мумкин эди, чунки у хатто хотини ва боласи тирик ёки тирик эмаслигини ҳам билмасди. Нафасини ютиб, Сабина унинг сўзларини ўқиди. Кўзлари ёшга тўла эди.

«Вақт ва масофа фақатгина кичкина севгини ўлдиради, аммо катта севги факат мустахкам бўлиб боради» – деб ёзганди

у. Кейин у Сабинадан кўрсатилган кунда Тиргул-Окна номли қамоқхона шифохонасига келишини сўраган.

Ричарднинг открытии Сабина учун энг яхши хабар эди. У кўп азоб чеккан бўлишига қарамасдан, у барибир бора олмаслигини биларди. У ҳар ҳафта Бухарестдаги полиция маҳкамасига бориб, қайддан ўтиши керак эди. Улар ҳар доим шаҳардан ташқарига чиқиш тақиқини бекор қилишдан бош тортарди. Шунинг учун белгиланган кунда у ёкка бора олмайди ва ўзининг севимли эри билан кўриша олмайди. Аммо Михай унинг ўрнига у ёкка бориши мумкинлигидан хурсанд эди.

Тиргул-Окна Руминиянинг шимолий қисмида, Карпат тогларининг нариги томонида жойлашган. Бу кичкина шахарга бориши учун поезд Бухарестдан тоғлар оралаб бир неча юз километр юради. Сабина ўзининг «Алиса хола» деб чақирадиган дугонаси билан келишиб олди. У Михай билан бирга боради, аммо Ричард билан кўришиш учун фақатгина Михайга рухсат беришадилар.

Сабина қолди ва уларнинг қайтишини интизорлик билан кутди. Михай ва Алиса хола икки кун давомида йўқ бўлишди ва бу вақт мобайнида Сабинанинг бошидан минг хил ҳаёл ўтди: Михай ростдан ҳам ўз отасини кўрармикан? Ричардга бериб юборган иссиқ кийим ва овқатни олишига рухсат беришармикан? Агар қамоқхона шифохонасида ётган бўлса, эҳтимол у қаттиқ касал бўлгандир? У тура олармикан? Михай билан гаплаша олармикан? Михай ўзини қандай тутар экан, чунки у бу йиллар ичida ўз отасини кўрмади? Отасининг бундай оғир ахволда ётганини кўриб, хафа бўлармикан?

Улар декабрда жуда кеч уйга қайтишдилар. Сабина уларнинг зинапоядан чиқиб келаётганини эшилди ва Алиса ҳали эшикка етиб келмасданоқ: «Биз уни кўрдик! Биз уни кўрдик! У тирик. Ҳаммаси яхши» – дея қичкирди.

Улар ҳамма жойи қор ҳолда уйга киришиди.

«Михай!» – деди. Михайнин қучоқлади ва унинг музлаб қолган пальтосига юзларини босди.

«Ойи! Отам ўзини яхши хис қиласяпти. У яқинда уйга қайтишини билади ва буни сенга етказиб қўйишимни сўради.

Агар Худо битта мүъжиза қилиб, унга мени кўрсатган бўлса, у ҳолда У иккинчи мүъжизани ҳам қилиб, бизни бирлаштира олади».

Уларнинг ҳаммаси йигладилар. «Биз соатлаб қорда кутишимизга тўғри келди» – деди Алиса. «Улар бизни асосий дарвозадан киритишид, кейин эса биз шифонанинг биносидан узоқда, девор билан ўралган жойда турдик. Маҳбуслар учрашувга келганлар билан кўришиш учун темирдан бўлган омборхонага боришда, ҳовли бўйлаб узоқ масофани босиб ўтишлари керак. Уларга қараш жуда қўрқинчли эди. Даҳшат! Оппок қорда уларнинг латта ўралган қора сояси ажралиб туради – улар худди кул ранг шарпаларга ўхшарди! Ва уларнинг ичидан мен Ричардни кўрдим! Уни танимасликнинг иложи йўқ, у шунчалик баланд. Мен унга худди жиннига ўхшаб қўл силкитдим, аммо оломон ичидан у мени кўра олмасди. Биз ҳаммамиз турадик ва қўл силкитардик. Мен уни кўрдим, лекин фақатгина Михайга у билан гаплашишга рухсат бердилар».

Бундай шароитда улар бир-бирларига кўп нарса айта олмасди, дея тушунтириди Михай. Аммо отасининг охирги сўзи: «Михай, мендан, яъни отангдан ягона совға ушбу сўзлар бўлади: Ҳар доим энг улуғ масиҳий қадр-қимматларга интил – ҳамма нарсада меъёни сақла» – деди.

Сабина севги билан Ричарднинг открыткасини Муқаддас Китоб вараклари орасига қўйди. Вақти-вақти билан у открыткага қарар ва ўқир эди. Кейинроқ Ричард унга қамоқхона шифохонасида, маҳбусларга ёзишга рухсат берилган кичкинагина хатларга катта маъно кўйишини ўрганганини айтди. Бошқа маҳбуслар унинг ёнига келиб, рухсат этилган ўнта қатор гапни ёзишга ёрдам беришини илтимос қилишарди. Улар шунингдек бир-бирларидан ҳам Ричард ёзиш учун нима таклиф қилгани ҳақида сўрардилар. Шунинг учун Ричарднинг сўзларини ҳамма маҳбуслар билишар эди. Натижада ўнлаб маҳбуслар ўз открыткасини: «Вақт ва масофа кичкина севгини йўқ қиласди, аммо катта севгини мустаҳкамлайди» – деган сўзлар билан бошлашар эдилар. Умид ва севги сўзларини ҳамма жойда ўқишар ва сақлашар эди.

Қамоқхона чўпони ўз ишига қайтди.

1956 йилда барча коммунистик блокда кўзғолон кайфияти хукм сурарди. Советларнинг «беш йиллик режаси» ҳеч нарса бермади. Озиқ-овқат ҳали ҳам етишмасди, ойлик жуда паст эди. Сталиннинг ўлимидан кейинги пайдо бўлган умид оқланмади.

Кейин феврал ойидаги Коммунистик партиянинг 20-чи съездидаги совет бош вазири Никита Хрушев Сталин ва унинг ишини фош қилувчи нутқни сўзлади. Руслар уни нашр қилишмади, аммо шарқий Европа мамлакатлари Москвадан сиёсий илиқланиш шамоли келаётганини хис қилди.

«Сталинизмдан воз кечиши» белгилари тез орада пайдо бўлди. Каттакон милиция ва махфий полиция кучлари қисқартирилди. Иқтисодни қутқариш учун гарбий мамлакатлар билан миллионлаб долларлик савдо-сотик шартномалари тузилди. Коллективлаштириш сусайди ва юмшади. Ҳаммасидан ҳам кўра муҳими, ҳар куни юзлаб сиёсий маҳбусларни озодликка чиқаришарди, улар амнистия қилингандилар.

Сабина уларнинг орасида Ричард бўлишига умид қилишга юраги дов бермасди. Ричардни тез орада озод қилиши тўғрисида у ҳеч қандай ишора ёки ҳеч қандай хабар олмади. Унинг муддати тугашига ҳали яна бир неча йил қолганди. Кейин 1956 йил, июнь ойининг ажойиб кунларидан бирида у дўстларини кўриб келиш учун кетди, қайтиб келганида эса – Ричард уйда эди. Нихоят Ричард уйда эди. Сочлари бутунлай қирилган, озгин эди. У тирик одамдан кўра кўпроқ склетга ўхшарди. Сабина хушидан кетиб қолишига оз қолди. Ричард уни кучоқлади: Сабина бошқа унинг қучогини хис қиломаслигидан қўрққани ҳақида ўйлади. Ўша куни кечаси бутун Бухарестдан табриклиш учун дўстлари келишиди. Улар ҳаммаси биргаликда йигладилар ва биргаликда кулишдилар – кейин яна йигладилар ва яна кулишдилар.

Ричард қамоқхонада кўп қийналди. Уни дўппослашган, азоб беришган ва унга мажбуран гиёхванд моддалар беришган эди. Унинг азоб чеккан танасидан ўн саккизта қийноқнинг чандиқ излари бор эди. Кейинчалик шифокорлар унинг ўпкаси туберкулездан тузалган чандиқ изларига тўла эканлигини пайқашди. Шифокорлар унинг саккиз ярим йил (шундан деярли

уч йил ер тўладаги якка камерада) қамоқдан ўтириб, деярли ҳеч қандай муолажасиз, тирик қолганига ишонмасдилар. Энди унга шифохонадаги энг яхши шифолаш хонасини бердилар. Озод бўлган маҳбусларга, улар қаерда пайдо бўлмасин, одамлар жуда меҳрибончилик ва сахийлик билан муносабатда бўлишарди. Улар Руминияда энг кўп имтиёзга эга гурух эди, бу эса коммунистларнинг жаҳлини чиқаради.

Тез орада, Ричард тузалганидан кейин, у ва Сабина ўз никоҳларининг йигирма йиллигини нишонладилар. Улардан ҳеч бирида бир-бирларига совға ҳарид қилиш учун бир тийини ҳам йўқ эди. Аммо Ричард ўз ҳаётининг севгиси бўлмиш Сабинага багишланган севги ҳақидаги шеърлар ёзилган, чиройли муқоваланган ён дафтарни топишга муюссар бўлди.

Уларнинг иккаласи ҳам синов ва азобларни бошдан кечирдилар. Худо уларга куч ато қиласарди. Севги уларни қўллаб-куватлаб турарди. Ўн йиллик кулфат ортда қолди, аммо уларни яна бир даҳшат кутмоқда эди.

### Сенинг фаришталаринг уни қуршаб турсин

1959 йил 13 январ куни кечқурун Вурмбрандларнинг эшиги олдида бир аёл кўз ёшларга тўла турарди. Бир ҳафта олдин у Ричарднинг ваъзлари нусхасини олганди ва бутун Руминия бўйлаб унинг ваъзларининг юзлаб фото нусхаси тарқалиб кетди. Энди аёл кечирим сўраб, унинг уйига полиция келгани ва қолган нусхаларни олиб кетгани ҳақида Ричардни огоҳлантириди. У аёл Ричарднинг орқасидан ҳам келишидан кўрқаётган эди.

Бошқа дўсти орқали улар билдики, Ричардни ўзини унинг дўстиман деб таништирган, ёш чўпон сотган эди. Улар уни эҳтимол қўрқитгани ва қамоқقا ташлашни таҳдид қилиб, чақиб беришга мажбур қилишганини билишар эди.

Кейинги куни соат бирларда жаҳли чиққан полиция зобитлари яна эшикни тепкилаб, Вурмбрандларнинг кичкина хонадонига бостириб кирдилар.

«Сиз Ричард Вурмбрандмисиз?» – дея қаттиқ овозда сўради капитан. «Ҳаммангиз бошқа хонага кетинглар – сиз ҳаммаларингиз. Ўша ерда қолинглар».

Яна уларнинг кичкинагина хонадони эркакларга тўла эди, улар шкафларни очдилар, кутиларни чиқардилар ва полга қофозларни сочиб ташладилар. Ричарднинг столида улар машинкада ёзилган ваъзлар ва Муқаддас Китобдан ёзилган ёзувли варакларини топдилар. Ҳаммасини олишди, кейин никохининг йигирма йиллиги муносабати билан Сабинага берган совғасини, яъни Ричарднинг севги шеърлари ёзилган ён дафтарчасини топдилар.

«Илтимос, уни олиб кетманлар. Бу менинг шахсий нарсам, менга берилган совға. Сизга унинг кераги йўқ» – дея сўради Сабина.

Капитан Ричардга кишан солди ва орқа эшикдан олиб чиқиб кетди.

Сабина мардлик билан унга қараб: «Гуноҳсиз одамларга нисбатан шундай муносабат қилишдан уялмайсизми?» – деди.

Ричард унинг ёнига қараб юрди, аммо уни қўлидан ушлаб, олиб кетишли. Ричард уларни: «Агар сизлар хотинимни кучоқлашга рухсат бермасангиз, бу ўйдан осонликча кетмайман» – дея огохлантириди.

«Кишанинни ечинглар ундан» – деди капитан. Полиция ходимларидан бири кишанинни еди.

Улар ибодат учун тиз чўқдилар, полиция ходимлари уларнинг атрофида турарди, кейин улар секин овозда забурдан куйлашди ва уларнинг овоз оҳанги бирлашди: «Жамоат асоси – унинг Раббиси бўлган Исо Масиҳdir».

Полиция ходими ўзининг катта қўлларини Ричарднинг елкасига қўйди. «Кетишимиз керак. Соат аллақачон беш бўлди» – деди капитан хотиржамлик билан. Кўриниб турибдики, у Ричард ва Сабинанинг бир-бирларини қанчалик севишларидан ҳайратга тушган эди. Унинг кўзлари ёшланган эди.

Ричарднинг билаклари яна кишанланди ва полиция ходимлари уни олиб кетишли. Сабина уларнинг орқасидан зинапоя бўйлаб пастга тушди. Пастда Ричард ўгирилиб:

«Михайга айт, уни яхши кўраман» – деди ва бир дақиқа жим туриб, кейин: «мени сотган чўпонга ҳам айт» – деб қўшиб қўйди. Сабина муз қоплаган кўча бўйлаб, йўлда урилиб – сурилиб, машинанинг орқасидан югуран, қичқирап ва йиғларди: «Ричард! Азизим Ричард!»

Кейин фургонли машина бурилишда ғойиб бўлди, у эса қайғуга ботиб, нафаси қисқанича тўхтади. Уйига қайтиб, Сабина полга йиқилди, йиглади ва ибодат қилди: «Раббим, мен эримни Сенинг қўлларингга топшираман». – дея йиглади у. «Мен ҳеч нарса кила олмайман, аммо Сен уни ёпик эшикдан олиб чиқа оласан. Ўз фаришталарингни унинг атрофига қўя оласан. Ўзинг уни менга қайтаришга қодирсан!».

У қоронгуда ўтириб, қуёш ботгунча ибодат қилди. Кейинги куни эрталаб Алиса хола келди ва уни полда ётганини кўрди. Қизариб кетган ва кўз ёшларга тўла кўзи билан унга қаради ва деди: «Менинг Ричардимни яна ўғирладилар».

### Хотима

Ричард яна олти ўйл ўйқ бўлди ва бу вақт ичida Сабинада уни кўриш учун бир марта имконият бўлди. У яширин жамоатда хизмат қилишда давом этди, ўз эрини садоқат билан кутди ва Худо унинг уйга қайтишига ёрдам беришига ишонарди.

1965 ўйл декабрда Норвегиянинг «Яхудий – масиҳий уюшма» номли ташкилоти Ричардни ўн минг долларга сотиб олди. Ўша вақтда сиёсий маҳбуслар учун бир ярим минг доллар тўлашар эди. Ричард ва Сабина ўзларининг она юртини тарк этишни хоҳламас эди, аммо яширин жамоатдаги имонлилар, уларни энг қийин вақтларда Худонинг сўзсиз севгиси ҳақида гувоҳлик берувчиларни ва кувгин қилинаётганларни ҳимоя қилишлари учун кетиши кераклигига ишонтирдилар. Кейинги ўили Ричард, Сабина ва Михай Кўшма Штатларга келдилар.

Коммунистлар уларни ўлдириш билан қўрқитишарди ва Вурмбрандлар оиласи ўз овози билан имони учун кувгин бўлаётган aka-ука ва опа-сингилларини ҳимоя қилишни бошладилар.

1967 йил октябрда атига 100 долларга ва ошхона столида турган ёзув машинасига эга бўлиб, Вурмбрандлар оиласи «АЗоб чекканлар овози» газетасининг биринчи сонини нашр қилдилар. Ўша вақтдан бошлаб, газета доимий чиқиб келади ва бутун дунёга ўнлаб тилларда, деярли ўн миллиондан ортиқ нусхаси тарқатилади.

Ричард ва Сабина Қўшма Штатларга келган кунидан бошлаб, улар чарчамасдан хизмат қилдилар, ҳамда қувғин ва азоблар пайтидаги умид ва севги ҳақида айтиб келдилар. Уларнинг ҳаёти, бошидан кечирган синовлар билан бойиди.

Икки мингингич йил августда, саратон касалига дучор бўлиб, ўлимига оз қолганда, Сабина ўзининг севгилиси Ричардан (у ҳам жуда касал) каровоти ёнига келишини сўради. Унча қўп бўлмаган дўстлари хузурида Сабина яна Ричардга уни қанчалик кучли севишини айтди ва хатолари учун ундан кечирим сўради. Ўша пайтда Сабина оғриқдан жуда қийналди, аммо бу вақтинчалик ердаги ҳаёт билан видолашув пайтида ақли жойида бўлиши учун дори-дармонни рад қилди. Бу ҳаёт унга шунчалик қўп оғриқлар келтирди, аммо барибир қўп хурсандчилик ҳам олиб келди. Уни бутун ҳаёти мобайннода Исо Масихнинг севгиси қўллаб-қувватлаб турди ва у ўзини билганларга ҳар доим севги кўрсатиб келди.



# Тара:

Ҳар доим яшириниб  
яшаш

Покистон  
1985 йил июль ойи

Почта ташувчи таниш бўлган дангиллама ҳовлига келди ва ойнасига қаради. Бу ҳовлининг киравериш қисми шунчалик катта эдикӣ, худди бир уйга ўхшарди. Бундай кичкина уйлар Покистоннинг қишлоғида жуда кўп эди. «Менда Тара учун жўнатма бор» – деди почта ташувчи, нихоят эшикни очган хизматкорга. У қўл қўйиши керак. Кирсам бўладими? Қўли остида у ўртача катталиқдаги кул ранг кутини ушлаб турарди. Қўлида эса ручка бор эди.

«Йўқ, сиз киришингиз мумкин эмас» – деди қатъиятлик билан хизматкор. «Жўнатмани менга беринг, мен уни Тарага бераман. Унинг отаси Таранинг эшик ёнига келишига рухсат бермайди» – деди.

«Яхши» – дея, унчалик хоҳламасдан рози бўлди почта ташувчи. «Аммо Таранинг ўзи қўл қўйиши керак, акс ҳолда жўнатмани қолдира олмайман. Тушунасизми?» – деди у.

«Ха, ха» – деди қўлини узатганича сабрсиз хизматкор. «Энди эса жўнатмани менга беринг».

Тара нима учун бундай шовқин ва бу жўнатмани ким юборган экан дея қизиқиб, бурчакдан кузатиб турарди.

«Бу нима?» – дея сўради хизматкордан у. «Кимдан?» Хизматкор елкасини қисди ва қўл қўйиш учун қофозни Тарага берди. У қўйди ва жўнатмани олди. Жўнатма Тара кутганидан оғирроқ эди. Уни қўллари билан кучоқлаб, ўзининг хонасига кетди ва орқасидан эшикни ёпди. Таранинг оиласи катта бўлишига қарамасдан, унинг ўзида яхши жойлаштирилган хонаси бор эди. Катта ойналарнинг қархисида шкафлар, хар битта кароватнинг



ёнига устида биллурдан бўлган чироқ қўйилган тумбочкалар қўйилган эди. Таранинг отаси қизини жуда яхши кўрарди ва унинг хонаси отаси совға қилган совғаларга тўла эди.

Хозир у худди тасодифан почта орқали жўнатма олган, ихтиёрий ўн икки яшар қизга ўхшаб ҳаяжонда эди. У қутичани полга қўйди ва унинг ёнига тизза чўкиб, картон қофозга ёпиширилган лентани узди. Кутичанинг ичига қараганида, Таранинг ҳайратдан оғзи очилди. Унинг хурсанд қизиқувчанлиги тезда қўрқувга айланди. У ўрнидан турди ва эшикка қараб югурди. Уни боши сиққудек озгина очиб, яқин ўртада хеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилиш учун каради, кейин яна ёпди. Аммо бу сафар хонанинг ўртасидаги очиқ қутича олдига келишидан олдин эшикни қулфлади.

Ички овоз, бу қутичани отасига бериш кераклигини айтди.

«Шундай қилса хавфсизроқ бўлади» – деди у ўзига. У оддийгина қилиб отасига, нима учун бу қутида унинг исми ёзилганини билмаслигини айтиши мумкин эди. Аммо аслида Тара бу қутини нима учун юборишганлигини билар эди. Унинг ичидаги ўзи буюртма берган нарса бор эди. Бир нечта ҳафта олдин маҳаллий газетада чиқкан кичкина купонни тўлдириб, почта орқали жўнатган эди. Энди эса буюртмани жўнатишганди ва уни бу пакет билан ушлаб олсалар, ўзи билан нима юз беришидан хавотир олаётган эди. Уни нима қилишни ҳам билмасди. Уни қолдириш керакми (албатта яшириш) ёки отасига айтиш керакми, қарор қилиши керак эди.

Унинг қизиқувчанлиги қўрқувдан устун келди ва у кичкина китоблардан бирини олди. Юмшоқ жигар рангли муқовада битта сўз бор эди: «Ибтидо». Каровотда ўтириб, китобни очди ва ўқишини бошлади.

Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича дарсларни юбориши билан, биринчи кунидан бошлаб, Тара буларни дикқат билан ўрганди. Ҳар ҳафта икки-уч бобини ўқирди. У тестлар топширап, уларни Муқаддас Китоб билан бирга келган конвертга солар ва хизматкордан жўнатишни сўрарди. Тез орада почта орқали Тарани муваффақияти билан табриклаб, гувоҳнома жўнатишди.

Тара Покистонда ҳаммага жуда маълум бўлган, машхур ва жиддий мусулмон оиласдан эди. У имонини ўзгартиришга



интилмасди. Уни оддийгина Муқаддас Китобни ўрганиш қизиқтириб қолди, айниқса унга чиройли гувоҳномалар олиш ёқди. Бу жуда осон ва қизиқарли эди, аммо у ҳар куни қутичани ва унинг ичидагиларни каровотнинг тагига эҳтиёткорлик билан яшириб қўйганида, уни ҳаяжонга соладиган таваккал белгиси бор эди. Почтани жўнатадиган ва қабул қиласидиган хизматкорлар унинг сирини сақлашга ваъда берган эди. Агар унинг отаси билса, жуда жаҳли чиқишини ҳамма биларди. Аммо шунингдек, ҳамма Тара отасининг севимли қизи эканини ҳам билишарди. Унинг жаҳли чиқади, аммо уни уришиб, ундан Муқаддас Китобни тортиб олади. Унга фақатгина қизиқ эди. «Ўқишдан қандай зарар бўлиши мумкин?» – дея сўрарди, у ўзидан.

Орадан икки ярим йил ўтди ва Тара охирги тестни жўнатди. У Муқаддас Китобнинг ҳар бир китобини ўрганиб, бутун курсни тугатди. У шундай катта курсни тугатганидан жуда хурсанд эди. У буларнинг ҳаммаси текин эканидан ва ҳеч ким унинг сирини билмаганидан хайрон эди. Бир неча ҳафтадан кейин у яна битта катта пакет олганида янада ҳайратланди. У олдингисига қараганда анча кичкина, аммо етарлича оғир эди. Тара бунинг худди ўша Муқаддас Китоб дарсларини ва гувоҳномаларни юборган одамлардан эканини биларди, аммо у пакетда нима борлигини умуман билмасди. Пакетни очиб, у кўк муковали, вароқларининг четига олтин суви юритилган чиройли Муқаддас Китобни кўрди.

Бу қачонлардир Тара кўрган китобларининг ичидаги энг чиройлиси эди. Муқаддас Китобни очиб, у чиройли ҳарфлар билан ёзилган ўзининг исмини ва Муқаддас Китобни ўрганишни муваффақиятли тугатганлиги учун ёзилган табрикни кўрди. Тара эҳтиёткорлик билан Муқаддас Китобнинг юпқа ва рақларини ва рақлади, кейин эса ўзининг янги совғасини бошқа китоблар билан бирга каровот тагига яшириб қўйди. Ўқув материалларини сақлаш хавфли эди. Аммо агар ундан Муқаддас Китобни топсалар, бунинг учун катта тўлов тўлаш кераклигини биларди.

Аслида эса у қанча қимматбаҳо нарх тўлаш кераклигини билмасди.

## Масиҳий

Кейинги йили, Тара ўнинчи синфни аъло баҳоларга туганидан кейин, у Эрондан динларни солиштиришни ўрганиш бўйича шуғулланиш учун таклифнома олди. Унинг оиласи тез-тез Эронга зиёратга бориб турарди ва Тара у ерда ўқишини хоҳларди. Шунингдек, унинг яширин тарзда Муқаддас Китобни ўрганиши, масиҳийликни ўрганишда ёрдам беришига ҳам ишончи комил эди.

Унинг оиласи у билан бирга Эронга кетди ва айнан Эронда Тара ҳаётида биринчи марта масиҳийни учратди. Бу нарса бир куни меҳмонхонадан чиқиб, синфида топширилган кўргазмаси учун маҳаллий мачитнинг ички ҳовлисини расмга тушириш учун чиққанида юз берди. Ёш чет эллик киз учун ёлгиз ўзи юриши ҳавфли эди, аммо ўша куни Тарани қараб юрган акасига меҳмонхонадан узоққа кетмасликка ваъда берди ва акаси хоҳлаб-хоҳламасдан зўрга рухсат берди.

Ҳовли бўйлаб расмга тушириб юрганида, у қизиқарли саҳнанинг гувоҳи бўлди. Тарадан бир неча ёшга кичкина бўлган қизалоқнинг ёнида, ерда битта эркак ўтиради. У қўлларини қаттиқ сиқиб, осмонга қараб ким биландир гаплашаётгани кўриниб турарди.

«Сиз нима қилаяпсиз?» – дея сўради Тара, ўзининг бу одамга тортаётганини ҳис қилиб.

«Худо билан гаплашайман» – деди у.

«Худо билан гаплашиш мумкин эмас» – дея эътиroz билдириди, ўзининг эътирозини содда кулгиси билан тасдиқлаб. «У сиз билан гаплашиш учун осмондан тушмайдику, сиз эса осмонга чиқа олмайсиз, агарда ўлганингиздан кейин чиқмасангиз. Қандай қилиб сиз Худо билан *гаплашайман* дея оласиз?».

Бу эркак хотиржамлик билан Тарага қаради ва кулги билан: «Мен нафақат Худо билан гаплашдим, балки жавоб ҳам олдим» – деди.

Энди эса Тара бу одамнинг жинни бўлганига ишонч ҳосил қилди. «Сиз жавоб олдингиз? Сиз на пайғамбар, на фариштасиз? Қандай қилиб Худодан жавоб олишингиз мумкин?»

«Сиз Худо билан қандай гаплашиш мумкинлигини билмоқ-чимисиз?»

«Ха, албатта мен билишни хоҳлардим» – дея жавоб қилди Тара. У бу эркакга бир дақиқа ҳам ишонмади, аммо унинг, албатта бефойда тушунтиришини эшитмоқчи эди.

«У ҳолда келинг, эртага соат тўртда учрашамиз. Мана ўшанда мен сиз жамоатнинг манзилини ва уни қандай топиш мумкинлигини ёзиб бераман. Бу ерга келинг ва сиз нафақат Худо билан гаплашиш мумкинлигини, балки У сизни севиши ҳақида ҳам билиб оласиз» – деди.

Тара меҳмонхонага қайтганида ва бу ҳақида акасига айтганида, акасининг жаҳли чиқди. «Сен ўзинг ҳақингда нима деб ўйлајапсан?»... Сен у ерга боришинг мумкин эмас. Бу масихий жамоат! Бу Эрон, сен эса мусулмон аёлсан. Агар сени шундай жойда ушлаб олсалар, дорга осишлари мумкин!

«Менга ҳар хил динларни ўрганиш вазифасини беришган. Агар мен изланиш билан шуғулланмасам, қандай қилиб ўқишини тугата оламан?» – дея қаршилик билдириди Тара.

Уларнинг баҳси Таранинг акаси маҳаллий полиция маҳкамасидан жамоатга бориш учун рухсат сўрашга рози бўлганда тугади. Полициядан уни судга жўнатдилар, у ерда эса рухсат бердилар. Аммо хукумат, уни жамоатга ўн иккита хавфсизлик зобитлари ва акаси кузатиб боришини талаб қилди.

«Кўрқма» – деди акаси. «Агар нимадир бўлса, мен полиция билан бирга эшик олдида бўламан». Тара жамоатда нима бўлишидан ва бунчалик коровуллар нима учун кераклигидан ҳайратда эди.

Кейинги куни соат тўртда Тара жамоатга кирди. У қўрқувдан титраб, секин юриб бораради. Полиция ва унинг акаси эшик олдида кутарди. Ички ҳовлида учратган эркакдан ташкари, Тара ҳеч қачон битта ҳам масихийни кўрмаган эди. Масихийлар қандай кўриниши, ўзларини қандай тутиши, улар хавфлими ёки йўқлиги уни қизиқтирап эди.

Агар зарур бўлса тез чиқиши учун у эшик олдидан унча узок бўлмаган жойни танлади. Деярли барча ёғочдан бўлган ўриндиқлар банд эди ва қўшиқ айтиш бошланди. Келганларнинг ҳар бири забур қўшиқларини кўйлашар эдилар ва Тара Муқаддас Китобни ўрганганида учратган оятларни таниши ҳақида ўйлади.

Қўшиқ айтишдан кейин саҳнага бир эркак чиқди ва ибодат ҳақида гапира бошлади. У кимда ибодат муҳтоҷжиллари бўлса олдинга чиқишини сўради.

Айрим одамлар олдинга чиқишини бошлаганида, Тара кечада ҳовлида учратган одамни кўрди. У қўлида саккиз яшарлар қизни кўтариб чиқди. Қизалоқ кўринишидан ногирон эди. Унинг қўлларида ҳаёт изи кўринмасди ва отаси кўтариб бораётганида отасининг орқа белига уриларди. Унинг кўзлари бўй-бўй, зўрга тирикдек эди.

Эркак олдинга чиқди ва Худодан унинг боласини шифолаши учун овоз чиқариб ибодат қила бошлади. Жамоатнинг бошқа аъзолари у билан бирга Худодан қизалоқни шифолашини сўрай бошладилар. Худо билан шундай гаплашишга харакат қилиш учун, одам аҳмоқ бўлиши керак, дея ўйлади. Нима учун Худо бу болакайга ёрдам бериши керак? Тара учун бу ҳеч қандай маъно касб этмасди, аммо шубҳаларига қарамасдан, бу уни ўзига ром қилганди ва юз бераётган ҳамма нарсани ўз диссертациясида ёзиш учун эслаб қолишни хоҳларди.

Кейин Тара ногирон қизалоқ харакатланишини бошлаганини кўрди. Унинг оёқлари секин тўғирланди ва отаси унга ёрдам берган ҳолда, уни оҳиста ерга кўйди.

«Ё Худойим» – деб ўйлади Тара – «Бунинг юз бераётганига ишона олмайман».

Жамоатда йигилган одамлар яна Худони улуғловчи қўшиқлар куйлашни бошладилар, кичкина қизалоқ эса шифо топиб, жамоатнинг марказий кириш эшиги томон юрди ва тўппа-тўғри Таранинг кўзларига қаради. У Тара ўтирган ўриндиқ ёнига келганида, унга бир гап айтди: «Эммануел» – деди, кейин эса орқасига қайрилиб, ўриндиқларни оралаб, отасининг ёнига кетди.

Тара ўзи билан нима юз берганидан ҳайратда эди, ҳамма фикрлари ўшанга қаратилган эди. Нима учун бу кичкинотай қизалоқ жамоатдаги шунча одамлар ичидан, айнан унинг ёнига келди? Қандай қилиб унинг оёқлари тўғирланди. Тара бошлаган динларни ўрганиш, унга жавобдан кўра кўпроқ саволлар пайдо қилди. У нима юз бераётганини тушунишга харакат қиласарди.

У гувоҳи бўлган нарса ҳақида ҳеч кимга айтишга журъат

қила олмасди. Аммо албатта эсдан ҳам чиқара олмасди. Кейинроқ Покистонга қайтиб келганида, у жавоб топиш мумкин бўлган жойга, яъни кўк Муқаддас Китобга мурожат қилди. Бу сафар Тара уни тест топшириш учун эмас, балки ҳақиқатни синчковлик билан излаш учун ўқиди.

Ҳар куни у Муқаддас Китоб ва Куръон ўртасидаги фаркни, нима учун мусулмонлар масихийларга қарши шундай кайфиятда эканини тушуниш учун уни ғайрат билан ўрганар эди.

«Масиҳий Худо ҳақиқат бўлиши керак» – дея ўйлади у. «Бўлмаса У қандай қилиб улар ибодат қилганини эшигади?».

### Уни сотиб бердилар

Ниҳоят Тара бир ўзи динни ўрганишда давом эта олмаслигини тушунди. У ким биландир гаплашиши керак эди. Дин бўйича курс, жамоатда кўрган ва Муқаддас Китобдан ўқиган нарсалари унга жавоб бериш ўрнига, фақатгина қўшимча саволлар пайдо қилди. У нима юз бераётганини тушунишни жуда ҳам хоҳларди.

«Дада, мен дўстларим билан айланиб келишга кетаяпман» – деди Тара отасига, кетишга тайёргарлик кўраётиб. Ўн олти йил ичида биринчи марта у отасига ёлғон гапирди ва катта, ҳашаматли отасининг уйидан кетаётганида айборлик ҳисси унга тинчлик бермади. Аммо бу масиҳийлик имони қандай эканини билишни хоҳларди. Буни билишнинг ягона йўли эса, бу – жамоатга бориш эди.

У бутун шахарни айланди, жамоатга кирди ва ўриндиқка ўтирди. Йигилиш бошланди. Йигилишдан кейин у йигилишни олиб борган эркакнинг олдига келди ва ундан бир нечта саволларга жавоб беришини сўради. Чўпон рози бўлди. Тара ўйладики, жамоат – бу жамоат, масиҳий – бу масиҳий ва улардан бири унга ёрдам бериши мумкин. Афсуски, бу сафар у адашган эди.

Тара ҳар ҳафта чўпон билан гаплашиш учун келарди ва кўп саволлар берарди. У ўзининг шахсий хавфсизлигидан хавотир оларди ва у бир нечта марта Тара бу ерга келмаса яхши бўлиши ҳақида айтди. «Аммо саволларимга жавоб олиш учун, мен яна қаерга боришм мумкин» – дея жавоб қилди Тара.

Унинг тиришқоқлиги чўпонни қандайdir муддатга ишонтириди, лекин охир-оқибатда чўпон таваккал жуда катта эканигини хис қилди. Чўпон кўнгилсизликлардан қочаман деб ўйлаб, Таранинг отаси билан учрашди ва унга Таранинг жамоатга келгани ва Муқаддас Китобдан жуда кўп саволлар бергани ҳақида айтди. Бир неча дақиқа ичида у Худо ҳақида кўпроқ билишни хоҳлаган мусулмон қизни сотиб қўйди.

«Сен ўзи нима қиласяпсан?» – дея қичкирди Таранинг отаси ўз қизига, у уйга қайтиб келганида. «Сен мени ва бутун оиласизни шарманда қилганингни биласанми ўзи? Қандай қилиб бу одам билан учрашишга ҳаддинг сифди? У мусулмон эмас! У масиҳий! Сен нима жиннимисан? Қандай қилиб бунчалар аҳмок бўлмасанг? Сен нима масиҳиймисан?».

Тара отасининг шунчалик ғазабланишидан ҳайратда эди, у ҳеч қачон отасини бундай ҳолда кўрмаган эди. У фақатгина саволлар бергани ва масиҳий бўлиш ҳатто фикрига ҳам келмаганини тушунтиришга харакат қилди, аммо у Тарани эшитмади. У хафа бўлиб, Таранинг кетишини сўради ва Тара кўз ёшлар билан хонасига югуриб кетди. У нима қилишини ва отасини қандай қилиб тинчлантиришни билмасди.

Унинг кўп саволлари ҳали ҳам жавобсиз қолган эди. Ўзининг хонасида бўлиб ўтган воқеаларга қарамасдан, Тара яна кўк чармдан бўлган кичкина Муқаддас Китобга қараб интилди. Кўз ёшларини артиб, у Муқаддас Китобни очди ва ўқишига харакат қилди, аммо ҳаёлида отасининг жаҳлдор сўзлари янгарди.

Аста-секин қадимий сўзлар уни ўзига жалб қилди, тинчлантириди ва Худонинг севгиси билан далда берди. У Муқаддас Сўзларни ўқишига шунчалик берилиб кетдики, вақтни эсдан чиқариб қўйди ва хонасига отаси кирганини ҳам сезмай қолди. Бошида отасининг юзи кўринишига қараганда, у бекорга кичкина қизига қичқиргандек туюлди. Аммо унинг ўқиётганини кўрганида яна жаҳли чиқиб кетди.

«Сен – масиҳиймисан! Энди мен сенинг масиҳий эканингни биламан!» – дея бақирди у.

«Дада, мен масиҳий эмасман. Мен учун фақатгина қизиқарли. Сиз менга ишонишинг керак!».

«Сен мени алдама! Шундай бўлса нега Муқаддас Китобни ўқияпсан?»

«Илтимос, дада менга ишонинг, бу фақат мен ўқиётган оддий китоб. Сиз мени охирги пайтлар кўп ўрганаётганимни биласизку». Тара бор кучи билан ўзининг бегуноҳлигига ишонтиришга ҳаракат қилди, аммо у Таранинг юзига айлантириб солди.

«Қандай қилиб сенинг оиласиз билан шундай йўл тутишга ҳаддинг сифди! Биз мусулмонмиз!. У отасидан кўркиб орқага қочди, у отасининг урганига ишона олмасди. Қаттиқ оғриди. У яна унинг олдига келди ва урди.

«Биз мусулмон бўлиб туғилдик ва мусулмон бўлиб ўламиз. Сен эса энди менинг қизим эмассан!»

Таранинг йиглаётганини эшитган акаси, нима бўлаётганини билиш учун хонага югуриб кирди. «Сенинг синглинг масиҳий бўлиби! У чўпоннинг олдига бориби, энди эса кўраяпманки, у Муқаддас Китобни ўқияпти!»

Айбини эшитиб, Таранинг акасини ҳам жаҳли чиқди. Отаси билан биргаликда Тарага ташландилар ва биргаликда уни дўппослашни бошладилар. У кўк Муқаддас Китобни кўрди ва жаҳл билан унинг четларига олтин суви юритилган варакларини юла бошлади. Таранинг отаси камарни олиб, икки қават қилди. Жаҳл билан қизининг юзига ва орқасига ура бошлади, Тара эса асабий йиглаган ҳолда, полга ёпишиб қолди.

«Дада, ҳаммаси янада ёмонлашиб кетмасидан олдин, сиз унга тезроқ эр топишингиз керак» – деди жаҳлдан ва ҳаракатлардан қизиган акаси. Иккита эркак ниҳоят хонадан чиққанида, дадаси розилик билан бошини чайқади.

### Эммануел, Эммануел

Хонанинг ўртасидаги полда ётиб ва йиглаб, Тара ўзининг биринчи ибодатини айтди: «Раббим, менинг отам ва акам нима ҳақида айтаётганини билмайман. Мен масиҳий эмасман. Мен мусулмонман. Аммо ҳозир қайси йўлдан кетишни билмайман. Илтимос менга йўл кўрсат ва мен ўша йўлдан бораман».

Ибодатдан кейинн Тара тинчланди ва полда ётиб қаттиқ ухлаб қолди. Бир қанча вақт ўтди ва кимдир унинг бошини кўтарганини ва оҳиста силаётганини ҳис қилди. У овоз эшитди ва у овоз ўзи томон келайётгандек янгради. Бу овоз: «Эммануел, Эммануел» – деди. Тара тезда ўрнидан турди ва хонани қаради, аммо хона бўй-бўй эди. У ғалати тушни эслади, чунки бу ростдан ҳам туш эди, тўғрими? – ва у ҳозир иккинчи марта эшитган, яъни «Эммануел» – деган ғалати сўзни такрорлашга харакат қилди.

Тара Эронда ўзи билан юз берган воқеаларни эслаб, каровотда ётарди. «Бу нимани англатади?» – деда ўйлади овоз чиқариб. «Нима учун мен ҳар доим бу сўзни эшитаман?»

У оҳиста ўзининг юзларига қўлини қўйди ва оғриқдан сакраб кетди. Бутун умри бўйи отаси уни ҳеч қачон урмаган эди ва Тара отасининг газаби ва жаҳлидан лол бўлиб қолганди. У ва отаси жуда яқин эдилар. Энди эса улар ҳеч қачон яқин бўйламаслигини билди. У ўзининг қайсарлик билан ҳақиқатни излаши каби, отасининг ҳам жаҳлини тишиши қийин бўлиши ҳақида ўйлади.

Бир неча кун ўтиб, Таранинг отаси қизининг ёнига ўтирди. Қизининг кўзлари дўппослашдан кейин кўкариб қолган эди. Унинг кўзлари яна қайгули кўринарди: «Тара, мен сен билан шундай иш тутганимдан жуда афсусдаман» – деди у. «Отага ўзининг қизини уриш уятли. Сенга озор беришни хоҳламаслигимни тушунишинг керак. Аммо мен кўрган нарсамни кўтара олмайман. Мени кечир, илтимос».

Тара отасининг юмшоқ сўзларига унчалик ишонмасдан, жим-жит бўлиб ўтиради. «Мен вақти келганини биламан, сен турмушга чиқишинг керак» – деда давом этди у.

Тара ўзини улар урганларидан кейин акаси нима айтганини эслади. Аммо унинг ёши ҳали ўн олтида эди ва у турмушга чиқишини хоҳламасди. «Дада, мен турмушга чиқиш учун жуда ёшман. Мен ўқишини тугатишни хоҳлайман» – деди. У хотиржамлик билан гапиришга харакат қилди.

Отаси ўрнидан турди ва баланд овоз билан қичкириб: «Сен учун турмушга чиқиш яхшироқ. Мен буни талаб қиласман» – деди.

Отасининг овози шунчалик совуқ эдики, Тара қўрқиб кетди, аммо у шунча осонликча тан беришни хоҳламасди. «Йўқ, дада хоҳламайман. Мен ҳали ёшман, олдин ўқишни тугатишим керак. Шартнома бўйича никоҳга чиқишни хоҳламайман. Ким ўзи у? Унинг исми ким? Унинг эътиқоди қанақа?»

У айтётган сўзлари маъносини англашидан олдин, кўп сўзлар айтиб ташлади. Мусулмон қизининг оғзидан аҳмокона сўзлар чиқди. Уларнинг оиласи учун битта дин, яъни ислом дини мавжуд эди. Отасининг яна жаҳли чиқиб, бақирди: «Сен нимани назарда тутаяпсан, қанақа имон? Бизда битта эътиқод. Биз мусулмонмиз» – деди. Унинг қўлидан ушлаб, ўзига яқинроқ тортди ва унга қаради: «Сен масиҳийсан! Масиҳийсан! Мен буни аниқ биламан!»

Тара ўзининг ҳимоясига бирорта сўз айта олишидан олдин, у яна отасининг қаттиқ тарсакисини ҳис қилди. У қизининг масиҳийликни қабул қилганига ишончи комил эди ва худди бурчи талаб қилгандек йўл тутди.

Отаси Таранинг юзига яна ураётган пайтида хонага кириб қолган бошқа синглиси даҳшатдан қичқириб юборди.

Яқин атрофда турган оила аъзолари ва хизматкорларининг кўндиришларига қарамасдан, Таранинг отаси ва акаси уни хонага олиб кирдилар ва эшикни орқасидан қулфладилар. Бурчакка тиқилган ва совуқдан титраган Тара ўзининг хаёти учун хавф соладиган сабаб борлигини биларди.

Отаси ва акаси уни қўлига илган нарса билан урдилар: биллур электр чироги сими билан, шкафнинг темир хивчини билан. Кейин улар хонадан ҳамма нарсани олиб чиқдилар: гиламлар, каровот, кийимлар, электр техникалар – ҳаммасини коридорга ўйдилар. Даҳшатли саҳна тугаганида, қонга белангтан Тара, ўз хонасининг ўртасидаги полда, бир ботмон қон устида ётарди. Отаси эшикни ёпишидан олдин, унга деди: «Сен ёки эрга чиқсан, ёки ўласан. Танла. Агар масиҳий бўлсанг, сен учун бу шаҳарда жой йўқ. Агар сен эрга чиқсанг, унда менинг қизим бўласан. Акс ҳолда сен шу ерда ёлғизлиқда ўласан».



## Қочиши

Тара совук тошдан бўлган полда ётарди. У гоҳ хушидан кетар, гоҳ ўзига келар эди. Унга ёрдам беришга ҳеч кимга рухсат бермадилар. Унинг оиласи, агарда у овқатсиз ва тиббий ёрдамсиз қолса, у фикрини ўзгариради дея ўйлади. Учинчи куни Тара овқат ейишга мұяссар бўлди, аммо унинг соchlар полдаги бир ботмон қонга ёпишиб қолган эди. Изтироб чеккан, қайгули ҳолда ўз яраларига қараб, нима юз берганини англашга ҳаракат қиласади. Унинг күнгли айниди. У ҳатто Худони қидириш мана шунга олиб келиши ҳақида тасаввур ҳам қила олмасди. Аммо энди у факат битта нарса ҳақида, қандай қилиб қутилиш ҳақида ўйларди. Илгари у бир кунни ҳам оиласидан узоқда ўтказмаган эди, энди эса нима қилишни билмасди. Аммо бунинг аҳамияти йўқ эди. У қочиши кераклигини биларди.

У кийимларидан нимадир қолдимикан дея қараш учун зўрга шкафнинг олдига келди ва улар Эронга бориб келган кичкина сумкасини олиб чиқиб кетишмаганлигини кўрди. Сумкада кийим, озгина пул, озгинча тақинчоқлар ва паспорти бор эди. Тара секинлик билан, ҳар битта ҳаракатида оғриқдан инграб, қонга белангандан кийимини ечди. Кийинганидан кейин хонанинг ўртасида турди ва охирги марта у ёқ буёкка қаради. Агар кетса, у ҳеч қачон уйга қайта олмаслигини биларди. Унинг маданиятида уйдан қочиши, худди масихий бўлишдек ёмон нарса эди. Унинг оиласи ҳеч қачон бундай таҳқирланишни кечира олмаслигини ҳам биларди. Агар уни ҳозир ушлаб олсалар, албатта ўлдирадилар.

Оғир юрак билан ўз ётогининг ойнасидан чиқди ва эҳтиёткорлик билан атрофга боқиб, автобус бекатига етиб олди. Тара эгила олмасди, унинг ҳамма жойи оғриётган эди. У қайғудан адои тамом бўлган эди. Уни ҳаракатланишга мажбур қилаётган ягона нарса, бу агар отаси ва акаси топиб олса, у билан нима қилиш ҳақида қўрқув ва шунингдек масихий Худо ҳақида билиш эди. Автобус бекатига етиб олганда, у ўзи озгина биладиган ва бир неча соат юриш керак бўлган шаҳарга чипта сотиб олди. У бу шаҳарда ўз оиласи билан бир неча бор бўлган ва у ерда кўрган жамоатдан қочиши учун жой сўрашни режалаштирган эди. Унга албатта ихтиёрий масихий ёрдам беради, деб ўйлаган эди.

Йўл узок, одамлар эса унга диққат билан қарар, қон ва юзлари кўкарган ўспирин қиз ҳақида шивирлаб гаплашишар эдилар. Тара шаҳардаги машхур оиласдан келишган қиз эди; йўловчиларнинг у ҳақида нима ўйлаётганини биларди ва таҳқирланишдан қийналарди. Бу тажриба у учун янги эди ва ўзининг Худога интилиши, воз кечган нарсасига арзишига умид қиласарди. У атрофдагиларнинг диққатли нигоҳидан қочишга ҳаракат қиласарди ва улар полицияга тутиб бермаслигига умид қиласарди. Унинг мамлакатида аёллар кам хуқуқга эга, уларни камдан кам ҳоллардагина эркакларнинг кузатувисиз кўриш мумкин эди.

Автобус нихоят шаҳарга етиб келганида, Тара тезда тушди ва оломонга қўшилишга ҳаракат қилди, аммо у ўзининг кўкарган юзи ва танасидаги кўриниб турган моматалоқлар билан қилиш қийин эди. Аммо у жамоатга етиб олиши биланок, ўзини озгина тартибга солиб оламан, дея ўйлади.

Жамоатнинг эшиги олдига яқинлашганда, уни эшик олдида турган Қутқариш Армияси зобити кутиб олди. Қанчалик ғалати бўлмасин, у Тарага бошқа жойдан ёрдам қидиришга ундаи бошлади. «Сизнинг ўрнингизда бўлганимда мен бу жамоатнинг етакчиси билан ёлғиз қолмаган бўлардим. Миш-мишларга қараганда...» – деди у.

Тара йиғлаб юборишга тайёр эди. «Бу нимаси ўзи?» – дея сўради у. «Мен масиҳийлар – масиҳийлар деб ўйлардим, сиз эса бу жамоат мен учун эмас деб айтаяпсиз. Мен шунинг учун ўйимдан қочдимми?»

«Юринг менинг ўйимга» – деди у дўстона муносабат билан. «Мен сизга ёрдам беришим ва ҳимоя қилишим мумкин» – деди.

Тара бу одамнинг ўигига боришга кўркишига қарамасдан, унда бошқа иложи йўқ эди. У ўзи хоҳламасдан у билан бирга борди. Унинг хотини ва иккита ўғли бор эди. Бутун оила у билан деярли икки ҳафта яхши муносабатда бўлди. Кейин бу оиласда гап сўзлар бошланди; хотини эри бу келишган ёш меҳмон билан дон олишиб юришни хоҳлаётганликда гумон қилди. Нихоят, Тара чидай олмай, эркақдан уни қаергадир олиб боришини сўради. Ундан ўтиниб сўради: «Бошқа шаҳарда менга ёрдам

бера оладиган бошқа кимнидир билишингиз керак. Ўша ерга олиб боринг, илтимос. Мен ўзим иш топаман. Мен сизнинг ёрдамингизни жуда қадрлайман, аммо мен сизнинг оиласнгизга кўнгилсизлик олиб келишни хоҳламайман» – деди.

«Мен сизга ёрдам бериши мумкин бўлган одамни биламан. У сизнинг она шахрингиздан» – деди Куткариш Армиясидан бўлган киши.

Тара унинг сўзларини эшитиб, қўрқиб кетди. «Бу унчалик яхши фикр деб ўйламайман» – деди у. «Менинг отам қаердалигимни билмайди ва мен ҳам билишини хоҳламайман» – деди.

«Хавотир олманг» – деди бу эркак. «Мен у одамни биламан. У сизга ёрдам беради».

### Воз кечган амаки

Бошқа иложи бўлмасдан, Тара бу одам билан учрашишга рози бўлди. Аммо уни биринчи марта кўрганида, бу киши уни белгиланган жойда кутаётган эди ва Тара хушидан кетиб қолишига сал қолди. «Бу менинг дадам-ку! Сиз мени алдадингиз!» – дея қичқирди у.

«Йўк, бу сенинг даданг эмас, мен бунга аминман» – деди у. «Бор ва таниш у билан».

Тара бу одам у ҳеч қачон кўрмаган амакиси эканини билганида жуда ҳайрон бўлди; у жуда отасига ўхшарди. «Нима учун дадам ҳеч қачон сиз ҳақингизда бизга айтмаган?» – дея сўради Тара.

«Шариат қонунлари кучга киритулганга қадар, 1952 йилда мен масиҳийликни қабул қилдим» – дея мамлакатдаги исломий қонунчиликни қабул қилиш ҳақида ҳикоя қилиб, тушунтириди амакиси. «Ўшанда қонун бўйича бошқа динни қабул қилиш мумкин эди, аммо жамият буни қоралади. Сенинг отанг мендан юз ўғирди. Ўшандан бўён мен бу ерда чўпон бўлиб хизмат қиласан. Энди Худо сени бу ерга юборганини биламан. Хавотир олма, мен сен ҳақингда ғамхўрлик қиласан. Сен менинг қизим бўласан».

Тара хотиржам бўлди ва унда умид учқунлари пайдо бўлди: эҳтимол у бу ерда ўтириб қолиши, иш топиши, ўқишини давом эттириши мумкин бўлар.

Тез орада унинг амакиси яхши ва сахий одам эканини билиб олди. У амакисини яхши кўрди ва у билан фахрланар эди. У Тара билан соатлаб масиҳийлик ҳақида гаплашар ва саволларига жавоб берарди. Бир куни Эммануел сўзининг маъносини тушунтириди. Амакисининг уйида икки ой яшаб, масиҳийликни ўрганиб, Тара энди Исонинг ким эканлигини ҳақиқатдан тушунди. Ибодат қилиб Худодан гуноҳлари учун кечирим сўради ва ўз юрагини Худога топширди.

Тара Худони қидирди ва Уни топди, аммо синовлар энди бошланган эди.

Амакисини кўришга келган амакиваччаларидан бири Тарани танигандек туюлганида, кўнгилсизликлар бошланди.

«Эй, йўқ» – дея ишонтириди амакиси. «Бу битта танишим, у мени кўришга келган».

Аммо унинг сўзлари амакиваччасини қониқтирмади ва у уйига қайтганида, Таранинг отасига телефон қилди ва акасининг уйида кўрган қиз Тарага ўхшаб туюлганини айтди.

Бир неча кунлар ўтди, бошқа хонадан тез юриб келаётган қадам товушини эшитганида, Тара амакисининг ошхонасида ишлаб юрганди. Тара ўша ёқقا шоҳди ва ошхонага қулочини очиб келаётган амакиси билан тўқнашиб кетишига сал қолди. «Бу сенинг отанг. У буёқقا келаяпти. Сен ҳозироқ кетишинг керак! Қоч! Мен сенга айтган дўстларимнинг шаҳардан ташқаридаги фермасига югар. Мана пул, энди югар. Ва хавотир олма, мен отангга ҳеч нарса айтмайман. Мен сени бир неча кундан сўнг кўришга бораман».

Тара орқа эшикдан қочиб чиққанида, отаси ва акаси олдинги эшиқдан уйга кирдилар. Унда ўйланиш учун вақт йўқ эди, у югорди ва кучи борича югуриб қочди. Амакиси бунга ўхшаган ҳолатлар юз бергудек бўлса, ҳар доим ўзи билан олиб юришини айтиб берган манзилни чўнтагидан топди.

Халлослаб, юрагида оғриқ сезиб, Тара ниҳоят асосий кўчагача югуриб борди ва югуришни секинлатди, у одамларда шубҳа уйғотишни хоҳламасди. Таксини тўхтатиб, у ўриндиқка ўзини ташлади ва кўзларини юмди. У тасодифан топган амакисининг уйида атиги икки ой яшаб, яна қочиб кетаётганига ишонгиси

келмасди. Аммо тез юргани учун юраги уриб ётишига қарамасдан, уни ғалати бир хотиржамлик әгаллаб олди. У жим ўтириб, отаси ва акаси ҳақида ибодат қилди. Улар амакисига кўп азоб бермасликлари учун хам ибодат қилди.

Тара шаҳарда ҳаммаси тинчигунга қадар, ўн кун мобайнода фермада яшади. Нихоят амакиси уни кўришга келди ва Тара у билан уйига кетишни жуда хоҳлади. Аммо амакисининг қиёфасини кўрганида, унинг юраги орқага тортиб кетди. «Нима бўлди амаки?» – дея сўради у.

«Тара биласанми, мана шу икки ой меникида яшаганингдан жуда хурсандман» – деди кўзларини олиб қочиб. «Худо мен орзу қилган қизни, яъни қон ва рух бўйича қизни берди, дея ҳис қилгандим.

Аммо сен мен билан уйга қайтолмайсан. Бу жуда хавфли. Сенга буни айтишга тўғри келганидан жуда афсусдаман, аммо отанг бу иш у ва оиласи шаънига тегишли эканини айтди».

Тара амакиси ҳақиқатни айтиётганини биларди. Унинг отаси ва акаси ҳеч қачон уни қидиришдан тўхтамасликларини биларди ва ҳатто улар уни топиб олсалар, нима юз беришлигига шубҳа ҳам қилмасди. Ўз-ўзига ачиниш унинг ақлини хиралаштираётганини ҳис қилди, аммо амакисининг кўзида кўрган қайғу унинг юрагини эзар ва ўз ҳиссиётларидан дикқатини тортиб, амакисининг қайғусини тушунишга ёрдам берарди.

«Амаки, илтимос, хавотир олманг», – деди у амакисининг қўлини қаттиқ сиқиб. «Аксинча, шунча кўнгилсизликлар олиб келганим учун, мен сиздан кечирим сўрашим керак. Худо мени сизнинг олдингизга олиб келганидан жуда миннатдорман. Мен қидирган саволларга жавобни сиздан топдим ва энди мен ҳар қачонгидан ҳам хотиржамман. Мен ҳеч қачон бунинг эвазига сизга нимадир қайтара олмасам керак».

Уларнинг ажralиши жуда қайғули бўлди. Тара яна янги уйга кўчишга тайёргарлик кўрди. Амакиси у ота-онасининг уйида узоқ бўлган бошқа шаҳарда, ўзи яхши билган бир танишининг уйида яшашига келишиб олган эди. Ажralиш вақтида у ўзининг хавотирини амакисидан бекитишга ҳаракат қилди. Аммо хаёлида қачондир қочишдан тўхтармиканман, дея ўйлади?

Янги уйда Тарани очик қучоқлар билан чўпон, унинг рафиқаси ва учта ўғиллари кутиб олди. Болалар тезда Тарани ўзларининг опаси каби қабул қилдилар. Энг катта ўғли Рубин, Таранинг жасоратидан жуда ҳам фахрланди.

Тарани ҳеч ҳам тўхтамасдан қувгин қилаётган отасидан ва акаларидан химоя қилиш учун, янги оиласи Тара кўпроқ вақтини ўз хонасида ўтказишини сўради. Агар кимдир келса (одамлар ҳар куни келарди – оила бошлиги чўпон эди), Тара эртаю-кеч у ерда бўларди.

Таранинг хонаси икки қисмга бўлинган эди: биттасида ухларди, иккинчисида эса ўтирап ва ўқир эди. Хонанинг иккала хонаси биргаликда, у улгайган хонадан кичкина эди. Тара ишониши мумкин бўлган оиласида яшаётганидан енгиллик хис қилди, аммо дарбадарлик унинг жонига теккан эди. Уни кўтара олмаслигини биларди.

«Илтимос, хонадан чикишга рухсат беринг» – дея илтимос қилди бир куни эрталаб Тара. «Сизлар мени химоя қилишга ҳаракат қилаётганингизни биламан, аммо мен ўзимни маҳбусдек хис қилаяпман. Бундай яшаб бўлмайди».

Чўпон Таранинг хоҳлаган жойига боришга имкони бўлишини хоҳларди, аммо уни отаси ва акаси қидираётганини биларди. Улар шаҳар бўйлаб юриб, у хақида сўрар ва ўзларида уни ўлдириш нияти борлигини тасдиқлардилар.

«Тара, яна озгина чида, кейин биз сени қўйиб юборамиз» – деди у. «Бу сен учун фойдали».

Тара ўзида бошқа иложи йўқлигини биларди. Агар уни шаҳарда кўрсалар, у нафақат ўзини, балки тутинган оиласини ҳам хавф остига қўяди. У бу вақтни фойдали ишлатишга ҳаракат қилди: ўқирди, ўрганарди, аммо кўп вақтни кўз ёш тўкиб ўтказарди. Унинг кичкина хонаси бир йил унинг уйи бўлди.

Нихоят, бир куни кечкурун Тара чўпоннинг жамоат учун янги котиба кераклиги ҳақида гапирганини эшитиб қолди. Кейинги куни у Таранинг хонасига кирганида, Тара ундан бу ишни унга беришини сўради. «Илтимос, чўпон!» – дея сўради – «мени бу ишга олинг! Мен шунча вақт сизнинг ваъзларингизни

ёздим. Бу иш қўлимдан келишини биламан. Мен бир йилдан бўён шу ердаман. Отам ва акам аллақачон кетишган».

Чўпон унинг чиқишини унча хоҳламасди, аммо ҳамма вақт Тарани уйда сақлай олмаслигини хам биларди. У катта чўпондан бу ишни Тарага ишониб топширишни сўрашга рози бўлди.

Кейинги ҳафта Тара жамоат котибаси бўлди. «Тара, дикқат билан эшит», – деди чўпон унга йўл-йўриқ кўрсатиб. «Сен менинг бошқа шаҳарлик жиянимсан. Илтимос, мени «чўпон» деб чақирма. Шу пайтдан бошлаб «амаки» дея чақир, биз эса сени Ребекка деб атаймиз. Ўзинг ҳақингда ҳеч кимга айтма. Тушундингми?»

Тара нафакат тушунди, балки жуда хурсанд ҳам эди.

Ўзининг янги ишида Тара ютуқларга эришди. У инглиз тилини ўрганди ва катта чўпон бўлган англияликка ёқиб қолди. Унга жамоатнинг молиявий ишлари билан шуғулланишни топширдилар ва у ҳатто якшанба кунидаги мактабда ваъз ўқиши ҳам бошлади.

Катта чўпон Таранинг тарихини билиб, яширин равишда масиҳийликни қабул қилган мусулмонлар билан яккама-якка гапиришга рухсат берди.

Тара бу иш унинг асосий хизмати бўлишини хис қилди. Янги имонга келганлар бошдан кечирган қийинчиликларни бошдан кечиришга имкон бергани учун Худога миннатдорчилик билдириди. Таранинг хикояси эса уларга далда берганини хис қиласидилар.

Тара ишлаб бошлаганидан олти ой ўтиб, уни жамоатнинг ертўласида яширин равишда сувга чўмдирдилар. Унинг тутинган оиласи, катта чўпон ва амакиси иштирок этди.

### Қаттиқ ваъз қилиш хоҳиши

Тара ўзининг янги оиласи билан икки йил яшади. У ўн саккиз ёшга тўлди. У кетишни ва ваъз қилишни хоҳлади.

У ўзининг котибалик иши билан хурсанд эди, аммо Хушхабарни ваъз қилишга интилар эди. Ташкилотдаги кўп ишчилар масиҳий оилаларда туғилган эди, аммо Тара илгари мусулмон

бўлгани учун, мусулмонлар билан гаплашиши мумкин эди. Тара отасининг ва акасининг қаттиқ дўппослашларини ўзида синааб кўрган, оиласидан ҳайдалган ва қувгинга дучор бўлган эди. Бошқалар билан бўлишиши мумкин бўлган нарсаси бор эди ва уни одамлар тинглашини биларди.

Бир куни чўпоннинг катта ўғли Хушхабарни ваъз қилиш учун кетишга тайёрланаётганида «Илтимос, Рубин! Сен билан боришимга рухсат бер» – дея Рубиндан илтимос қилди.

«Йўқ Тара» – деди у. Рубин унга рад қилишни хоҳламасди, чунки унда одамларга қанчалик насиҳат қилиш, Масихга олиб келиш хохиши борлигини биларди. «Бу жуда хавфли. Сенинг ҳикоянг кимнидир хафа қилиши ва у ҳукуматга чакиб бериши мумкин. Мени қўлга олишлари мумкин, аммо сен қўлга тушсанг, шубҳасиз ўлдиришади».

Рубин Тарани опа сифатида яхши кўрарди ва уни хавф остига қўя олмасди. Аммо у билан бирга боришга туриб олишини биларди ва бунда у ҳақ эди. Унда аллақачон тайёр сабаблар ҳам бор эди.

«Рубин, нима муҳимрок» – дея сўради у, «менинг хавфсизлигимми ёки сен етиб боришни хоҳлаган адашган кўйларми?»

Рубин ўзининг мағлубиятини тан олди ва Тара у билан бирга қатнай бошлади. У Тарани ваъз қилиш санъатига ўргатди.

Яна икки йил ҳеч қандай кўнгилсизликларсиз ўтди. Тара чўпоннинг жияни сифатидаги янги ҳаётга ўрганиб қолди ва ўзининг коллеждаги ўқишининг бир қисмини тугатди. У шунингдек, ўзи учун янги вазифа ҳам топди – у илгари мусулмон ва хинду бўлганларни сувга чўмдиришни ташкил қиласди. Бу Рубин ва унинг узоқ туманлардан одамларни Масихга олиб келиш ишининг маҳсули эди. У шунингдек одамларни саводини ўстириш бўйича ўқитиши, ҳамда Хушхабарни болалар орасида ваъз қилишини ташкил қилишга ёрдам берди.

Тара ҳар доим хушёр эди, аммо аллақачон қўп вақт ўтгани учун, у ҳаётига отаси ва акаси томонидан ҳеч нарса хавф солмаётганини ҳис қилди. Жамоатнинг айрим аъзолари у чўпоннинг жияни эканига ишонмас ва унинг жамоатдаги таъсири ўсиб

бораётганидан ҳасад қиларди. У бу муаммони ечишнинг уддасидан чиқа оларди. Аммо ажойиб якшанба кунларининг бирида, Тара эшикдан ташқарига чиққанида у ҳал қила олмайдиган муаммо, уни жамоатнинг эшиги олдида кутиб турарди.

### Яна қочаяпти

Тара уни тезда таниди, у амакиваччаси эди. Бу ёш йигит унга тик боққанида, Таранинг ҳар бир мушаги таранглашди, аммо у худди уни танимасликка олиб, унинг ёнидан ўтиб кетди.

«Тўхтанг! Мен сиз билан гаплашмоқчиман» – деди у орқасидан.

Овоз оҳангидан у Тарани таниганига ишончи комил эмаслигини тушунди. У уйида тўрт йил бўлмаган эди ва жуда ўзгарганди. У худди эшитмаганга олиб, йўлида давом этди. Кейин у ҳамма нарсадан кўра кўпроқ қўрқкан сўзини эшитди.

«Тара!»

Тара орқасига қаради ва мулойимлик билан жавоб берди: «Ассалому алайкум. Сиз мени чақираяпсизми? Менинг исмим Ребекка. Мен сизни танимаяпман. Кечирасиз, мен шошаяпман».

Таранинг юз кўриниши уни танитмади, аммо овози таниш эди. У амакиваччаси излаётган нарсасини топганини биларди. Энди бир неча соатдан кейин бу ерда унинг отаси ва акаси пайдо бўлади. У одамлар орасига аралашиб кетиш учун ҳаракат қилиб, тез-тез юриб кетаётганида, уни қўрқув чулгаб олди. Унинг юраги шунчалик тез ураддики, хозир чиқиб кетса керак, деб ўйлади.

Одамлар кўп бўлган қўчалардан бирида, Тара такси ушлади. «Аэропортга, илтимос» – деди у. Сумкасида пули бор эди, аммо у қаёққа қочишни билмасди. Унинг бошқа иложи йўқ эди ва шунинг учун у отаси ва акаси топиб олишидан олдин қочиб қолишини хоҳларди. Аэропортда у қаёққа учишни қарор қилишга тезроқ ҳаракат қилиб, чет элга учайтган самолётларнинг жадвалини кўз югуртириб қаради. У мамлакат шарқида жойлашган шаҳарлардан бирига учиб кетди. У ерда ҳеч бўлмаса қандайдир вақт хавфсизликда бўламан, деб ўйлади. Самолёт

кўнганидан кейин, у қаёққа боришини умуман билмасди, шунинг учун қийин ва узоқ тунни аэропортда ўтказди. У асраб олган оиласи хавотир олмаслиги учун Рубинга телефон қилди. Кейин ёлғиз ўзининг фикрлари ва хотиралари билан тинчланишга ҳаракат қилиб, жим ўтирган ҳолда ибодат қилди. У Худодан: «Худойим, нима учун айнан мен?» – дея сўрашга чоғланди. У қочқинликдаги ҳаётдан чарчади ва қачондир ўзини ҳаётда хавфсиз ҳис қиласмиканман, дея доимий яшаш жойга эга бўлармиканман, дея ўйлади.

Кейинги куни жисмонан ва руҳан әзилган Тара ўзининг тутинган оиласига қайтиб келди. У ўзини айбдор ҳис қилди. Улар Тарани шунчалик севар, у ҳақда ғамхўрлик қиласи ва унга ёрдам берардилар. Улар ўзини ва бутун масиҳий жамоатни хавф остига қўйган эдилар. Рубин унга мамлакатдан чикиб кетиш учун виза олиб беришга ҳаракат қилаётгани ҳақида айтди. Тара ҳеч нарса амалга ошмаслигидан қўрқарди, аммо шунга қарамасдан кетиш фикри билан ўзини овутди. Ҳеч бўлмаганда бошқа мамлакатда ўз дўстларига шунча кўп хавотир олиб келиш фикри уни қийнамайди. Нафақат дўстларига. Агар уни ушлаб олсалар, ҳукумат бу вазиятдан фойдаланиб, Покистондаги масиҳий жамоатга қарши катта жанжал кўтариш учун ишлатиши мумкин эди.

Тара агар қандайдир вақтга яширинсам, хавфсиз бўламан, дея ўйлади. Чўпоннинг оиласи Тара учун шунча ғамхўрлик қилаётганидан ҳасад килган иккита жамоат аъзоси ишни ўз қўлига олишга қарор қилди. Улар Покистоннинг разведка хизматига қўнгироқ қилиб, ёш қиз фаол равишда Хушхабарни тарғиб қилаётганини айтди.

### Имондан қайтган

Тарани разведка хизматига чақириб, унга қарши иш очилаётганини ва тушган аризанинг ҳақиқат эканлигини текшириш учун, маълумот тўплашларини айтишди. Ходимлар шунингдек унинг оиласи билан ҳам боғланишни хоҳладилар. Жамоат аъзоларидан бири уни тутиб бериши учун, Тара шунча марта



қочгани ва бекинганига ишона олмасди. У кўпчилик жамоат аъзоларининг яхши одамлар эканини биларди ва унинг ўтмишини яшириши кераклигини улар тушунардилар. Аммо унга зарар бериш учун, битта одам кифоя эди.

У ҳозир ўзини худди сув ости оқимига тушиб қолгандек ва бу оқимдан хеч қачон қайтиб чиқа олмайдигандек хис қилди.

Тара Худодан ўзини яна бир бор қутқаришини сўради. У яна Эммануел деган сўзни эслади. Бу сўз Худо у билан эканини англатишини ва бунинг ўзи етарли эканини биларди. Агар Худо балиқни Юнусни туфлашига мажбур қилган бўлса, у ҳолда Худо Тарани разведканинг панжасидан қутқара олишига ҳам ишонарди.

Аммо бу осон эмас эди. Разведка унинг паспортини мусодара қилган эди, уни сўроқ қилиб, қофоз формаларни тўлдиришда давом этаётган эди. У билан ҳар доим Рубин бирга эди. Тара унинг синглиси эканига уларни ишонтиришга ҳаракат қиласиди, аммо улар унга ишонмадилар. Паспортдаги фамилиялар ҳар хил эди. Тарапинг паспортида шунингдек унинг мусулмон экани ҳам кўрсатилган эди. Уни масиҳий оила билан нима боғлаб турар эди?

Тара бир кунни тўлиқ қамоқхонада ўтказганидан кейин, унга шаҳардан чикмаслик шарти билан огоҳлантириб, уйига қайтишга рухсат бердилар. Уни яна чақиришларини айтишиди. Тарага Худодан уни қўллаб-кувватлаб турадиган қандайдир белги керак эди. Энди унда паспорт ҳам йўқ ва разведка тез орада унинг оиласи билан боғланса, унинг ҳолигавой эди. Айрим пайтда, у отаси уни ўлдириш учун қандай йўл танлаши хақида ўйларди...

У разведка хизматининг биносидан чиққанида, зобитлардан бири Тарага бир неча сўз айтиб шивирлади. У одам Таранинг оиласини билар эди, аммо унинг хавф-хатарда эканини билиб индамади. «Тара, мени эшит» – деди у. «Мен амакиваччаларингдан бирининг дўстиман. Мен сенинг кимлигингни биламан. Сен мамлакатдан иложи борича тезроқ чиқиб кетишинг керак. Нафақат сен хавф-хатардасан».

Тара хайрон бўлди ва шу билан бирга енгиллик хис қилди.

Разведка зобитининг уни қамоқقا олмагани ўзи бир мўъжиза эди. У нафакат унинг сирини очмади, балки нима қилиши кераклигини ҳам тасдиқлади. У Покистондан кетиши керак. Аммо қандай қилиб? Унда паспорт йўқ. Ҳатто паспорти бўлса ҳам, у қаёққа кетади?

Рубин унга виза олиш учун, бирин-кетин чет эл элчихоналарига киришни бошлади. Унга ҳар доим рад жавоби беришарди. Элчихонада унга ўзларининг мамлакатида уни моддий қўллаб-кувватлаб турадиган таниш ёки қариндошлари бўлиши кераклигини айтишарди. Ниҳоят, бир яқин шарқ мамлакати минг америка доллари эвазига унга уч ойга виза беришга рози бўлди. Тара бошқа мусулмон давлатига боришидан унчалик хурсанд эмас эди, лекин унда бошқа иложи ҳам эди. У пулни тўлаган куни, разведка уни қамоқقا олиш учун буйруқ тайёрлаётганини билиб олди. Разведка ходимлари унинг собиқ мусулмонларни сувга чўмдирганини ва ўзи ҳам масиҳийликни қабул қилганини билиб олишганди. Уни имондан қайтган дея аташди. Тара шунингдек, ота-онасининг ҳам айбловчи ариза ёзганини ва масиҳийликни қабул қилганини тасдиқлагани ҳақида билиб олди. Ота-онаси ислом қонуни бўйича уни дорга осишларини таклиф қилишди.

Қайгуга ботган Тара кун бўйи хонасидан чиқмай ўтиради. У ҳар куни оиласи уни тутиб олиб, ўлдиришларини кутарди. Бундан ҳам ёмони эса, улар Тара туфайли унинг янги оила аъзоларини ҳам ўлдиришлари мумкин эди. Унинг ибодатлари қисқа бўла бошлади, аммо ҳар доим Худодан уни ташлаб кетмаслигини, унинг Эммануели бўлишини ўтиниб сўрарди, айниқса ҳозир унинг ҳаётига дор хавф солиб турган пайтида.

### «Худода сен учун вазифаси бор»

Тара умидини йўқотар, Рубин эса янги паспорт ва олган визаси учун шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар олишга ҳаракат қиласади. У Тарани сочини калта қилишга ва қора кўзойнакда расмга тушишга кўндириди. Унинг жуда касал эканини ва ҳужжатларни олиш учун унинг ўзи ҳукумат идорасига кела олмаслигини

тасдиқловчи қалбаки ҳужжат олиб берди. 1996 йил якшанба куни Фисих байрамида Рубин Таранинг хонасига кирди. Унда яхши хабар бор эди: «Тара, мамлакатдан чиқиб кетишинг учун сенда хамма ҳужжатлар бор. Фисих байраминг билан!» – деди.

«Мен бунга ишона олмайман» – дея ҳайқирди Тара. «Қандай қилиб буни қилдинг? Бу қанчага тушди?»

«Аҳамияти йўқ» – деди юзида кулги билан у. «Мен сенга Худо ёрдам беради деган эдимку. У сени разведканинг қўлига тушишинг учун шунча узоқдан олиб келмади. Тара, айниқса сен бошдан кечирган кўнгилсизликларни ҳисоб олинса, Худода сен учун иш бор». Рубиннинг чақнаб турган кулгуси, унинг хурсанд эканидан далолат берарди ва бу эса ўз навбатида «кўнгилсизликларнинг» бир қисми эди.

Тарани унинг садоқати ва мардлиги ҳайратга солди. У укасидан хам қадрлироқ, Таранинг кулфатидаги дўсти эди ва ҳеч қачон Тарани сотмади. Шундай ўйлаган ҳолда, Тара яна қайғуга ботди. У масиҳий оиласи билан ажралишидан ва ўзи иштирок этадиган барча жамоат ишларини ташлаб кетаётганидан жуда афсусда эди.

«Менинг яна бир илтимосим бор» – деди у кетишидан олдин. «Мен янги имонга келганлар учун режалаштирган сувга чўмдиришингизда иштирок этишни хоҳлайман».

Рубин унга рад қилмоқчи эди, аммо тўғрисини айтганда, у Тара билан баҳслашишдан чарчаган эди. Ва у охир-оқибатда унинг ютиб чиқишини биларди.

«Албатта» – деди у кулимсираб, – «аммо бундан кейин сен тезда кетишинг керак».

Кейинги куни кечқурун Тара яширин сувга чўмдириш маросимида қатнашди. У олтига янги имонлини ҳам танир эди ва уларнинг ҳар бири Таранинг ғайритабиий тарихини биларди. Тара уларга ишона оларди. Уларнинг ҳаммаси битта кемада эдилар.

Уларнинг айримлари Покистондан, аммо кўпчилиги бошқа мамлакатдан эдилар. Биттаси Хитойдан, яна биттаси Афғонистондан, қолган иккитаси Эрон ва Ироқдан эди. Одатда ўзга мамлакатлик янги имонлилар Покистон орқали саёҳат қилардилар.

Тара Худонинг қилган ишларидан ҳайратда қоларди. У мамлакатни ўз имони учун тарк этаётган эди, қолганлар эса бу ерга келиб, имон топган эдилар. Жамоатидаги кўпчилик масиҳийлар, жумладан жамоат аъзолари ҳам нима бўлаётганидан бехабар эдилар. Ўз хавфсизлиги ҳақида ўйлаётгандарга ишониш жуда қийин эди.

### Яна сотқинлик

Тара Покистондаги муаммолардан қутилди, аммо уни бошқа синовлар кутаётган эди. Қандайдир вактга у оиласи томонидан бўлган таъкиблардан озод бўлди, аммо у ўзини билдириб қўймаслик учун эҳтиёт бўлиши керак эди. Ҳатто бошқа мамлакатда ҳам унга хавф солар эди. Уни ихтиёрий вактда ислом полицияси ушлаб, Покистонга жўнатиб юбориши мумкин эди. Агар Покистонга жўнатсалар, уни тўғри отасининг қўлига топширишар ва отаси унинг ҳаётини ҳал қилар эди.

Ҳаёт у учун яна битта муаммони тайёрлаб қўйган эди. Мусулмон дунёсида аёл киши 25 ёшгача эрга чиқиши зарур. Агар аёл киши бу ёшгача эрга чиқмаса, у холда у фохиша деб таҳмин қилинар ва уни қўлга олиб, қайта тарбияланар ва эр топиб эрга беришар эди. Тарада, айниқса хозир ҳали ҳаёти бир йўлга тушмаган бир пайтда эрга чиқиш хоҳиши йўқ эди.

Ва албатта, унинг эрга чиқишини мусулмон ҳукумати амалга оширишини хоҳламас эди. Бунинг устига, энди унда асраб олган оиласининг қўллаб-қувватлови ҳам йўқ эди ва визаси эса атиги уч ойга берилганди.

Агар у доимий равишда қандай ахволга тушиб қолгани ҳақида ўйлайверса, бу унинг умидларини барбод қилиши мумкинлигини тезда тушуниб олди.

«Мен ҳаммасини йўқотдим» – дея ўз ичидаги доимий равишда қайтарарди, – «аммо мен Худони топдим. Мен жуда кам йўқотдим, аммо кўп нарса топдим. Эммануел – Худо мен билан. Ким менга қарши чиқа олар экан? Мен қачондир йўқотишим мумкин бўлганидан кўра, кўпроқ нарса топдим. Эммануел – Худо мен билан». Бу сўзлар унинг ибодатига,

уни яна бир марта азобларга дуч қилган ва ундан қутқарған ибодатга айланди.

Тара бу янги мамлакатга келиб, жамоатда котиба бўлиб ишлаб, пул топиши учун Рубин ёрдам берди. Аммо топган пули зўрга овқатига етар эди. Куннинг қолган қисмида эса, у хотини Масих ҳақида гапиришдан кўра, кўпроқ мода ва қимматбаҳо тақинчоқлар ҳақида гапирадиган чўпоннинг оиласи учун овқат тайёрлар эди. Тара наҳотки, мана шундай имон учун ўз ҳайётимни хавф остига қўйган бўлсам, дея ўйлади ва уни яна хавотирлар чулғай бошлади. У асабийлашиш билан курашар эди. Юрагига эса умидсизлик ва чорасизлик руҳи кириб олган эди.

Нихоят, у бошқа иш – кийим-кечак дизайнери ишини топди ва энди у мамлакатда уч йил мобайнида яшашга рухсат берувчи ҳуқуқга эга бўлди. Битта муаммо ҳал бўлди, аммо бундан каттароги уни олдинда кутиб турган эди.

Ўзининг янги мамлакатида яшаш ҳуқуқига эга бўлиб, Тара жамоат аъзолари билан бошқа районларга чиқа бошлади. Тара осонгина янги дўстлар орттирас эди, аммо улардан қайси бирига ишонишни билиш жуда қийин эди.

Тара буни билмаса ҳамки, ўша вақтда унинг янги дўстларидан биттаси покистон «Масиҳий журнали»да ишлайдиган эркак эди. У Покистондаги дўстларидан Тара ўзини кўрсатаётган одамдан бошқа одам эканини билиб олди. «Тарихини» билишни хоҳлаб, у бир куни жамоат йигилишидан кейин Тарапинг олдига келди. «Тара, сенга бу ерда, бошқа мамлакатда қийин бўлса керак. Сенинг бу ерда оиласига йўқ ва тилни ҳам билмайсан» – деди у. «Бизнинг уйимизга кел – овқатланамиз, сухбат қурамиз. Биз сенга ёрдам берамиз» – деди.

Тара рози бўлди. «Дўстларга эга бўлсам яхии бўларди» – дея ўйлади у.

Унинг биринчи келиб юрган пайтларида, бу муҳбир ўз сўзида содик эди. У Тарапи ва унинг ёшидаги бир нечта бошқа масиҳий дўстларини, уйига тушлик қилиш ва сухбатлашиш учун таклиф қилди. Аммо, кейин муҳбир Тарага кўпроқ, унинг ўтмишига тегишли бўлган аниқ ва кенгроқ саволлар бера бошлади.

«Илтимос сиздан, мен ўзим ҳақимда гапиришни хоҳламас эдим» – деди у ўзининг янги дўстини хафа қилмаслик учун хурмат билан. Кейинги сафар у Тарани таклиф қилганида, Тара рад жавобини берди.

Мухбир шунча осонгина тан беришни хоҳламасдан, Тарага эртаси куни яна телефон қилди. «Тара, сенда моддий қийинчиликларинг борлигини биламан ва биз дўстим билан ҳақиқатдан сенга ёрдам беришни хоҳлаймиз» – деди у. «Илтимос, кел ва биз билан бўлиш. Биз эса сенга пул топиб берамиз. Сен бизга ишонишинг мумкин» – деди.

Тара унчалик хоҳламасдан рози бўлди. Ўша вактда у билан юз берган воқеани биладиган одам бу унинг Покистондаги тутунганд оила аъзолари эди. У жуда эҳтиёткор эди ва ўзининг кимлигини ҳеч кимга айтмас эди. Ўзининг кимлигини сир саклаши, у учун ҳаёт-момот масаласи эди.

Бир ой ўтиб, Тара бошқа мухбирлар билан учрашди. Ва ҳар сафар у гаплашган одамлар унга ачинар ва унга ёрдам беришга ваъда берар эдилар. Яна бир ой ўтди – сухбатлар, кўз ёшлар янада кўпайди, аммо пулдан дарак йўқ эди. Тара нима бўлаётгани ҳақида ўйлашни бошлади. Ниҳоят, бир куни битта аёл қўнгироқ қилди ва Тарадан ҳар ойда банқдан қанча пул олаётгани ҳақида сўради.

«Нима ҳақида гапирайпсиз сиз? Менда банкда пулим йўқ. Ва албатта, банк ҳам менга ҳеч қандай пул жўнатмайди. Нима учун банк жўнатиши керак?» – «Эҳ, бу қандайдир адашмовчилик бўлса керак» – деди аёл. «Одамлар мана шу ҳисобга пул жўнатишарди, улар бу сиз учун дея ишонишар эди. Мен ўйлайманки, у ерда кўп пул бор».

Тарадан фойдаланишган, бу аёл эса бу даҳшатли ҳақиқатни тасдиқлади. Унинг очиқ эътирофидан ўзларининг моддий мақсадлари учун фойдаландилар, бошқа одамлар унинг очиқ эътирофидан фойда олдилар. Тез орада бу воқеадан кейин у журнални кўриб қолди. Бу ахборотда мўъжизали тарзда Масихни топган ва уни ўлдиришни хоҳлаган оиласидан қочган ўспирин қиз, мусулмон қизи ҳақида айтиларди. Бу ҳикояда унинг исми тилга олинган! Тара ўзининг кўзларига ишонмас эди.

«Бу қандай қилиб юз бериши мумкин?» – дея ҳайратдан ёқа ушлади. Бундан ҳам муҳимроқ хавотири, энди унинг оиласи уни қаердан топишни билар эди.

Тара тушкунликда эди. Якшанба кун эрталабки йигилишдан чиқаётib, у билан эркак киши teng келаётган бир пайтда, яна қанча ёлғон ва хийла-найрангларни күтара олиши мумкинлиги ҳақида ўйлади.

Тарих яна такрорланди: «Ўз тарихингиз ҳақида бизга сўзлаб беринг» – деди у – «биз сизга ёрдам бериш учун пул топиб беришимиз мумкин». У Таранинг жуда чиройли экани ва у жуда ёлғиз деб ўйлаши ҳақида айтди.

Мана гап нимада экан? Тара қулочини очиб, унинг юзига бир туширди. «Сизнинг хотин ва болаларингиз бор-ку» – дея уни коиди. «Сиз масиҳийисиз! Қандай қилиб сизнинг бунга қўлингиз борди?».

Бу эркак Таранинг тажовузкор хатти-харакатидан ҳайратга тушганди. У қўлини қизарган юzlарига қўйди ва орқасига қайрилиб: «Бу учун ҳали жавоб берасан» – деди. У жанжал қилишга жазм қиломади, чунки улардан унча узок бўлмаган кўчада одамлар бор эди.

«Яхши» – деди Тара жаҳли чиққан ҳолда. «Мен сизга қанча тўлашим керак, айтинг тўлайман. Факат мени тинч қўйинг».

Аммо муаммо шунда эдики, у киши пулни назарда тутмаган эди.

Уч кундан кейин кечқурун, Таранинг кичкина квартираси деразасигатошкелибтегди. Пастда эркакларнинг қичқираётганини Тара эшилди, аммо нима айтиётганини тушунмади. Чунки у арабчани яхши ўрганмаган эди. Тара парда ортидан айнан у эркаклар яна тош олиш учун энгашаётганида қаради. Улар яна дераза томон тош отдилар ва бошқа ойнани ҳам синдиридилар. Энди у айрим сўзларни тушунаётган эди: «Мусулмон бўла туриб... масиҳийликка ўтиби! Имондан қайтиби! Полиция! Полицияни чақиринглар...».

У яна қаради ва эркаклар таксига ўтириб, қочиб кетаётганини кўрди. Тара улардан иккитасини таниди. Булар у тарсаки берган кишининг дўстлари эди.

Тара уларнинг полицияни чакириш таҳдида амалга ошмаслиги учун ибодат қилди ва улар фақатгина қўрқитиб қўйиш эди, дея умид қилди. Агар бу ёлғон бўлса ҳамки, у иш берди. Тара қўрқиб кетди. Аммо улар ҳазиллашмаётган эдилар. Бир неча соатдан кейин унинг ёнига полиция келди ва нима бўлгани ҳақида сўради? Улар Тарани полиция маҳкамасига олиб кетдилар.

### Ҳаммасини Худонинг қўлига топшираман

«Бизда сизнинг мусулмон эканингиз ва масиҳийликни қабул қилганингиз ҳақида маълумот бор ва сиз турмушга чиқмаган экансиз» – дея сўрок бошланди. Тара полициянинг осонгина унинг ким эканлигини, Покистондаги отасининг кимлигини ва Покистонда унга нисбатан очилган ишга осонгина рухсат олишлари мумкинлигини биларди. У қисқа, олиб қочган ҳолда жавоб берар ва саволлар орасида ичидан битта ягона: «Эммануел» – деган сўзни такрорлар эди.

Бир неча соатдан кейин полиция, унинг орқасидан кузатиб юриши билан қўрқитиб, уни қўйиб юборди. Улар қатъиятлик билан ундан нима учун эрга чиқмаганлиги ҳақида сўрадилар ва ўзига эр топишликни маслаҳат бердилар. Улар ҳатто уни хотинликка оладиган эркак ҳам борлигини айтишди.

Тара тезда ойнаси синдирилган қурбондан, айбдорга айланди. Мусулмон дунёсида масиҳийларнинг «хуқуқи» шундай.

### Тара учун эр

Кейинги тўрт ой айтарли қўнгилсизликларсиз ўтди. Тара кийимлар бўйича яхши дизайнер бўлди, жамоат ишларида фаол иштирок этди. У шунингдек, бошқа масиҳийликни қабул қилган ва оиласидан қочган мусулмонларга ҳам ёрдам берар эди. Бундай иш ўн йиллик шундай тажрибага эга бўлган Тара учун жуда мос эди. Шундай бўлишига қарамасдан, тарсаки тушурган эркак, уюштирган иши қандай ечишганидан қоникиш ҳосил қилмаган эди. У эркак бундан кўпрогини хоҳлаган эди.

Тара бунинг унинг кўзларидан кўрганди. У Тарага эга бўлишни ёки уни йўқ қилишни хоҳларди.

Тарани униси ҳам, буниси ҳам қониқтирмасди.

Кўнғироқ бўлганида, Тара уйда эди. Бу ўша эркак эди ва унда Тара учун янгилик бор эди. У мағрурлик билан мақола ёзганини ва уни жамоат ёнидаги янгиликлар тахтасига осиб қўйганини айтди. Мақолада Таранинг фоҳиша экани айтилар эди. Айнан шунинг учун у яхши кийинар ва эрга чикмаган эди. Бу эркак Тарани қилган қўл ижодини кўрсатиш учун, келиб кўришга таклиф қилди.

Тара жахли чиқиб, дастакни қўйиб қўйди. Бу эркак қўйиб юборишни хоҳламас эди. У жамоат аъзолари нима деб ўйлашидан хавотир олди. Уни билганлар, ҳақиқатни билади. У ҳар доим хавф остида бўлгани учун турмушга чиқа олмасди. Чиройлик кийимни эса унинг ўзи тиккан эди. Ҳақиқий муаммо эса полиция билан бўлади, бу мақола тез орада уларнинг қўлига тушади. Улар Тарага эрга чиқиши кераклигини айтганди, бу мақола эса оловга ёғ қўйгандек бўларди. Улар бу ҳақида билишлари биланоқ, Тарани олиб кетиш учун келарди.

Бир ҳафта ўтди ва Таранинг қўрқуви тасдиқланди.

Уни ислом лагерига жойлаштирдилар. У ерда уни ислом қонунлари бўйича тарбиялашлари ва охир-оқибатда мусулмон эркакга эрга беришлари керак эди. Кичкина хонага қамалган Тара секин овоз билан ибодат қилди. Агар у эрга чиқишига рози бўлмаса, лагердан қандай чиқиши мумкинлигини билмас эди. Энди эса бу охири йўқ доирага ўхшар эди. Унинг отаси унинг эрга чиқишини хоҳларди ва агар у рад қилса ўлдиришга тайёр эди. Худди шу нарса лагерда такрорланди. Агар Тарани «қайта тарбиялаб» бўлмаса, уни Покистонга ота-онасининг ёнига қайтаришар эди. Аммо Тара отасининг режасини рад қилган эди ва лагер бошлиқларига ён босмоқчи ҳам эмас эди. Бошқа иложи қолмасдан, у ҳаммасини Худонинг иродасига топшириб, ибодат қилди.

Деярли уч ой ўтди. Тарани ҳар куни Куръонни ўқишига мажбурлар эдилар. Машғулотлар бўлмаганида эса, у ўз хонасига қамаб қўйилар эди. Нихоят, бир куни унинг бир текис кетаётган ҳаёти бузилди: «Тара, сенинг олдинга келишди» – дейишиди.

«Олдимга келишди? Бу ерда эканимни ҳеч ким билмайди».

«У сен билан гаплашишни хохлайди. Агар сен у билан борсанг, бу яхши фикр деб ўйлаймиз».

«У билан бирга бораман?» – дея сўради Тара. «Мен ҳатто у кишини билмайманку, сиз эса мени у билан жўнатмоқчисиз?» Тара бу эрга чиқишга мажбурлаш учун навбатдаги усул дея ишониб, жуда хафа бўлган эди. Бироқ, эркак Таранинг тушлиқдан кейин қайтиб келишига ваъда берди. Тарага бу фикр ёқмади, аммо хонасидан у ёқ буёққа чиқса яхши бўларди. У боришига, аммо тушлик пайтида бу эркакга хеч хам аҳамият бермасликка қарор қилди.

Бу эркакнинг ёши Тараники билан бир хил, у чиройли, секин овозда, хотиржамлик билан гапирап эди. «Тара, сенинг кимлигингни биламан» – деди у. «Мен сен ҳақингда мусулмон дўстимдан билиб олдим». Тара унга эътибор бермасликка ҳаракат қиласарди. Аммо у қанча кўп гапирса, шунча кўп Таранинг эътиборини ўзига тортарди.

Тара кўркувдан сикиларди. Бу режа ҳақида унга аллақачон айтишган эди. Уни бу эркак айтиётганлари умуман қизиқтирамайдигандек қилиб кўрсатар эди ва ҳатто бунинг уддасидан деярли чиқди ҳам, то ушбу сўзни айтмагунича: «Агар рад қилсанг, сени Покистонга, отангнинг ёнига ҳайдаб юборишади».

Тара нимага ишонишни ҳам билмасди. Улар қандай қилиб, унинг шаҳаридаги масихий у билан учрашишини ташкил қила олдилар?

«Шундай қилиб, сиз нима хоҳлайсиз?» – дея сўради, нихоят Тара.

«Менга турмушга чиқишингизни хоҳлайман» – деди у.

### Танадаги мўъжиза

Тара лагерга қайтиб келганида, уни учта мансабдор шахслар кутаётган эди. «Тара, биз қарор қилдик» – деди улардан биттаси. «Сен Захидга турмушга чиқишинг керак. Унинг аллақачон учта хотини бор ва сени ҳам хотинликка олишга рози. У жуда яхши



одам. Биз ҳаммасини ташкил қиласыз, сен ҳеч нарсадан хавотир олишиңг керак эмас. Агар рад жавоби берсанг, сени Покистонга жүннатиб юборишади».

Мана ўша қарор қабул қилиш онлари. Үни тушлик билан меҳмон қилган эркак унга турмушга чиқышни таклиф қилганида унга жавоб бермади. У ҳаммасини англай олмас эди. Ҳаммаси жуда тез юз бераётган эди ва унга ўйлаб кўриш учун вакт керак эди. Ибодат қилиш учун вакт. У ўзининг тутинган оиласи билан, ёки у ҳақида ҳаммасини биладиган, унга маслаҳат бера оладиган одам билан гаплашишини хоҳларди.

«Мен Захидга эрга чиқмайман» – деди уларни ҳайратга солиб.

«У ҳолда ўз нарсаларингни жойлаштираверсанг бўлади. Сен Покистонга қайтасан».

«Нарсаларимни жойлаштиравераман, аммо бошқа сабабдан. Мен Захидга турмушга чиқмайман. Мени тушликка таклиф қилган эркакга турмушга чиқаман» – деди Тара.

Мансабдор шахслар ҳайрон қолдилар, аммо рози бўлдилар. Нима бўлса ҳам майли, факатгина бу ёш қизни назорат қилиб турадиган одам бўлса бўлди.

Тара тушлик қилган эркакка қўнғироқ қилди ва унга янгиликни айтди: унга турмушга чиқади. Унда ҳали ҳам мақсади жиддийлигига ишончи йўқ эди, шунинг учун бу таваккал эди. Бироқ, Захидга турмушга чиқиш ҳам таваккал эди. У ерда уни нима кутаётганини биларди.

Қарор қилиб, Тара яна ўзини шунча узоқдан олиб келган, Эммануелга, Худога мурожат қилди. Таранинг ёши деярли йигирма еттида эди ва у ўн йилдан кўпроқ муддатдан бўён яшириниб юрибди. Агар бўлгуси эри уни алдаса, унда қандай муаммолар бўлиши мумкинлигини биларди. Агар у самимий бўлса, у ҳолда у – танадаги мўъжиза бўлди. У лагердан чиқиш ва унинг фоҳиша эканлиги ҳақидаги тўхтовсиз миш-мишлардан озод бўлиш имконини беради. У яширин тарзда масиҳийликни қабул қилганларга Хушхабарни ваъз қилишда ҳам ёрдам беради. Эҳтимол, уни яна бир баҳтсизлик кутаётгандир? Унинг саволлари жуда кўп эди.



Ниҳоят, Тара лагерга тушган пайтда айтган ибодатини эслади. У ҳаммасини Худонинг иродасига топшириди. Ва яна ибодат қилди. Ҳозир буларнинг ҳаммаси Худонинг қўлида эди. «Иммануел, Худо биз билан», – дея ибодат қилди – «биз иккаламиз билан бўл».

### Хотима

Тара эрга чикқан эркак, танадаги мўъжиза бўлди. Садоқатли масиҳий бўлган бу эркак Тара билан бирга исломдан воз кечиб, масиҳийликни қабул қилганларга Хушхабарни ваъз қилишда ёрдам берди.

Уларнинг Жеймс деган ўғли бор ва улар ҳали ҳам яшириниб юрибдилар. Тара ва унинг эри доимий равишда полиция назорати остида. Уни кўп чақирадилар ва сўроқ қиласидилар. «Тушликка ким келади?», «Нима учун соат тўртда уйда йўқ эдингизлар?» – дея сўрашлари мумкин.

Тара учун ҳаёт – бу доимий равишдаги мушук-сичқон ўйини. Энг катта муаммолар ҳали олдинда бўлиши мумкин. Бир неча йилдан кейин, унинг ўғли гапиришни ўрганганида, уни ҳам албатта ислом ҳукумати вакиллари сўроқ қиласиди. Уларни яна бир муаммо қувиб юрарди. Унинг «Оловли Юраклар» журнали билан бўлган сухбатидан бир неча ой олдин, Тарани отасига қайтариш ва «адолат» ўрнатиш учун ёлланган аммакивачаси кўриб қолган.

Тарани ҳимоя қилиш учун, биз унинг на қаерда яшаётганини, на қандай масиҳий фаолият олиб бораётганини айти оламиз. Аммо бир нарсани аниқ биламиз: у қўчилик масиҳийларга ўхшаб яшаётгани йўқ. Ҳатто жамоати аъзолари ҳам собиқ мусулмон аёли ҳаёти ҳақида, ҳар куни хавф остида яшаётгани ҳақида ҳам билмайдилар. Эҳтимол, улар тушуна олмас. Эҳтимол шунинг учун ҳам Худога бошқа Худонинг ўғиллари ва қизларига қайси йўлдан кетиш кераклигини кўрсатувчи, Тарага ўхшаган одамлар зарурдир.



# Линг:

## Азоб чекиш мактабида



Хитой.  
1973 и.

Ўн тўқиз ёшли Линг ўзининг катта опаси билан эрталабдан қишлоқ бўйлаб, садақа сўраб юрадилар. Энди улар ўз кулбачасининг ёнида ўсган, катта гинкго дарахти тагида дам олардилар. Онаси Лингни чақирди: «Линг тезроқ буёққа кел. Отанг сени кўриши хоҳлайди».

У ва опаси кўп вақтини оиласи уй деб атайдиган, ўт-ўландан ва бамбуқдан бўлган кичкина кулбача ёнида ўтказар эдилар. Вақтининг кўп қисмида улар ёки қандайдир овқат сўрашар, ёки яқин атрофда жойлашган пўлат эритадиган заводнинг ахлатларидан кўмир қидиришар эдилар. Улар кўмирни отонасига сотиш учун ёки овқат тайёрлаш учун берар эдилар. Линг оиласи ҳар доим жуда камбагал бўлганини билар эди, аммо охирги пайтлар иши янада оғирлашди. Отасининг ёмон бўлган соғлиги бирданига оғирлашди. Линг онаси ҳақида ва энди нима бўлиши ҳақида қайғурди.

«Линг илтимос, отангни кутишга мажбур қилма» – дея ўтинди онаси қийналган овоз билан. Линг қари дарахт тагидаги тинч жойини унчалик хоҳламасдан қолдириб, улар олтитаси ухлайдиган кароват атрофида турган онаси, опа-сингиллари ва кичкинтой укасининг ёнига келди. Бу бир хонали кулбадаги асосий мебел эди.

«Линг, яқинроқ келчи» – деди отаси. «Мен сенинг чиройли қиёфангга боқиши хоҳлайман». Линг каровотнинг бурчагига ўтирди ва кулишга харакат қилди. Унга отасини бундай ахволда кўриш жуда оғир эди. У охирги марта шифохонадан чиққанидан сўнг жуда заиф, деярли ночор ахволда колган эди. Онаси уларга

айтмасди, аммо Линг отаси ўлаётганини биларди. Рак унинг танасига азоб берәётган ва у аллақачон кўп ойлардан бўён ишлай олмаётган эди.

Отаси қўлини кўтариб, хотини ва болалари йиглаб турган каровот атрофи бўйлаб айлантириди. «Болаларим, сизлардан ўтинаман, онангиз ва ўзларингиз ҳақингизда ғамхўрлик қиласмиз деб ваъда беринглар. Мен озгинча вақт сизлар билан бўлмайман, аммо билингларки, мен сизларни жуда яхши кўраман». Лингнинг онаси йиглаб юборди ва отаси унинг юзларига оҳиста қўлини теккизди. «Мен бу дунёдан ўтганимдан сўнг... соғлом эркакга турмушга чиқаман деб ваъда бер. Суяна олишинг мумкин бўлган, сен ҳақингда мендан кўра яхшироқ ғамхўрлик қиласидиган эркакга чиқ. Ва Худога илтижо қил».

Уларни танийдиганлар ҳаммаси улар бир-бирларини севиши ни биларди. Линг ҳеч қачон уларнинг бир-бирларига қичқирганини ёки қаттиқ сўз айтганини эшитмаган. Унга отасининг ўлаётганини, онасининг эса азобдан жинни бўлаётганини кўриш жуда оғир эди. Уларнинг ҳар доим Худо ҳақида гапиришлари ва ибодат қилишлари унинг жигига тегарди. У ҳеч қачон буни тушуна олмасди. Линг ота-онасини кўпинча кароват ёнида тиз чўккан ҳолда кўрар эди. Бир куни у ота-онасидан нима қиласётганлари ҳақида сўради ва улар «Худо билан гаплашаётганликлари» ҳақида айтишди.

«У ҳолда ҳозир Худо қаерда?» – дея ўйлади Линг. «Агар Худо ҳақиқатдан бўлса, нима учун отам ўляяпти?». У йиглашдан зўрга ўзини тийди ва хонадан чиқиб кетди.

Ўша куни кечкурун Лингнинг онаси болаларига, отасининг ота-онаси, яъни бобоси ва бувиси келаётгани ҳақида айтди. Линг бобоси ва бувиси ўз ўғлини ва унинг оиласини унчалик яхши кўрмаганидан ҳайрон эди. Бунинг устига, бувиси ўғлининг оиласини бошқа ўғли бўлмагани учун лаънатлаган эди.

Ўғли ўлганидан кейин, бир неча кун ўтиб, бобоси ва бувиси ҳақиқатдан келдилар, аммо улар фақатгина уйга кирдилар. Ва дафн маросимига ёрдам беришдан бош тортдилар.

Лингнинг онасида тобут сотиб олиш учун пули йўқ эди ва қариндошлиридан ёрдам ололмасдан, у танани ўзи топа олган

энг чиройли кўк матога синчковлик билан ўради. Бу камбағаллар ичидаги энг камбағал одамнинг «енгил дафн маросими» эди.

Линг, унинг қайғудаги онаси ва сингилларида бундан ёмон ахвол бўлмаса керак деб ўйлаган эди, аммо улар адашган эдилар. Кетишга тайёргарлик кўрган бобоси ва бувиси, Лингнинг кичкина укасини ўзлари билан олиб кетишлари ҳақида айтишиди. Лингнинг онаси ва қолган болалари қаттиқ қаршилик кўрсатишиди, аммо фойдасиз эди. Кичкина ўғлини олиб кетишиди.

Учта қиз ва онаси кулбада қолишиди, улар қачонгача чидай олишлари мумкинлиги ҳақида ўйладилар.

«Линг илтимос, тиззангга чўк ва мен билан бирга ибодат қил» – деди бир куни эрталаб онаси. Унчалик хоҳламасдан Линг онаси билан кароватнинг ёнида тизза чўқди. Киш келди, пол жуда совук эди ва шунинг учун тиззалари музлаб қолди. Линг онасидан хафа бўлди, чунки шундоқ ҳам улар кўп азоб чеккан эдилар.

Унинг ёнидаги онаси жим бўлиб йиғлади. Бошида Линг онаси бошга тушган кулфатдан йиғлаляпти дея ўйлади, аммо онаси Худо билан гаплашиб, дардини тўкиб-солаётганини тушунди. Линг ҳеч нарса айта олмади. У фақат онасини қўллаб-кувватлаш учунгина тизза чўкиб туриш ҳақида ўйлади. Охир оқибатда, ҳаво билан гаплашишдан нима маъно бор. Агар Худо ҳақиқатдан бор бўлса ҳамки, уларни азоб чекишига мажбур қилгани учун, у Худо билан гаплашишни хоҳламайди.

Отаси ўлганидан кейинги бир неча ойни, Лингнинг оиласи уларга ачинган айрим қўшниларининг ёрдами туфайлигина яшай олдилар. Аммо ҳаётлари оғирлашиб бораарди. Ниҳоят, Лингнинг онаси улар бу ердан кетишларини ва Хенан провинциясига бориб, онасининг ота-онаси билан яшашини айтди. Хитойда аёлларга ҳар доим эркакларга суюниш керак, деб уқитирилар эди. Аёл киши бир ўзи бўлмаслиги керак эди ва ҳукумат уларга ёрдам беришдан бош тортар эди.

Линг ўзининг бобоси ва бувисиникига келганида, уларнинг ўйи жуда катталигидан ҳайратга тушганди. Онасининг ота-онаси бой одам эмас эди, аммо ўзлари ўсиб катта бўлган кулбага қараганда бу сарой эди. Лингнинг бувиси уларни тор ошхона орқали орқадаги хонага олиб ўтди. Бу илгари омборхона сифа-

тида ишлатилган кичкина бечораҳол хонача эди. «Сизлар шу ерда яшашларинг мумкин» – деди дагаллик билан бувиси. Линг бу кичкина чиройсиз хонага қаради ва киноя билан кулди. У ўзини аллақачон уйдагидек хис қилди.

Янги ҳаёт Лингнинг онаси ва бувиси ўртасидаги тўхтовсиз жанжаллар билан бошланди. Лингнинг онаси кейинчалик уй сотиб олиш мақсадида иш топиш учун маҳаллий ишлаб чиқариш бригадасига мурожат қилишни хоҳларди, аммо Лингнинг бувиси қизининг яна эрга чиқишини хоҳларди.

### Ўтгай ота

Бир куни Линг мактабдан қайтиб келганида, уйга кирмасданоқ уларнинг баҳслашишини эшитиб қолди. «Аммо, ойи мен яна турмушга чиқишини хоҳламайман!» – дерди ноумид оҳанг билан онаси бувисига. «Мен ҳеч қачон ва ҳеч кимни Юнгга ўхшаб сева олмайман. Мен бу ерга кўчиб ўтишга рози бўлганимда, сиз турмушга чиқишини хоҳламаслигимни билардингизку. Агар сиз ишлаб чиқариш бригадасига менинг ишлашимга ва ўзимга уй сотиб олишимга рухсат беришларини айтсангиз, мен болаларим ҳақида ғамхўрлик қила олардим. Илтимос ойи, бундай қилманг».

«Сен икки йилдан бўён шу ердасан» – дея жавоб қилди Лингнинг бувиси. «Мен бунга ортиқ чидай олмайман! Шу-Тан яхши одам ва сенинг болаларинг ҳақида ҳам ғамхўрлик қила олади. Бунинг устига, отанг аллақачон ҳаммасини келишиб қўйган. Сен кейинги ҳафта турмушга чиқасан».

Кейинги ҳафтаси Лингда ўтгай ота пайдо бўлди.

Линг ўтгай отасининг қаттиқ овозини эшитганида хафа бўлди, у ўз отасининг юмшоқ овозини соғинган эди. Шу-Тан Лингга ва унинг сингилларига худди ҳайвонлардек муносабатда бўларди. Линг ич-ичидан уни ёмон кўрарди. Камбағал бўлиш – бу битта нарса, аммо у билан худди хизматкор сифатида муносабатда бўладиган ўтгай ота билан яшашга мажбур бўлиш – бундан ҳам баттар эди.

Лекин барибир Линг чидади ва ўз фикрлари ҳақида ҳеч кимга айтмади. Энди Лингнинг онаси яна турмушга чиққанида,

уларга ишлаш учун рухсат беришди. Мактабдан сўнг Линг ишлаб чиқариш бригадасидаги чўпонлар билан бирга далада ишлади. Ишчиларнинг маошини аниқлаш учун хукумат бал хисоблар эди. Қаттиқ ишлаган эркак бир кунда ўн балгача ишлаши мумкин эди. Ёш қиз Линг эса тўққиз бал ишларди.

Линг шунингдек тофа (соя ловиясидан олинадиган овқат) олиш учун оддий мослама таклиф қилди: хўқиз уни тортарди ва иккита тош орасида соя ловиясини майдалаш мумкин эди. Шу-Танга бу фикр ёқди, аммо унда хўқиз сотиб олиш учун пули йўқ эди. Шунинг учун у Линг ва унинг сингилларини тегирмон тошини айтлантиришга мажбур қилди. Ва кейинги тўрт йил мобайнида «хўқиз иши» уларнинг ҳар кунлик ҳаётининг бир қисмига айланди.

Бу барча оғир ишлар натижасида, Линг ўн бешга тўлиб қучли ва соғлом қизга айланди. У мустақил ҳаёт кечиширишни бошлайдиган кунни сабрсизлик билан кутарди. Унинг ўгай отасига нисбатан нафрати кундан кунга ошиб борарди, чунки у Линг ва унинг опа-сингиллари тайёрлаган тофудан фойда оларди, аммо хўқиз сотиб олишдан бош тортарди. Нимага? Бундай оғир ишлар учун унинг ўгай қизлари бор эди.

Турмушга чиқкан вақтининг биринчи икки хафтасида тўхтовсиз йиглаган онаси, энди кам ибодат қиласр эди. Ру Таин қишлоғида атиги бир нечта яширин масиҳийлар ва саводсизлиги туфайли Лингнинг онаси шундоқ ҳам ўқий олмайдиган битта Муқаддас Китоб бор эди. Онаси ҳар доим битта ибодатни такрорлар эди. Линг уни айрим пайтларда ярим кечаси эшитар эди: «Ўтинаман Худойим, болаларимни ҳимоя қил, айниқса Линг ва унинг опа-сингилларини. Уларни шундай оғир меҳнатга мажбур қилаяпти. Ўтинаман, уларни ҳимоя қил ва сақла. Бу менинг ягона илтимосим».

Нима учун Лингнинг онаси, у ва опа-сингиллари бажараётган қуллик иши ҳақида иш берадиган хўжайин билан эмас, балки Худо билан гаплашаётганини тушунмасдан ўйланар эди! Ҳар сафар ўгай отаси уларни кўпроқ меҳнат қилишга мажбур қилганида, Линг Худо уларга умуман ёрдам бермаяпти, дея ўйларди. Эҳтимол, Лингда унга нисбатан нафрат кучайиб



бораётганини сезгани учун, у Лингдан ўзига эр топишини таклиф қилди. У ҳатто турмуш ўртоқ топиб беришда ўз ёрдамини ҳам таклиф қилди. «Шундай қилса ҳамма учун яхши бўлади» – деб айтди у.

У Лингдан қутулишни хоҳлашини биларди: битта оғизга камаярди.

### Кўринмас Худо

Линг нима қилишини билмас эди. Агар у турмушга чиқишдан бош тортса, у бутун оиласини шарманда қилади ва онасига ҳам уят бўларди. Онаси бу оғриқни кўтариши қийин бўларди. Агар у турмушга чиқса, унинг эри худди Шу-Танга ўхшаш бўлишидан қўрқарди. Унинг битта чораси қолганди: ўзини ўлдириш. Ўлим унинг учун ягона йўлдек туюлди, бу унга шармандагарчиликдан қутулишга ёрдам берарди. Бундай фикрлар унинг юрагини қийнарди.

Лингнинг онаси, қизи оғир руҳий ҳолатда эканини биларди ва ундан хавотир оларди. «Линг, сен туғма етакчисан» – деди онаси қизининг кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилиб. «Худода сен учун қандайдир муҳим режа бор» – деди.

Линг онасининг кўринмас Худо ҳақидаги суҳбатини эшитишдан бош тортарди. Буларнинг ҳаммаси фойдасиз бўлиб туюларди. Чорасизлик ҳисси фақатгина ошиб борарди, чунки Лингга шунча оғир меҳнатни бажаришга ва яна онасининг бекорчи сафсалаларини эшитишга тўғри келарди.

Лингнинг қандай оғир руҳий ҳолатда эканини билиб, онаси Лингни кузатиб юрарди. У Лингнинг ўзини-ўзи ўлдиришидан қўрқарди. Ниҳоят, бир куни онаси Лингни қишлоқдаги уйлардан биттасида бўлган кичкина йигилишга олиб келишга мұяссар бўлди. Линг рози бўлди: бу тоғу олиш учун соя ловиясини янчишдан осонроқ эди. Бу йигилиш ҳатто унинг кўнглини ҳам кўтарди. У ерда жами бўлиб тўртта одам бор эди: Линг, онаси ва иккита бошқа одам. Линг ўтириб, қолган учтаси жамоатдаги қўшиқларни, забур хониши айтишини эшитди ва онасининг имони ҳақида фикр юритди. *У қандай қилиб, кўринмайдиган*



*Худога кўр-кўрони ишониши мумкин? Ўзининг шубҳаланишларига қарамасдан, Линг онасининг қувончли юз кўринишини сезмай қола олмасди. У худди кўринмас фаришталарга қўшиқ кўйлагандек кўринар эди.*

### **Линг Худо ишлатиши мумкин бўлган одамга айланмоқда**

Бир неча кун ўтиб, Линг онаси у ҳақида ибодат қилаётганини эшитди ва бу сафар онасининг сўзлари Лингнинг эътиборини тортди: «Эй Худойим», – дея секин ибодат қилди онаси – «Сендан ўтинаман, менинг фарзандларимни, айниқса Лингни кутқар. У ўзбошимча ва итоатсиз бўлиши мумкинлигини Сен биласан. Илтимос, унинг кучли ҳатти-харакатини Сен ишлатишинг мумкин бўлган нарсага йўналтири». Онаси ибодатининг бу қисми Лингга таниш эди ва яна бу сўзларни эшитиб, у тиржаймасдан қола олмасди. Аммо онаси ибодатининг кейинги қисми уни ҳайратга солди: «Мен ўзининг ўғлини Сенга курбонликка бағишлиашни таклиф қилган Иброҳим ҳикоясини эшитганман» – дея давом этди онаси. «Энди мен ҳам Сенга қизларимдан биттасини курбонликка бағишиламоқчиман. Лингни бағишлиашни хоҳлайман».

Линг кўркиб кетди. *Мени – қурбонликка? Онам ақлдан озибди?* Онасининг ибодати бир неча кун унинг фикридан кетмай юрди, Лингни қийнади ва саросимага солиб қўйди. Нихоят, бир куни эрталаб, онаси яна ибодат қилаётганини эшитиб, хонага югуриб кирди ва сўради: «Ойи, сиз яна мени ўз Худойингизга қурбонликка бағишилайпизми? У мени оғир меҳнат билан ёки яшин уриб ўлдиришини хоҳлайсизми? Унга тега олишим учун, менинг олдимда турсин, ўшанда мен ишонаман! Ва қандай одамлар жаннатга тушади? Сизга ўхшаган умидсиз қари аёлларми? Сиз у ерга қандай қилиб тушасиз? Сиз дарахтга ёки зинапояга чиқиб, Жаннатга тушаман деб ўйлайсизми?». Линг онасининг юзидан унга азоб берётганини кўрди. Онаси унга азоб беришни хоҳламасди, аммо бошқа буни кўтариб юра олмасди.

Линг ўзининг қаттиқ буйруқ берувчи оҳангини эшитди ва опа-сингиллари билан ҳам худди шундай оҳангда гаплашган эди. Ўзининг жасурлиги ва бошқаларни ишонтириш қобилияти билан Линг опа-сингиллари орасида ўз эътиборини мустаҳкамлаб олган эди. Одатда опа-сингиллари Лингнинг талабларига рози бўлардилар. Агар улар уни тингламаса, Линг уларга кўнгилсизлик олиб келишини билардилар. Энди эса Линг худди шундай бағритош оҳангда ўз онасини уришаётганини эшитди ва унинг кўнглини оғритаётганидан афсусланди, аммо тўхтай олмади. Энди у бошқа онасининг мавжуд бўлмаган Худога қаратилган ярамас ибодатларини эшита олмасди.

Вақт ўтди. Линг оғир ишларни қилишда давом этди. У ўгай отасининг турмушга чиқиш таклифидан қочиб қолишга мұяссар бўлди ва ўгай отаси ниҳоят бас қилди ва унга эътибор бермай қўйди. Линг онасининг таъсири туфайли, ўгай отасининг ҳатти-харакати бир мунча ўзгарганига ишонарди. У бир мунча енгиллик хис қилишига қарамасдан, у шундай уятсиз равишда онасига ташлангани учун айбдор эди. Ўз ғазабини сўндиришга умид қилиб, у онаси билан ҳар хафта жамоат йиғилишига боришда давом этди.

Баҳор келди ва Линг ўзини ўлдириш ҳақида ўйлашдан тўхтади.

Бир куни у тегирмонни айлантириб, тофу учун сояни янчиётганида, онаси югуриб келиб, унга: «Линг, у шу ерда» – дея қичқирди.

«Ким шу ерда?» – сўради Линг.

«Биз шунча кўп эшитган хушхабарчи» – дея жавоб берди онаси. «Наҳот сен эсламасанг, мен сенга айтган эдим. У бугун шу ерда ваъз қиласи ва биз у ерга борамиз деб айтдим. Бор кийин тезроқ!»

Линг эътиroz билдириб улгурмасданок, онаси шоша-пишиб кетди.

«Жуда зўр» – дея ўйлади Линг, – «дин соҳасида сохта эътибор қозонган».

Ўша куни кечқурун у онасини хурсанд қилиш учун йиғилишга борди. Қари воизхон ваъз қилмасдан, балки Одам Ато ва Момо Ҳаво ҳақида жуда чиройли ва енгил гапирав эди. У қандай қилиб

дунёга гунох кириб келгани тушунтирап ва Худо уларни шунчалик яхши кўриб, уларнинг гуноҳини кечириш учун Ўз Ўғлини хоцдаги ўлимга юборганига ишонтирап эди. Линг унинг сўзлари унга тегиб, юраги юмшаётганини сезар эди. У хеч қачон бундай севгини ва бундай қурбонликни кўрмаган эди. У бу ҳикояни олдин эшитган эди, аммо шу кунгача уни тушуммаган эди.

Кейинроқ ўша куни кечқурун холасининг уйида, деворда осилиб турган хочга тикилиб ўтирди. Унинг юрагида хаяжон кучайиб бораарди. У воизхон жуда чиройли қилиб айтган ҳикояни эслаб, хочнинг ёнига келди ва унга қўл теккизи.

*«Агар Исо мен учун ўлган бўлса, мен У учун нима қилдим?»* – дея сўради у юрагида тавбани хис қилиб. Линг полга ўтирди, йиглади ва ўзи қатъиятлик билан рад қилган кўринмас Худога мурожат қилди. Тез орада, онаси унинг елкасига қўл теккизганини хис қилди.

*«Ойи! Мени кечиринг»* – дея йиглади Линг. «Худо ҳақида айтган ҳамма ёмон нарсалар учун, сизнинг устингиздан кулганим учун ва сиз айтган нарсаларга ишонмаганим учун мени кечиринг. Мен шунчалик ёмон қизман. Қандай қилиб Худо мени кечириши мумкин?»

Онаси ўз қизини, Масихдаги янги биродар синглисини кучоқлади ва унинг кўзларида қувонч ёшлари пайдо бўлди. «Линг азизим, сен кечирилдинг» – деди онаси. «Худонинг инояти туфайли сен шу ердасан ва энди сен бутунлай Унинг фарзанди бўласан. Жуда хурсандман. Ишонаманки, Худонинг сен учун муҳим режаси бор. Мен бунга ҳар доим ишонганман».

Линг отаси ўлганидан бўён бундай йигламаган эди.

### Бўрилар орасидаги қўйлар

Кейинги йил мобайнида Линг онаси билан ҳар ҳафталиқ Муқаддас Китоб йигилишига қатнади. Энди у оддий тамошабин сифатида эмас, балки уларнинг ўсиб бораётган биродари аъзоси сифатида қатнарди. Унинг руҳий тушкунлиги, ички хурсандчиликка айланди ва унинг ҳамма кўнгилсизликлари орқада қолганига ишонарди. Кейин у туш кўрди: *Дала бўйлаб тор*



*йўлакчадан борар эди. Чап томонида шамол туфайли озгина эгилган, баланд ва яшил бугдой бор эди. Ўнг томонида эса бугдой пишган ва айрим поялар сариқ оғир бошоқлари туфайли ерга тегиб турарди. Линг узоқдаги бугдой қандай қилиб гойиб бўлганидан, ҳар томонга қарарди. Бундай ҳосил бериш учун ер ва оби-ҳаво қандай бўлиши керак, дея ўйлади.*

Кейинги куни эрталаб Линг онасига ўзининг гайритабиий туши ҳақида айтди. Онаси ҳам худди шунга ўхшаган туш кўрганини айтганида, у ҳайрон бўлди. У пишган оғир бугдой бошоқларини, шунингдек далада ўсаётган кичкина ловия ниҳолини кўрди ва у «нозик ниҳолга сув қуийш кераклиги, акс ҳолда у қуриб қолишини» буюраётган овозни эшитди.

Улардан ҳеч бири бу тушнинг маъносини билмас эди, аммо иккаласи ҳам нима учун бир хил туш кўрганининг сабаби бўлиши кераклигини билардилар. Жавоб кейинги ҳафтасиебодат йиғилишида, Луқо Хушхабаридан бир матнни ўқиётган пайтда келди. Ўнинчи бобида: «Исо уларга шундай деди: ҳосил мўл, аммо ишчилар оз. Ҳосил Эгасидан: “Ҳосилингни йиғиб олишга яна ишчилар юбор”, деб сўранглар. Боринглар! Сизни бўрилар орасига қўзилардай юборяпман»<sup>1</sup> – дея айтилган эди.

Бу тушларнинг маъноси шундай эканлиги ҳақида ўйлаб, Линг қўрқиб кетди ва олдинда уни нима кутаётганидан, Худо унга нима тайёрлаганидан хавотир олди. У шунингдек, оятнинг иккинчи қисмида нима айтилиши ҳақида билишни хоҳлади. «Аммо мен қандай қилиб воизхон бўлишим мумкин?» – дея сўради, оятларни муҳокама қилиб ўтирганида у онасидан. «Мен жуда ёшман ва деярли ҳеч нарса билмайман. Менда ҳатто Муқаддас Китоб ҳам йўқ».

Онаси унга қаради ва кулиб қўйди. Онаси бу тушлар нима англатишини аниқ биларди: қизи Хушхабарни Хитойдаги адашган қўйларга олиб келади. Буни у аниқ биларди.

У тез орада ўн олти ёшга тўлиб, деярли пулсиз, овқатсиз, Муқаддас Китобсиз, қаёққа кетаётганини билмасдан, Линг ёлғиз Хушхабарни Хитойда тарқатишга отланди. У кўпроқ нарса билиб олгунча кутиб туришни хоҳлаган эди, аммо онаси: «Сен кўп нарса билишинг керак эмас. Фақат Исо ҳақида гапиравер.

Одамларга билган нарсанг ҳақида айтиб бер. Агар бу Худодан бўлса, Ўсенинг хизматингни марҳаматлади. Онаси унга далда берди ва Линг йўлга отланди».

У ўз имони ҳақида одамлар билан бўлишиб, қишлоқдан қишлоққа юриб борди. У одамларида Муқаддас Китоб бор бўлган қишлоққа келганида, оятларни ёдлаб олиб, кейинчалик бошқаларида айтиб берарди. У шунингдек забур хонишларидан ҳам ёдлади. Унинг куйлаши одамларни жалб этишини кўрмагучи, илгари ҳеч қачон шунчалик чиройли куйлай олишини билмасди. Кейин эса бу одамлар ёш воизхон қиз нима айтишини эшлитиш учун қолардилар.

Турмушга чиқмаган ёш аёл Хитой бўйлаб ёлгиз саёҳат қилиб юриши, кўп одамларнинг эътиборини жалб қилган эди.

Худо Лингнинг Хушхабарни ваъз қилиш хоҳишини марҳаматлади. У қанчалик кўп саёҳат қилса ва ваъз қилса, шунчалик кўп одамлар уни эшлитиш учун йигилишар эди. У ўтган ҳафта тинглаш учун еттига одам йигилган жойда, кейинги ҳафтаси етмишта одам йигилганидан ҳайрон қоларди. Муқаддас Хушхабарда тўғри айтилган: далада ҳосил пишган. Одамлар шунчалик Хушхабарни эшлитишни хоҳлар эдилар ва Худо уни воизхонларидан биттаси бўлиш учун чақирган эди. Бу ҳис-туйғуга тўлиб-тошар ва Линг ҳар доим бундай чақирувга лойик бўлиш учун ибодат қиласди. Ҳаммасидан кўпроқ у бошқалар учун намуна бўлишни хоҳларди. У билган ва бошдан кечирган нарсасини ваъз қилишни хоҳларди.

У Муқаддас Китобга эга бўлишни хоҳларди ва у Худодан буни сўрашни бошлади. «Қандай қилиб Худо Сўзининг воизхони Муқаддас Китобсиз бўлиши мумкин?» – дея сўрарди у Худодан.

Лингнинг жозибадор шахс эканлиги ва унинг Худога бўлган садоқати жуда кўп ёшларни ўзига жалб қилди. Улардан айримлари у билан бирга боришни хоҳларди ва ёш воизхон қиз хурсандчилик билан бунга рози бўларди.

Одамлар кўпроқ ва янада кўпроқ келар, унда Худо Каломини ваъз қилиш хоҳиши ўсиб борар ва Линг Муқаддас Китобсиз қийин бўлаётганини сезарди. У имонлиларида Матто Хушхабарининг бир қисми бор бўлган қишлоқда бўлди ва у йигирма бешинчи бобдаги

ўнта дугона ҳақидаги масални ўқиди. Ўнта келин дугонаси доно эди ва ўз чироклари учун етарлича мой олиб олган эдилар, қолган бешта нодони эса ўз чироклари учун мой олмаган эди. Парчани түгридан-түғри тушунган қишлоқдаги ҳар бир жамоат аъзоси ҳар доим ўzlари билан мой захирада олиб юрардилар. Улар Худованд келиб қолса, мойсиз қолиб кетишни хоҳламас эдилар.<sup>2</sup>

Линг Муқаддас Китобни ўрганиш учун ва бошқаларга уни тушунишда ёрдам бериш учун, ўзининг Муқаддас Китобига эга бўлишни хоҳларди. Шунинг учун, яқин қишлоқдаги аёlda Муқаддас Китоб борлигини эшитиши биланоқ, у ўша ёққа отланди. Бу аёlda бир нечта Муқаддас Китоб бор экан. Бу китоблар бир гурӯҳ масихий элчиларни кемадан ташқарига улоқтиришга мажбур қилгани туфайли қирғоққа оқиб келган эди. Чунки улар кечаси яширин йўл билан Хитойга бу китобларни олиб ўтишга ҳаракат қилган эдилар. Имонлилар уларни қирғоқдан топиб олдилар ва бу аёл уларни варақмаварақ қуёшда кўйиб қуритган эди.

Линг ундан Муқаддас Китоб сўраганида, унга Худо уни қандай қилиб хушхабарни ваъз қилишга чақирганини тушунтириди. Бу аёл эса хавотирга тушди. «Йўқ, йўқ» – дея жавоб қилди у. «Бу Муқаддас Китоблар жуда қиммат. Сиз Муқаддас Китобни топиш жуда қийин эканини биласизми? Мен ҳатто сизнинг имонли эканингизни ҳам билмайман?»

Линг ундан қатъиятлилик билан сўрашда давом этди, аммо бу бефойда эди. Бу аёл хеч бир Муқаддас Китобни беришни хоҳламас эди. Бечора Лингни жуда ранжиган ҳолда кўрган аёл, агар у Раббимизнинг ибодатини хатосиз айтса, ўз фикрини ўзгартиришини айтди.

Линг унда умид борлигига хурсанд бўлиб кетди. У ўша, уйида Муқаддас Китоб бор бўлган қари имонлининг қишлоғига қайтиб келди. У Муқаддас Китобга муқаддас эҳтиром билан муносабатда бўлар эди ва Линг уни кўрганида нима учун у бундай ҳурмат билан муносабатда бўлишини тушунди. Бу қари одамнинг Муқаддас Китоби бутунлай қўлда ёзилган эди. Бу имонли биродар минг соатлаб, ҳар бир оятни ҳарфма-ҳарф кўчиргани учун қўллари букилиб колган эди.

## Орзу амалга ошди

Линг ўзининг илтимосини айтганида, қария эҳтиёткорлик билан ўзининг Муқаддас Китобини унга берди ва Раббимизнинг ибодатини кейин ёдлаб олиши учун ёзиб олишга рухсат берди. Линг иноятга тўла эди, уни эҳтиёткорлик билан ёзилган белгилар (иероглиф) хайратга солди. Бу киши Муқаддас Китобнинг минглаб оятларини неча йиллар мобайнида ёзганлиги ҳақида ўйлади. Кейинги сафарлари мобайнида, Линг кўплаб мана шундай Муқаддас Китобларни учратди. Бу Муқаддас Китоблар, бу севги билан бажарилган оғир меҳнат, унга Муқаддас Китобнинг муҳимлигини яна бир бор англашига имкон берди. У иложи борича кўпроқ парчаларни ёдлади. Шунингдек, агар Худо унинг бу орзусини амалга оширишга ёрдам берса, у бутун Хитой бўйлаб Муқаддас Китобни тарқатишга, уни бошқа имонлиларга беришга ваъда берди.

Аёлнинг уйи томон кетаётib, Линг Раббимизнинг ибодатини тўғри ёдлагани ҳақида хавотир ола бошлади. Агар қария хато қилган бўлсачи? Агар нотўғри кўчирилган бўлсачи?

Аммо у хавотир олмаса ҳам бўларди. У имтоҳондан ўтди – Раббимизнинг ибодатини хатосиз ўқиб берди. Кейин бу аёл Линг самимий ибодат қилишига ишонч ҳосил қилиш учун, ундан овоз чиқариб ибодат қилишини сўради. Кейин у Лингнинг воизхонлиги ва қандай қилиб Худони топғанлиги ҳақида кўплаб саволлар берди. Нихоят, сўроқни тугатиб, бу аёл Лингнинг ёнига тиз чўкиб, Муқаддас Китобни қучоқлади ва уни Лингга берди. Уни шунча синчковлик билан текширгани учун кечирим сўради, кейин эса тушунтириди: «Бизнинг биродарларимиз бу Муқаддас Китобларни киргоқдан топиб олганидан сўнг, улар бутун Хитой бўйлаб тарқата бошладилар. Бу жуда хавфли эди ва улардан айримлари бунинг учун ўз ҳаёти билан тўлов тўладилар. Бу қурбонликлар ҳақида эслаб, мен бу Муқаддас Китобларни янада қадрлайман» – деди.

Линг кўлида Муқаддас Китоб билан кетди. Китобнинг бир кисми ҳали хўл эди, чунки бу аёл ҳали ҳамма варагини куритмаган эди. Линг хўл варакаларни эҳтиёткорлик билан вараклаб, Луко Хушхабарининг ўнинчи бобини очди ва кўзида ёш билан



таниш бўлган сўзларни ўқиди: «Исо уларга шундай деди: ҳосил мўл, аммо ишчилар оз. Ҳосил Эгасидан: “Ҳосилингни йигиб олишга яна ишчилар юбор”, деб сўранглар. Боринглар! Сизни бўрилар орасига қўзилардай юборяпман».

Линг Исо кўрсатмасининг биринчи қисмини тўлиқ тушунди. У битта ўзи Худо учун хизмат қилишга кетди ва ҳосил ҳақиқатдан жуда буюк эди. Энди қандай қилиб оятнинг иккинчи қисми бажо бўлиши ҳақида ўйлаб, у ибодат қилди ва Худодан куч сўради.

### Полиция томонидан қидирилмоқда

Бу плакат кўрқинчли қўринар эди: «Давлатга қарши қилган жинояти учун полиция томонидан қидирилмоқда» – дея сарлавҳа қўйилган эди. «Қўйида санаб ўтилган шахсларни кўрган ҳар бир одам тезда маҳаллий ҳокимиятга хабар бериши керак. Мукофот тўланади». Линг бу сўзларни ўқиди ва билган одамларининг фамилияларига кўз югуртириб қараб, кўрқиб кетди. Улардан кўпчилиги унинг дўстлари ва хизматдошлари эди. Кейин эса рўйхатда ўзининг исмини ҳам кўрди.

У ҳайрон бўлмади, аммо бу янгилик унинг кўзини очди. Қандайдир вақт мобайнида ҳаммаси тинч эди. Линг жуда муваффақият билан элчилик хизматини қиласарди. У қандай қилиб қари хушхабарчи қишлоққа келиб, Одам Ато ва Момо Ҳаво, гуноҳ ва Исо Масиҳнинг буюк қурбонлиги ҳақида хикоя қилганини ва бу унинг ҳаётини ўзгартирганини эслади.

Тез орада у энг фойдали йўл бу Муқаддас Китобдан ўзи танлаган оятларни овоз чиқариб ўқиб бериш эканини тушуниб олди. Кўп хитойликлар Муқаддас Китоб қанчалик ноёб китоб эканини билардилар ва улар уни диққат билан эшишиб, қабул қиласардилар.

Лингни ҳайратга солгани, қийинчиликлар унинг қариндошлидан бошланди. Линг қишлоқма-қишлоқ юрарди, унинг элчилик хизмати ҳақида хабар тез тарқалар эди ва унинг қариндошлари Лингни оиласини ноқулай шароитга қўйиб қўйғанликда айбладилар. «У аллақачон вояга етган» – дерди

ўзаро. «У тентакка ўхшаб кезиб юриш ўрнига, турмушга чиқиши керак!».

Линг уйига қайтиш ҳақида ўйлай бошлади, аммо бошқа сабабдан. Тофу қиласынан одам кетганды ва ўгай отаси ғазабда эди. Бошида у қорни оч қолса, Линг қайтиб келади, дея ўйлади. Аммо ойлар ўтди ва Линг бутунлай кетганини тушуниб етди. У вақти-вақти билан қайтар эди, аммо фақатгина уларни күриш учун қайтарди.

Ишчи ёнлашдан ёки хўқиз сотиб олишдан бош тортиб, Шутан Лингнинг онасини тегирмонни айлантиришга мажбур қилди. Линг бу ҳақида эшитганида, у уйига келди ва онасига: «Сен учун бу жуда оғир. Мен уйда қоламан» – деди.

«Йўқ, йўқ» – деди онаси. «Худованднинг чорловига содик бўламан, деб ваъда бер. Мен буни ўзим қила оламан. Хушхабарни ваъз қилишинг учун бу арзимаган тўлов. Сен буни тушунасанми? Сен Худованднинг даласидаги хизматни давом эттиришинг керак».

Линг худди онаси айтгандек қилди. Аммо тез орада бошқа муаммолари пайдо бўлди. Айрим қишлоқларда маҳаллий полиция «рухсатсиз ўғилишларга» ва «диний топинишларга» бостириб кира бошлади. Кўп имонлилар Лингнинг ўз қишлоқларида қолишидан кўрқардилар ва ҳатто айрим жойларда овқат ҳам бермасдилар. Линг узок-узок қишлоқларга пиёда кета бошлади. У ерга автобусда 50 цент тўлаб бориши мумкин эди, аммо унда шунча пул ҳам йўқ эди.

Бахтига, тарафдорлари унинг саёҳати ҳақида билиб қолиб, унга туфли совға қилдилар. Линг миннатдорчиллик билан бу совғани қабул қилди.

Кучайиб бораётган босимга қарамасдан, Линг ўз хизматининг натижасини кўрди. Кўпинча юздан ортиқ одам уни эшлиши учун келарди ва очиқ осмон остида ўтказиладиган ўғилишларда, кўп одамларга баланд овоз билан мурожат қиласы. Кўплаб қишлоқларда уй гурухлари пайдо бўлди, бунга ҳукумат ўз эътиборини қаратди. Бошида масиҳийлар ҳукумат томонидан қўллаб-куватланувчи расмий жамоатни рад қилганликларини инкор қиласидилар. Ҳатто улар бу жамоатнинг аъзолари бўлишни хоҳласалар

ҳамки, уларнинг юз мил атрофида биттаям жамоати йўқ эди.

Тез орада ҳукумат масиҳийларни қувгин қилишни кучайтирди. Бунга жавобан имонлилар ўз йиғилишларини яширин жойларда ўтказардилар. Қўшиқ айтиш ва ваъз қилиш секин овозда бўлди. Линг эҳтиёт бўлиши, у кимга ишонишни билиши керак эди. У узоқ вақт битта қишлоқда қолишдан бош тортар эди. У ўз атрофидаги кўплаб чет эллик хушхабар элчилари билан танишди ва улар кўпинча уни учрашувга таклиф қиласарди. Линг бу учрашувлар у учун хавфли эканини ва полициянинг эътиборини тортишини биларди, аммо у чет эллик масиҳийлар билан, биродар опа-сингиллари билан учрашишга ва уларга Хитойда Худо нима қилаётганини айтишга интилар эди. Бу хушхабар элчилари Муқаддас Китоб олиб келарди. Линг уларни хурсандчилик билан янги уй жамоати аъзоларига тарқатар эди. У борадиган жойларда Муқаддас Китоб жуда кам эди ва кўпинча у биродарларга факатгина битта Муқаддас Китоб бера оларди. Муқаддас Китобни кўлда ёзишни давом эттирас эдилар.

### Ифлос тиззалар. Очиқ юраклар

1983 йил қишига келиб, масиҳийларни қувгин қилиш ва қўлга олиш даражаси даҳшатли кўриниш олди. Энди Линг ва унинг хизматдошлари полиция томонидан қидирилаётганлар рўйхатида эканини билиб, ҳар доим яширини юарди. Энди уйига бориб, онасини кўриш ҳақида гап сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Полиция албатта унинг уйини кузатаётган эди. У Токвил қишлоғида бўлган пайтида, Линг қишлоқ аҳолисига хавфсиз жойда Хушхабар ҳақидаги билимлари билан бўлишиш учун, узоқ далага олиб кетишига тўғри келди. Ёмғир худди челякдан қўйилаётгандек, бекинадиган жойнинг ўзи йўқ эди, аммо ҳамма уни тинглаш учун қолди. Эшитганларидан ҳайрон бўлиб, ҳар бир сўзни юрагига туғиб қўярдилар.

Линг улар билан тавба ибодатини қилганида, одамлар тўппа-тўғри лойга тизза чўқдилар. Юздан ошиқ одам ўша куни Масиҳни қабул қилди ва олдинда нима кутаётганидан хавотир олиш билан бирга, Линг улар билан бирга хурсанд

бўлди. Аммо шу блан бирга Муқаддас Рухнинг шамоли қувгин оловидан кучлироқ ва узокроқ эсишини биларди. Уни олдинда нима кутишидан қатъий назар, чорловига содик қолиш учун ўзига яна бир марта ваъда берди.

Ўзи бўлган қишлоқдан йигирма мил узоқликдаги Датвин қишлоғида, Линг қишлоқма-қишлоқ юрган бошқа бир нечта воизхонларни учратди. Улар Хушхабарни ваъз қилар ва қувгидан кочишга харакат қиласардилар. Улардан биттаси Фоон амаки сифатида машхур эди. У ва бошқалар кўп йиллардан бўён Худовандга хизмат қиласардилар. Уларнинг қарашлари ва интилишлари Лингники билан бир хил эди. Фоон амаки гуруҳдаги энг ёши каттаси эди. У аллақачон беш йил меҳнат лагеридаги ўтириб чиққан эди.

Линг ва бошқалар, яъни ўнта хушхабарчи биргаликда харакат қиласарди. Бу тўққизта эркак ва Линг ўзларини то уй жамоатлари қонунийлаштирилгунча Масихнинг таълимотини ваъз қилишга ўзларини бағишилаган эдилар. Улар шунингдек, гурух ичидаги мисол учун Лингга ўхшаб оиласи бўлмаганлар, ўзларининг хизмати яхши хосил олиб келмагунча оила курмасликка қарор қилгандилар.

Хушхабарчилар тўқнаш келган энг катта муаммо қувгин эмас, балки катта микдордаги Муқаддас Китобга муҳтоҷлик эди. Улар Лингни кўпроқ Муқаддас Китоблар олиб келишга жавобгар қилиб тайинладилар, чунки унда яширин йўл билан Муқаддас Китоб олиб келувчи чет эллик хушхабар элчилари билан алоқаси бор эди. У қишлоқларда жамоат ташкил қилмаган пайтларида, Линг Фоон амакининг ёрдамида Муқаддас Китоб қидириш билан шуғулланар эди.

Ваъз қилиш ва Муқаддас Китоб тарқатиш орасидаги бўш вақтларида, Линг ҳар куни 30–40 километр масофани босиб ўтарди, фақат энди асосан велосипедда босиб ўтарди. Бу саёҳатлар жуда хавфли эди, полиция унинг орқасидан кузатиб юрганини Линг биларди. Уни қўлга олишларини биларди, бу факатгина вақт масаласи эди холос ва у энди қувгин ҳақидаги оятларни жамоатларда ўқий бошлади. Улар бунга тайёр бўлиши кераклигини ва агар бу у билан юз берса, намуна кўрсатишни хоҳларди.

Хизмат қилиш оғирлашиб борарди. Кўпинча у кун бўйи ҳеч нарса емасди ва айрим жамоат аъзолари бунинг учун уни хукм қиласдилар. Унинг ёши йигирмада, у ҳали турмушга чиқмаган деб айтишар эдилар. Бундай ишнинг унга нима кераги бор?

Унинг устидан кулганларнинг айримлари тарбиясиз одамлар, қолганлари эса ҳasad қилишар эдилар. Нима бўлганда ҳам Линг улар туфайли азоб чекарди.

Саксонинчи йилларда Линг ва унинг хизматдошлари ўз ишини давом эттиарди. Тез-тез масиҳийларни қувгин қилаётгани, қўлга олаётгани ва қийноққа солишаётгани ҳақида эшитардилар. Расмий жамоат ўз аъзоларидан айрилаётган бир пайтда, Хитой хукумати уй жамоатларининг тез ўсишидан хавотирга тушганди. Линг ва бошқа воизхонлар, имонлилар соф, янги Муқаддас Рухнинг ваҳийларини қидираётганини ва бу эса ўз навбатида уй жамоатларининг сони ошишига олиб келаётганини билардилар. Ҳукумат бу жамоатларнинг ўсишини тўхтатиш учун бутун мамлакат бўйлаб, миллий ҳаракат олиб бораётган эди. Қувгин айниқса маҳаллий полицияга масиҳийлар (айниқса масиҳий етакчилар) билан ўзлари хоҳлагандек курашиш ҳуқуқини берганидан кейин кучайди. Кўпинча бу судсиз қийноққа солиш ва камашни англатар эди.

90-йиллар бошига келиб, Линг минглаб имонлиларга доно ва меҳрибон етакчи сифатида машҳур эди. У ҳеч бўлмагандан ҳозиргача полициянинг панжасидан қочиб қутулишга муюссар бўлган эди.

1994 йил апрелда Линг жисмоний чарчаш сезди. «Сен озгина дам олишинг керак» – деди Фоон амаки унга. «Эҳтимол турмушга чиқиш вакти келгандир».

Аммо Линг қаршилик кўрсатди. «Мен гуруҳимдаги бошқа етакчиларга ваъда берганман. Биз ҳаммамиз тики жамоат мустаҳкам оёққа туриб олмагунича, дам олмаймиз, уйланмаймиз ва турмушга чиқмаймиз, дея айтганмиз. Етакчилар мамлакатда юз берадиган даҳшатли қувгинларни кўтара олишлари учун имонлиларни қўллаб-қувватлаб туриши муҳим. Бундан ташқари Гуанджоуга Муқаддас Китоб тўла юк келди. Мен Муқаддас Китобнинг бир қисмини олиб келиш учун ўзим

билин Шен ва Янни олиб оламан. Биз бир неча кундан кейин келамиз».

Фоон амаки хавотирланди, аммо у билан тортишгиси келмади. Линг қайсар эди, аммо айнан шунинг учун ҳам уни бошида гурухга олган эди. Пайдо бўлаётган уй жамоатлари ўсишида ва гуллаб-яшнашида, Худо унинг оташин садоқатини ишлатиши мумкинлигини биларди. Бундан ташқари Фоон амаки ва унинг рафиқаси уни худди ўз қизидек яхши кўриб қолган эдилар.

У Лингда қандай қийинчиликлар борлигини, жамоат аъзолари у эгаллаб турган ҳолатга ҳасад қилиши билан қандай курашаётганини ва унинг нима учун турмушга чиқмаётганини тушунмаётган одамларга нисбатан қандай қилиб сабр килаётганини биларди. Ҳаёт унга тайёрлаб қўйган барча қийинчиликлар ҳақида ўйлаб, Фоон амаки овоз чиқармасдан, унинг ортидан ибодат қилди.

### **Ниҳоят қўлга олишди**

Куннинг иккинчи ярмида Линг ва унинг ёрдамчилари Муқаддас Китобни олдилар ва қайтища дўстиникига кирдилар. Узоқ саёҳатдан сўнг улар илиқ меҳмондорчиликдан, суҳбатдан ва дам олишдан лаззатланишар эди. Линг ухлашдан олдин кечирим сўраб, кўчага чиққанида кеч кириб қолган эди. У уйдан жим-жит кўчага чиққанида, бир эркак унинг исмини айтиб чақираётганини эшилди. У Лингнинг ёнига шошарди ва у яқин келганида, кўчадаги чирокнинг ёругида у полиция эканини кўрди. Лингнинг биринчи ҳаракати – қочиш эди, аммо у орқасига қайрилганида, бошқа зобитни кўрди.

«Майли» – деди Линг, «ниҳоят мени ҳам ушладилар». У бу вактни ўша кўп йиллар олдин полициянинг қидираётганлар рўйхатида ўз исмини кўрган пайтдан буён кутарди. Аммо Худо бунга рухсат бермагунича, уни қўлга олиша олмаслигига қаттиқ ишонарди. Энди эса у бу фикрдан далда олди.

«Сиз биз билан бирга боришингиз керак» – деб айтди, белгисини кўрсатганидан кейин бир полиция ходими. Улар уни кутишганикўриниб турганди ва кейин нима бўлишини билишига қарамасдан, факат уни қўлга олади, бошқа масихийларга тегиши-

майди ва кичкина уйни тинтув қилмайди, дея ўйлаб енгил нафас олди.

Аммо уларни кутиб турган машина томон олиб кетиш ўрнига, уни уй томон олиб кетишидилар.

«Мени қаёққа олиб кетаяпсизлар» – дея сўради Линг.

«Ичкарига» – дея жавоб қилди биринчи полиция ходими. У худди Лингга ўхшаб узун эди ва хотиржамлик овозда гапиради. Бу эса уни асабига тегар ва Муқаддас Рухнинг иштирокидан баҳра қиласарди. Уни бино ичига олиб кирганларида, Линг талвасага тушиб: «Шен ва Ян иккаласи ҳам уйланган, полиция уларни албатта қамоққа олиб кетмаслиги керак. Нечта Муқаддас Китоб топадилар? Муқаддас Китобларни олганимдан сўнг, мен чўпоннинг уйга қандай боришини кўрсатилган қозозни ва манзилни йўқ қилдимми?»

Уйга полиция ходимларидан олдин кириб, Линг тез Шен ва Янга шивирлади: «Мен сизларни ёнлаганимни ва сизлар ҳеч нарса билмаслигинизни айтинглар. Мен ҳамма жавобгарликни ўз бўйнимга оламан» – деди.

Полиция ходимлар уни тезда ўриндиққа итарди ва унинг олдидаги столга расмий ҳужжатни қўйдилар. Ҳужжатнинг бошида у ўз исмини кўрди. «Қўл кўй» – дея ўкирди жаноб Узун-Муттакам. У ручкани қўлига берди ва Линг тезда ҳужжатни кўздан кечирди. Бу тинтув қилиш учун ва хонадаги барча «далилларни» йигиб олиш учун бўйруқ эди. Ҳужжатга қўл кўйди ва бирданига ўзида чарчаҳ хис қилди. У тун узун бўлишини билди...

Полиция ходимлари бутун уйни ковлашни бошлаб, ишга киришидилар. Улар кийимларини қандай ковлаётганини кузатиб ўтиради. Кейин улар бир кути Муқаддас Китоб топиб олдилар...

Лингни Хитойдаги тўртта ёмон ном қозонган қамоқхонадан бири бўлмиш, 91-рақамли қамоқхонага олиб кетдилар. Уни сўроқ қилган полиция ходимлари учун учта нарса муҳим эди: исмлар, исмлар ва яна исмлар. «Ким сизларни таъминлаб турди? Бошқа етакчилар ким? Бу Муқаддас Китобларни ким сизларга берди?» Хатто битта исмни айтса ҳам, оқибати қандай тугашини билиб, у жавоб беришдан бош тортди.

Сўроқ қилишлар икки ой давом этди.

Уни тез-тез сўроқ қилар, бундан ташқари Линг бошқа маҳбуслар билан бирга ишлаши ҳам керак эди. Маҳбуслар тамаки учун ўт олдиргич ишлаб чиқарар эдилар ва сифатни назорат қилиш жуда кучли эди, чунки ўт олдиргичларни Ғарбга сотишар эдилар. Линг касал бўлди ва харорати баланд бўлганидан батамом ётиб қолди.

### «Биз сени қандай гапиртиришни яхши биламиз»

Июль ойида Лингни бошқа қамоқхонага ўтказдилар. Она шаҳридаги полиция ходимлари унинг кўлга тушганини билишди ва уларга жўнатилишини талаб қилдилар. Улар ўн йилдан бўён уни қувиб юргани учун, Лингнинг қамоқхонада эканини билиб, жуда хурсанд бўлдилар. Она шаҳридаги полиция ходимлари сўроқ қилишда катта тажрибага эга эдилар. Улардан биттаси унга: «Биз маҳбусни қандай гапиртиришни яхши биламиз» – деди.

Касалликдан ва 91-рақамли қамоқхонадаги оғир меҳнатдан заиф бўлиб қолган Линг сўроқлар пайтида жуда азоб чекди. Унинг лаблари совуқ бўлиб, ҳозир хушидан кетадигандек сезарди. Сўроқ жуда бағри тошлиқ билан қилинарди, аммо у ҳеч кимнинг исмини сотмади. Сўроқ қилиш усули кўлга тушган пайтидаги сўроқдан кескин фарқ қиларди, аммо улар ҳам ундан исмлар айтишини хоҳларди.

«Яна ким сен билан ишлайди?» – дея қайта-қайта сўрарди улар.

«Чет элдан ким билан алоқангиз бор? Ноқонуний йигилишларингиз ҳақида бизга айтинг. Китоблар ва Муқаддас Китобни ким сизларга беради?» Сўроқ қилишлардан унинг боши айланарди, аммо васваса кучли бўлишига қарамасдан, Линг чидарди ва ҳеч бир исмни айтмади. Айрим пайтда уни сўроқ қилаётган полиция ходимлари, унга хизматдошлари билан бирга тушган расмларни кўрсатарди. «Агар улар менинг ким билан ишлашимни билсалар, нима учун мен уларнинг исмларини айтишиим муҳим?» – дея ўйлади Линг. «Ҳозир бу яна қандай зарар келтириши мумкин?».



Энг даҳшатли кунлардан бирида хонага сўрок қилиш учун ўнта киши кирди. Улардан биттаси икки томони ҳам очик бўлган қисқични ушлаб турарди. Иккита қоравул қўпопллик билан Лингни полга иргитиб, корнига ётқизишди. Битта қўлини орқасига қилиб, иккинчисини эса умурткаси устидан орқасига қайириб, елкасидан олиб ўтдилар. Улар бармоқлари бир-бирига тегадиган қилиб, қисқични тақдилар.

Линг суюклари қандай шиқирлаётганини эшитарди, елка бўғимлари эса нотабиий ҳолатда тортилган эди. Кейин улар қўлини қўйиб юбордилар ва у қаттиқ оғриқ сезди.

«Бармоқлар учун қисқич» жуда ҳам даҳшатли азоб эди ва ҳукумат уни аёлларга нисбатан қўллашни ман қилганди. Линг оғриқдан қийналиб, инграрди ва шу билан бирга тақдир тақозоси дея ўйларди. Қишлоқда қўплар уни бу ишдан қайтишга кўндиromoқчи бўлишган, чунки у аёл эди ва эркакларнинг ишини бажаарди. Энди эса унга худди эркаклар сингари азоб бермоқдалар.

Линг уни нима кутаётганини биларди. Ўша пайтда, у ўзида танлов борлиги хақида, яъни ўлиш ёки бўлмаса, ўзининг биродарларини сотиш хақида ўйлади. Ўлиш азоби осонроқ кечади, дея қарор қилди.

«Ўрнингдан тур!» – дея қичқирди полиция ходими ва унинг оёқларига урди. У тиззага туришга ҳаракат қилди, аммо таёқ билан унинг орқасига берилган зарба бунга имкон бермади. Оғриқ худди яшин ургандек танасига санчилди. У нафас ололмас, зўрга ҳаракатланарди. Унинг билаги шишиб, қўллари орқасидан қилиб боғланган қисқичдан увишиб қолганди.

«Бошқа чидай олмайман...» – дея Лингнинг овози чиқди, аммо у хушидан йўқотмасликка ҳаракат қиласарди. Совуқ тер томчилари пешонасидан оқиб, кўзини ачитди, у эса азобга чида, Худога мурожат қилди. Исо Ўзининг азоб чекиши ва ўлишини билиб, Гетсимания боғида ибодат қилганида ўзини шундай хис қилдимикан, дея ўйлади. Кейин эса ўлармиканман, дея фикр юритди...

Сўрок уч соат давом этди, Лингнинг бармоқлари орқасидан қилиб сиқилган, танаси азоб берадиган қилиб букилган эди. Нихоят, у хушидан кетди.

Линг ўзига келганида, у ўзининг ифлос камерасида, юзи ерга қараб ётарди. У овозларни эшилди ва ниҳоят кимдир хонага кириб, уни тахта ўриндиққа ўтқазди. У ҳаракат қила олмасди ва оғриқ жуда ҳам кучли эди. У ҳатто овқатланиш учун ёки челакка чиқиш учун, тура олмасди ҳам. Каровотда у ўн беш кун ётди, полиция ходимлари эса у билан нима қилишни ўйлардилар.

Аста-секин у азобли қийноқлардан қутула бошлади ва даҳшатли қамоқхона шароитида яна беш ой яшади. Кейин улар ўзлари хоҳламаган ҳолда озод қилдилар, чунки уларда унга қарши ҳақиқий далиллар йўқ эди ва улар бошқа одамларнинг фамилияларини айтишга мажбур қила олмадилар.

### Қийноқ – бу мактаб

1995 йил совук шамолли январ ойининг бир куни эди. Линг ўз ҳамкорининг эшигини тақиллатди. «Линг» – дея хурсанд бўлди ўз олдида озиб кетган аёлни кўриб, дугонаси Руф. У тезда Лингни уйига киргизди, уни қучоқлади ва саволлар билан кўмиб ташлади: «Линг, биз ҳаммамиз сен ҳақингда ҳавотир олдик. Нима учун сен бизлар билан боғланмадинг? Сен шунчалик озиб кетибсан! Ҳаммаси жойидами? Полиция сен ҳақингда ҳеч нарса бизга айтмади. Қандай қилиб тирик қолдинг? Қандай қилиб сени қўйиб юбордилар?»

Лингнинг қайтиб келгани ҳақидаги хабарни тезда ҳамма имонлилар билиб олдилар ва дўстлари ҳеч қандай тайёргарлик кўрмасдан байрам ташкил қилдилар. Линг эзилган эди, аммо Масихдаги биродар опа-сингил ва aka-укалари билан бирга бўлганидан хурсанд эди. Улар Худовандга миннатдорчилик билдириш ва ибодат қилиш учун йигилганларида, Линг деди:

«Бу охирги ойлардаги мен учун қилган самимий ибодатларингиз учун катта раҳмат. Буларни Худонинг ёрдамисиз ва сизларнинг қўллаб-куvvatлашингизсиз кўтара олмаслигимни билардим. Менга ишонинг, мен бошқа чидай олмайман деган кунларим кўп бўлди, аммо Худо бундай вактларда ҳар доим Ўзининг Севгиси ҳақида эслатиб турди. Мен ўйлайманки, қийноқ – бу мактаб. Агар бу мактабни муваффақиятли тутат-



сангиз, демак сиз ўз ишингизни бажара оласиз. Аммо агар сиз бунинг уддасидан чиқа олмасангиз, сизни йўқ қилишадилар. Мен учун бундай мактаб қамоқхона бўлди. Мен қамоқхонада бўлганимда, бутунлай Худога суюндим ва бу ишончим туфайли Худога янада яқинлашдим. Мен сизларга ихтиёрий синовларда Худо учун кучли бўлишимиз керак, деб ўргатган эдим. Энди эса мен янада кўпроқ ишонч билан айтишим мумкинки, нимадан ўтишга тўғри келмасин Исо сиз билан бирга бўлади».

Кўлга тушишидан олдин, Линг одамлар билан Масих учун азоб чеккан Павлус ҳаёти ва Янги Ахддаги бошқа ҳаворийлар ҳақида ўрганар ва уларга гапирап эди. Энди эса у ўз ҳамкорлари билан Жаннатга тушганида, Масих билан саломлашишини, кейин эса Павлуснинг қўлини сиқиб, ундан: «Ерда яшаганингда сенинг ҳам ҳаётинг, менини каби қийин бўлганми?» – дея сўрашини айтиб, хазиллашар эди.

Лингнинг ёши ўттиизда эди, аммо у шунча кўп жисмоний азобларга чидадики, нормал ҳаёт кечириши қийин эди. Бунга қарамай яхши намуна кўрсатиш учун, у тезда уй жамоатлари ишига киришди, Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича машғулотлар олиб борди, ишни мувофиқлаштириш, маълумот олиш, Муқаддас Китоб Хитойнинг узоқ жойларига етказиш учун чет эллик одамлар билан учраши.

1980 йиллардаги ҳукумат томонидан бўлган қаттиқ қувғинлар туфайли, имонлилар бутун Хитой бўйлаб тарқалиб кетдилар. Уй жамоатлари уюшмасида бир неча миллион имонлилар бор эди. Энди Линг ҳар бир жамоатда хеч бўлмагандан битта Муқаддас Китоб бўлиши учун файрат билан хизмат қилди.

1996 йил сентябр ойида, бир куни кечқурун Линг Европалик хушхабарчи элчилар жуфтлигини кузатиб, уйига қайтиб келганида, бирданига у ва унинг дўстлари эшик тақиллашини эшитдилар. Соат кечқурунги ўн эди.

Эркак овози: «Эшикни очинг, биз фақат сизнинг пропискан-гизни текширишимиз керак» – дея чақирди.

Линг Фоон ва Шенга қаради ва бошини чайқади. Бу полиция эканини у биларди. Линг эшикни очди ва хонага бешта полиция ходими бостириб кирди. «Сизлар кўлга

олиндингизлар!» – деди зобит, бошқа полиция ходими эса Линг ва унинг дўстлари қўлига киshan солди. Линг полиция ходимлари қандай қилиб кийимларини ағдар-тўнтар қилишига ноиложсизлик билан қараб туради. Уни яна бир узун тун олдинда кутмоқда эди...

### Эски дўстлар

Улар полиция махкамасига келганларида, Лингни охирги марта қўлга олганида сўрқ қилган, хотиржам овозли полиция ходимига таништирилдилар. «Жаноб, бу Линг хоним...», – дея бошлади ходим.

«Ха, мен уни биламан» – деб жавоб қилди бошлик, ўзига ишонч билан тиржайиб. «Биз эски дўстлармиз. Энди Линг бу сафар хеч қаерга қочиб қутула олмайсан. Сенга ва сенинг гурухингга қарши очилган иш одамда катта таъсурот қолдиради. Бугун биз яна иккита етакчини ушладик. Бугун биз яхши ишладик десам бўлади. Уни ўн иккинчи бўлимдаги камерага олиб боринглар» – деди эшикка қараб кетаётиб, елкаси ортидан. «Мен уйга кетдим».

Бир ҳафта ўтди ва Линг нима учун уни сўроқ қилмаётганликлари хақида ўйлаб, кўпроқ хавотирланар эди. Нима учун зобит бундай хотиржам? Улар қандай қилиб бошқа қўлга олингандар хақида билишди экан? Линг уларнинг қанчалик кўп билишини тушуниб, вақти-вақти билан талвасага тушиб қоларди. У полиция энди Лингнинг қанчалик кучли таъсирга эга эканлигини олдингидан кўра кўпроқ тушунгани хақида ўйлади. Эҳтимол, улар Лингни озод қилганларидан сўнг орқасидан кузатгандир ва шубҳасиз, у ўзининг чет эллик дўстлари билан қанчалик тез-тез учрашгани хақида билишади. Ва албатта, улар Лингнинг провинциясига келиб, Линг билан учрашган, уй жамоатларини ривожлантириш масаласини мухокама қилган ҳамма одамлар хақида ҳам билишади.

Буларнинг ҳаммасида бир маъно бор эди. Жамоатлар сони кўп маротаба ошганди, шунинг учун эртами ёки кечми полиция унинг фаолияти хақида барибир батафсил билиб оларди. У Исонинг: «...Боринглар! Сизни бўрилар орасига қўзилардай

юборяпман» – деб айтган сўзларидан хавотир олиб, ўзини қамоқхона ҳаётига тайёрлаб бошлади.

Кейинги тўрт ой Линг учун жуда азобли бўлди. «Илтимос» – дея айрим пайтда қамоқхона қоровулларидан ўтинарди у, – «агар ўлдиришни хоҳласангизлар ўлдиринглар. Агар ҳукм қилмоқчи бўлсангизлар – буни қилинглар. Агар озод қилмоқчи бўлсангиз – озод қилинглар! Аммо мени бу ерда худди олдинги сафардагидек, ҳеч қандай сабабсиз ушлаб турманглар».

У буларнинг ҳаммасини мардлик билан гапирди, аммо айрим пайтда қоровул тупуришини ва унинг устидан кулишини айтмаганда, унга ҳеч ким деярли эътибор қилмади.

Айрим пайтда, Линг жинни бўлиб қолсам керак, дея ўйларди. Ҳар куни у ўзи учун кароват бўлиб хизмат қиласиган, тахта ўриндиқда ўтиради. Қўлга олинганларни вақтинча сақлаш учун мўлжалланган кичкина камера, ҳар доим зах бўлиб, томдан доим сув томиб турарди. Айрим пайтда камерада ўзларининг кўп вақтини полдаги сувни шимиб ўтиришга мажбур бўладиган, иккита аёлгача сақланар эди.

Бошқа маҳбусларни кўпинча камерадан бошқа қамоқхоналарга ўтказишига, камерага янги қамоққа олинганларни олиб келишига ёки озод қилишига қарамасдан, ҳукумат Лингга эътибор бермасди. Шунинг учун у ҳар доим шу камерада ўтиради. Кун бўйи унга ётишга ва ҳатто деворга суюнишга ҳам рухсат беришмас, балки ёки тикка туришга, ёки ўзи учун каровот бўлиб хизмат қилувчи, тахта ўриндиқда тўғри ўтиришга мажбур қилишарди. Паашша ва чивинлар тўдаси унинг жигига тегар ва бу ифлос камерани янада жирканчли қиласди.

Нихоят, бир куни унинг камераси эшиги олдида, қўлида қандайдир қофоз билан полиция зобити пайдо бўлди. «Бунга қўл қўйинг» – деб буюрди у.

Линг қофозни олиш учун, қўлини панжара орқали узатди. «Бу нима?» – дея сўради у.

«Қўл қўй» – дея қофозни бериб, ўкирди бошлиқ. «Сени бошқа жойга ўтказаяпти».

Линг ҳужжатга қараб ва уни уч йилга «меҳнат-тарбиялаш лагерига» жўнатаётганини кўриб, юраги чиқиб кетди. Хитой

бундай огохлантиришни олгандан сўнг, ўзини ҳимоя қилишга ҳаракат қилиб, хукмдан норозилик шикоятини қилиш учун ўн беш кун берарди. «Сени бугуноҳ жўнатишади» – деди унга полиция ходими.

Линг қаршилик қилиб улгурмасиданоқ, полиция ходими ўзининг кўркам ва ялтираган ботинкаси пошнасини, узун қамоқхона коридори полининг ўртасида тақиллатган ҳолда кетиб қолди.

*Уч йил. «Эҳ, Худойим, Сендан ўтинаман жамоатларга ёрдам бер»* – дея овоз чиқармасдан ибодат қилди. Бу пайтда уни полиция машинаси, ўн саккиз миллик Дарё номи билан машхур бўлган ердажойлашган лагерга олиб кетаётган эди. У ўзи ва ҳамкорлари эришган ҳамма нарса учун миннатдор эди, аммо шу билан бирга улар билан нима юз бераётганидан хавотирда эди. Билишича, уларнинг уй жамоатлари уюшмасидаги ўнта етакчидан камида тўрттаси қамоқда эди. Ундан ташқари, Фоон амаки маҳаллий қамоқхонада ва қолган иккита етакчини эса бошқа қамоқхонага жўнатишганди.

Уларни олиб келишганида, Лингга ёғоч косада гуруч, шахсий нарсалари солинган сумкани бердилар ва камерага олиб кетишли. «Салом, Линг! Бизга сени олиб келишимизни буюришди!» – дея саломлашган овоз эшитилди, унинг орқасидан жаранг-журунг қилиб эшик ёпилганида. Унинг лагердаги камерадошлари, Лингнинг гурухидан бўлган бир нечта имонлилар бўладиган бўлди. Уларнинг тетик саломлашишини эшитганида, кулишига тўғри келди. Улар худди унинг қамоқхонадалигидан хурсандек туюларди, аммо улар уни бир камерага жойлаштиришганидан хурсанд эканлигини биларди. Улар қучоклашдилар ва шивирлаб ибодат қилдилар. Линг уларга яна нечта имонли келиб қўшилиши ҳақида ўйлади.

Унга тепадаги жойни бердилар ва ўша куни Линг жойига чиқиб, овоз чиқарган ҳолда ибодат қила бошлади. «Ҳей» – дея қичқирди маҳбуслардан бири. «Бу ерда бундай қилиш мумкин эмас. Агар билиб қолса, сени жазолашадилар».

«Аммо масиҳийларга ибодат қилишни ман қилиши мумкин эмас. Бу улар учун худди нафас олишни ман қилгандек» – дея жавоб қилди у.

«Худди шундай» – деди аёл. «Нафақат бу, балки узун соч қўйиш ҳам ман қилинган»

Линг қўли билан ўзининг узун ва ялтироқ қора соchlарини силади. У ўзининг ташқи кўриниши билан мактана олмасди, аммо сочини калта қилиб ташлашларини тасаввур қила олмасди. У худди онасига ўхшаб, узун соч қўйиб юрарди. Калта соч билан қанчалик қўрқинчли кўриниши ҳақида ўйлади. Кўзлари ёшга тўлаётганини ҳис килди ва жим бўлган холда Худодан соchlарини сақлашини сўради. У сўраб улгурмасидан олдин, бу илтимоснинг қанчалар бўлмағур эканини билди. Атрофга қаради ва камерадаги ҳамма аёлларнинг сочи калта ва уларнинг ҳаммаси чиройсиз эканини кўрди.

Лагердаги ҳаёт, қамоқхонадаги ҳаётдан фарқ қиласди. Қамоқхона камерасидаги узок ҳафталардан кейин, Линг кун мобайнida кўчага чиқишидан хурсанд эди. Бу ерда овқат анча яхши эди, аммо уч ойлик синов муддати ичидан ясама соч тайёрлаб, 15–16 соатлаб ишлашига тўғри келди. Яна калласидан чиқиб турган сочга қараб, яна киноя билан фикр юритди. Ясама соч тайёрлаш иши зерикарли, қийин эди. Кўпинча маҳбуслар қайд қилиб юборарди ва кундузги нормани бажариш ҳам жуда ҳам қийин эди. Линг бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйлай олмасди.

Ҳаёт бир текисда, бир хил кетарди – уйғонасан, овқат ейсан, ишлайсан ва ухлайсан – кейин яна уйғонасан, овқат ейсан ва яна ишлайсан. Айрим пайтда агар буюртма кўп бўлса, ёки кундузги нормани бажармасалар, маҳбуслар ҳатто тун бўйи ҳам ишлардилар. Линг учун ҳаммасидан қийини, ўзи ўрганиб қолган, Худо ҳақида ўйлаш ва ибодат қилиш учун вақт топиш қийин эди. Марказий Хитой бўйлаб шунча йил эркин саёҳат қилиб, ваъз қилиб, ўқитиб, бошқа одамлар ҳақида ғамхўрлик қилиб юришдан кейин, бу қонун-қоидали ва чеклашларга тўла бўлган янги ҳаёт у учун катта зарба бўлганди.

### Бу ерда Худонинг биз учун режаси бор

Ҳар куни эрталаб маҳбуслар хуштак чалиниши биланоқ, соат бешдан сакраб турардилар. Кейин улардан ётоқ жойини

түғирлаш ва ҳовлида саф тортиш учун ўн минут, овқатланиш учун эса ўн беш минут вақтлари бўларди. Кейин кун бўйи фабрикада ишлардилар. Бундай режа ҳафтада етти кун учун ўрнатилган эди ва дам олиш йўқ эди. Улардан кўпчилиги ва жумладан Линг учун ҳам ҳаёт бир маромда кетарди. Улар оғир ишдан эзилиб кетишганди. Линг фоҳишалар, гиёхванд сотувчилар, ўғрилар, бола ўғрилари ва бошқа «жамият аҳлати» деб аталувчилар билан бирга ишларди. Узоқ соатли оғир ишдан эзилган Линг учун кечаси ибодат қилиш қийинлашиб борарди, чунки унинг жуда ухлагиси келарди.

Бир нечта ҳафта ўтиб, Линг ўзига келаётганини ҳис қилди, чунки у ўзини Худонинг иродасига топширган эди. Унда яна ўз имонини бошқалар билан бўлишишга хоҳиш уйғонди. «Ҳар қандай вазиятда, Худо биздан итоат қилишга ўрганишимизни хоҳлайди, шундай эмасми?» – дея сўради у. «Шунинг учун Худодан биз учун режа борлигинии биламан. Атрофимиз жиноятчиларга тўла ва Худо биздан бу одамларни севишни ўрганишимизни хоҳлайди».

Линг бу катта лагерда бир гурӯҳ имонлилар бўлганидан миннатдор эди. Биттаси қайғуга ботганида, бошқа бири Масихдаги биродари ва опа-сингилига далда берарди. Улар очиқ ибодат қила олмасликларидан Линг хафа бўлган бўлсада, у ибодат қилиш ва аёлларга далда бериш учун жой ва вакъ топарди. Мисол учун, иш куни мобайнода хожатга чиқишига рухсат берганларида ёки овқатга навбатда турганларида буни киларди.

Тез орада Лингнинг етакчи сифатидаги қобилиятини лагер бошлиқлари сезиб қолишидни ва уни бригадир қилиб қўйдилар. Бу Линг учун уларга қўпроқ намуна кўрсатиш имконини берди, чунки у баракдаги элликта аёл учун ва бригадир сифатида ясама соч тайёрлаш фабрикасидаги икки юзта аёл учун жавоб берарди. Иш қийин бўлишига ва маҳбус аёллар ўртасидаги жанжал унинг жаҳлини чиқаришига қарамасдан, Линг ўзининг ишини беками кўст бажаарди ва охир-оқибатда ўзининг бригадасида ишлайдиган бир нечта аёлларнинг юрагини эгаллашга муяссар бўлди.

«Нима учун сен бу ердасан?» – дея сўрарди айрим аёллар. «Сен шундай меҳрибон ва яхши етакчисан. Сен яхши марта-баларга кўтарилишинг мумкин эди».

Линг ҳар бир имкониятни, нима учун уни қамоқхонага ташлағанини айтиш учун ишлатарди ва натижада кўплар яширин масиҳийларга айландилар. Уларда Муқаддас Китоб бўлмасада, Линг уларга ўзи Муқаддас Китобдан ва забурдан ёдлаб олган оятларни ўргатарди. Уларни яна қандай ибодат қилишга ўргатарди. У қари имонли одамнинг синчковлик билан қўлда ёзилган Муқаддас Китобини ва ўзининг Муқаддас Китобдан катта парчаларни ёдлаш мажбуриятини олгани ҳақида эслади.

Энди у ўзининг ваъдасини бажарганидан хурсанд эди.

### «Менга ўхшаган одам ишониши мумкинми?»

Қамоқхона ҳокимияти Лингнинг ажойиб ишига, унинг бригадаси меҳнатда энг яхши кўрсаткичларга эга эканлигига, бошқа бригадага қараганда уницида жанжаллар ва қўнгилсиз ҳолатлар кам эканлигига эътибор қаратишда давом этди. Бир куни Лингнинг бошлиғи Тао хоним уни йўлакда тўхтатди.

«Линг, мен сенинг ишингни кўрдим» – деди у. «Мен сенинг фаолиятинг ва сен обрў-эътиборли масиҳий етакчи бўлганинг ҳақида биламан. Энди эса ўн бир ойдан буён сен бу ердасан ва сен қандай ишлаётганингни, бошқа маҳбуслар билан, айниқса қўнгилсизлик олиб келадиган қўпол ва ҳар доим хафа бўлганлар билан ўзингни қандай тутаётганингни кўраяпман. Сен худди уларга боғланиб қолгандек туюласан, лекин ўзингни улардан бошқача тутасан. Нима учун?».

Линг бошлиғига: «Мен ўзимни уларга ўхшаб тутмайман, чунки мен масиҳийман ва ҳаётимни Исо Масихга бағишилганман. Мен У туфайли яшаяпман, яшшимнинг сабабчиси У» – деб айтганида асаблари таранглашганини ҳис қилди. Линг Тао хонимнинг жавобини кутиб, нафасини ичига ютди. Фақатгина дин ҳақида тил очгани учун унинг қамоқ муддатини чўзишлари ёки «кутичага», яъни бир кишилик камерага ташлашлари мумкин эди. Ундан сўраётган одам унга қопқон қўймоқчими ёки йўқми у ҳеч қачон билмасди. Аммо Лингни ҳайрон қолдириб, унинг бошлиғи: «Менга ўхшаган одам Исога ишониши мумкинми?» – дея бидирлади.

«Албатта!» – дея жавоб қилди Линг. «Аммо сиз ўз иш ўрнингиздан ажралиб қолишидан қўрқмайсизми? Ҳукумат сизни армиядан ҳайдаб юборишидан қўрқмайсизми?»

«Сеннинг шундай бўлмағур нарсани гапирганинг учун қамоқ муддатингизни чўзиб, жазо беришимдан қўрқмайсанми?» – дея тезда жавоб қилди Тао хоним.

«Хозирча менинг бу ердалигимга сабаб бор – агар сизнинг Исога имон келтирганингизга ишонч ҳосил қилсан, мен бу ерда бутунлай қолишим ҳам мумкин» – деди.

«Сенга бу ерда бўлиш ёқадими?»

«Йўқ, умуман ёқмайди» – деди Линг. «Аммо Исо сизни севгани учун мен бу ердаман. Менинг ва сизнинг ҳаётингиз Худо томонидан берилган».

Тао хоним яна бир нечта савол берди, Линг уларнинг хар бирига жавоб қилди ва бошлиғига Худонинг севгиси ва инояти ҳақида гапиришда давом этди.

Тао хоним қизиқиб қолди, аммо уни ишонтириш осон эмас эди ва уларнинг яширин сухбати кўп ойлар давом этди. Ниҳоят, бир куни у Лингга: «Агар мен имонли бўлсан ҳамки, мен буни яшириб юришим керак бўлади. Мен яшаётган жойда масиҳийлар бор, аммо улар билан ҳеч қачон гаплашмаганман. Эгаллаб турган мансабим сабабли улар билан гаплашишим қийин. Сен ҳақиқатдан мен таниган биринчи масиҳийсан».

Жавобан Линг фақат кулди ва ичидаги Тао хоним учун ибодат қилди.

У Худованд учун лагерда қўлидан келганча яна икки йил ишлади ва хизмат қилди, аммо узоқ соатлаб оғир меҳнат қилиши ва ёмон овқатланиши туфайли унинг соғлиги ёмонлашди. Айrim пайтларда, у яна қанча чидай олиши ҳақида ўйларди. Кейин декабр ойи кунларидан бирида Тао хоним Лингни ўз хонасига чақирди. У столда ўтиради. Унинг қўриниши қўрқинчли, қўлида эса қоғоз вараги бор эди.

«Нима бўлди?» – дея сўради Линг.

«Сеннинг қамоқ муддатинг бўйича менга буйруқ келди ва мен унга қўл қўйишим керак» – деди Тао хоним.

Линг ҳайратда ёқа ушлаб қолди. У охирги пайтда қамоқ

муддатини узайтиришга сабаб бўлувчи нима юз берди экан дея ўйлади.

У ҳеч нарса эслай олмади, аммо кимдир бошлиқларга ёлғон сўзлаб, уни ёмон кўрсатмоқчи бўлиши мумкин. Тао хоним ва Линг дўстлашиб қолганди ва Линг у билан Масих ҳақида гапиришни давом этарди. Эҳтимол, кимдир уларнинг сұхбатини эшитиб қолиб, сотиб бергандир?

Ҳаёли ҳар хил нарсаларга борди. У Тао хоним қофоздан «...сенинг қамоқ муддатинг бир йилга» – дея ўқиганидан ўзига келди.

Лингнинг юраги орқага тортиб кетди. Кейин Тао хоним унинг қайгули юз кўринишига ҳайрон бўлиб қаради. «Линг! Мени эшитдингми?» – дея сўради бирданига Тао хоним. «Улар сени бутунлай оқладилар ва муддатингни бир йилга қисқартирдилар!».

Линг бир сўз ҳамайта олмади.

«Сенинг ҳеч нарса айта олмаслигинги биринчи марта кўраяпман».

Тао хоним кулди. «Табриклайман Линг, сени уч хафтага етмасдан озод қилишади» – деди.

## Бошқа дунё

Уч ҳафта ўтиб, тўпиғигача қорга ботган ҳолда, ҳаяжонланиб лагер ёнида Фоон амакини кутиб турганида, эрталабки совук Лингнинг танасидан ўтиб кетди. «Оқладилар» – дея ўйлади у. Бу у Хушхабарни бошқа маҳбусларга вазъ қилганини ҳеч ким билмаганини англаради. Бу шунингдек, уни қандайдир вақтга ўз ҳолига қўйишини ҳам англаради.

Линг ўзининг воизхонлик хизматига қайта олишидан, аъзоларга далда бера олишидан хурсанд эди, аммо унинг соғлиги олдингидек эмаслигини биларди. Қамоқхона ҳаётида шундай кўп нарсалар бор эдики, улар ўз изини қолдирганди. Эй *Худойим, эркинликдаги ҳаётга кўникишимга ёрдам бер. Сендан ўтинаман, қамоқхонадаги опа-сингилларимни ташлаб қўйма.*

Фоон ва Шеннинг кичкина машинаси келди ва улар яна бирга

эканлигидан Линг яна хурсанд эди. Ўтган икки йил мобайнида уни кам одам кўришга келди, чунки агар имонлилардан кимдир қамоқхонага келса, уларда катта муаммо бўларди.

Энди у тез орада етакчилардан айримлари оила кургани, бошқаларида эса болалар туғилгани, янги бир нечта гурухлар ташкил бўлгани ҳақида билиб олади. Машина йўлга чиқиши биланоқ, Линг кўнгли айниганини ҳис қилди. «*Анчадан буён ҳис қилмаган яна бир нарса*» – дея ўйлади у. «*Анчадан буён машинага чиқмагандим*».

Бутун йўл бўйлаб, тўрт соат мобайнида уни кўнгил айниши қийналиб, орқа ўриндиққа гужанак бўлиб ётиб олди ва озодлик хурсандчилиги ҳақида ўйлашга ҳаракат қилди.

Худди ўзи ўйлагандек, яна оддий ҳаётга қўникиш қийин эди. Лагер – бу умуман бошқа дунё. Лагерда ҳеч қачон чирокни ўчиришга рухсат беришмайди. Фабрика ҳар доим ишларди ва камералар чирок билан яхши таъминланган эди. У қамоқда бўлган пайтида, жамоат раҳбарияти мустаҳкамланди, шунинг учун ва яна аёл бўлгани учун Лингга олдинги вазифасига қайтиши қийин эди. Энди жамоат раҳбарлари орасида унга ўрин йўқлигидан жуда ачинарди, аммо у тузалмагунича дам олиши ва ўзига катта жавобгарлик олмаслиги кераклигини биларди. Шунинг учун бу яхшиликкадир.

### Ҳамма қўлга олинди

Линг жамоат етакчиларидан бирининг оиласида яшарди. Улар марказий Хитойдаги катта ўйлардан бирида яшарди ва Лингга иккинчи қаватдан хона ажратдилар. Етакчилар яширин равища ўн тўққизинчидан йигирма учинчи августргача бу ўйда учрашдилар. Линг учрашувда қатнашишни хоҳларди, аммо у бу пайтда гарбий Хитойда муҳим топширикни бажараётган эди. У етакчилар шу тарзда уни қувғиндан химоя қилишга ҳаракат қилишмоқчи бўлишди, дея ўйлади, аммо бу шундайми ёки йўқми билмасди. Бу учрашувга ўттиздан ортиқ асосий етакчилар келиши керак эди, бу эски алоқаларни ва ўзининг етакчилик вазифасини тиклаш учун ажойиб имконият эди. Аммо бу амалга ошмади.



Йигирма учинчи август куни кечқурун у ўзининг ғарбий Хитойдаги вазифасини бажариб бўлганида, бу хабарни олди: «Линг! Тезроқ орқага қайт. Ҳамма етакчиларни қўлга олиши – ҳаммасини! Етакчилардан факат сен қолдинг!».

Линг эртаси куни уйга қайтиб келди ва ҳамма имонлилар кўркувда эканини тушунди. Айрим етакчиларнинг хотинлари, нима учундир бунда Линг айбдор, деб ҳисоблашди. Уни олти ой олдин озод қилишибди ва дўстлари полиция уни ҳам қидирганини айтди.

Линг тезда етакчиликни ўз қўлига олди. Дастрраб у ҳамма маҳаллий имонлиларни чакирди ва ҳар бир гурухга битта-иккитадан қўлга олинган етакчиларга ёрдам бериш вазифасини топширди. Улар кийим, озиқ-овқат ва пул йигиб, полиция маҳкамасидаги «ўз» етакчиларига олиб боришлари керак эди.

Бу қўлга олиш бутун Хитой бўйлаб жамоатларга таъсир қилди, чунки қўлга олинган чўпонлар Хитойнинг турли бурчагидаги асосий масихий етакчилар эди. Уларнинг қўлга олингани ҳақидаги хабар электрон манзиллар, ҳамда «Америка овози» радиоси туфайли тезда тарқалди. Линг келаётган маълумотлар оқимини уддалашга ҳаракат қиласди. Охирги хабарларни билиш учун, одамлар бутун Хитой ва бутун дунёдан телефон қила бошлади. Тез орада чўпонларнинг оиласлари кела бошлади, Линг қўлидан келганича меҳмонларни кутиб олди ва уларнинг саволларига жавоб берди.

Беш ҳафтадан кейин олтитасидан ташқари, деярли ҳамма чўпонларни озод қилишибди, аммо улар катта жарима (ҳар бири ўн минг йенгача) тўлашлари керак эди ва Линг пул йигиши учун жавобгар бўлди. Имонлилар шунчалик камбағал эди, шунча катта сонли етакчилар учун пул йигиши жуда қийин эди. Аммо Линг рад жавобини қабул қилмади. Унга пулдан кўра қамалган биродарлари муҳим эди ва у етарлича микдорни йигмагуница, сўрашда ва пул йигишида давом этди.

Линг жуда қийналди, у бу юкнинг остида қолиб кетадигандек туюлди, аммо у бу олтига чўпонни озод бўлмагуница, қўлидан келган ҳамма нарсани қилмасдан дам ололмасди. Бу олтига чўпон – уларнинг ташкилотининг энг обрўли етакчилари

эдилар ва полиция улар учун катта пул талаб қилаётган эди. У уларни ўлдиришлари мумкин, деб қўркарди.

Фақат биргина йўл бор эди. Линг полиция махкамасига қўнғироқ қилди.

«Илтимос, мен катта зобит билан гаплашмоқчи эдим».

«Сиз кимсиз?» – дея сўради навбатчи.

«Исмим Линг. Зобит мен кимлигимни билади, у мени қидирмокда».

«Линг, менинг кадрдон дўстим! Менга қўнғироқ қилишингдан ҳайратда қолдим» – деган таниш хотиржам овозни эшилди. «Қаёқдан қўнғироқ қилаяпсан?»

«Бу муҳим эмас. Сиз билан сиз қамоқда ушлаб турган дўстларим ҳақида гаплашмоқчи эдим».

«Албатта, маҳкамага кел ва биз гаплашамиз».

«Йўқ, мен сиз билан Брейт Мун меҳмонхонасида учрашишга розиман. Ва сиз ҳам бир ўзингиз келишингиз керак. Мен сизни кузатиб тураман, агар сиз билан кимдир келса, мен сиз билан учрашмайман».

Линг унинг рози бўлишини биларди. Унинг қизиқувчанлиги устун келади. Охирги бир неча ойдан бери ундан қочиб юрган воизхон, нима учун уни таклиф қилаяпти.

«Майли, қачон учрашишни хоҳлайсан?»

«Бугун соат етида» – деди у.

Сухбатни тутатиб, Линг ўзи ишонадиган биродарлардан биттаси билан учрашди. У унга вазиятни тушунтириди, кейин ундан бирга бора олиши ва меҳмонхона ёнида кутиб туриши мумкинлигини сўради. «Агар мен чиқмасам, у ҳолда қўлга олинган бўламан» – деди.

Соат олтидан эллик минут ўтганида улар меҳмонхона олдида, ўзлари кўринмайдиган жойда туриб, кузатишар ва кутишар эди. Улар зобитни бир гурух аскарлар билан бирга қўрдилар. Лингнинг юраги ҳаяжондан тезроқ ура бошлади. У катта зобит меҳмонхонага кирганини, қолганлар эса бино олдида кутаётганини кўрганида, у кетишга тайёр эди. Линг орқа эшикдан кирди ва зобит ўтирган столга бориб ўтирди.

«Линг, сени кўрганимдан хурсандман» – деди у илиқлик

билин худди ҳақиқатдан дүстлардек. «Мен сени қўлга олишимдан қўрқмайсанми?»

«Агар қўрққанимда, бу ерда бўлмасдим. Аммо шу ердаман».

Иккаласи хам тушлик буюришди ва Линг официантга ўзи тўлашини айтди. Кейин у ишга киришди. «Дўстларим билан қандай муносабат қиласяпсиз? Сиз жарима тўлашга мажбур қилиб, айримларини озод қилдингиз. Агар пул хоҳласангиз, пул бераман. Қанча хоҳлайсиз?»

«Линг, шошма» – деди зобит. «Биз ҳали овқатланиб бўлмадик. Бундан ташқари мен улар учун ҳеч нарса қилолмайман ва бу сенинг айбинг. Бу жамоатчиликка маълум бўлишига сен айбдорсан».

Линг уни қўрқтишига ҳаракат қилаётганини биларди, аммо у ён бермади. У бошқа йўл тутишга тайёр эди. Улар икки саот гаплашдилар ва Линг вақти-вақти билан ўз имони ҳақида гапирарди. У ва қамоқхонада ўтирган чўпонлар нима учун шунчалик эҳтирос билан Исо Масихнинг таълимотини тарқатишини тушунтирди. Зобит ҳурмат билан эшитди, Лингнинг кўзларидан қанчалик дўстлари учун қайғураётганини кўрди. Аммо ҳамма келтирган далиллари бефойда эди. Зобит уларни озод қилиш ҳақида умид беришдан бош тортди.

Линг ўзининг қора соchlарини силади. Нихоят, улар ўсган эди. У онасининг қурбонлик ҳақидаги ибодатини эслади ва Муқаддас Каломдан парчани ёдан такрорлади. «Хосил ҳақиқатдан мўл... ишчилар оз... бўрилар орасига қўзилардай».

Линг қийноқлар мактабига қайтиш вақти эмасмикан, дея ўйлади.

### Яна мактабга

Зобит деярли тушликни тугатди ва Линг ўзида кам вақт қолганини биларди. Уни меҳмонхона эшиги олдида аскарлар кутаётганини биларди. У охирги таклифни қилди. «Сиз мени қидириб юргандингиз ва мана мен. Мени қўлга олинг ва дўстларимни қўйиб юборинг» – деди.

Зобит секин кулди: «Линг» – самимийлик билан деди, «сен мен учратган аёлларнинг ичидаги алоҳида аёлсан».

Кейин у ҳеч бир сўз айтмасдан, турди ва ресторандан чиқди.

Линг режаси барбод бўлганини ҳис қилиб, қимирламасдан яна бир қанча вакт ўтириди. Унинг юрагида оғирлик бор эди ва у йиғига умидсизлик билан қайтиб келди. Қамоқда қолган дўстларига осон бўлмаслигини биларди.

Вакт ўтарди. Линг яна иккита масиҳийлар қўлга олинганини ва маҳаллий қамоқхоналарда хайвонларча қийналган етакчиларни, бир ва икки йиллик меҳнат – аҳлоқ тузатиш ишига ҳукм қилиб, лагерга жўнатиб юборишганини билиб олди.

Линг ишлашда давом этди, уни чукур ёлгизлик хисси чулғаб олди. Охириг қамоқ жазосидан кейин у ҳали касал эди, кўп етакчилар унинг соғлиги ёмонлашаётганини кўрдилар ва унга ўз жавобгарликларидан воз кечиши маслаҳат бердилар. Аммо у бош тортди. У онасининг далда беришини, рағбатлантиришини ва Линг Хушхабарни ваъз қила олиши учун, онасининг соя бошоқларини тегирмондан майдалаб, оғир иш қилганини эслади. У онасини жуда соғинарди, чунки анчадан буён кўрмаганди. Аммо уни бориб кўриш жуда хавфли эди.

Линг етакчилар гурухидаги ягона аёл эди ва қўпинча у ўзининг хонасида, бошлаган ишини тугата олиши учун Худодан куч бериши учун илтижо қилиб, йиғларди.

2002 йил ўн олтинчи апрелда Лингнинг телефони жиринглади. Унинг гурухидаги ўтизида масиҳий хитойча дин фанатиклари томонидан ўғирлаб кетилганди. Линг ўзининг полиция маҳкамасидаги «дўстига» телефон қилди. Яна ишга.

## Хотима

Лингнинг оғир хаёти давом этди, аммо унинг хизмати учун мукофот аниқ. Унинг шартлашилган «катта зобит билан учрашуви» орқали, Хитойдаги масиҳий уй жамоатининг аъзолари азоб чекаётган ноҳақликлар ҳақида гапира олиши учун Худо эшик очиб берди. Унинг ҳукумат билан алоқаси кўплаб баҳсларга сабаб бўлди, кўп масиҳийлар унинг ҳатти-ҳаракатларига қарши эди. Уларнинг танқидларига нисбатан Линг: «Биз – масиҳиймиз, аммо шунингдек биз хитойликмиз ва бу бизнинг мамлакатимиз» – дея жавоб қиласди. Линг хеч қачон ўз эътиқодига қарши



бормади ва ўзининг хушхабарчилик фаолиятини давом эттириди.

Ўзининг биродар aka-ука ва опа-сингилларини мардларча химоя қилиш учун, у кўлга олиниши мумкинлигига қарамасдан, хар қандай имкониятдан фойдаланади. У ҳали ҳам полициянинг кузатуви остидагилар рўйхатда, аммо у Худонинг ҳам рўйхатида турибди. Худо уни ажойиб равишда қамоқ жазосидан химоя қиласапти.

Бироқ Линг агар зарур бўлса, бунга ҳам тайёр. «Мен мактабга қайтишга тайёрман» – дейди у. «Агар Худо менинг бошимдаги соchlарни сонини билса, демак мен Унинг ҳокимияти ва Унинг иродаси остида қоламан».

Жамоат мустаҳкам оёқка туриб олмагунча, турмушга чиқмасликка ваъда берганида, ҳаёт унга яна бир синов ташлаганди. Ўшанда гурух уларнинг ваъдаси ўн йилга чўзилади, дея ҳисобларди ва Линг бундан кейин турмушга чиқиши учун кўп вақти бўлади, дея ўйларди. (Ўшанда у эндиғина ўн олти ёшда эди). Бироқ, энди у ўттиз ёшда, Хитойда эса ўттиз ёшдан кейин ёлғиз аёлни турмушга чиқиши жуда қийин.

Кўпинча унга (у уй жамоатини қуришга ёрдам берган чўпонлар ҳам) аёл кишининг ўрни уйда, унинг иши эса – овқат тайёрлаш, тозалаш ва болаларни тарбиялаш деб айтишарди. Линг бунинг муҳимлигини инкор қилмайди, аммо шунингдек Худода айрим пайтда умуман бошқача режалар борлигини ҳам билади. Ўзини танқид қилганларга, у уй жамоатлари эндиғина ривожланиб бошлаганида, айнан аёллар хавфли ишни бажарганини, яъни масихийликни ваъз қилганини эслатади. Хушхабарни ваъз қилганларнинг учдан икки қисми айнан аёллар бўлганини ва уларни Хитойнинг энг узоқ жойларига жўнатишганини эслатади. Бу ҳақида ҳамма етакчилар билади.

Ҳозир Линг Пекинда 2008 йилда бўлиб ўтадиган халқаро олимпия ўйинларига умид қилмоқда. Бу уй жамоатларининг ўсиши ва ривожланиши учун ажойиб имконият бўлади, дея ишонади.

Яна ишлаш учун олға...

# Глэдис:

## Нажот кечиримда

Ҳиндистон  
1981 йил, ноябрь ойи

Ўттиз ёшли Глэдис Везерхед Калкуттадан 170 километр жанубий шарқда жойлашган, Бенгал кўрфазининг ёнидаги Орисса штатининг Маюрбхандж туманига келганида кун иссиқ ва нам эди. Ҳар битта овозга ва атрофидаги ҳамма нарсага қараб «Мен ҳақиқатдан шу ерда эканлигимга ишона олмайман» – дея ўйлади у. Очиқ уйлардан ва дўконлардан анқиётган, аччиқ чили қалампирининг ўткир ҳиди, кўча бўйлаб эркин дайдиб юрган муқаддас моллар ва очиқ сув зовурларидағи ахлат уюмларининг чириган ҳиди билан аралашиб кетган эди. Иссиқдан ҳид янада кучлироқ анқирди, аммо Глэдис шимолнинг совуқидан кейин, иссиқ оби-ҳаволи мамлакатга келганидан хурсанд эди.

Покистон чегарасидан Ҳиндистоннинг ичкарисига қараб қилган саёҳати имон учун синов эди: уни олиб келган машинанинг ҳайдовчиси йўлда юк машиналарни, араваларни, таксиларни, молларни, велосипедларни ва тўхтовсиз одамлар оқимини қувиб ўтиб, у ёқдан бу ёқقا бориб келарди ва буларнинг ҳаммаси аралашишидан кўчада тасаввур қилиб бўлмас тартибсизлик эди. Австралияning кичкина тинч шаҳарчасида катта бўлган Глэдис, Ҳиндистонда ҳар кунлик ҳаётнинг бир қисми сифатида қабул қилинадиган бундай тартибсизликдан ҳайратга тушганди.

У меҳмонхонаси деразасидан бундай шиддатли оқимни қўркув билан кузатарди. Ҳар сафар она боласининг қўлидан ушлаб йўлдан ўтганида, нафасини ичига ютар ва аёллар ҳайдовчини ушлаб ўтириш ўрнига, сотиб олган нарсаларни қучоқлаб, мотоциклнинг орқа ўриндиғида бир томонлаб ўтирганини кўрганида ибодат қиласиди. Улар кўпинча ҳиндистоннинг транспортларга



тўла бўлган кўчаларида қатнаётган автобус ёки юк машиналари ёнидан бир неча сантиметргина узоқликдан ўтардилар.

Ҳиндистоннинг ахолиси деярли миллиард одамни ташкил қиласди ва Глэдис бундай катта сондаги одамларни ҳамма жойда кўришдан ёқа ушлаганди. Кўчада ўз атрофида ҳар хил одамларни: ифлос, оёқ яланг болалар, пешонасида хиндча нуқта қўйилган ва оч ранги сарига ўралган оналар, танаси қуриб қолган қариялар, ҳар хил Худонинг ижодини кўриб ҳайрон бўларди.

Глэдисга ҳаммаси ёқарди. Ўн икки йиллик умидсизликдан кейин, ниҳоят ўзининг орзуси амалга ошди ва Худо уни чақирган ишни қиласяпти, яъни бошқа мамлакатдаги бечораларга ёрдам бераяпти. У кўпинча бу орзуси амалга ошармикан, ўша кун келармикан, дея ўйларди...

### Хизматга берилиб

Глэдис ўзининг она юрти Австралиядаги конференцияда иштирок этганида атиги ўн саккиз ёшда эди ва Худонинг чорловига хушхабар элчиси бўлишлик билан жавоб қилди. Глэдис Квинсленд штатидаги фермада катта бўлди, жамоатда кўплаб ваъзлар эшиитди ва ҳатто ота-онаси ўйига таклиф қилган бир нечта хушхабар элчилари билан ҳам учрашди. Ҳар шанба Глэдиснинг онаси ҳамма болаларини чақириб, хушхабар элчилари ҳақида ҳикоя ўқиб берарди. Африка, Ҳиндистон, Хитой... Глэдис узок юртлардаги ҳаёт ҳақидаги жозибали ҳикоялардан ҳайратланар ва хушхабар элчиларининг ўз ишига бўлган садоқатидан фаҳрланар эди.

Хушхабар элчиларининг ишлари ҳақида кўп нарса билган, Глэдис конференция унга шунчалик катта таъсир кўрсатишидан ҳайрон бўлмаслиги керак эди, аммо бу нарса юз берди. Уни Худо бошқа мамлакатда хизмат қилиш учун чакираётганига шубҳа қолмади. У нима учун хушхабар элчилар ўз хизматини бундай қизиқиш билан бажаришларини тушуна бошлади.

Ҳаётининг кейинги йиллари мобайнода Глэдис ўзининг ҳамма қарорларини қачондир хушхабар элчиси бўлишлик нуқтаи назардан қаарарди. У ўқишини тугатди ва ўзининг келажақдаги иши учун жуда зарур бўлган ҳамширалик касбига эга бўлди.



Иложи борича у чет элда ишлашни хоҳламайдиган бўлгуси куёвлардан узокроқ юришга ҳаракат қилди. Бу қийин эди, аммо Глэдис агар бу ўз мақсадидан воз кечишга олиб келадиган бўлса, Худо унинг ким биландир банд бўлиб қолишини хоҳламаслигини биларди. У вазифаларини яхши бажаарди ва кичкина шифохонани бошқара бошлади. У шунингдек, якшанба кунги мактабда дарс берар ва имконияти борича жамоатга ёрдамлашар эди.

Глэдис хар сафар уларнинг кичкина жамоатига масиҳий воизхон келганида янгитдан куч оларди. У қачондир келажакда худди шундай ишни бажаришини тасаввур қилиб, ҳар битта сўзни диққат билан эшитар эди. Қачондир катта йигилишда сўзга чиқишига тўгри келармикан, дея ўйларди. Хушхабар элчилари хизматининг бу қисми унга унча ёқмасди, уни чўчитар эди. Ва бу Глэдис шундай кўрқоқ бўлгани учун эмас, балки Худо унга шундай инъом берганига ишона олмасди. *«Мен Худонинг севгисини ҳамишира бўлиб ишлаб, амалда кўрсатиш билан кифояланаман»* – деди у ўзига-ўзи.

1980 йилда Глэдис йигирма ёшга тўлди ва қачондир унинг орзуси амалга ошармикан, дея ўйлай бошлади. Ичида хаммаси Худонинг қўлида эканлигига ва ҳаммаси Худо хоҳлаган пайтда амалга ошишига амин эди. Аммо унинг жуда кўп саволлари бор эди ва у турмушга чиқиши ҳақида ўйлай бошлаганди. У энди ёш эмас эди, бошқа мамлакатларда хизмат қилаётганлар эса, Худо уларни йигирма ёшга кирар кирмас ёки ундан ҳам олдин хизматга чакиргани ҳақида айтардилар. Глэдиснинг кўплаб хизматдошлари турмушга чиқар, фарзанд кўришар эди. Глэдис уларнинг оиласи кўпайганидан хурсандчилигини кўрганида, унга бошқа мамлакатлардаги бечораларга ёрдам бериш ҳақида ўйлаш янада қийинлашар эди.

1980 йил охирида Глэдис «Оперейшн Мобилизейшн» ташкилотида ишлайдиган Майк Хей билан учрашди. У бир неча йилдан бўён Ҳиндистонда ишлаётган эди ва унинг рухлантириши Глэдисни ҳайратга солди. Глэдис уни Ҳиндистондаги иши ҳақидаги саволлар билан кўмиб ташлади. «У ерда одамлар қандай? Очик ваъз кила оласизми? Улар қандай қабул қилишади? Ташкилотингиз қандай ишлайди? Сизни ким қўллаб-куватлаб туради?»

Майк унинг кўпроқ қизиқаётганини хис қилиб қулди ва сабр билан унинг барча саволларига жавоб берди.

Глэдис: «*Эҳтимол бу мен учундир? Бу балким бу айнан менинг кутганимдир!*» – дея ўйлади. Бир неча ҳафталар мобайнида Глэдис бу ташкилот ҳақидаги ҳамма адабиётларни ўқиб чиқди. У икки йил ишлаб бериши кераклиги ва ҳар бир одам ўзининг қайси мамлакатда ишлаши тўғрисида Худонинг кўрсатмасини қидириш кераклигини билиб олди. У бу қандай ташкилот эканини, раҳбарлари ва ҳамма хизматчилари ўзининг ишига қанчалик содик эканини тушунди. Бу айнан у учун эканига ишонч ҳосил қилди. Унинг кўнгли тинчилини ва у улар билан келишишни бошлади.

1981 йил май ойига келиб, Глэдис ҳаётида биринчи марта Австралиядан кетишга тайёр эди. У ҳали ҳам кейинги икки йил қаерда ишлашини билмасди, аммо ёзда ўқиши учун Европага кетди. Оиласи ва дўстлари билан хайрлаша туриб, у умидга тўла эди. Ўз ишига берилган хушхабар элчиси Майк Хей билан учрашувини эслаб, у ҳар доим Ҳиндистонда ишлашни хоҳлаши ҳақида ўйларди, аммо Худо қаёқка жўнатса, ўша ерга боришга тайёр эди. Кетиш арафасида бутун оиласи унинг атрофида йигилди ва ҳаммаси забурдан энг севимли: «Чунки У яшаяпти» – деган қўшиқни куйлашди.

«Мен ўз келажагимни кутиб олишим мумкин, чунки у Худованднинг қўлида эканини биламан» – деди уларга Глэдис, қўшиқни куйлаб бўлишганларида.

Ёзда Глэдис Европада ўқиди ва уни у ерга олиб келган садоқат руҳи билан янада тўлди. У совук полда ухлади, ҳафтада бир марта чўмиларди, ётоқхонадаги ҳожатхонани тозаларди, Англияда яшайдиган Осиёлик одамлар ҳақида ғамхўрлик қиларди ва ўқишдан кейин қаерга бориши ҳақида Худонинг кўрсатмасини изларди – буларнинг ҳаммаси бошқа мамлакатда хизмат қилишга тайёргарликнинг бир қисми эди. Глэдис ўз мақсадини аниқ билиб, бутун қийинчиликларга чидади ва Ҳиндистон ҳақида орзу қилишда давом этди. У Ҳиндистон ва унинг халқи ҳақида кам билар эди, аммо унинг у ерга боришга қизиқиши ва хоҳиши сўнмади.

Ёзги машғулотлар охирида Глэдис Англиялик эр-хотин – хушхабар элчилари дастурининг бошқарувчилари билан тушлик қилиб қолди. Улар ундан қаёққа ишлаш учун кетаётганини сўрадилар.

Глэдис уларга Ҳиндистонга бориш учун хушхабар элчиси ташкилотларидан бирига ариза берганини тушунтириди. «Аслида эса, мен ҳозир қаерга боришим кераклигини унча яхши билмайман» – деди у. «Худо учун қаердан кўпроқ зарур бўлсам, ўша ерга боришни хоҳлайман» – деди.

«Глэдис сен каттасан» – деди хотини юмшоқ оҳангда. Глэдис «катта» эканини эшитганида, унга жон кирди. У ўз ишини бошқаларга қараганда кеч бошлади, аммо у атиги ўттизга кирганди. Унинг ҳайрон бўлган қарашини кўрган аёл кулди ва тушунтиришга шошли: «Йўқ, йўқ. Сен қари эмассан. Сен фақат бошқалардан каттароқ ва тажрибалироқсан. Сен кўпроқ Муқаддас Китобни ўқидинг, етакчи бўлишга ўргандинг, катта ҳаёт тажрибасига эгасан. Ҳиндистонда сенга ўхшаган одамлар керак» – деди.

Глэдис кулди ва Худога бу аёлнинг доно сўзлари учун миннатдорчилик билдириди. У Глэдисга деярли худди Майк Хейга ўхшаган маслаҳат берди. Энди у ўзи ибодат қилган нарса учун тасдиқ олиб, тинчланди. Бутун умрга у учун севимли қўшиқка айланган қўшиқнинг сўзларини яна эслади: «Келажагим Унинг қўлида эканини биламан ва хеч бўлмаганда У яшаётгани учун яшашга арзийди».

### «Моховлар учун уй»

Уни олиб кетаётган ҳайдовчи ундан қаергадир кириб ўтиш учун рухсат сўраганида, у Ҳиндистондаги Куттакеда ўзи учун мўлжалланган жойга кетаётган эди. Йўлда кетаётган саноқсиз одамлар, эркаклар, аёллар, болалар тўдаси унинг эътиборини тортарди ва у ҳайдовчини эшитмади, фақатгина унинг «...Маюрб-хандждаги моховлар уйига. Глэдис сен қарши эмасмисан? Биз у ерда кўп бўлмаймиз» – деганини эшитди холос.

Моховлар уйида ҳайдовчи баланд бўйли келишган, Грэм Стейнз исмли австриялик билан учрашиди. Глэдис ўша жойда

ишлайдиган бошқа австралияликлар ҳақида эшитган эди, аммо уларнинг исмларини билмасди. Грэм Глэдисни хушхабар элчилари ташкилоти биносига кузатиб борди. Глэдис эркаклар ишларини тугатгунча ўша ерда кутиб турди. У бу ташкилот биносини кузатиб ва бу ерда ишлаган биринчи аёл Кейи Алленби ҳақидаги кичкина китобчани кўздан кечириб, Глэдис бу ташкилотнинг тарихи билан қизиқиб қолди. Етмиш йиллик бир қаватли уй хотиржам мухитни яратиб турарди. Бир қаватли бинонинг ҳар бир қисми – бетон полидан тортиб кўп марта қават-қават қилиб оқланган 45 сантиметр қалинликдаги деворигача, ҳатто хонани чидаб бўлмас иссиқлиқдан химоя қилишга ёрдам берадиган кенг айвон ҳам унчалик эски кўринмас эди.

Глэдис кутиб ўтирганида, нима учун Грэмнинг рафиқаси чой ичишга таклиф қилиб чиқмагани ҳақида ўйлади, чунки бу хиндларнинг урф-одати эканини у аллақачон биларди. Аммо рафиқаси пайдо бўлмади ва тез орада Глэдис ва ҳайдовчиси жанубга, Куттакга қараб ўйл олди.

Дастлабки бир неча ой ҳаёт жуда қийин кечди, аммо қизик эди, Глэдис маҳаллий урф-одатлар ва маданиятни ўрганишга ҳаракат қилди. Куттакедаги биринчи олти ойни маҳаллий ёрдамчилар иборат гурухи билан ўтказди. Олтида аёл ҳамма ёғи китоблар солинган қутиларга тўла бўлган иккита кичкина хонада яшардилар.

Овқатларни ҳар доим мөғор босар, сувни чеълакларда олиб келишар, ерда қазиб ўрага ётқизилган, цементдан бўлган тешикли плита, ҳожатхона бўлиб хизмат қиласди. Глэдис Худога фермада ўсиб-улгайгани учун миннатдорчилик билдирав ва шундай оғир иш эканини биларди, аммо айрим пайтларда уни қайғу босар эди ва шунинг учун ҳамма нарсанинг яхши томонига қарашга ҳаракат қиласди: «Худо менга бераётган ҳамма нарса – яхши».

Ҳар куни улар иккита бўлиб кетар ва масиҳий китобларни сотишга ва одамлар билан Худо ҳақида гаплашишга ҳаракат қилиб уйма – уй юришар эдилар.

Глэдисга шаҳардаги одамлар билан гаплашиш ёқарди, аммо юраги Барипададан шимолий ғарбда, тоғлар ичида жойлашган

Сантал қишлоғига интиларди. Улар бириңчи марта Барипада атрофлари бўйлаб кезгандаридан, бу қишлоқлар чеккасидан ўтишган эдилар. Пичан томли, тупроқдан бўлган уйлар дарахтлар орасида йўлга жуда яқин туради. Уйлардан унча узоқ бўлмаган жойда қўлда қазилган ховуз бор эди.

Унга Санталнинг урф-одатлари, рухларга сифиниши ва ҳатто айрим пайтда рухларни раҳмини қозониш учун одамларни қурбонликка келтириши ҳақида айтиб беришганди. Яшаш шароити жуда қадимий эди, кўп болалар шифолаш ёки сақлаб қолиш мумкин бўлган касалликлардан ўлишар эди. Оиласлар эса рухларни тинчлантириш ва болаларини қутқариш учун, тутатқилар ва қурбонлик учун ҳайвонлар сотиб олишга бекордан-бекорга пул сарфлашар эдилар.

Ҳамшира сифатида, Глэдис одамларни ўқитиб, уларга ёрдам бериш мумкинлигини, масиҳий сифатида эса уларни худолар деб ҳисоблаган рухларга боғлиқликдан озод этиб, Исо уларга янада кўпроқ шифо бериши мумкинлигини биларди. Уларнинг ачинарли ҳолати ҳақида ўйлаганида уни кучли ҳис-туйғу чулгаб олди ва бу қишлоқ ахолиси ёнига боришни хоҳлади. Уларга ўзининг юрагидаги эзгу хабарни олиб боришни хоҳлади.

1982 йил январда Глэдисда шундай имконият пайдо бўлди. Унинг кейинги вазифаси, хушхабар элчилари маҳаллий масиҳийлар томонидан ташкил қилинган « chan galzordagi лагерлар»да қатнашган бир нечта қишлоқларга бориш эди. Шундай қишлоқлардан биттасига нотекис тоглик жойдан ўн бир километр пиёда юриб бориш керак эди, аммо Глэдис у ерга боришидан хурсанд эди. У ҳамма нарсада чин қўнгилдан қатнашди: кудукдан сув тортди, дарёда чўмилди, ерга тўшалган тўшакда ётди. Маҳаллий аёлларга баланд бўйли, сариқ танли австралиялик бўлиш ёқарди ва улар Глэдисга ўз ҳаёти ҳақида гапиришга интилар эдилар.

### Энг бечораларга севги кўрсатиш

Қишлоқ Маюрбхандждаги моховлар уйидан унча узоқ бўлмаган жойда жойлашган эди ва Глэдис бир нечта марта Грэм билан учрашиди. Кейинчалик у Грэмнинг ҳеч қачон уйланмаганлигини

билиб олди. Учрашган пайтларида улар асосан хушхабар элчилари ташкилотининг иши ҳақида сухбатлашар эдилар, аммо Глэдис ўзининг Грэмга нисбатан ҳис-туйғуси борлигини ҳис қилди. Шунга қарамасдан у ҳис-туйғуларига эътибор қиласликка ва диққатини хизматга қаратишга ҳаракат қилди.

Кейин унга навбатдаги вазифани топширдилар. Глэдис ўзида Ҳиндистонни томоша қилиш имконияти борлигидан хурсанд эди, чунки у «ОМ» командаси билан бирга бир жойдан бошқа жойга юрар эди. Аммо моховлар уйи ва Санталдаги маҳаллий ахоли орасидаги хаёт унда ўчмас из қолдирди. У Грэм ва бошқаларнинг касаллар ҳақида, яъни моховдан қийналган ва қишлоқдан ҳайдалганлар ҳақида қандай ғамхўрлик килишини кўрди. Индуизм мохов касалидан қийналаётган одамларни, уларнинг касалликларининг сабабчиси ўтган ҳаётидаги гуноҳлари эканига ишонтиришга ҳаракат қиласди. Уларни бир пиёла сувга ҳам лойик эмаслигига ишонтирар эдилар. Шунинг учун мохов билан касал бўлганлар аранг кун кечирардилар: кўчаларда садақа сўрар, уларни уйларидан ва оиласаридан ҳайдашар эди. Моховдан касал бўлганлардан кўра баҳтсиз одам йўқ эди ва уларни ҳеч ким Грэм каби яхши кўрмасди.

Моховлар уйига келган аламдийдалар, касал ривожланишининг олдини олувчи дори-дармон олардилар, бу уйдаги хизматчилар уларни севгиси ва ғамхўрлиги билан қамраб олардилар. Улар касалдан тузалиш мумкинлигини ва бу Худонинг лаънати эмаслиги ҳақида айтишардилар. Глэдис касаллар севги сўзини эшитганида қандай ўзгаришларини ва эркалаш билан яқинлашишларини кўриб, ҳайратга тушарди. Дори-дармонлар уларнинг яраларини, хизмат қилувчиларнинг ҳамдардлиги эса уларнинг кўнглини шифолар эди.

Глэдис моховлар уйида қилган ишидан жуда ҳайратга тушганди, аммо айрим пайтда нима учун қилаётгани ҳақида ўйланиб қоларди. Уни Грэм қизиқтирадими ёки хизмат? У Грэмга нисбатан илиқлик ҳис қилса ҳамки, у Глэдиснинг келиш мақсади эмас эди. Бундан ташқари Грэмда ҳам унга нисбатан худди шундай ҳис бор ёки йўқлигини билмасди. «Агар бу шундай бўлсачи?» – дея ўйлади. Улар ўртасида қандайдир муносабат

пайдо бўлишидан олдин, бу ҳақида ташкилот раҳбарларига айтиши керак. Тартиб-қоида шундай эди.

Баҳорда Глэдис Грэмнинг нияти қандай эканлиги ҳақида ўйлаши керак эмас эди. Грэм раҳбарлардан уларга хат ёзишиб туришга рухсат беришларини сўрагани ҳақида билиб олди ва у бундан жуда хурсанд бўлди. Баҳор ва ёзда улар бир-бирлари билан хат ёзишиб турдилар, бир-бирларини яхшироқ билиб олишдилар. Уларда жуда кўп умумий нарсалар борлигидан ҳайрон қолишган эдилар. Улар бир-бирларидан қирқ километр узоқликда катта бўлишган ва бир хил тарбия олган. Иккаласи ҳам хушхабар элчилиги хизматини ёш пайтидан бошлишган. Улар қанча кўп хат ёзишсалар, шунча кўп Худо уларнинг бирга бўлишини хоҳлашини тушунар эдилар. Улар 1983 йил 6 августда мафтун бўлган қариндошлари ва дўстлари ҳузурида турмуш қурдилар.

Моховлар уйидаги ҳамма Грэм ва Глэдисдан жуда хурсанд эдилар. Маҳаллий аҳоли Грэмни яхши кўрганидан «Дада» деб чакиради. У садоқат билан ва ҷарчамасдан Маюрбханджда йигирма йил хизмат қилди, энди эса Худо уни ажойиб рафиқа билан мукофотлади. Рафиқаси ҳам худди Грэмга ўхшаб Худони ва ҳиндистонликларни жуда яхши кўрар эди. Қишлоқ ахолиси ва моховлар уйидаги касаллар учун Грэм ва Глэдиснинг никоҳ тўйи, Худо севгисининг ажойиб гувоҳлиги бўлди. Улар эр-хотин Стейнзларнинг Австралиядан қачон қайтишини сабрсизлик билан кутишар эди.

Аммо бу осон эмас эди. Глэдис ва Грэм эр-хотин бўлганидан кейин, ҳиндистон ҳукумати Глэдисга янги виза беришдан бош тортганида, биринчи муаммога дуч келдилар. Буни тушунириш қийин эди, аммо унга қайтишга рухсат бермадилар. Ниҳоят, улар Глэдиссиз, Грэмнинг битта ўзи қайтишига қарор қилдилар ва у Ҳиндистонда туриб, Глэдис учун виза олишга ҳаракат қиласди.

Ҳукумат Глэдисга виза беришга рози бўлишидан олдин, бир неча ойлар ўтди ва кўп ибодат қилишга тўғри келди. Аммо Глэдисга чет эл ёрдам ташкилотининг ишчиси сифатида эмас, балки Грэмнинг рафиқаси сифатида виза беришди. У ҳиндистонликлар масиҳийликни қабул қилишларига ёрдам бермасликка ваъда

бериши керак эди. У рози бўлди. Охир-оқибатда Глэдис ва Грэм ҳеч кимни Масихга ишонишга мажбурлай олмасликларини билиб олишди. Уларнинг асосий мақсади моховлар билан ишлаб, Худонинг севгисини кўрсатиш эди. Агар одамлар ўзлари танлов қиласа ва бу севгига жавоб берсалар, бу уларнинг шахсий иши эди.

### Юраги айтгани бўйича

Глэдис 1984 йил охирида Барипадага қайтиб келди. Улар яна бирга эканидан хурсанд эди ва у тезда янги хотинлик ва менеджерлик вазифасига киришди. Энди у олдингига ўхшаб қишлоқларга бора олмаслигидан жуда афсусда эди, аммо у худди ҳаётидаги бошқа кўплаб ўзгаришларга кўнинканидек, бу янги вазифасига ҳам осонгина кўнишиб кетди.

Ташкилот биносининг чиройли эски деворида осилиб турган, Муқаддас Каломдан сўзлар унинг шиорига айланди: «Эгамизни ўзингнинг шодлигинг деб бил, кўнглингдаги орзуларингга У етказади»<sup>1</sup>. Унга ўзининг янги уйида ишлаш ва моховлар уйидаги касалларга ёрдам бериш ёқарди. Унга айниқса, якшанба йиғилишни эшитиш ва аёлларни руҳлантириш учун Грэм билан бирга Сантал жамоатига бориш ёқарди.

1985 йил Глэдис ва Грэмнинг биринчи фарзанди – Эстер Жой, кейин эса унинг укалари – 1988 йилда Филип ва 1992 йилда Тимўтий туғилди. Глэдис ўзининг оналик меҳри билан фарзандларини қуршаб олди ва унинг болалари кўчадаги бошқа болалар билан ўйнашни бошлаганида янги имконият очилганини тушунди.

### Ҳаммасини Худонинг иродасига топшираман

20 асрнинг 90-йиллари мобайнида Глэдис ва Грэм моховдан қийналган одамларга ва Сантал қишлоғининг аҳолисига ёрдам беришда давом этдилар. Глэдисга болаларини маҳаллий болалар билан ўйнаши учун, уларни ўзи билан қишлоқقا олиб бориш ёқарди. Болалари отаси билан маҳаллий чўпонлар томонидан ўрмонда беш кунлик конференция кўринишида ўтказадиган

лагерларга боришни яхши кўришар эди. Грэм чўпонларга ваъз қилишда ёрдам бериш учун борар эди.

Глэдис ва Грэм Сантал қишлоғининг кўпчилик аҳолисини ўзларининг масиҳий эътиқоди учун доимий равишда қувгин қилишини билардилар. Улар ҳар доим қишлоқ аҳолисининг муҳтожликлариға эътибор беришга харакат қиласдилар ва улар билан бўлган муносабатида Худо донолик бериши учун ибодат қиласдилар. Грэм ҳеч қачон қишлоққа кимнидир имонга киритиш учун бормасди. У Худо ташкил қилган маҳаллий ҷўпонларни ва жамоатни қўллаб-кувватлаб турарди. Шундай бўлса ҳамки, Санталлик масиҳийларни, улар масиҳийликни мажбуран ёки уларга чет элликлар пул бергани учун қабул қиласланлиқда айблашар эдилар.

Битта ўн икки яшар болага масиҳий бўлган учун хужум қилишган эди. У ўзининг чорвасини излаш учун дарахтга чиққанида, унинг масиҳий бўлганини билган қишлоқлик бошқа болалар дарахтни қуршаб олдилар ва унинг тушушига рухсат бермадилар. Улар боланинг имони устидан кулиб, масхара қилишдилар ва у то ўлгунича унга таёқ тиқишиган. Унинг бева қолган онаси ларзага тушган эди.

Бир гурух индуизм динидаги кишилар бошқа бир ёш йигитни имони учун тошбўрон қилишган, кейин эса сувга чўқтириб юборишган. Жисмоний азоблардан ташқари, масиҳийлар маҳаллий аҳолининг кундалик тинч қўймасликлари билан ҳам кўникишларига тўғри келарди. Уларнинг мол-мулклари ни ўғирлашар ёки барбод қилишар, ерда ишлашга, қишлоқ қудуғидан сув олишга ҳалақит қилишардилар. Йиллар ўтиши билан улар қувгинлар ҳақида эшитишарди, аммо улар на Глэдисни, на Грэмни қўрқитишган ва улар ҳеч қачон бу фанатикларнинг мўлжалига айланишдан хавотир олмасдилар. Глэдис шундай фикр қиласди:

«Биз мохов билан касалланган одамларга ёрдам берамиз. Биз кимга хавф солишимиз мумкин?»

1999 йил январ ойида, Глэдис пайшанба куни эрталабки тинчликдан лаззатланиб, китоб ўқиб ўтиарди. Ўша куни у кўриш кобилиятидан маҳрум бўлган икки ёшлиқ қиз ҳақидаги



хикояни ўқирди. Чўпон уни кўриш учун шифохонага келганида, у чўпонга: «Чўпон, Худо мендан кўриш қобилияти тортаб олаяпти» – деди.

Чўпон жим турди. Кейин эса: «Жеси, Унга кўриш қобилияти-нги тортаб олишига йўл қўйма» – деди.

Қизалоқ ҳайрон бўлди, кейин доно чўпон давом этиб: «Унга кўриш қобилияtingни бер» – деди.

Бу хикоя Глэдисга қаттиқ таъсир қилди, Худованд ундан ўзинг яхши кўрган ҳамма нарсани – эрини, болаларини, ўзларида бор бўлган ҳамма нарсани Худога беришга тайёрмисан, – дея сўраганини ҳис қилди. У бу ҳакида ўйлади ва юзи кўз ёшларга тўлди. У ўз юрагини ўн уч ёшга тўлганида Худога топширган эди ва ўшандан бўён фақатгина У учун яшашга ҳаракат қилганди. Ҳиндистонга келганида, у ва Грэм ўз ҳаётини Худованднинг хизматига бағишладилар. У ҳамма нарсани Худога топширдим, дея ўйлаганди, аммо юрагида биларди: бор-бутига ва ҳамма нарсадан кўпроқ яхши кўрадиган эри ва болаларига қаттиқ суюниш васвасаси бор эди.

У ибодат қилди ва Худога муносиб бўлган жавобни берди. «Ҳа Раббим Исо, мен хоҳлайман. Менда бор бўлган ҳамма нарсани ол – эримни, болаларимни, бор бўлган ҳамма нарсамни. Ҳаммасини Сенга топшираман». У омин дея айтганида, уни қуршаб олган Муқаддас Рух Иброҳим ўз ўғли Исҳокни Худога бағишлаганини эслатиб, унга далда бераётганини, унга қанот бағишлаётганини ҳис қилди. У оиласини нима кутаётганини билмасди, аммо Худо у билан бирга бўлишига ишончи комил эди.

Кейинги ҳафтада Грэм яна бир лагерда иштирок этиш учун Маноҳарпур қишлоғига боришга тайёрланди. Ўзи билан ўн яшар Филипни ва олти яшар Тимўтийни олиб кетаётганидан хурсанд эди ва болалар ҳам жуда мамнун бўлишганди. Улар лагерга боришлини яхши кўришарди. Улар учун бу бир саргузаштдек эди. Одатдагидек шароит йўқ, яъни на электр, на тоза ичимлик суви бор эди. Улар жипда ухлардилар. Аммо асосийси уларга отаси билан бирга бўлиш ёқарди. Мавлуд байрами қандайдир безовтагарчилик билан ўтди, жуда кўп меҳмонлар бўлганди ва Глэдис болалари отаси билан бирга бўлишидан хурсанд

бўлишларини биларди. Тўрт соатлик йўл уларга тўхтовсиз сухбатлашиш имконини беради.

Ўша пайтда ўн уч ёш бўлган Эстернинг олдига мактаб-интернатдан иккита дугонаси меҳмонга келди ва у уйида онаси ва дугоналари билан бирга қолишидан хурсанд эди.

Йигирманчи январ чоршанба куни Глэдис хамма нарсаларини жойлаб, болаларини отаси билан жўннатишга шошиб юради. «Фил, сен нарсаларингни жойлаб бўлдингми?» – дея сўради онаси катта ўғлидан. У жуда ҳам харакатчан бола эди, ҳар доим онасига худди отаси каби ёрдам берарди. У хамма билан киришиб кетадиган, бошқа одамларнинг хис-туйғуларига нисбатан сезгир бола эди. Глэдис унинг ҳаммага нисбатан меҳрибонлик билан муносабатда бўлишидан гуурланарди. Бир неча ойдан кейин унинг ўн бир ёшга киришига ҳам ишона олмасди. Улар ҳар доим шунчалик банд бўлар эдики, айрим пайтда болаларининг ҳаёти ёнларидан ўтиб кетаётгандек туюларди, уларда эса болалари билан мазза қилиш учун вақт йўқ эди.

«Болалар, кетиш керак» – дея чақирди Грэм. Глэдис болаларни отаси кутиб турган машинагача кузатиб қўйди. Глэдис уларни кучоқлади ва олдин болаларни, кейин Грэмни ўпидиб қўйди. Улар ҳар доим хайрлашиш учун вақт қолдиришарди, чунки Ҳиндистоннинг бетартиб йўл харакатида нима юз беришини олдиндан билиб бўлмасди. Глэдис Тимнинг ўтган ўили ноябрь ойида юз берган бахтсиз ҳодисадан кейин машинада юришдан кўрқишини, ҳавотирланишини биларди. Машинада у олдинга учиб кетди ва жиддий шикаст олмади, аммо жуда қўрқди. Атиги бир нечта ҳафта олдин, тоғли йўлда катта юк машинаси жипга урилишига озгина қолганди. Глэдис Тимнинг ҳавотирини тушунар эди ва уни тинчлантиришга ҳаракат қилди.

«Яхши вақт ўтказишларингизни тилайман! Душанбагача» – дея қичқирди уларнинг орқасидан.

Уйига қайтиб кирганида, у Филнинг рюкзагини текширмаганини эслади. «Камзулини солишини унумтмаганига умид қиласман» – дея ўйлади у соғинч билан.

Кейин Тим ҳақида ўйлашни бошлади. У совуқни яхши кўрмасди ва Глэдис тоғда қанчалик совуқ бўлишини билиб,

у учун бир нечта жунли свитер солганди. У Тимнинг қўшиқ айтиш пайтида овозини қийнашига тўғри келмаслигига умид қилиб, кулиб қўйди. Уйда у қўшиқ айтувчи ва воизхон эди. У отасига ўхшаб ваъз қилишни яхши кўрар эди ва айрим пайтда Глэдис унинг жамоат ўйнаш учун, меҳмонхонада стулларни қўйганини кўрганди. Кейин қандайдир вактга бу ўйин ҳақида унуди. Душанба куни эса Глэдис меҳмонхонага кирганида, Тим ўзининг ҳаёлий жамоати учун стулларни қўйиб, мароқ билан ваъз айтаётганини ва қўшиқ қўйлаётганини кўрди.

У бўш вақти бўлиши билан келиб ўтиришни ва уни тинглашни хоҳлади, аммо келганида у аллақачон бошқа нарса билан банд бўлаётган эди.

У Тимнинг охирги марта жамоат ўйинини ўйнаётганини билмасди.

Йигирма учинчи январь, якшанба куни эрталабки соат тўртдан ўттиз минут ўтганда телефон жиринглади. Каровотдан туриб ва қоронғуда қоқиниб у телефон гўшагини олди. Бутун баданига совуқ қилич киргандек, кўрқувга енгилмасликка ҳаракат қилиб, озгина тинглади. Глэдис телефон гўшакини қўйганида, телефон қўнгироғидан ўйғонган Эстер ва унинг дугоналари эшик олдида пайдо бўлди.

«Ойижон, нима бўлди?» – дея сўради Эстер.

«Кимdir ташкилотнинг жипини ёқиб юборибди» – дея жавоб қилди Глэдис. «Мен ҳеч нарса билмайман, шунинг учун келинглар хавотир олмасликка ҳаракат қиласмиз. Биз ибодат қиласмиз, кейин эса сизлар бориб яна ухлашга ҳаракат қиласизлар. Ҳаммаси жойида бўлишига ишонаман ва олдинда бизни оғир иш куни кутмоқда. Тафсилотларни билиб олганимда, сизларга айтаман» – деди.

Глэдис бу тафсилотларни билиб олганида, бу тасаввур қила олишидан кўра даҳшатлироқ эди...

### Юракни ўт қилувчи ғазаб

Кичкинагина Маноҳарпур қишлоғи қандайдир вақт мобайнида икки қисмга бўлинганди. Бу вақт ичида қишлоқда яшовчи деярли

150 та оиладан 22 таси масиҳийликни қабул қилганди. Асосан иккита гурух тинчликда яшар эди, аммо охирги пайтларда бошқа гурух масиҳийларнинг жаҳлига кўпроқ тега бошлаганди.

1998 йил ёзига келиб, кескинлик энг юқори чўққисига чиқди. Раджа байрами вақтида бир нечта масиҳий дехқонлар ишлашда давом этдилар, Санталликлар эса бу вақтда ер хайз кўради, дея ишонишар эди. Махаллий аҳолининг ғазаби қайнади. Масиҳийлар ва одатдаги Санталликлар орасидаги қизгин жанжал охир-оқибатда тўхтади, аммо ораларидан кескинлик сақланиб қолди. Кейин Грэм ва унинг болалари боришини хоҳлаган лагер бошланишига бир нечта ҳафта қолганида яна битта воеа юз берди. Бу сафар қишлоқдаги бошқа гурух масиҳий тўйда, масиҳий мусиқа ўйналишини талаб қилиб чиқди. Сантал қабиласи ўз урф-одатларини жонбозлик билан саклар эди, шунинг учун бу одамларнинг маданий бўлиниши энг анъанавий қабила аъзоларининг жаҳлини чиқарди ва юракни ўт қилувчи ғазабни оловлантириди.

Грэмнинг қишлоққа келиши, жаҳли чиқсан Санталликларга ўша улар кутган имкониятни берди. Энди улар ўрнатилган урф-одатларга қарши чиқишга жазм қилганлар билан хисоб-китоб қилишлари мумкин эди. Улар ёрдам излаб, диний фанатик Дара Сингхуга мурожат қилдилар. У жамиятдаги норозиликдан усталарча фойдаланар эди. Унинг фаоллиги кўпинча куч ишлатиш кўринишини оларди; у масиҳийларга қарши қандай курашса, худди шундай мусулмонлар билан ҳам курашарди.

Йигирма учинчи январь куни тонгда, унинг кўрқинчли фаолияти янги даҳшатли ҳўрлаш кўринишига ўтди.

Ўтган кечаси Грэм ва болалар кечки овқатни еб, ҳаммага хайрли тун тилашдилар. Улар машинага келиб, ухлаш учун ётганида соат деярли тўққиз ярим эди. Тун жуда совук эди ва Грэм иссиқроқ бўлиши учун, олдиндан машинанинг устига пичан боғларини олиб келиб қўйганди. У ҳар доим болаларга қулай бўлишига ҳаракат қиласарди ва ҳар доим ётишдан олдин бирга ибодат қилишарди.

Уларнинг жипи ибодатхонаси ёнида турган бошқа жипнинг ёнида турганди. Грэмнинг дўстларидан бири, шифокор Гўш, якин

атрофдаги бир масиҳий оиланинг уйида ухлади. Тахминан ярим кечаси уни қаттиқ қийқириқлар уйқудан уйғотди. У күрпадан сакраб туриб, дераза олдига келди. Дала бўйлаб югураётган катта оломонни кўриб даҳшатга тушди. Болта, таёқ, пичоқ ва бошлари устида машъалалар билан қуролланган эркаклар жип турган жойга югуради. Жаҳлдор бақир-чақирлар билан урф-одат химоячилари ғазабда Грэмнинг жипига ташландилар, машина шиналарини кесишидди ва ойналарини синдиришдилар. Улар Грэмни ва болаларни урдилар, болталар билан чопишидди ва Грэм ўзи учун азиз бўлган болаларини ҳимоя қилишга бехуда уринарди. Шифокор Гўш эшикнинг олдига югуриб келди, аммо эшикни ташқаридан нима биландир бекитиб қўйишганди ва у жипнинг ёнида қандай даҳшатли воқеа юз берәётганини юрагида оғриқ билан кузатиб туриши мумкин эди холос.

Жаҳли чиққан оломон Грэм ва болаларга раҳм қилмади. Улар қутқарила олмасди. Оломон шунингдек ҳеч ким ҳужум қурбонларига ёрдам бера олмаслиги учун, қишлоқдаги ҳар бир уйнинг олдига катта сондаги қоровуллар қўйишганди. Энди эса улар қишлоқдаги ночор аҳолига шундай дея қичқирап эдилар: «Чиқманглар, акс ҳолда сизларни ҳам ўлдирамиз!»

Грэм билан йигирма йилдан ортиқ бирга ишлаган Хасда, аёвсиз дўппослашни тўхтатишларини ўтиниб, қичқиради. У қандай қилиб ҳужум қилганлар жипнинг тагига пичанни қўйганини даҳшат билан кўриб турарди. Дара Сингх биринчи бўлиб уни ёқди. Хасда сув сепишга ҳаракат қилиб, машинага ташланганида, уни ҳам аёвсиз дўппослашдилар. Шафқатсиз оломон то олов уларнинг бақириқларини бўғмагунча ва уларнинг танаси кулга айлангунча, бечора Грэм, Филип ва Тимўтийларнинг азобли оғриқдан бақиришини кузатиб турардилар.

Бу зўровонлик вактида, жипдан атига юз метрлар узоқликда, ёш Санталликлар худди ҳеч нарса юз бермагандек, бир хил овоздаги дўмбира куйи остида анъанавий Дангри рақсига тушишарди.

Бир соат ўтиб, оломон дала бўйлаб тарқалди. Илгари ҳам оломон дўппослаган ва ҳайдаган, ақли-хушидан ажralган Хасда ёрдам учун қишлоқнинг каттаси ёнига кетди. Полицияга

мурожат қилиши учун, уни йигирма километр узоқликдаги бошқа қишлоқда жойлашган полицияга жүннатишиди. Аммо жуда кеч әди. Хасда қайтиб келганида, Грэм машинасининг ёниб тамом бўлган устунларини кўриб, аламдан қаттиқ йиглади. Ичида бир-бирларига охирги қучоқларини ёзиб ётган, учта кулга айланган тана аниқ кўриниб турарди. У буни хеч қачон эсдан чиқармаслигини биларди.

Кўркувдаги масиҳийлар ўз уйларидан секин-аста чиқдилар, машинанинг атрофига тўпланишдилар ва юз берган воқеадан ларзага тушган ҳолда жим турардилар. Уларнинг ҳаммаси битта нарса ҳақида ўйлардилар: *Бу ҳақида қандай қилиб Глэдис ва Эстерга айтамиз?*

### Қайғу тўлқин

Эрталабки соат еттида иккинчи марта телефон жиринглаганида, Глэдис кийинар ва яна бир банд иш кунига тайёрланарди. Бу мухбир әди, у Грэм ва болаларнинг ёшини сўради.

«Нима ҳақида гапирайapsиз?» – дея сўради Глэдис.

Нима юз берганидан хабарсиз эканини тушуниб ва бу ҳақида биринчи бўлиб хабар беришни хоҳламасдан, мухбир хайрлашди ва гўшакни қўйиб қўйди. Аммо телефон жиринглашда давом этди ва қўшни қишлоқдаги одамлар: «Глэдис, Грэм ва болалар йўқолиб қолибди, деб айтишаяпти?» – деди дугоналаридан бири.

«Йўқолиб қолибди? Эй Худойим?» – дея нола қилди Глэдис. «Азиз болажонларим билан нима юз бераяпти? У ерда ёлгиз ўзлари?»

Ниҳоят унинг дугонаси Гаятри келди ва телефон кўнгироқларига жавоб бериб, аммо Глэдис ҳали ҳам нима юз берганини билмасди. Юраги тинч эмас әди, аммо у тез орада Грэм ва болалар уйда пайдо бўлишларига умид қиласди. Унинг ақли аслида қандайдир ёмон нарса юз бериши мумкинлигини инкор қиласди ва у уларнинг тез орада қайтишига умид қиласди.

Бир неча соатдан кейин унинг дўстлари келишни бошлади, уни расмга туширишни хоҳловчи янада кўпроқ мухбирлар



пайдо бўлди. Уйида, айвонда ва уй атрофида ўнлаб одамлар бор эди. Ҳамма жой тўс-тўполон ва Глэдис меҳмонларни кутиш ва Эстерга қараш билан овора эди. У ҳали ҳам нима юз берганини тушуна олмасди ва ҳеч ким унга бу даҳшатли хабарни қандай қилиб айтишни билмасди.

Нихоят, тўққиз яримда Гайятри унинг қўлидан ушлаб: «Глэдис, сен билан гаплашиб олишимиз керак» – деди. У одамлардан хонадан чиқишини сўради ва улар чиқишганида у: «Глэдис, мен сенинг тош каби бўлишингни хоҳламайман, аммо сен Эстер учун кучли бўлишинг керак».

Глэдис хабарни эшитиб, ишонмади. Унинг ақли дугонаси айтган нарса ҳақиқат эканлигини қабул қила олмасди, аммо бу ҳақиқат эди. Сўзлар айтилган эди, уларни қайтариб олиб бўлмасди.

*«Йўқ» – дея қичкирди унинг ақли. «Бу ёлғон! Улар жиспда йўқ эдилар. Тушунмовчилик юз берган. Улар бўлиши мумкин эмас эди – уларни тириклайн ёқишмаган. Қандай қилиб бундай нарса юз берши мумкин? Ким бундай ноинсонавий ишини қилиши мумкин?»*

Қайғу тўлқини уни кўмиб ташлашга тайёр эди, аммо Глэдис дугонасидан яна бир маротаба сўраши керак эди. Эҳтимол у адашгандир. Эҳтимол бу нарса юз бермагандир...

«Гайятри ... сен айтмоқчисанки ... улар ўлган? Грэм, Филип ва Тимўтий – ҳаммаси вафот этишганми?»

Гайятрининг қайгули кўзлари бу адашмовчилик эмаслигини айтиб туарди ва Глэдис ҳолсизланиб стулга йиқилди. «Бу ҳақда Эстерга қандай айтаман?» – дея зор-зор йиглади.

Вақт тўхтади, аммо ҳаёт давом этарди. Кейинги бир неча дақиқа азобли сукунатда ўтди, Глэдис бу даҳшатли янгиликни Эстерга айтишга тайёргарлик кўрди. Телефон жиринглади, Австралиялик одамлар телефон қилди, улар нима юз берганини билишмоқчи эдилар. Уни қайғу пайтида қўллаб-кувватлаш учун янада кўпроқ дўстлари ва қўшнилари келишди, муҳбирлар ҳали ҳам расмга туширишар эдилар, аммо Глэдис фақатгина ўзининг қизи ҳақида ўйлай олиши мумкин эди.

«Ойижон, қанақа янгилик бор?» – дея сўради Эстер.

Глэдис қизининг қўлидан ушлаб, унинг покиза қўзларига боқди. «Назаримда биз ёлгиз қолдик» – деди мулойимлик билан қизига, кейин бир дақиқа ҳам иккиланмасдан, қўшимча қилди: «Аммо биз уларни кичирамиз».

«Ха, ойижон, кечирамиз».

Эстер нима юз берганини тушунганида қўзлари даҳшатга тўлди. Глэдис уни қаттиқ қучоқлади ва уларнинг ҳаётини шунчалик тез ва шунчалик қайгули томонга ўзгартириб юборган даҳшатли воқеани тушунишга ҳаракат қилди. У юз берган воқеадан донг қотиб қолди, аммо доимий ҳаракат унга ўзини ушлаб туришга ёрдам берарди. Нихоят, маҳаллий шифокорнинг ўғли Глэдиснинг ёнига келди ва секин: «Улар таналарни нима қилиш кераклигини билишни хоҳлайдилар?»

Унинг сўзларининг тугаши, бу катта хато эмаслигига хеч қандай шубҳа қолдирмади.

«Уларни Барипадага олиб келинглар. Грэм бу мамлакат учун ўз жонини берди. Уни бу ерда кўмишларини хоҳлаган эди» – деди у.

Глэдис кейинги ҳафтада меҳмонлар, мухбирлар ва шахар ҳокимияти билан банд бўлди. Нихоят, Манохарпурадан Грэмнинг ҳамкорлари келишди ва даҳшатли ҳужумнинг тафсилотлари аён бўлди. Глэдис кўплаб қишлоқ аҳолиси тепадан ёнаётган машинага кенг ва ёруғ нур тушганини кўришгани ҳақида билиб олди. У шунингдек, ёрдам беришларига имконият беришмаган масиҳийлар, ўзларини қанчалик даҳшатли хис қилганликлари ҳақида ва оловни ўчиришга ҳаракат қилган дўсти Хасданинг мардлиги ҳақида ҳам билиб олди.

Вакт ўтиши билан у бу ичиб олганлар ёки қишлоқдаги норози аҳоли томонидан бирданига уюштирилган воқеа бўлмагани ҳақида ҳам билиб олди. Бу масиҳий жамоатга жиддий зарба бериш мақсадида уюштирилган фитнанинг бир қисми бўлган эди. Фитна уюштирувчилар ўз қурбони сифатида Грэмни танлашган.

Бечора Хасда аламдан ўзини йўқотганди. Унинг ота-онаси моховлар уйида яшарди ва Хасда ўша ерда тугилганди. Глэдис унинг Грэмни ва болаларни жуда яхши кўришини биларди. Унинг юраги ҳам улар билан бирга йиглаётган эди.



## Худойим, уларни... кечир.

Дафн маросими душанба куни, Грэм ва болалар лагердан қайтишлари керак бўлган куни, эрталаб соат ўнда бўлиб ўтди. Гулларга ўралган учта тобутни келтиришди ва Барипадада бутун ҳаёт тўхтагандек эди. Дўконлар ва мактаблар ёпилган ва шаҳарнинг кўпчилик ҳукумати Грэм ва болаларга ўз хурматларини билдиришлари учун келишдилар. Глэдис ва Эстер минглаб оломонни, ўзларининг «Дада» си учун алам чекаётган моховлар уйида яшовчилар билан бирга ўтлар устида ўтириши билан ҳайратга солишди. Ҳиндистондаги анъанавий дафн маросими юқоридан режалаштирилгандек туюларди, кўплар таъзия исхор қилишар ёки Муқаддас Китобдан ўқишар эдилар. Глэдисдан бир нечта сўз айтишни сўрадилар, аммо у бундай катта сонда тўпланган оломон олдида гапиришга тайёр эмас эди. Ва у Эстердан: «Агар иложи бўлса мен билан бирга қўшиқ айт» – дея илтимос қилди.

Эстер рози бўлди. Глэдис ва унинг қизи минбарга бораётганида оломон жим бўлди. Улар Глэдисни кўп йиллар мобайнода кўллаб-куватлаб келган қўшиқни куйлашли.

«Чунки У тирик, шунинг учун мен эртанги кунни кутиб олишим мумкин...». У Эстер билан биргаликда бу забурни ишонч билан куйлади, аслида эса у бу қўшиқни ўзи учун айтганди: «Чунки У тирик, шунинг учун мен эртанги кунни кутиб олишим мумкин». Ҳақиқат шундан иборат эди, у келажакка соатма соат қарай олиши мумкин эди. Аммо яшашда давом этиш учун бунинг ўзи етарли эди. Вакт ўтиши билан унинг ҳаёти, кулфатлар пайтидаги тебранмас имон тасдигига айланди. У қайгу – алам билан эзилган, руҳан қийналган бўлсада, Глэдиснинг ич-ичида хотиржамлик бор эди ва у бутун дунёга унинг эри ва болалари Масих учун жонини бериши у учун шараф эканини кўрсатишни хоҳларди.

Мард ва жасур Эстер журналистларга: «Уларнинг Масих учун азоб чекишига Худо имкон бергани учун Ундан миннатдорман» – деди. Глэдис Эстернинг сўзларини такрорлади ва қўшимча қилиб: «Мен чин юракдан ибодат қиласман – Худойим уларни кечир, чунки улар нима килаётганини билмайдилар. Ва мен

билиманки, Худони севганларга, яъни Худо йўз муроди бўйича даъват этганларга ҳамма нарса яхшилик бўлиб хизмат қилади». Шубҳасиз, бу воқеа орқали Худо ўзининг абадий мақсадига эришмоқда. Унинг номига шон-шарафлар бўлсин.<sup>2</sup>

Кўплаб дўстлари ва оила аъзолари Глэдисни Эстер билан бирга она юрти Австралияга қайтиб кетишига кўндира бошладилар. Улар агар Глэдис Грэмнинг ўрнини эгаллайдиган одам топа олмаса, мохов билан касалланганлар уйидаги иш тўхтайди, деб ўйладилар. Улар шунингдек, унга минглаб саволлар бериши: «Таналарни Австралияга олиб кетасанми? Эстер ва сен энди нима қиласизлар? Мохов билан касалланганлар уйининг аҳволи нима кечади?»

Глэдисни уларнинг таклифлари ҳайратга солди. У учун Ҳиндистон ўз уйига айланган эди ва у ҳеч қачон кетиш ҳақида ўйламаган эди. Мухбирлар ундан келажаги ҳақида сўраганларида, у: «Менинг Худойим ҳамма воқеани ва шароитни бошқариб турибди. У факат эзгулик яратади. У менинг умидим ва суюнчигим. У менга шундай ваъда берган: “Сени ҳеч ташлаб кетмайман ва асло тарк этмайман”<sup>3</sup>. Мен Ҳиндистон учун хизмат қиласман ва бунга умид қиласман» – дея жавоб қилди.

### Кечирим шифо олиб келади

Икки ой ўтиб, Глэдис Грэм шарофатига Ҳинди-Австралия мукофотини олишга тайёргарлик кўраётган эди. Бу маросимда унинг сўзга чиқишини сўрадилар ва у ерда Глэдиснинг бўлишини билишганида, кичкина хонага уч юздан ортиқ одам тўпланди. У Грэм ва болалар вафотидан кейин биринчи марта омма олдида сўзга чиқишга рози бўлди. Атрофда Глэдисни ҳимоя қилиш учун кўплаб полиция ходимлари бор эди.

Сўзга чиқишга тайёргарлик кўраётиб, Глэдис ичидан унга куч баҳш этувчи Анна Жонсон Флинтнинг эски шеърини такрорлади:

Қанча оғир бўлса юкимиз, Худо кўрсатар шунча эзгулик.  
Қанча кўп қилсак меҳнат, шунча кўп куч ато қилар У.



# 260

Оловли юраклар

Қанча кўп бўлса қайғу, шунча кўпдир Унинг инояти.  
Қанча кўп бўлса синовлар, шунча кўпдир Унинг тинчлиги.

Унинг севгиси чегара билмас,  
Унинг инояти ўлчаб бўлмас,  
Унинг инсонлар устидан ҳокимияти чексиздир.  
Ўзининг чексиз бойлигидан

У бизга беради ва яна беради, ва яна беради.  
Уни конференцияда танишириб тугатишган пайтида, у охирги қаторини ўқиб тугатди.

Глэдис сахнага чиқди ва Грэмнинг қанчалик ғамхўр бўлгани ҳақида гапиришни бошлади. «Агар кимдир касал бўлса – у ўша ерда эди» – деди у. «Бу тунда ёки жуда эрта тонгда бўлиши мумкин. Грэм учун ёрдамга муҳтож одам учун нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлашнинг керак йўқ эди. У фақатгина ҳаракат қиласади».

У гапиришни тугатди ва мукофотни қабул қилди, кейин уни тушликка қолиш учун таклиф қилдилар. Ҳеч ким кетмади, ҳамма унинг эри ва болаларини шафқатсиз ўлдирғанлар ҳақида ҳеч бир ёмон сўз айтмаган, мард бева аёлни табриклишни хоҳларди. Тушлик пайтида бир аёл Глэдисга: «Сиз қандай қилиб кечиришингиз мумкинлигини тушуна олмайман» – деди.

Глэдис ҳеч ҳам ўйланмасдан: «Кечирим зарур. Кечирим шифо олиб келади» – деди.

Глэдис бу сўзларни айтмагунича, унинг маъносини англаб етмади. У бу даҳшатли хабарни эшитиши биланоқ, ўз эрининг ва болаларининг қотилларини кечирди. Аммо кечирим, ҳақиқатдан шифо топиш учун туртки бўлди ва у ўша заҳоти, кейинги сафар нима ҳақида гапиришни карор қилди.

Глэдисни кўп сўзга чиқиш учун таклиф қилишарди ва Глэдис имкони бўлса, таклифни қабул қиласарди ва ҳар доим кечирим ҳақида гапирав эди. Ҳар сафар сўзга чиққанида у: «Севги самимий бўлиши керак, биз худди ҳаворий Павлуснинг Римликларга мактубида кўрсатилганидек, бир-биrimизни хурмат қилишимиз керак: Сизларни қувғин қилаётганларни дуо қилинглар, ха, дуо

килинглар, қарғаманглар. Севинаётганлар билан бирга севининглар, йиглаётганлар билан бирга йиғланглар. Ўзаро ҳамфикр бўйинглар. Такаббурлик қилмай, мулоим одамлар билан дўст бўйинглар. Ўзбилармонлик қилманглар. Ҳеч кимга ёмонлик эвазига ёмонлик қайтарманглар. Барча одамларнинг кўзи олдида яхшилик қилишга интилинглар. Агар иложи бўлса, қўлингиздан келганича, барча одамлар билан тинч-тотув ҳаёт кечиринглар»<sup>4</sup>.

Глэдиснинг мукофотлаш маросимидағи биринчи оммавий чиқишидан кейин, уни сон-саноқсиз мактаблар, жамоатлар, ташкилотлар таклиф қила бошлишди ва айрим пайтларда у 36 соат ичидаги олтита учрашув ёки йигилишларда сўзга чиқишига тўғри келарди. Бугунги кунда унинг фош қилувчи сўзлари миллатларга, масиҳийларга нисбатан ёвуз хужумлар кучайиб бораётганини эслатиб туради ва буни Глэдис Стейнздан кўра ҳеч ким яхшироқ айта олмаса керак.

## Хотима

Глэдис ҳозир ҳам Маюрбхандждан мохов билан касаллангандар уйида яшамоқда, аммо у Ҳиндистондаги масиҳийларнинг қувғин қилиниши ва кечирим ҳақида сўзга чиқишилари билан бутун дунёни айланиб чиқди. Ҳиндистондаги бутун халқ Масиҳнинг севгиси ҳақидаги гувоҳликдан ва бу аёлдан эшигтан севгининг тасдигидан ҳайратга тушди: чет эллик... бева... оддий аёл, ягона мақсади – бечораларга ва жуда муҳтоҷ бўлганларга хизмат қилиш.

Афсуски, одамларнинг диққатини жалб қилиш учун, унинг эри ва иккита ўғлиниңг ҳайвонларча ўлдирилиши зарур бўлди. Аммо Глэдис Худонинг овози орқасидан садоқат билан эргашди ва бу билан у «Худони севганларга, яъни Худо Ўз муроди бўйича даъват этганларга ҳамма нарса яхшилик бўлиб хизмат қилишини»<sup>5</sup> исботлади.

Сўзга чиқишиларига жавоб сифатида Глэдис Ҳиндистоннинг турли бурчагидаги одамлардан, хатто даҳшатли тарзда унинг оиласига кўрсатилган қаршилик учун индуслардан ҳам узр сўраб ёзилган минглаб хатларни олди.

У ўз тажрибасида кечиримнинг кучини синааб кўрди ва бу масихийлар учун асосий нарса бўлиб қолишини билади. Глэдис аёллар конференциясида сўзга чиққанида, унга кўчада тўксон ёшли қари одам кутиб турганини айтишди. У ўз оиласининг қотилларини кечира олган аёл билан учрашишни талаб қилиб турарди. Нихоят у Глэдис билан гаплашганида, кўп йиллар олдин унинг қизи шифокорларнинг яхшилаб текширгмагани туфайли вафот этганини ва у шифокорни кечира олмаганини айтди. Глэдис у билан бир қанча вақт гаплашди ва у билан бирга кечирим хақидаги ибодатни бирга ўқиди.

Грэм ва болаларнинг ўлимидан бир йил ўтиб, Дара Сингх ва бошқа ўн тўртта эркаклар кўлга олинди. Уларни Грэм, Филип ва Тимўтийнинг ўлимида айлашди. 2002 йил июнь ойида Глэдисдан судда гувоҳ бўлишини сўрашди. Бу ерда у эри ва болалари ўлдирилгани ҳақида эшитгандан кейинги энг катта қийинчиликни енгиб ўтишига тўғри келди: буни қилган одам билан учрашиш. Бу унинг кечирим бера олиш қобилиятининг синалиши эди.

Сингхнинг химоячиси, унинг айбсиз эканини таъкидлади, Грэмнинг обрўсини тўкишга ҳаракат қилиб, у Грэмнинг ўзи беихтиёр ўз машинасини ёқиб юборгани, чунки у ўчокдан фойдаланганини ургулади. Химоячи гапириб турганида, Глэдис Дара Сингхга қаради, кейин эса ўзининг юрагини текширди. У Худодан севги ва меҳр кўрсата олиши учун, ҳамда ҳеч қачон Дара Сингхга ғазаб билан қарамаслиги учун ёрдам сўради. Бу китоб нашр қилинаётганида, суд жараёни ҳали кетаётган эди.

Биз Глэдис ва Эстер билан Калкуттада учрашдик ва ажralишимиздан олдин Глэдис эри ва болалари ўлимидан кейин унга куч багишлаган яна бир шеърни биз билан бўлишди. Шеърни раҳматли Эдгар Гест ёзган ва у «Мен уйимда хавфсизликдаман» деб номланади.

Азизларим, мен уйимда, Жаннатдаман  
Шундай ёруғ ва қувончли.

Комил хурсандчилик ва гўзаллик бор  
Унинг абадий нурида.

Огриқ ва қайғу тугади,  
Хамма хавотирлар ортда қолди.  
Мен ҳозир абадий тинчликдаман,  
Ниҳоят, уйимда, Жаннатдаман.

Шунчалик хотиржамлигимдан, эдингиз ҳайратда  
Ўлим сўқмоғи бўйлаб юрдим,  
Аммо Исонинг севгиси турарди ёритиб,  
Хар битта коронғу ва қўрқинчли ялангликни.

Унинг Ўзи келди мени кутиб олишга  
Енгил қадам ташлаб.  
Ва Исонинг қўлига суюниб  
Шубҳалана ёки қўрқа олармидим?

Сизлар бундай куйинмангиз,  
Чунки мен сизларни ҳали ҳам севаман.  
Ернинг соясига қарашга ҳаракат қилинг,  
Отамизнинг иродасига суюнинг.

Сизни ҳали ишлар кутаяпти  
Ва дангасалик билан четда турманглар  
Тирик экансиз, бажаринг уни,  
Исонинг ерида дам оласизлар.

Хамма ишлар тамом бўлганда,  
Мулойимлик билан Уйга чорлайди.  
Ох, накадар қувончли бу учрашув  
Сизни кўришдан бўлардим хурсанд!



# Мей:

**Хушхабарни ваъз  
қилиш учун.  
Яна Вьетнамга...**

1989 йил, ноябрь ойи  
Вьетнам.



Улар океанин кўришдан аввал, унинг ҳидини ҳис қилдилар. Мей кичкина йўлакча бўйлаб, қадамма-қадам катта акаси Хонгнинг орқасидан юриб борарди. Яна битта тогга қўтарилишлари керак эди. Океанинг шўр ҳавоси уларнинг сочини тебратди ва кайфиятини қўтарди. Мей хурсанд: ҳар бир қадам сари озодликка яқинлашар эди!

«Мен бу қайиққа ўтирамайман» – деди акасининг қўлида тортиб. «Биз бу билан гаванадан чиқа олмаймиз, Гонконга эса умуман етиб боролмаймиз».

«Мей, рози бўлишингга тўғри келади» – деди унга Хонг, сувга қараб ва уни орқасидан тортиб. Мей ўзини қўркув босаётганини ҳис қилиб, яна қайиққа қаради. Унинг бамбукли уйчадан бошқа ҳеч нарсаси йўқ эди. Бошқа вьетнамлик кочкинлар эҳтиёткорлик билан қараб, улар бу пайтда хитой полицияси рейд ўтказиб, уларнинг ҳаммасини Вьетнамга қайтариб юборишидан қўркиб боришар эдилар.

«Мен... мен бора олмайман» – деди тутилиб Мей. «Мен... мен бунга тайёр эмасман» – деди.

«Сен яширинча Хитой чегараси орқали ўтишдан ҳам қўрққандинг. Аммо биз буни қилдик. Энди кетдик, биз буни қилишимиз керак. Наҳотки сен отамиз бу учун нимани қурбон қилганини билмасанг?».

Хонг қўлини киссасига тиқди ва эски, йиртилган даст рўмолчани олди. Эҳтиёткорлик билан уни очиб, у ёқ буёғига қаради ва у синглисига иккита олтин тангани кўрсатди. Ҳар

бири ярим унциядан күпроқ келарди ва ҳар бирига Гонконгача чипта, озодлик чиптасини сотиб олиш мумкин эди.

«Отамиз бундай пулни йиғиши учун қанча меҳнат қилиши керак бўлганини биласанми?» – дея давом этди у. «У буни режалаштирган ва бу кунни узоқ йиллар мобайнида кутган». Унинг ўзи ҳеч қачон озод бўла олмайди, аммо у биз озод бўлишимиз учун ҳаммасини қилди. У сенга чипта сотиб олди, кемага ўтири!»

«У буни мен учун эмас, Трунг учун қилди» – дея жавоб қилди Мей сабрсизлик билан. «Бу Трунгнинг чиптаси». Мейнинг бошқа катта акаси Хонг билан кетиши керак эди. Мейнинг отаси болалари учун озодлик хоҳлаган эди. Улар пул ишлаб, ўзларининг укалари ва сингилларига Вьетнамдан кетишга ёрдам бера олишларига умид қилганди.

«Ха, бу Трунгнинг чиптаси. Аммо биласанку унинг хотини яқинда туғди ва у ҳозир кета олмайди, шунинг учун сенга омад кулиб бокди. Сен Америкада ёки Австралияда озод бўлишинг мумкин. Яхши таълим олишинг мумкин... Келажақда бой бўласан!»

У ҳали ҳам Мейнинг қўлидан ушлаб турарди ва деярли қайиққача тортиб борди.

«Бу қайиқда ҳатто ҳожатхона ҳам йўқ. Нима қиламиз?» – дея ҳиққиллаб ўйглади у.

«Атрофимиз ҳожатхона бўлади» – деди кулиб Хонг. Ниҳоят у тўхтади ва унга қаради. «Бу бизнинг имкониятимиз, Мей» – деди у. «Вьетнамдан кетишимиз, озод бўлишимиз, таълим олишимиз, яхши ишга эга бўлишимиз – бу отамизнинг биз учун хоҳиши. У ҳамма болалари бутун умр камбагалликда яшаб ўтиши ҳақидаги фикрдан азобланар эди. Сенинг иккиланишингни кўриб, у афсус чекади, юр кетдик!» – деди.

Улар кемалар турадиган жой чиқишиди ва бир эркак кўзини қисиб, уларга қаради ва қўлинин чўзди. Хонг унинг нима хоҳлашини биларди – олтинни. Даст рўмолни унинг қўлига қўйиб, Хонг бурчагидан тортиди ва тангалар унинг қўлига тушди. Капитан уларга дикқат билан қаради ва тангалар ҳақиқатдан олтин эканини текшириб кўриш учун, бирини оғзига солиб, тишлаб кўрди.

«Ўтиринглар» – деди у мингиллаб.



Улар қайиққа ўтирдилар. Мей кетишидан олдин яна бир марта онасини қучоқлашни хоҳларди! Ёки отаси билан гаплашишин! У кема (нихоят уни шундай атай бошлади) ҳақиқатдан уларни ўзлари боришни хоҳлаган жойга олиб борармикан дея ўйлади ва у тезда бобоси ва бобосининг бобоси руҳи билан саёҳати хавфсиз бўлиши учун ибодат қилди.

Улар ўзларига кеманинг мотори овозидан узокроқ бўлган ва бурнига яқинроқ жойдан жой танладилар. Ҳали кема кетмасидан олдин Мей хавотирланиши ва кема тўлқинда тебраниши туфайли кўнгли айниди. Қирғоқ секин-аста йўқолиб бораётганини кузатиб, йиглади.

Кема ичидаги кунлар сон-саноксиз ва зерикарли эди. Мей ва Хонг тезда ўзларининг озиқ-овқати бундай узоқ саёҳат учун етмаслигини тушундилар. Ҳамма озиқ-овқатини еб бўлишганидан сўнг, улар бошқа кема йўловчилардан овқат сўрашларига тўғри келди. Кемада улар қирқ учта эдилар. Кунлар чўзилиб, вақт худди кум зарраси каби ҳар дақиқада биттадан тушарди.

## Бўрон

Мей яна сувдан шўнгиб чиқди, шўр сувни туфлади ва оғзи билан ҳаво ҳўплади.

«Ёрдам беринг!» – қичқирди у, умидсизлик билан қоронгуликка боқиб, кемани ёки Хонгни, ёки бўлмаса ниманидир кўришга умид қилиб. Навбатдаги тўлқин уни босди ва у яна бор кучи билан кейинги тўлқин босгунича нафас олиб олишга ҳаракат қилди.

Шўнгиб чиққанида, у кимнингдир қўли уни ушлаб олганини ҳис қилди. «Қирғоқса сузинг» – дея қичқирди унинг қулогига бу эркак. Мей уни таниди – бу ўзига ўхшаб ўша эски кемада ўз мамлакатидан қочган қочқинлардан бири эди. Улар биргаликда суздилар. Мей келаётган тўлқинга қараб, ҳар сафар навбатдаги тўлқин яқинлашашётганидан огоҳлантирап, у эса диққат билан қирғоқ томон қаарди.

Нихоят, улар оёққа тура олдилар, яна бир нечта қадам босиб, эзилган холда қумга йиқилдилар. Кемадаги бошқа одамлар хам

кучли совук шамолдан титраб, қирғоққа сузиб чиқдилар. Уларнинг ҳамма кийимлари қум эди. Мей Хонгни топганида жуда хурсанд бўлди, улар қучоқлашдилар. Бўрон туфайли олов ёкиб бўлмасди, улар исиниб олиш учун бир жойга тўпландилар ва қачон қуёш чиқишини кутиб ўтирилар.

Мей ўз тақдиридаги бурилишлардан хайратда эди. Бир неча кун олдин у шимолий Вьетнамдаги ўн етти яшар мактаб қизи эди. Хитой чегарасидан унча узоқ бўлмаган жойда, қизил черепицали томдан бўлган уйда ота-онаси билан баҳтли яшашарди. Энди у бошқа қочқинлар билан бирга Хитойнинг шамол эсаётган қирғоғида ўтирас, қачондир Гонконгга етиб олишини ва озод бўлишини ҳам билмасди.

Мейнинг отаси еттита боласининг ўзидан кўра яхшироқ яшашини хоҳларди. Мей унинг таълим олиш ҳақидаги сўзларини шунчалик кўп эшитар эдики, ёддан такрорлаши мумкин эди. Аммо у ҳеч қачон кема ҳалокати ҳақида гапирмаган эди.

Мей хар доим отасининг болалари ҳақидаги орзуси устидан куладиган онаси ҳақида ўйлади. Онаси мактаб – бу вақт ва пул ўйқотиш, деб ўйларди. У оиласинг пулини бошқарар ва ўзининг еттита болалари учун китобга ва мактаб учун зарур бўлган нарсаларга пул беришдан бош тортар эди. Мейнинг отаси кўпинча жўжалар ёки бошқа ҳайвонларни сотар ва болаларнинг мактабдаги кейинги ҳафтаси учун пул берар эди. Унинг хотини нима қилганини билиши биланоқ, улар жанжаллашиб ва бир-бирларини сўкиб бошлар эдилар. Болалар уларнинг ўзаро жанжалларидан четда туришга харакат қилардилар. Мухими улар мактабга борища давом этардилар.

Мейнинг катта акаларидан бири Вьетнамдан кетган эди ва қандайдир вақт Болгарияда ишлади. У бошқа дунёни кўрди ва унинг ҳикояларидан сўнг отаси бошқа болалари ҳам Вьетнамдан кетишини янада хоҳлади.

Энди Мей Вьетнамдан кетди, аммо отаси хоҳлаган жойдан бошқа жойга бориб қолди. У қирғоқда букилиб ўтирас, унинг кўрпаси эса қаердадир бўронли денгизда сузиб юрарди. Бўрон ҳамма йўловчиларни қирғоққа сузишга мажбур қилди. Капитан кемани тўлқинга қарши ушлаб туришга харакат қилиб ва бўрон

Ўтишини қутиб кемада қолди. Шамол ўтиб кетгунча, худди бир абадийлик ўтиб кетгандек туюлди ва ниҳоят қуёш пайдо бўлди. Мей ҳеч қачон янги кун келганидан шунчалик миннатдор бўлмаган эди.

Кочқинлар бир-бирларига тиқилиб, капитан кемага қайтишларига ишора қилмагунича қирғоқда туришди. Улар тўлқинлар оша суздилар ва яна ўзларининг озодлик кемасига тирмасиб чиқдилар. Уларнинг захирадаги кийим-кечакларини, қўрпаларини, овқатларини, идиш-товоқларини – ҳаммасини денгиз ювиб кетганди. Мей ва Хонг Гонконгга етиб олгунича бошқа бўрон бўлмаслигига умид қилдилар. Улар энди бўрондан кейин, ҳамма йўловчилар кемага қайтганида кема денгизда яна суза олармикан, дея ўйладилар.

Қирқ иккита тўхтовсиз кундан ва бўрондан сўнг улар ниҳоят Гонконгга етиб келдилар. Аммо уларнинг у ерда кераклари йўқ эди, полиция уларга кемани тарқ этишга рухсат бермади. Уларни дехқонлар моллар етишитирдиган бир парча яроқсиз ерга, Kay оролига жўнатдилар. Ниҳоят, Мей, Хонг ва бошқалар кемадан туша олдилар, аммо уларни олдинда кутаётган нарса, улар ўзлари қочган нарсадек кўнгилсиз эди. Улар ўзлари сузуб келган қайиқقا ўхшаш юзлаб қайиқлар, хар куни Kay оролига келиб тушишар эди. Гуманитар ташкилотларда ишлайдиган одамлар ёпилган банкаларда овқат тарқатишар эди, аммо Мей бундай овқатга кўникмагани учун ҳар сафар овқатдан сўнг кўнгли айнирди.

### Лагердаги ҳаёт

Kay оролига келиб тушганидан бир ҳафта ўтиб, Мей, Хонг ва бошқаларни қочқинлар лагерига ўтказдилар. Яна бир ҳафтадан кейин уларни яна бошқа лагерга, бу сафар тўққизинчи рақамли лагерга, бир йилдан кейин эса – учинчи рақамли лагерга ўтказдилар.

Ҳар сафар уларни янги лагерга ўтказишганларида, улар ўзлари учун ухлайдиган ва яшайдиган жой топишлари керак эди. Кўпчилик лагерда яшовчилар жой учун урушар эдилар.

Мей ва Хонг бир-бирларига қараб туришлари ва уларга хужум қылувчилардан химояланишлари керак эди. Учинчи рақамли лагер жуда ҳам шафқатсиз, ҳақиқий жанг майдони эди. Вьетнамнинг битта жойидан бўлган кочкинлар бир гурухга тўпланиб, бошқа жойидан бўлганлар билан урушар эдилар. Лагердаги ҳамма нарса – ғиштлар, электр чироқлари, электр симлари, каровот қисмлари ва ўткир темир стерженлар – ҳаммаси қурол бўлиб хизмат қиласди. Айрим пайтда жанглар бир неча кун давом этар, ҳар хил гурухлар лагерни ўз назоратига олишга харакат қиласди. Гонконг полицияси лагерни назорат қила олмасди, шунинг учун девор ортидаги ҳаёт ўзбошимчалик эди.

Бундай жанжаллар пайтида болалар ва аёллар, эркаклар жанжаллашиб бўлгунича кўринмай қолишга харакат қилиб, бекинишар эдилар. Худди бошқаларга ўхшаб Мей ҳам, уруш-жанжал тез тугашига умид қилиб, тўсиқ ортидаги каровотда – тошлар устига қўйилган тахта тагига яшинар эди. Бошқаларга ўхшаб у ҳам лагердан кетишни ва ниҳоят озод бўлишни хоҳларди.

### «Худо одамларни шунчалик яхши кўради»

Шундай бир, айниқса жуда шафқатсиз жангдан кейин, Хонг ва Мейни бошқа лагерга – Ланг Жинга ўтказиши. Бу лагер «тинчликни бузувчиларни» яккараб қўйиш учун мўлжалланган эди ва Мей нима учун уларни бу ерга жўнатишганини билмасди. Жазо қандайдир яхши нарса эди, чунки лагерда жамоат бўлиб хизмат қиласдиган бино бор эди, аммо Мей жамоатнинг нима эканини билмасди. Бир куни бу бинонинг ёнидан ўтаётиб, ухоналаридан бирига назар солди. Деворида катта оқ белги ва ўртасида қизил хоч бор эди. Хочнинг тагида вьетнам тилида бир нечта сўз ёзилган эди. Остонада туриб, у бу сўзларни ўқий олди: «Худо одамларни шунчалик севди».

Қизиқиб, у хонага кирди. Одамлар у олдин ҳеч қачон эшитмаган қўшиқни куйлашар эдилар. Кейин бир эркак турди ва вьетнам тилида гапира бошлади. Мей диққат билан тинглади. У айтаётган нарса Мейга ёқди. У одамларни қўрқитадиган

ва уларнинг устидан ҳукмронлик қиласиган эмас, одамларни севадиган Худо ҳақида гапирди. У бу гурухдаги одамлар ҳақида, уларнинг ғалати таълимоти ҳақида билишни хоҳлади, аммо у ўз ота-онасининг динини рад қилишни истамас эди. У одамларни севадиган, ота-боболари эътиқодидан ташқари ўзи топиниши мумкин бўлган Худони кўрди.

Мейнинг дугоналаридан бири уни фолбинга олиб борган пайтда, Мей Гонконгдаги қочқинлар лагерида икки йилдан бўён яшаётган эди. У бу аёлнинг қаршисида ўтири ва у аёлдан ўзи ва акаси тез орада бу лагерни тарк этишини айтишини умид қилди. Қари кампир Мейнинг кўзларига тикилди, кейин эса унинг кўлидан ушлади.

«Эҳ, ха. Энди мен кўраяпман. Сенинг бир дўстинг бор».

Мей уялди. «Йўқ, менинг дўстим йўқ».

Фолбин хавотирга тушди. «Эҳ» – деди тезда бошини чайқаб – «у эҳтимол, бу ҳаётга сени қидириб келган, ўтган ҳаётингдаги дўстингдир» – деди.

«Келди?» – дея сўради Мей, гоҳ фолбинга шубҳа билан қараб, гоҳ дугонасига қараб. У бу аёл уни қувиб юрган ёвуз рух ҳақида айтаяпти, дея ўйлади. «У нима хоҳлайди? У мени тинч қўйиши учун мен нима қилишим керак?» – деди.

«Уйингга бориб, унга топинишинг керак. У сени тинч қўйиши учун ибодат қил ва сўра» – деди.

Мейга ёвуз рухлар ҳақида биринчи марта айтаётгани йўқ эди. У етти ёшлигига жуда касал бўлганди. Ҳарорати жуда баланд эди, у ҳеч нарса ея олмас ва ича олмас эди. Унинг ойиси касаллик келтирган ёвуз рухларни ҳайдаш учун, қизнинг афсунгар амакисини чақирди. Бу ёвуз рухларни қўрқитади ва касалликни ҳайдайди дея амакиси уни хивчин билан урди. Мей ёрдамга чақиради, аммо амакиси ураётган пайтда оила аъзолари уни ушлаб туришди. Кейин амакиси сочидан ушлаб, уни боши билан каровотнинг темир симига урди. Шундай қилиб амакиси ундан рухларни қоқиб чиқаришга харакат қилди. Айрим пайтда амакиси тун бўйи урарди. Мей оғриқдан қичкиради, аммо унинг қичкириги унга фақат куч бағишларди ва мағрурлик билан «Энди ундан шайтон чиқаяпти» – деб айтарди. Унинг

шунингдек, кичкина темир тойчоги бор эди, уни амакиси ёвуз руҳларни чиқариш учун санчир эди.

Унинг ҳамма ҳатти-ҳаракати бефойда эди. Мей касал бўлишда давом этди. Нихоят, отаси уни шифохонага олиб борди. Врач унга дори ёзиб берди ва Мей бир неча кундан сўнг тузалиб кетди. Мей кейинроқ нима учун дори афсунгардан кўра кучлироқ бўлиб чиққанига хайрон бўлди. Энди эса у фолбин унга ҳакиқатни айтаётганмикан, дея ўйлади. Агар у бу «дўстига» топинса, у бу ёвуз руҳни ўзини тинч қўйишга ишонтира олармикан?

Мей лагердаги катта буддистлар маъбадига борди ва отонаси каби урф-одатни бажарди. У фолбиннинг сўзларига унча ишонмади, аммо таваккал қилишни, айниқса агар бу «дўсти» унга виза олишига ва эркинликка чиқишига халақит беришини хоҳламади. У тутатқини тутатди ва руҳдан чиқиб кетишини ва уни тинч қўйишини сўради.

Аммо у курбонгоҳ ёнида туриб қанча кўп ибодат қилса, у ўзини шунчалик нотинч ҳис қиласа эди. Ич-ичидан у ўзининг хавотирли ҳис-туйғуси ва руҳлар дунёси орасида хеч қандай алоқа йўқлигини биларди. Мей қочқинлар лагерида ўзини худди қафасдагидек ҳис қиласа ва у бу ердан чиқиб кетишини хоҳларди. Ҳаёт учун доимий кураш унга таъсир қилди ва унинг табиий дўстона муносабати ўрнини хавотирлар ва умидсизлик эгаллади. Унинг юрагида илдиз отган қайғуни тушуна олмасди. У қандайдир бошқа бир нарсани хоҳларди. Эркин мамлакатдаги ҳаёт, унинг ҳаётида ҳис қилаётган бўм-бўшликни тўлдира олармикан, дея ўйлади.

Кейинги куни у яна жамоат ёнидан ўтиб қолди. Худонинг севгиси ҳақидаги ёзувни кўриб, у яна бу Худонинг аслида кимлиги ва нима учун У «одамларни шунчалик севиши» ҳақида ўйлади. Бу Худо уни ҳам севадими?

У кириб, жавондаги китобларга қаради ва бу китоб севги Худоси ҳақида нимадир айтишига умид қилиб, уларнинг ичидан энг каттасини олди. Китобни очиб, у: «Азалда Худо осмон билан ерни яратди...» – деган сўзларни ўқиди.

Яна бир нечта қаторни ўқиб «бу тарихий китоб» – дея ўйлади. Мактабда у бутун тафсилотлари, номлари ва одамларнинг

исмлари билан ёдлаши керак бўлган тарихни яхши қўрмасди. У тезда бу Китобни ёпди ва уни жавонга қайтариб қўйди. Кейин эса муқоваси теридан бўлган чиройли, кичкина китобни танлади. Уни очди ва бошланишини қаради – узун фамилиялар рўйхати – кейин диққат билан ўқишини бошлади. Бу фарзанд кутаётган ёш эр-хотин хақидаги ҳикоя эди. Аммо фарзанди умуман бошқача эди, чунки Унинг туғилишини билдириш учун осмонда юлдуз пайдо бўлди ва Унинг туғилишини кутиб олиш учун буюк донишмандлар келишди.

«*Бу бола ким экан?*» – дея ўйлади у. «*Исо дегани ким ўзи?*»

### Уни севган Худога қараб боряпти

Ўша якшанба куни Мей яна воизхон Худонинг кучи ҳақида гапираётган йигилиш хонасига келди. «Шайтон» – деди чўпон, «битта инсондан ташқари, ҳеч нарсадан ва ҳеч кимдан қўрқмайди. У Худодан қўрқади. Худо бўлган жойда, шайтон бўлмайди». Мейнинг ҳайратдан кўзлари катта очилди. Эҳтимол чўпон қандайдир тарзда унга айтишлари бўйича уни қувиб юрган олдинги ҳаётидаги «дўсти» ҳақида билиб олгандир, деб ўйлади. Мей бу сўзларни эшитиши биланок, Худога ишонишни хоҳлади. У ўзига ўшлигидан шунчалик қўрқув ва оғриқ олиб келган, рухлар дунёси билан ҳеч қандай алоқани хоҳламас эди. У фақатгина тинчлик хоҳларди.

Чўпон ўз нутки охирида тавба қилишга чақирганида, Мей олдинга югуриб чиқди. У тафсилотларни тўлиқ билишига ишончи комил эмасди, аммо уни севадиган ва унга ишонадиган Худога топинишни хоҳларди.

Ўша пайтдан бошлаб, Мейни қўрқув курсаб олиши биланоқ – одатда у каровотда ётганида ва лагердаги жанжал овозини эшитганида – у Янги Аҳдни очиб ўқир ва Худога ибодат қиласарди. Чўпон унга Худо Каломини очиб ўқиганида, шайтон қўрқади деб айтганди ва у ҳар куни уни ўқир эди.

Лагердаги кўпчилик одамлар буддист маъбадига боришар эди ва Мей ҳам жамоатда олдинга чиқишига ва ибодат қилишига қарамасдан, улар билан бирга борар эди. Шайтон Муқаддас

Китобни ўқиганимда қўрқади, аммо ҳар эҳтимолга қарши уларга қандайдир қурбонлик таклиф қилиш ҳам ақлли йўл, деб ўйлади у. Унинг чодирида ҳали ҳам бутлар турарди ва ҳар куни у масиҳийларнинг Худосига ва ўзининг худоларига ибодат қиласади. Агар битта дин яхши бўлса, иккитаси ундан ҳам яхшироқ. Лагердаги бошқа одамлар ҳам лагерда ўзларига таклиф қилинган ҳар хил динлардан ёққанини танлаб худди шундай йўл тутар эдилар.

Кейин якшанба кунларидан бирида масиҳий чўпон бошқа худолар ёки бошқа динлар бўлмаслиги кераклиги ҳақида гап очиб қолди. У масиҳийлар битта динга ва битта ҳақиқий Худога ишонишлари керак, деди. Йигилишдан сўнг Мей ўзининг чодирига келди ва барча бутларни ташлаб юборди. Айрим буддистлар уни тўхтатишга харакат қилди, аммо Мей туриб олди. Агар Худо фақат Унинг орқасидан эргашишини хоҳласа, у олдинги дини билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани ташлаб юборади.

### «Мени ишлатгин»

Бошқа якшанба куни, ўзининг бутларини ташлаб юборганидан кейин, ваъз Исонинг хоҷдаги ўлимни ҳақида, Унинг гуноҳларимиз эвазига тўлаган тўлови ҳақида бўлди. Мей биринчи марта ўз гуноҳини англаб, улар учун тавба қилиш учун яна олдинга чиқди. «Раббим, кечир мени» – дея ибодат қилди. «Мени Ўзинг хоҳлагандек, қаерда хоҳласанг ўша ерда ишлат. Мени ишлатгин» – деди.

У Муқаддас Китоб ва масиҳий таълимот ҳақида кам нарса билишига қарамасдан, улар ҳақида бутун лагердагилар билан гаплаша бошлади. Мароқ билан Муқаддас Китобни ўқишини давом этар ва Муқаддас Рух унга билимини оширишда ёрдам берар эди. Қанча кўп билса, шунда кўп Худо ҳақида гувоҳлик берар эди.

Хонг синглиси қаерга бориб юргани билан қизиқди ва жамоат йигилишига у ҳам келди. Ниҳоят у ҳам Масиҳни қабул қилди, аммо унинг садоқати Мейники каби чукур эмас эди. Уни қизиқтирган асосий нарса, лагердан чиқиб кетиш ва ўзи

эркин бўладиган давлатда яшаш эди. Унинг фикрида қаерда ишлаш, қандай қилиб бизнес бошлиш ва муваффақиятга эга бўлиш каби қўплаб режалари бор эди. Агар у масиҳий бўлса, эҳтимол тезроқ виза олиши ва ғарбга кетиши ҳақида ўйлади.

Жамоатда Мей ўзидан ўн ёшга катта бўлган эркакни учратди ва улар учраша бошладилар. У хам ғарбга кетиш, ўз ишини бошлиш ва пул ишлашга умид қилган эди. Уларнинг муносабати мустаҳкамлашди ва Мей ўзининг қарашлари унинг қарашлари билан мос келишини хис қилди. Унинг Муқаддас Китобга бўлган чанқоқлиги сўнди, у камроқ ибодат қила бошлади. У қўпроқ озод бўлганида пулларини қандай сарфлаши ҳақида ўйларди ва Исо қайтиб келганида уни қабул қилиши ва жаннатга киргизиши учун озгина ибодат қилиб қўярди.

Илгариги унинг руҳини тўлдириб юборадиган, юракдан чиқувчи самимий ибодатлар йўқолган эди. Энди у фақатгина Худо унга лагердан чиқиши ва унга эркинлик беришини сўраб ибодат қиласарди. У ва унинг дўсти никоҳ ҳақида гаплаша бошладилар ва Мей ҳақиқатдан бу эркакга турмушга чиқишни хоҳларди. Аммо хали ёши йигирмада ва турмушга чиқишга хали жуда эрта эканлиги ҳақида ўйлади.

Бир куни кечқурун, каровотда ётганида Мей овоз эшилди. «Мен сени ташлаб кетмайман» – деди унга овоз. «Яна келганимда, Мен сени Ўзим билан олиб кетаман» – деди.

Мей ўйғонди ва кейин яна нимадир эшилди: қаттиқ, кўрқинчли, азоб берувчи қичқирик.

*Сен бу қичқириқни эшилдингми?* Худди Муқаддас Рух унинг юрагига гапираётгандек туюларди.

«Ха» – деди Мей «Бу нима?»

*Бу ташлаб кетилганларнинг қичқириги.* Бу оғриқ ва хафагарчилик қичқириги овози.

### «Манзилдан ташқарига – Унинг олдига чиқайлик»

Кейинги куни эрталаб Мей ўзининг руҳий дангасалигини бир чеккага суриб қўйди. Унинг ибодатлари яна чин кўнгилдан бўла бошлади ва энди у нафақат бойлик ва ғарбга чипта



ҳақида ибодат қиласы. У Вьетнамда қолган оиласи ҳақида ва ўз юртида Масих учун азоб чеккан масихийлар учун ибодат қила бошлади.

Бир куни Мұқаддас Китобни ўқиб, Ибронийларга мактубининг 13:12–15 оятларига кўзи тушди.

Шунга ўхшаб, Исо ҳам йўз қоним билан халқни мұқаддас қиласы, деб шаҳар дарвозасидан ташқарида азоб чекиб ўлди. Энди бизлар ҳам Унинг хўрлигини ўзимизга олиб, манзилдан ташқарига – Унинг олдига чиқайлик. Чунки бу ерда бизнинг доимий шаҳримиз йўқ, биз бўлгуси шаҳарга кўз тикиб юрибмиз. Шундай қилиб, Исо орқали Худога узлуксиз ҳамду сано қурбонларини бағишлайлик, яъни Унинг номи тилимиздан тушмасин.

*«Манзилдан ташқарига – Унинг олдига чиқайлик».* Бу сўзлар варакдан чиқиб, Мейнинг рухини тешиб ўтгандек бўлди. Худо унинг юрагига қилган чорловидан ҳайратга тушган эди: *Вьетнамга қайт, Менинг сўзимни у ерда тарғиб қил. Ҳозирги пайтда четда юрганларга, Менинг олдимга келишилари кераклигини айт.*

Мей Вьетнамда Масихга хизмат қилиш жуда қийин бўлишини биларди. Агар Худонинг чорловига жавоб қилса, азоб чекиши мумкинлигини биларди. Аммо у боришини хоҳлади. Худо ундан нима хоҳласа, ўшани қилишга ваъда берди. Агар У Вьетнамга қайтишни сўраса, демак, у бунга тайёр.

Вьетнамдаги жаҳолатнинг қанчалик чуқур эканини у биларди, у буни ўз оиласида кўрган эди. У мактабда ўқиб юрган пайтида, уйида топиниш учун учта ўтиб кетган бобоси (бобоси, бобосининг отаси ва бобосининг бобоси) рухига учта вазада тутатқилар тутатиб қўйилган, қизил-кора қурбонгоҳ бор эди. Отаси ўлганида, унинг оиласи энг эски хушбўй тутатқили идишни янгисига алмаштиради.

Рұхлар ҳамма жойда деб айтишарди, вьетнамликларга ва худди кўпчилик бутга топинувчилар каби, Мейнинг оиласи ҳам бор кучи билан уларнинг меҳрини қозонишга харакат қиласылар. Улар чўчқа ёки товукни қурбонлик қилишар ва қурбонгоҳга қўйишар эди. Сехрли сўзларни айтиб, ўтиб кетган

боболарини чакиришарди ва уларнинг марҳаматини қозониш учун овқатдан татиб кўришни таклиф қиласдилар. Мей ўз оиласи ва Вьетнамда жаҳолатда яшаётган бошқа одамлар билан Худо Каломи ҳақидаги ҳақиқатни бўлишишни жуда хоҳларди.

Кейинги сафар масиҳийлар бирга йигилганида, Мей унда эълон борлигини айтди. У кулган холда ўрнидан туриб: «Мен Худодан чорлов эшитдим» – деди у. «У мен билан гаплашди».

У деярли иккинчи оиласи бўлиб қолган дўстларига қаради.

«Худо мени Вьетнамга қайтишга чорлади. У мендан у ердагиларга Унинг севгиси ҳақида айтишимни, уларга ҳақиқатни етказишимни хоҳлайди» – деди.

Тезда одамлар таъсирини кўрди, аммо у Мей кутганидек эмасди.

«Бу шайтоннинг овози» – дея қичқирди битта эркак.

«Бу Худодан бўлиши мумкин эмас» – деди қари аёл, жахл билан ўзининг Муқаддас Китобини ёпиб. Худо сени Гонконгга олиб келди ва Худо сени озодликка чиқаради. Оилангга ёрдам берса олишинг учун, У сенинг гуллаб-яшнашингга ёрдам беради. Худо сенинг Вьетнамга қайтишингни хоҳламайди».

«Агар сен у ерга қайтсанг, азоб чекасан» – деди бошқа эркак. «Мен биламан. Буни кўрганман. Азоб чекишинг шубҳасиз, ҳатто улар Худони инкор этишга мажбурлайди. У ҳеч қачон сендан у ёққа қайтишингни сўрамайди».

Мей ўз дўстининг юзида қўллаб-кувватловчи кулгуни кўришга умид қилиб, унга қаради. Аммо кулгу йўқ эди, қўллаб-кувватловни ҳам кўрмади. Ундан юз ўгириб, у чиқишига қараб йўл олди ва чиқди.

Жамоатдаги кўплар Мейни қайтаришга ҳаракат қилди, унинг акасига бу ҳақда айтганида эса, акаси унга тарсаки туширди. «Отамизнинг орзусига тупуришга қандай ҳаддинг сифди?» – деб сўради у. У сенинг бу ерга келишинг, озодликка чиқишинг учун йиллар мобайнода пул тежади. Ва сен бунинг ҳаммасини ташлайсанми? Ота-онамизнинг юрагини вайрон қиласанку! Қайтиш ҳақида бошқа гапирма! Бошқа бир сўз ҳам айтма!

Мей қандай қилиб ўз акаси у билан шундай муносабатда бўлиши мумкинлиги ва қандай қилиб масиҳий дўстлари

Хушхабар ҳақидаги билимини бошқалар билан бўлишиш хоҳишини танқид қилиши мумкинлиги ҳақида ўйлади. Акаси қайтишига қарши бўлишига қарамасдан, уни севиш учун Худодан донолик ва сабр беришини сўради. Уни Худо чакираётганига ишончи комил эди ва бошқалар ҳам буни тушунишлари учун ибодат қилди.

Акасининг шапалоги бу энг қийин тўсқинлик эмас эди. Оғириқ хиссий изтироб эди ва бунга сабаб унинг дўсти эди.

«У сени Вьетнамдан олиб чиқди» – деди у Мейга. «Нима учун У сенинг қайтишингни хоҳлаши керак? Бормайсан!»

У Мейни фикридан қайтара олмади ва дўстлигини узди.

«Мен ўз орзусидан воз кеча олмайдиган аёлга уйлана олмайман» – деди у. «Худо сени бу ерга олиб келди ва агар сен қайтсанг Уни ва оиласангни шарманда қиласан».

«Менинг орзуларим бор» – деди Мей унга кўзида ёш билан. «Энди Худо менга янги орзулар берди. Мен ватандошларимга Масижнинг севгиси ҳақида айтиб беришни хоҳлайман. Уларга бошқа ҳайвонларни ўлдириш керак эмаслиги ҳақида ва курбонлик аллақачон келтирилгани ҳақида айтишни хоҳлайман!»

«У холда орзуларимиз ҳар хил экан» – деди у совуқ оҳангда. «Орамизда хаммаси тугади».

Мей унинг кетишига қараб, кўзлари лим-лим ёшга тўлди.

Лагердаги ёмон овқат ва шароит туфайли Мейнинг жисмоний соғлиги ёмонлашди. Аммо руҳий соғлиги ҳар қачонгидан яхши эди. Дўсти ташлаб кетган, жамоат эса унга шубҳа билан қараётган бўлсада, унда қилиши керак бўлган нарса ҳақида шубҳа йўқ эди. Худо уни орқага, Вьетнамга чақирган эди.

### Рўйхатдаги ягона фамилия

Мей лагернинг бошликлари билан Вьетнамга қайтиш ҳақида ариза бериш учун учрашувга келишиб олди. Учрашувдан олдинги тунда у ухлай олмади, ўз қарори ҳақида ўйлаб чиқди. Нима учун лагерда уни шунчалик кам одам қўллаб-қувватлаши унга қизик туюларди. У ибодат қилиб, Худо уни юборган жойга боришга ва У айтган нарсани қилишга ваъда берди. У ҳатто Вьетнамдаги

одамларга Масихнинг севгиси ҳақида гапириши тўғрисидаги ҳаяжонли фикрларига қарамасдан, бутунлай хотиржамлик хис қилди.

Ниҳоят у ухлади ва тушида Вьетнамга қайтаётганини кўрди, аммо у ёлғиз эмасди. У билан бир эркак ва аёл бор эди. Мей аниқ билдики, Худо унинг ёлғиз ўзи қайтмаслигига ишонтираяпти.

Кейинги кун эрталаб идорага келганида, у тўғри қарор қабул қилганига шубҳаси йўқ эди. Мей эшикни очди ва стол ёнига келди.

«Мен Вьетнамга қайтишни хоҳлайман»

Стол ёнида ўтирган эркак ёш қизга ҳамдардлик ва саросима билан қаради. «Қайтишни хоҳлайсизми?»

«Ха».

«Гонконгда қанча бўлдингиз?»

«Деярли беш йил».

«Тез орада сизнинг лагерда бўлишингиз ниҳоясига етади. Бир неча ойдан сўнг виза оласиз ва ўшандা Америка ёки Австралияга кетишингиз мумкин бўлади. Қўлингизни тушурманг».

«Мен қўлимни тушурмадим» – деди Мей ишонч билан. «Мен энди ғарбга кетишни хоҳламайман. Ватанимга қайтишни хоҳлайман».

«Бизда қайтишни хоҳлайдиганлар жуда кам. Бу тўлдириладиган қоғоз шакли учун нархни ҳам тушурдилар, чунки ҳеч ким қайтмаяпти. Бу нима англатишини, ҳақиқатдан тушунасизми?»

«Бу нима англатишини биламан» – деди ишонч билан Мей. «Аммо Худо мени чақирди».

«Худо сизни чақирди?» – дея сўради ҳайрон бўлиб у. «Тушунаман, у холда виза олиш учун тўлдирган аризангиз ва хужжатларингиз бекор бўлади. Демак, сиз ҳеч қачон бу ерда бўлмадингиз... худди охирги беш йил бўлмагандек».

«Буни биламан. Мен ғарбга бормаяпман».

«Сиз биласизми, Вьетнам ҳукумати ҳар доим ҳам кетганларни қабул қиласермайди» – деди у – «айниқса ноконуний кетганларни».

«Биламан».

Бу киши унга диққат билан қаради, кейин қутидан бланк шаклидаги қоғозни чиқарди. «Менга шахсни тасдиқловчи хужжатингиз керак».

Мей унга хужжатни берди, ручкани олиб, бланк шаклидаги қоғозни тұлдирди. Ғалати қониқиши хисси ва ҳатто юрагини хурсандчилік қоплади. У ғарбда озод яшаш имкониятидан воз кечиб, ҳеч иккиланмасдан бу қоғозға құл қўйди.

Бу киши қоғоз бўлагини олди ва қоғознинг тепасида шундай сўзлар бор эди: ВЬЕТНАМГА ҚАЙТИШ. У синчковлик билан Мейнинг фамилиясини юқори қаторга ёзди. Рўйхатда бошқа исмлар йўқ эди.

Хонг Мейнинг орқага қайтариш қоғозига қўл қўйганини билганида, уни яна дўппослади.

Мейнинг дугонаси, масихий бўлган Хуйен хоним, у ақлдан озибди, деб айтди. Аммо Хуйен кейинги куни Мейни қўрганида, у бошқача гапирди. «Сен тентак эмассан» – дея ишонтирас эди у Мейни. «Шундай деганим учун мени кечир» – деди.

«Нима бўлди?» – дея у дугонасидан сўради. «Кеча сен Вьетнамга қайтаётганим учун мени тентак деб айтдинг, бугун эса сенингча бу қарор ақлли».

«Кеча кечқурун Худо мен билан гаплашди» – деди Хуйен унга. «Ва У менинг ҳам Вьетнамга қайтишим кераклигини ва Унинг хабарини одамларга етказишим кераклигини айтди».

Мейнинг юраги хурсандчилликка тўлди, у ёлгиз қайтмаслигини биларди. У ўзи билан яна бир аёл қайтаётгани ҳақидаги тушуни эслади. Тушида яна бир эркак ҳам бор эди ва у қайси эркакни Худо у билан юбориши ҳақида ўйлай бошлади.

Хуйен идорага кетди ва худди Мейникидек қоғоз бланкасини тўлдирди. Унинг исми рўйхатда иккинчи эди.

Бир неча кун ўтиб, уларнинг яна бир кичкина жамоати аъзоси бўлган жаноб Троунг, Мейнинг олдига келди ва Худо уни ҳам Вьетнамга қайтишга чорлаётганини ҳис қилгани ҳақида айтди. «Аммо Вьетнамда яшаш жуда оғир» – деди у. «Қандай қилиб яшашим ва Худога хизмат қилишим мумкин?» – деди.

«Хавотир олма» – деди унга Мей. «Худо ҳаммаси ҳақида ғамхўрлик қилади».

Мей кетишга тайёргарлик кўраётганида, қандай қилиб Худо эшикларни очаётганини ва саёҳатнинг тафсилотлари ҳақида ғамхўрлик қилаётганини кўрди. 1994 йил эди, у Гонконгда деярли беш йил бўлди. Учта имонлини кузатиш учун жамоат аъзолари йигилганида, кўпчилик охирги марта уларни қолдиришга ҳаракат қилишиди.

Хонг Мейни ва унинг ўйлдошларини қочқинлар лагерининг кул ранг темир эшикларигача кузатиб қўйди.

«Қандай қилиб бундай қилишинг мумкин» – дея сўради у яна. «Мен отамга хат ёзиб, сенинг тентаклигинг ҳақида айтдим. У қайтишингни хоҳламайди. У сенинг озод бўлишингни хоҳлайди. Вьетнамда қанча кўнгилсизликлар сен билан бўлишини биласанми? У ерда масиҳийларни қабул қилишмайди. Масиҳийларни қувғин қилишади, қўлга олишади ва дўппослашади. Мей ўйлаб кўр, хали ҳам кеч эмас».

«Мен қарор қилдим» – деди у акасига.

«Мен сени бу ерга олиб келганимга ишонгим келмайди» – деди у жаҳли чиқиб. «Охирги йиллар сен ҳақингда ким ғамхўрлик қилди? Лагердаги жанжаллар пайтида сени ким ҳимоя қилди? Бошқалар бир қисм гуручингни тортиб олишни хоҳлаганида, сен ҳақингда ким қайғурди? Сенинг ўрнингга Троунг келишини хоҳлардим. У сенга ўхшаб, мени ва отамизни шарманда қилмаган бўларди. Троунг бизни хурмат қилади. Қандай қилиб бунга қўл ураяпсан?»

Мей қайгули холда акасига қаради. «Мен бунга қўл урдим, чунки Худо мени чакирди» – деди у. «Сен эркин бўлишни, бошқа мамлакатга кетишни хоҳлайсан. Аммо наҳот сен сиёсий эркинлик ёки пулдан кўра муҳимроқ нарсалар борлигини тушунмасанг? Оиласизга Исо ҳақида ким айтади? Ким уларга эркин бўлиш ва жаннатга қандай бориш ҳақида айтади? Худо мендан буни қилишимни сўради ва мен буни қиламан. Эҳтимол мен ҳеч қачон сен каби бой бўлолмайман, аммо мен Худо айтган нарсани қиласяпман. Хонг, қачонлардир буни тушунасан, деб умид қиласаман».

Акаси қайгули кўриниш билан, улар учаласини аэропортга олиб борадиган кичкина сариқ машинага ўтиришини кузатиб

турди. У орқасидан қўл силтамади. Бошқа масиҳийлар ҳам дарвоза панжаралари орасидан қараб турар ва уларнинг кўзларидан лим-лим ёш оқарди. Машина ўрнидан қўзгалганида, ҳар бир чехрани эслаб қолишга ҳаракат қилиб, Мей орқасига қаради ва уларни қачондир кўрармиканман, дея ўйлади.

### Яширин хизмат

Самолёт Вьетнамга қўнганидан сўнг, Мейнинг ўзи уйигача етиб олиши керак эди. У илиқ кутиб олишларига умид қилганди, аммо уни кўришдан хурсанд эмасдилар. Унинг келажаги ҳақида ўйлаб, шунчалик оғир меҳнат қилган отаси, уни бутунлай инкор қилди. У Мей билан гаплашмади ва умуман эътибор ҳам бермади. Онаси Мейга қўпол равишда қичқириб, нима учун оиласидаги руҳларнинг жаҳлини чиқараётгани ва нима учун уларга топинмаётгани ҳақида сўради.

Оиласининг бундай муносабатда бўлишига қарамасдан, Мей уларга яхши муносабатда бўлишга ҳаракат қилди. У қўпинча ибодат қилар ва ўзининг хонасида секин овозда қўшиқ куйлар эди. Гувоҳлиги ва намунаси туфайли, у Вьетнамдаги биринчи тингловчисини Масиҳга олиб келди: синглиси унинг имони ҳақида саволлар бера бошлади ва ниҳоят Масиҳни ўзининг Кутқарувчиси сифатида қабул қилди. Иккита опа-сингиллар қўпинча бирга ибодат қилар ва Муқаддас Каломдан ўқир эдилар. Аммо ота-онаси унга тинчлик бермасди ва Мей жуда хавотир оларди. «Сен Вьетнамга қайтишимни хоҳлаган эдинг» – дея ибодат қилди. Ва жавоб сифатида Худодан шундай кўрсатма олди: «Қўйларимни йиг. Ван Донг вилоятига бор».

Мей ҳеч қачон Ван Донг вилоятида бўлмаган эди, аммо у Гонконгда Масиҳга келган ва Вьетнамга қайтган бошқа одамлар у ерда бўлгани ҳақида эшитди. У ерга жўнади ва ўйл бўйи тинмай ибодат қилди. У ўз ўйлдошлари билан иложи борича камроқ гаплашишга ҳаракат қиларди. Унда саёҳат қилиш учун ҳужжатлар йўқ эди ва полиция ходимлари унинг масиҳий эканлигини билиб қолсалар, уни қўлга олишларидан кўркарди.

Ван Донгда у бошқа масиҳийлар билан учрашди. Улар учраша бошладилар ва полиция уларнинг яширин учрашувлари ҳақида билмаслиги учун улар ўрмонга кетишарди. Мей Худованднинг чорловини сезарди – адашган қўйларни қидириб топиш. У узоқ туманларга боришини ва ваъз қилишини бошлади. У ҳали ҳам ота-онаси билан яшарди, аммо доимий равишда Ван Донг вилоятига бориб, учрашувлар ўтказиб туради. Тез орада Ван Донгда кичкина жамоат пайдо бўлди, аммо жамоат аъзолари сони ўсиши билан, уларга нисбатан босим ҳам ошиб борди.

Мейнинг отаси унинг бошқа масиҳийлар билан биргаликда ўрмонга бориши ҳақида билиб, унга ўй ишларини юклай бошлади ва унда бўш вақт жуда кам эди. Қизининг янги динга қайсарлик билан амал қилишини кўриб, ниҳоят отаси бироз юмшади. Унга доимий равишда жамоат йигилишларига бориб туришга рухсат берди, аммо ҳали ҳам ибодат йигилишларига, муҳим учрашувларга ёки бошқа имонлилар билан мулоқотда бўлишига рухсат бермасди. Мей тақиқланган йигилишларига боришда, масиҳий хизматини бажаришда давом этди ва отаси уни уйдан ҳайдаб юборди. Бир неча кундан сўнг у Мейга уйга қайтишига рухсат берди, аммо тез орада ҳаммаси яна такрорланди.

Полиция Мейни дикқат билан кузата бошлади. Унинг масиҳий фаолияти ҳақида билишди ва полиция унга қарши иш очишга ёрдам беришини сўраб, Мейнинг отасига босим ўтказа бошладилар. «У қаерга қатнайди?» – дея доимо сўрардилар. «У ким билан учрашади? Нима ҳақида гаплашади? Нима учун сиз қизингиз ўзини шундай тутишига йўл қўйиб бераяпсиз?»

Аста-секин отасига нисбатан босим кучайди ва полиция унинг уйига келишдан тўхтади. Унга полиция маҳкамасига келишини буюрдилар.

«Агар қизингизга таъсир кўрсата олмасангиз, биз қила оламиз».

Ўзининг ва Мейнинг хавфсизлигидан хавотир олиб, у кўп унга ҳеч қаерга бормасликни буюрди.

«Сен боришинг мумкин эмас» – деди отаси унга. «Улар мени нима қилишларини биласанми? Сени нима қилишларини биласанми?».

Бошида Мей дўстлари билан учршувга ёки нимадир қилиш учун кетаяпман, деб айтарди. У ўз вазифасини янада жасурлик билан бажарар эди ва отасидан ҳам жасурроқ бўлиб: «Мен Худонинг ишини бажаришга кетаяпман» – деб айтарди у отасига.

У отаси уни тушунмаслигидан ва унга қарши кайфиятда эканлигидан хавотир оларди. Унинг ибодатлари янада алангалашиди.

*«Худойим» – дея ибодт қилди у. «Сен учун ҳаммасини қиласман. Сен учун қамоқ жазосига ҳам тайёрман. Агар зарур бўлса, Сен учун ўлимга ҳам тайёрман. Аммо, Сендан ўтиниб сўрайман, отам мени қувгин қилишига йўл қўйма. Мен буни кўтара олмайман».*

Аммо қувгин тугамади. Йиллар ўтди ва Мей Худо уни хизматга тайёрлаганини тушунди. Агар у севикли отасининг хужумларига ва босимларига чидаса, у холда уни Худо чақирган ишларни бажариш учун хеч қандай қувгин тўхтата олмасди.

### Озодликдан воз кечиш

Охир оқибатда, Мей Вьетнамда ишлайдиган бир нечта америкалик хушхабар элчиларини учратди. Унинг қанчалик жиддий эканини кўришганида, улар Америка Кўшма Штатларидағи Муқаддас Китоб мактабига боришни таклиф қилдилар. Бу ажойиб имконият эди. Мей Гонконгдаги қочқинлар лагерида гарбга кетишни кутиб, беш йил вақтини ўтказди. Ҳозир у яна Вьетнамга қайтиб келиши билан, уни Америкага таклиф қилишяпти ва ҳамма ҳаражатларини тўлашмоқчи.

Мей бу таклиф ҳақида ота-онасига айтганида, отаси хурсандчилик билан: «Бу ажойиб имконият. «Америкалик отоналаринг» Америкага саёҳат қилишингга ёрдам беришмоқчи. У ерда сен озодликда бўласан ва таълим олиш имкони бўлади. Бу ажойиб янгилик! Сен боришинг керак».

Аммо Мейнинг орзуси ўзгармади. У Худо уни Вьетнамга қайтишга чақирган, Ибронийлар мактубидаги 13:12–15 оятларни ўқиб чиқди. Ватанидаги «манзилдан ташқаридаги»ларга нисбатан унинг кучли ҳис-туйғуси ўзгармади.

«Мен Вьетнамда ишлашни хоҳлайман» – деди ота-онасига. «Худо мени бу ердаги, Вьетнамдаги одамлар орасида ишлашга чакирди».

«Наҳотки Худо сенга шу тарзда ёрдам бермаётган бўлса» – дея сўради отаси. «Сен ақлдан озибсан!»

Аммо Мей Вьетнамда қолишга қарор қилди. Кўшма Штатларга кетиш ўрнига, у Сайгондаги интенсив ўкув курсини тугатди. Унга қаерда Хушхабарни ўрганиш ва амалда қўллашнинг фарқи ўйқ эди, унинг ягона орзуси Худога хизмат қилиш ва юртдошларининг Худони таниб билишини қўриш эди. Хушхабар элчилари унинг Сайгондаги ҳаражатларини қоплашни таклиф қилдилар, аммо Мей камтарона равишда рад қилди. Агар бу Худонинг режасига кирса, Унинг Ўзи ҳаражатларини қоплашини биларди.

Олти ой мобайнода, у уйдан чикмасдан Жанубий Вьетнамда яшади. Фақатгина мамлакатнинг қишлоқ жойларига ваъз қилиш учунгина чиқарди. Агар у Сайгон кўchasига чиқса, унинг шимолий шеваси билинарди. У таваккал қила олмасди, ундан хужжат талаб қилиб қолишларидан кўркарди. Унда эса Жанубий Вьетнамда бўлиш учун рухсат ўйқ эди. Шунинг учун у олти ой мобайнода шаҳар кўчасига чикмасликка ҳаракат қиласди, айрим пайтда согинч билан дераза орқали кўчадан ўтиб кетаётган машиналарга боқарди. У бир дақиқага кўчага чиқиб, ўзи кўрган ҳаётнинг бир қисми бўлишни хоҳларди. Аммо у уйдан чикмасди.

Кунлар жуда узун, ўқиши эса жуда тезкор эди ва ҳаммаси яширин бўлиши керак эди. Улар кўп соатлар мобайнода ибодат қиласди, Муқаддас Каломни ўрганар ва чўпонликка ўқишарди.

### Қабилалар орасида ваъз қилишга интилиш

Ўқиши курсида Вьетнамдаги қабилалар ҳақида маълумот бор эди. Мейни шундай тарбиялашганки, Вьетнамдаги ҳамма камчиликни ташкил қилувчи халқлар – бу замондан ортда қолган, ёвуз, аҳлоқсиз, қабиласининг одатларига ва бидъатларига амал қилувчи кишилар эканига ишонган. Аммо у

ҳар хил қабилалар орасида ишлайдиган масиҳийлар билан учрашганида, Худо унинг юрагида уларнинг Масиҳга келишини кўриш хохишини пайдо қилди.

Вьетнамда элликдан ортиқ этник гурухлар бор ва маданиятни бир хил қилиш учун уларни доимо қувгин қилишарди. Ҳукумат қабилаларнинг тилида нимадир нашр қилишни тақиқлар, фақатгина вьетнам тилида нашр қилишга рухсат бериларди. Ҳар хил қабила одамлари устидан кулишар ва таҳқирлашар, улар ҳатто масиҳий бўлмасаларда, уларни қувгин қилишар эдилар.

Бу одамларга етиб бориш учун, ўн олти кишидан иборат гурух (чўпонликка ўқиган одамлар) мотоциклларда қишлоқ жойларга жўнадилар. Бу жой тоғли эди ва бориш жуда қийин эди. Қуруқ мавсумда чанг шунчалик қалин бўлар эдики, мотоциклда икки метрдан нарини кўриб бўлмасди. Ёмғирлар мавсумида эса йўл хўл ойнага ўхшарди. Полициянинг кўзига кўринмаслик учун, гурух асосан кечкурун юрарди ва кўплаб баҳтсиз ҳодисалар бўларди. Бир марта Мейнинг мотоцикли итни уриб юборди, у ва унинг йўловчиси олдинга рулдан ошиб, учеб кетишди. Мей юзи билан йиқилди ва у нима бўлганини англагунича, унинг юзи, елкалари, тиззаси ва боши қонга ботганди. Озгин қизгиш ит ўлган эди.

Ёш етакчилар орасида чандиклар алоҳида ажралиш белгисига айланганди ва гурух ўз «ютуқлари» ҳақида ҳазил қилишарди. Инфекция тушмаслиги учун яраларига туз сепишар, қўлидан келганда боғлашар ва йўлида давом этишардилар.

Йиқилганидан сўнг, Мейга ярасини ювишга ва уни боғлашга ёрдам берган бошқа аёл «ҳаммаси яхши бўлади» – деди унга. «Чўпонни нима дегани эсингдами? Агар сенда чандик излари бўлмаса, демак сен Вьетнамдаги масиҳийлик хизматини бажара олмайсан. Энди Мей тайёр эди!»

### Янги имонга келган

Олти ойлик ўқишдан кейин Мей шимолга қайтди. У жамоат ташкил қилиб, етакчилар тайёрлаб хизмат қилди ва унинг

ота-онаси ундан ўз ишини тўхтатишини талаб қилишда давом этардилар. Ниҳоят, жаҳли чиққан Мейнинг отаси бутун оилани, ҳатто узоқ қариндошларни ҳам тўплади.

Отаси ўтинчли назар билан ҳар бирига қараб «Мей билан нима қиласиз?» – деда сўради. «У қайсарлик қилиб, бу чет эллик бидъатларга ишонишда давом этаяпти. Биз уни қайтаришга, ота-боболаримиз эътиқодига ишонтиришга харакат қилдик, аммо бефойда. Бу тинчлик бузувчи билан рози бўламизми ёки уни оиламиздан хайдашимиз керакми?»

Мей ўз отасини эшишиб, хафа бўлди ва тўпланган қариндошларига, ўзи бир умр билган ва севган кишиларига қаради. Улар гапирдилар, у эса улар учун ибодат қилди. Уларнинг саволларига жавоб бера олишида Худо унга донолик бериши учун ҳам ибодат қилди.

Саволлар жуда кўп эди.

У ҳамма саволларга жавоб бериб бўлгунича, сабр ва севги билан ҳар биттасига жавоб берди. Хонада жим-житлик ҳукм сурди ва ҳамма қарор қилиш вақти келганини биларди. Мей яна олдинга чиқди ва отасининг кўзига қараб, охирги илтимосини айтиш учун ҳамманинг олдида турди. У Худодан тўғри сўзлар айтиши учун тезда сўради.

«Дада» – деда бошлади у. «Мен Исодан воз кечмайман. Аммо мен сиздан ҳам воз кечмайман. Менинг Худойимни қабул қилмаслигингиз, инкор этишингиз мумкин, аммо У барибир Худолигича бўлиб қолади. Агар хоҳласангиз, мендан воз кечишингиз мумкин, аммо мен қизингиз бўлиб қоламан. Агар мени бошқа кўришни хоҳламасангиз, илож қанча. Аммо сизнинг юрагингизда мен сизнинг қизингизман. Ҳатто мени ҳайдасангиз ҳам ва мени тан олмасангиз ҳам, мен сизни дадам деб биламан. Сиз ҳамиша менинг дадамсиз. Ва мен ҳар доим сизни яхши кўраман».

Оиласи Мейнинг оилада қолишига овоз бердилар ва у Худога хизмат қилишда давом этди. Ўша куни кечроқ, Мейнинг отаси уни чеккага тортди ва ўз хис-туйғусини яширишга харакат қилиб: «Агар сенга ётиш жой керак бўлса, биз ҳар доим сени бу ерда кўришдан хурсанд бўламиз» – деди.



Мей оиласи уни қабул қылгани учун Худога миннатдорчилик билдири ва улар ҳам Худони таниб билишлари учун берилиб ибодат қилишда давом этди.

Мей бирга ишлаган хушхабар элчилари гурухи, унга ўқиши давом эттиришини ҳали ҳам таклиф қилишарди. У бир неча марта Сайгонга борди ва Мукаддас Китобни ўрганиш бўйича яширин мактабда ўқиди. Ҳар сафар поездда, мотоциклда ва пиёда узок юришига тўғри келарди. Мей ҳар бир саёҳатдан олдин, текширув пунктига ёки полиция маҳкамасига келганида ибодат қиласиди. Унда саёҳат қилиш учун хукумат рухсати ва Сайгонга бориш учун ҳеч қандай қонуний сабаб йўқ эди. У поездда узок юрар, бу эса унга фикрлаш ва ибодат қилишга имкон берарди. У кўпинча отаси ҳақида ўйларди. У ҳеч нарса қила олмасди, аммо унинг нажот топиши учун ибодат қила оларди ва буни у жуда тиришқоқлик билан қиласиди.

Бир куни у кетганида, унга тезда уйга қайтиб келиши ҳақида хабар беришди. «Отанг жуда касал» – деди унга. «У шифохонада».

Қўйилган ташхиз, ихтиёрий тилда кишига кўркув ва юракга оғриқ соларди: рак. Мей тезда шифохонага келди ва ҳар доим отаси ҳақида ғамхўрлик қилди. У зарур бўлган ҳамма нарсани қилди, у учун ҳар доим ибодат қилди ва ўз имони ҳақида унга гапиришни бошлади. У ўзининг тўшакка қадалиб қолган отасига Мукаддас Китобни овоз чиқариб ўқиб бериб, у билан жуда кўп вақт ўтказди.

Унинг дўстларидан айримлари отасини кўришга келди ва отаси улар ҳақида қанчалик ғамхўрлик қилаётганини сезмасдан қололмасди. У ўз қизининг ғалати дини ҳақида кам хавотир оладиган бўлди. Кўпроқ ўз жони ҳақида хавотир ола бошлади. Мейнинг ўқишига ёрдам берган чўпон, унинг отасини кўришга келганида, у узок вақт отасининг хонасида бўлди. У билан гаплашди ва қолган имонлилар коридорда йиғилиб, ибодат қилишди. Чўпон хонадан чиққанида, Мейнинг отаси янги имонга келган кишига айланди. У тезда ўзи кўрган биринчи ҳақиқий масиҳийни, ўз қизини олдига чақири.

Улар қаттиқ қучоқлашдилар ва отаси ерда қолган бутун умрида масиҳий бўлиш ҳақидаги қарорини унга айтди.



«Энди мен нима учун ҳукумат жамоатни қувгин қилишини тушунаман» – деду у қизига. «Илгари буни тушунмасдим. Ҳатто мен уларга қизимни қувгин қилишлари учун ўзимдан фойдаланишга ҳам рухсат бергандим». У бундан жуда афсусланди. Мей отасини қучоқлади ва қувгин – бу унинг имони синалиши ва маҳкамланиши йўлидаги Худованд режасининг бир қисми эканини айтди.

### Хавф остида адашган қўйлар ҳақида қайғуриш

Отасининг ўлимидан сўнг, Мей қайғурап ва отасининг ўлимидан йиглар эди. Аммо шу билан бирга қачондир уни жаннатда кўришидан хурсанд бўларди. У ўзининг масиҳийлик хизматига янги куч билан қайтди. 1996 йил у билан ишлаган хушхабар элчилари масиҳий етакчилар учун уч кунлик семинар ташкил қилдилар. Мей учрашувга тайёргарлик кўриб, ибодат қилганида, Худованд уни Вьетнамга қайтишга чақириб, у билан туши орқали гаплашди.

Тушида Мей қалин ўрмон ичидаги турарди.

«Мен қаердаман?» – дея сўради у.

«Бу бир қабиланинг ери. Бу ерда сен учун хизматим кўп».

«Қачон боришим керак?» – дея сўради у. «Бу ишни бажариш учун, яна кимдир мен билан борадими?»

Худо унинг саволига жавоб бериб: «Мен сен билан жангчи эркакни юбораман» – дея ваъда берди.

Кейин унинг кўзи олдида рангли кийимдаги кўп одамлар пайдо бўлди. Уларнинг ҳар биттаси Мей Хушхабар етказиши керак бўлган, ҳар хил қабила вакили эди.

Бу тушдан ва навбатдаги ўқишдан кейин Мей доимий равишда ҳар хил қабилалар билан ишлашни бошлади. Ўзининг мотоциклida ноқонуний ваъз қилиб ва нажот ҳақидаги хушхабарни етказиб, бутун Вьетнамни айланиб чиқди. Кўплаб жойларда полиция текширув пунктлари қўйиб ташлаганди. Полиция саёҳатчиларни тўхтатиб, уларнинг хужжатларини текширадиган жойларда, оддий бамбук таёги йўлни тўсиб турар эди. Агар нимадир жойида бўлмаса, полиция одамларни қўлга олар ёки пора талаб қиласа, тоғлиқни ташлашни берадиган эди.



Рухсатномага эга бўлмасдан, ноқонуний олиб бораётган Муқаддас Китобни яшириб, Мей текширув пунктларини айланиб ўтар ва қалин ўрмонлар орқали пиёда юрарди. Ҳукумат унинг масиҳийлик фаолияти хақида билишини ва унинг исми қидирилаётганлар рўйхатида эканини биларди. Таваккал жуда катта эди. Текширув пунктларини айланиб ўтганларни отишлари мумкин эди.

Айрим пайтларда Мей полициянинг қўлига тушиб қоларди ва уни тун бўйи қамаб қўйишар эдилар. Айрим пайтда унинг ёнидаги Муқаддас Китобларни олиб қўйишарди. Айрим пайтларда Худо мўъжизавий равишда Муқаддас Китобни уларнинг нигоҳидан яширади. Мей ҳар сафар китоблар сумкасига қайтганида ва қимматбаҳо юк тегилмасдан қолганида, ичидан хурсанд бўларди.

Ёш хушхабарчи қабилалар ичидаги жамоат қанчалик тез ўсаётганини кўрарди ва улар кучли қувғинлар олдида шунчалик мардона туришини кўриб хурсанд бўларди. *Қабилалар – худди тартибсиз марқалиб кетган қўйлар каби эди. Уларни Худовандан ташқари ҳеч ким ҳимоя қилмади.*

Мей қабила аъзоларининг қувғинлар ҳақидаги ҳикояларини эшитар ва уларга далда беришга харакат қиласарди. Қарияни осиб қўйиб, то ип узилиб тушгунича уришган. У қонга беланганича ерга йиқилган. Полиция Хмонг қишлоғидаги масиҳийларни қолган қабиладан ажратиб қўйиш учун, мамлакатнинг бир жойидан бошқа жойига кўчиб ўтишига мажбуrlаган. *Масиҳийлар* айрим пайтда хамма нарсасини ташлаб, полициядан ўрмонга қараб қочишлирага тўғри келарди.

Бир қишлоқда Мей ва бошқа масиҳийларни, даҳшатли касалликдан азоб чекаётган қабила аъзоларидан бирининг уйига таклиф қилишди. Мей кулбага кирганида, ҳиддан у қайт қилиб юборишига оз қолди. Оила ундан мабодо шифокор эмасми ва қандайдир дори олиб келмаганми, дея сўради.

«Биз шифокор эмасмиз» – деди уларга Мей – «ва бизда дори-дармон ҳам йўқ. Аммо биз дунёдаги энг яхши шифокорни, сизни ҳам шифолашга қодир бўлган Зотни биламиз».

У касал шифо топиши учун ибодат қилди. Бир ойдан сўнг, улар яна қишлоққа келганида, бу эркак деярли соғлом эди.

Кейинги ой эса у ўзини бутунлай соғлом хис қилди. У Мей билан гаплашишни хоҳлади. «Сиз мен билан бирга боришингизни хоҳлайман» – деди у. «Мен сизни ўз халқим орасига олиб бораман. Аммо бу узокда, ўрмонзорда. Бу қийин ва узок йўл. Сиз ўттиз кун юришингизга тўғри келади».

Мей ибодат қилди, бу эркакнинг таклифи ҳақида ўйлади ва Худо унинг хоҳишини тасдиқлаётганини хис қилди. У эркак билан шимолий Вьетнамнинг узок қисмида жойлашган унинг она шахрига боришга рози бўлди. У ердаги аҳоли жуда камбагал, ҳар бири фақатгина биттадан алмаштириш учун кийими бор эди. Уни бир йил кийишар эдилар. Айрим масихийларни ибтидои яшаш шароити ва қишлоқнинг анқиган хиди ҳайратга солди. Бошқаларини эса, аҳоли уларга нисбатан ишонмасдан қарashi қўрқитарди. Аммо бу қишлоқда улғайган одам, Мейни таништирида ва улар хурсандчилик билан кутиб олдилар. Тез орада у ерда ўсишни бошлаган жамоат пайдо бўлди. Бу эркак кўп марта Мейга, уларни Масихга олиб келгани учун миннатдорчилик билдириди.

«Улар бизда Масихни кўрганларида» – дея тушунтирида кейинроқ у, – «улар осонлик билан Масихни қабул қилдилар».

Мейга айниқса Хмонг қабиласи одамлари ёқарди ва у уларнинг олдига тўлиқ бир ойга боришни режалаштира бошлади. У ерга саёҳат жуда даҳшатли эди: олдинига тун бўйи поездда, кейин эса кун бўйи лиқ тўла бўлган автобусда юрасан. Кейин навбатдаги куни яна ярим кун автобусда ва қолган қисмини пиёда юриб ўтасан. Тогдаги йўлаклар жуда тик ва ёмғирли мавсумда улар жуда хавфли эди. Битта нотўғри босилган қадам, сени пастдаги дарёга қулатиб юборарди. Айрим пайтда у хар бир метрни қийинчилик билан босиб, тоққа тўрт оёқлаб тирмashiшига тўғри келарди.

Полициябуузоққишлоқлардамасихийларнинг йилишларига тўскинлик қилишдан бош тортишарди, чунки йўллари жуда хавфли эди. Улар етиб борган бир қишлоқда, полиция элликта масихийни дўпослаган, кейин эса мамлакатнинг бошқа жойига кўчишига мажбурлашган эди.

Мей Хушхабарни Хмонг қабиласи одамларига ваъз қиларди. У Худо Каломининг ўзгартирувчи кучига қайта ва қайта

ишинарди. **Масихийликни қабул қилгунча, кўпчилик аҳоли ароқхўр, бошқалари эса ҳайвонларнинг қони ичиладиган ғалати жодугарлик маросимларда қатнашишар эдилар.** **Масихийликни қабул қилишганидан сўнг** эса, улар бу маросимлардан воз кечишдилар ва ўз имони учун қувгин бўлишга тайёр эдилар. Улар **Масихнинг тезда келишига ишонишар ва Унинг келишига тайёр бўлишни хоҳлардилар.**

Мей уларнинг кўпроқ билиш хоҳиши борлигини тушунди ва Хмонг қабиласи масихийларини етакчи бўлишга ўқита бошлади. Улардан кўпчилигига ўқиш ўтказиладиган жойга етиб боришилари учун икки кун пиёда юришига тўғри келарди. Айрим қишлоқларда Муқаддас Китоб йўқ эди, бошқасида эса – дехқонлар кирқ-кирқ беш оиласа битта Муқаддас Китоб бор бўлса хурсанд бўлишар эди.

Айрим оиласалар Ханойга бориб, хеч бўлмаса битта Муқаддас Китоб сотиб олиш учун, ўзларида бор бўлган ҳамма нарсани сотишар эди. Аммо ўша ерда ҳам улар хмонг тилидаги Муқаддас Китобни топа олмасдилар. Ҳар сафар борганида Мей хушхабар элчилари ташкилотидаги дўстлари ёрдамида босиб чиқарилган, уларнинг тилидаги Муқаддас Китобларни кўпроқ олиб келарди. У кўлларида биринчи марта Худо Каломини ушлаган, Хмонг масихийларининг кўзларида хурсандчилик ва миннатдорчилик ёшини кўрганида, ҳар сафар хурсанд бўларди.

Узоқ саёҳатлар Мейни қийнаб юборди. Унинг ҳали ҳам худди Гонконгга кетишида қайикда бўлгани каби, йўлда кўнгли айнир эди. У айрим пайтда кўнгил айниши билан курашиб, нима учун Худо унга шифо бермасдан туриб, кезиб юриб ваъз қилишга чақиргани ҳақида ўйлаб қоларди. Поездда у туалетдан унча узоқ бўлмаган жойда ўтиришга ҳаракат қиласарди, чунки кўнгли айнишини биларди. Муқаддас Китоблар солинган қопларни мувозанатда ушлашга ҳаракат қилиб, у соатлаб мотоциклда ботқоқли йўл бўйлаб юради. У кўплаб километрларни пиёда босиб ўтган ва ҳар доим Муқаддас Китоблар олиб юради. У ҳар доим таниш масихийларнинг исмларини полиция кўлга олганида топа олмаслиги учун ўз кийимининг бўғимларига тикиб қўярди.

## Бошқа озодлик

Асосан унинг саёҳатлари тинч ўтар эди, аммо полиция Мейни биларди. Уни ўн марта қўлга олишган эди ва одатда уни бир неча соатдан тортиб ўн беш кунгача қамаб қўяр эдилар. Ҳар сафар у олиб кетаётган Муқаддас Китобларни мусодара қилишиб, масиҳийларни Худонинг Каломидан бебахра қилишардилар. У Гонконгдаги лагердан кетаётганида акаси унга айтган сўзларни эсларди. Ҳатто акаси хам ўша пайтда, у қайтиб келганидан кейин қанча қайғу чекиши, қанча кўнгилсизликларни бошдан ўтқазиши кераклигини айтганида, қанчалар ҳақ эканини англамаганди.

«Сиз ноқонуний ваъз қилаяпсиз» – деди унга полиция. «Вьетнам конституцияси диний эътиқодлар эркинлигини таъминлайди, аммо ҳукумат томонидан ибодат қилиш учун ажратилган жойларда ва ҳукумат томонидан кўрсатилган вактда». Бир марта унга полицияда ноқонуний ваъз қилганини тан олиб қўйишини сўрадилар.

«Бу ҳужжат ноқонуний» – деди индамасдан варакнинг тагига ёзиб берди Мей.

Полиция зобити келиб, масиҳийни синдиридим ва у қўл қўйди деб ўйлади. У ёзган нарсани ўқиганида, полиция зобити қофозни бўлак-бўлак қилиб ташлади. «Бизни аҳмоқ деб ўйлайсизми?» – қичқирди у.

Навбатдаги қўлга олишдан кейин, полиция ходимлари уни Муқаддас Китобни ва «ноқонуний» адабиётларни ноқонуний нашр қилаётганини тан олдириб, қўл қўйдиришга мажбуруладилар.

«Худо менга бу ҳуқуқни берган» – деди Мей уларга. «Сизлар менга тақиқлай олмайсизлар. Вьетнамда эътиқод эркинлиги мавжуд, шунинг учун мен ўзим хоҳлаган эътиқодга, ихтиёрий динга ишонишм мумкин. Мен қўлимда Муқаддас Китоб билан кетаётганимда, бу менинг эътиқодим. Мен бу ҳақда одамлар (семинарларда масиҳий етакчилар) билан гаплашганимда, улар аллақачон имонлилар, демак бу дин тарғиботи эмас. Биз факатгина биргана ишонамиз».

«Эркинлик мавжуд» – деди унга полиция ходими. «Аммо Вьетнамда биз эркинликни кути ичида ушлаймиз. Ким эркин, ким эркин эмаслигини биз ҳал қиласиз».

Полицияда Мейдан ўз ишини тарифлаб беришини ва бошқа ваъз қилмайман деган ваъдани ёзиб беришини сўрадилар. Мей ўзи шугулланаётган иш ҳақида хисбот ёзиб беришга рози бўлди. У қандай катта бўлганини, боболари рухига топинганини, Гонконгдаги қочқинлар лагерида қандай қилиб Худо ҳақида билганини, Вьетнамга қандай қайтиб келганини ва Худо уни қандай ўзгартирганини ёзиб берди. У тан олган нарсасини ёзиб берди.

Ваъз қилмайман дея ваъда бериб, ёзиш пайти келганида, у бунинг ўрнига: «Муқаддас Китоб – бу ҳукумат босиб чиқаришга (чексиз сонда) ва тарқатишга рухсат берган китоб. Муқаддас Китобда биз Худога топинишимиз, уйда уни ўқишимиз ва Хушхабарни бошқалар билан бўлишишимиз керак, деб ёзилган. Мен Муқаддас Китоб айтган нарсаларни қилаяпман».

Полиция ходимлари унинг «тилхатини» ўқидилар, кейин эса озод қилишга қарор қилдилар.

Ҳар сафар Мей саёҳатга тайёргарлик кўриб, қаергадир ваъз қилиш учун жўнаётганида, соатлаб ибодат қilarди. Бир марта эрталаб тонгда, бўладиган саёҳат учун ибодат қilaётганида, у ўзида муаммо бўлишини сезди. У ўз ҳамкорлари билан ҳиссиёти ҳақида бўлишди, аммо у уларни қамоқда бўладими ёки озодликдами, хамма нарсада Худонинг иродаси бўлишига ишонтириди. Мей ҳиссиётини таърифлаб берганида, у билан бирга бориши керак бўлган ҳамкор қиз йиғлаб юборди. «Худованд бу ҳақида билади» – деди далда бериб Мей. «Худо шу сафар сен мен билан боришинг учун ва биз бир-биримизни қўллаб-қувватлашимиз учун бунга йўл қўйди. Хавотир олма. Учрашувни мен ташкил қилдим. Сен ҳеч нарса учун жавоб бермайсан. Айбни ўз бўйнимга оламан» – деди.

Улар иккита аёл, хушхабар элчиси бўлган эркак ва ҳайдовчи машинага қараб йўл олдилар. Худди Худованд Мейни огоҳлантирганидек, уларда муаммо пайдо бўлди. Полиция уларни қўлга олди. Полиция маҳкамасида иккита эркакни битта хонага, қолган

иккита аёлни – бошқа хонага қамаб қўйдилар. Аёллар хонасининг бурчагидаги полда тешик – ҳожатхона бор эди. Чивинлар булути деворларда, полда ва бутун хонада бор эди. Ҳамма Муқаддас Китоблар ва бошқа китоблар мусодара қилинган эди.

Дам олишдан кейин Мейни Лан қамоқхонасига олиб боришиди. У камерага кирганида, у ерда аллақачон бир нечта хитойлик аёллар бор эди. Улар Хитойдан қочиб, Малайзияга этиб олишга ҳаракат қилишганда, Вьетнам полицияси ушлаб олган эди. Аёллар инглиз тилида гапиришга ҳаракат қилдилар ва Мей улар билан қўлидан келгунича гаплашди. Аёллар гурухига тушлик учун бир идиш гуруч берарди ва ҳар бири ўз қошиби билан умумий идишдан олиб ейишар эдилар. Мей ва унинг масихий дугонаси кўп вақтини ибодатда ўтказишарди. Улар ўзлари билан бир камерада ўтирган аёллар учун ҳам ибодат қилдилар.

Ҳар кун эрталаб соат саккизда қоровул Мейни сўроқ қилишга олиб кетарди. Уни уч соатлаб сўроқ қилишарди. Уни сиёсий маҳбус хисоблаб, синчковлик билан сўроқ қилишардилар.

«Нима учун сиз ҳукumatни ёмон кўрасиз» – дея сўради зобитлардан биттаси.

Ўзини тинчликда сақлашга ҳаракат қилиб у: «Менинг ҳукumatга нисбатан ҳеч қандай гаразим йўқ» – деди хотиржам оҳангда. «Мен Масихга эргашаман, У эса ҳукumatни ҳурмат қилиш керак, деб айтган. Мен улар учун ибодат қиласман».

«Сиз улар учун ибодат қиласизми?» – дея кулиб сўради зобит. «Бу Муқаддас Китоб қаердан чиқди? Сиз чет эллик жосуслар билан учрашасиз, шундайми? Тўгрисини айтинг!»

«Мен Муқаддас Китобларни Ханоеда ва Хо-Ши-Мин шаҳридан олдим» – дея жавоб берди. «Мен ҳеч қандай чет эллик жоссларни танимайман».

«Сиз нафақат уларни биласиз» – деди овозини баланд қилган зобит – «сиз улар учун ишлайсиз ҳам! Сиз ўз мамлакатингизга қарши чиқиб, чет элликлар фойдасига ишлайсиз!»

«Мен ўз мамлакатимни яхши кўраман» – деди Мей. «Шунинг учун мен бу ерга қайтиб келдим, чунки мен халқимни яхши кўраман».

«Сизнинг бошлиғингиз ким? Сиз билан бирга ишлайдиган бошқа масиҳийлар, сизларнинг етакчиларингиз кимлар?»

Мей бошқа имонлиларни айтишдан бош тортди. «Агар улар ҳақида билишни хоҳласангиз, улардан сўранг» – деди Мей. У кийимининг тугунига тикилган фамилияларни топиб олмагани учун ичидан Худовандга миннатдорчилик билдириди.

Сўроқ танаффусгача давом этди ва кейин Мейга камерасига қайтишга рухсат бердилар. Тушликдан кейин уни яна сўроққа ҷақиришди ва уни уч соат сўроқ қилишиб. Шундай тарзда ўн кун давом этди ва ҳар куни уни бошқа полиция ходими сўроқ қиласарди. Улардан айримлари унга қичқирап, столни ураг эди. Бошқалари эса хотиржам, секин овозда гапириб, улар аллақачон масиҳийларнинг йигилиши ҳақида ҳаммасини билишини, яхшиси ҳақиқатни айтгани маъқул эканига ишонтиришга ҳаракат қилиб гапиришар эди.

Ўнинчи куни ундан ўз нарсаларини йигиштиришни, уни бошқа камерага ўтказишини айтишди. Бунинг ўрнига уни озод қилиш ҳақидаги ҳужжатга қўёл қўйдириш хонасига олиб келдилар. У охирги марта бундай ҳужжатга қачон қўёл қўйганини эслади. Уни озод қилиш учун ҳужжатга расмга туширганида, Гонконгдан кетганига анча бўлганидек туюларди. Мей кулди. У ҳеч қандай жиноят қилмади. Қамоқдаги вақти Худо у билан бирга эканини ва унинг мақсади «манзилдан ташқаридагиларга» ваъз қилиш эканини яна бир маротаба тасдиқлади холос.

*«Мен озодман» – дея ўйлади у, қамоқхонанинг деворларини тарк этаётуб – «ҳақиқатдан озодман». У отаси ҳақида ва гарбга кетиб, озодликка эришиши ҳақида ўйлади. Аммо бунинг ўрнига бошқа озодликни топдим. Отам умид қилган озодликни эмас, балки ундан каттароқ бўлган озодликка эга бўлдим!*

### Хотима

Хушхабарни муваффақиятли ваъз қилишига қарамасдан, Мей дўйстона муроқотга интилар эди. У Худога ҳаётида ўзи билан бирга борадиган жангчи ҳақидаги ваъдасини эслатди. Худо бу

«жангчини» унга очиб бериши учун бошқа имонлилар у билан бирга ибодат қилдилар ва Худо айнан шундай қилди ҳам.

Нам масиҳий ва собиқ коммунистик полициячи эди. Худо унинг юрагига Мейга нисбатан севгини берди, аммо у кўп ойлар мобайнида буни Мейга айтмади. У фақатгина Худо хистуйғусини Мейга керакли пайтида очиб бериши учун ибодат қилди. Ва тез орада Худо шундай қилдики, Мей ва жамоатнинг бошқа етакчиларига улар бир-бирлари учун яратилгани яққол кўринди. Улар турмуш қурдилар. Хушхабарни ваъз қилиш ва масиҳий етакчиларни тайёрлаш учун қишлоқ жойларига саёҳат қилиб, ўз хизматини давом эттиридилар.

Намнинг отаси коммунистик хукуматда юқори мансабга эга эди ва албатта ўғлининг танлови уни хурсанд қилмади. Бошида у Мей билан гаплашишдан ва ҳатто бир хонада бўлишдан бош тортди. Мей ва унинг эри масиҳийларни уйига таклиф қилганида, унинг қайнотаси эшик олдида туриб, келган меҳмонларни ҳайдади. Охир-оқибатда Нам ва Мей, отасининг имондаги биродарлари билан учрашаётганини кўрмаслиги учун, ўз уйи атрофига девор куришларига тўғри келди.

Ўрмонга қиладиган ташрифларининг бирида Мей қорнидаги боласини тушурди. Биринчи бола тушуришидан кейин шифокорлар унга бошқа бола кўролмаслигини айтишди, аммо ёш эрхотинлар Худодан бола беришини ўтиниб сўрадилар. Мей яна ҳомилали бўлди, аммо унинг ҳомиласи жуда оғир кечди. Шифокорлар унга болани олдириб ташлашни маслаҳат беришди, аммо Мей бош тортди. Тугиш пайтида келганида, Мейни тўлғоқ тута бошлади, аммо ундан нарига ўтмасди. Шифокорлар Намга тирик қолиши учун бирини танлашини айтишди – хотини ёки боласини. Улар иккиласи ҳам тирик қолиши ҳақида ўйламадилар. Мей ва Нам иккаласи ҳам ибодат қилдилар ва Худодан боласига раҳм қилишини сўрадилар.

Худо иккаласини ҳам кутқарди. Мей соғлом қиз кўрди ва тезда соғайиб кетди.

Бола туғилганидан кейин Мей Вьетнамнинг узоқ жойларига бора олмади, аммо ўйидан узоқ бўлмаган маҳаллий жамоатларда фаол хизмат қилди ва қишлоқ жойлардан шахарга

келган масиҳий етакчиларни тайёрлади. Нам ўрмондаги узок қишлоқларга боришда, ҳеч бўлмаса ойда бир марта боришда давом этаяпти.

Худо Мейнинг юрагига уйсиз ва етим болаларга ёрдам бериш хоҳишини солди. У бу ишни бошлади ва унинг қизи ҳам бир кун келиб у билан биргаликда, «манзилдан ташқаридаги» ларга дунёни севувчи, ёвузликни йўқ қилувчи ва бизларни кутқариши мумкин бўлган ягона Худо хақида ҳикоя қиласидаган кунлар келишини билади.



## ЭСЛАТМА

Адел: Даҳшатлар ичидаги... умид

1. Филипликларга мактуби 4:13
2. Жиход – «муқаддас уруш» ни англатувчи арабча сўз.
3. Худо – буюк! Худо – буюк!

Пурнима: Бола қамокда, жони эса озодликда

1. Матто 10:28
2. Матто 5:10 га қаранг.

Аида: Овози йўклар учун овоз

1. Бу ноконуний масиҳий журналлар Совет Иттифоқидаги яширин баптист жамоатлари тамонидан нашр қилинган. Коммунистлар факатгина битта «тасдиқланган» масиҳий журнални нашр қилишга рухсат беришган. Унда совет ҳукуматига мос бўлган мақолалар босиб чиқарилган. Жамоатнинг ҳақиқий тарихини хикоя қилишни хоҳлаган яширин масиҳийлар босиб чиқарган ва тарқатган журналлари учун қамокка тушишлари мумкин эди.
2. Филиппликларга 3:10 га қаранг.
3. Аида ва унинг азоблари ҳақида қўшимча маълумотни Майкл Бордонинг «The evidence that convicted Aida Skripikova» номли китобидан ўқинг (Англия: Дин ва коммунизмни ўрганиш маркази, 1972 йил); (Америка нашриёти: Elgin, 111: David C. Cook Publishing Company, 1973).

Сабина: Масиҳ севгисининг гувоҳлари

1. «Чўпон! Чўпон»
2. Ибтидо 19:17
3. Матто 16:25

Линг: Азоб чекишлилар мактабида

1. Луқо 10: 2–3
2. Матто 25:1–13 га қаранг.

# 300

Оловли юраклар

Глэдис: Кечирим нажоти

1. Забур 37:4
2. Луко 23:34 вә Римликлар 8:28 га қаранг.
3. Ибронийларга 13:5 га қаранг.
4. Римликларга 12:14–18
5. Римликларга 8:28



# Мундарижа

Кириш . . . . .	5
Миннатдорчилик . . . . .	7
Кириш: Мард ва содиқ юрак . . . . .	9
Адель: Даҳшатлар ичидаги... умид . . . . .	13
Пурнима: Бола қамоқхонада, руҳи эса озодликда . . . . .	53
Аида: Овози йўқлар учун овоз . . . . .	85
Сабина: Масиҳ севгисининг гувоҳи . . . . .	117
Тара: Ҳар доим яшириниб яшаш . . . . .	167
Линг: Азоб чекиш мактабида . . . . .	201
Глэдис: Нажот кечиримда . . . . .	239
Мей: Хушхабарни ваъз қилиш учун. Яна Вьетнамга.... .	265